Таъкидлашим керакки, мен Тожиевлар оиласи билан яқиндан танишман, бир неча марта уларнинг даргоҳида бўлиб, бир пиёла чой устида суҳбатлар қурганман, тўй-у томошаларида қатнашганман. Узоқ йиллар давомида Мамаражаб домла билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бирга фаолият юритганман. Шу жараёнларда сездимки, Тожиевлар оиласи собиқ совет иттифоқи давридаги баъзи оилалар етиша олмаган ютуқларга эришган. Аммо эл-юрт олдида ўз хизмати орқали улкан ютуқларга эришишига қарамасдан ҳамisha камтарлик, одамийлик, меҳнатсеварлик каби инсонийлик фазилатларидан узоқлашмаган. Аксинча, маҳалла, жамоа, туман, қолаверса, вилоят миқёсидаги намунали оилалардан бири бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Оиладаги иноқлик, самимийлик, меҳмондўстлик каби хислатлар мана йиллар ўтмоқдаки эсимдан чиқмайди. Улар яшаган ҳовли кўз ўнгимда. Ҳовлидаги суҳбатимиз мобайнида, дастурхон тепасида осилиб турган ҳусайни бошли узумлар кўз олдимда. Ўтирган супамиз теварагида экилган атиргулларни ҳиди димоғимга урилиб тургани хали-ҳануз хаёлимдан нари кетмайди. Қишлоқ ҳаёти эсимга тушиб ич-ичимдан бу оила фаолиятига ҳавасим келган. Ажратилган ер майдонида экилган мева дарахтларидан мевалари "мени олиб татиб кўр", – дегандек турганларини биламан. Ўтирган жойимизда эса ҳаво қанчалик иссиқ бўлмасин, тангадек бўлсада иссиқ нури тушмасди.

Навбатдаги сафарларимнинг бирида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Ҳамидулла Назаров (жойлари жаннатда бўлсин) ҳам бирга борган эди. Кўпни кўрган бу инсон ҳам оиладаги хайрихоҳлик, ўзаро самимий меҳр-оқибатларини Тошкентга қайтаётганимизда уловда қувониб-қувониб сўзлаб берган эди. Айниқса, отанинг қизиқарли саргузаштлари, самимий меҳмондўстлик ҳамда мазали таомларни тайёрлаганини хушчақчақлик билан айтиб бергани бугунгидек эсимда. Ҳа, яна бир мулоҳаза: Мамаражабни онаси гарчанд олий ўқув юртини тугатмаган бўлсада, у кишининг мулоҳазали фикрлари, маданиятли муомаласи баъзи олий ўқув юртини битирган қиз ва аёллардан устун эканига ҳам эътибор берган эдим. Оиладаги саккизта фарзанднинг барчасидаги ижобий кўплаб хислатлар ана шу муштипар, меҳмондўст самимий инсондан ўтган бўлса ажаб эмас.

Мамаражаб Тожиев 2

Бу ерда халқимизнинг куш уясида кўрганини қилади, деган пурмаъно мақолини кўлласак тўғри келади. Зеро, фарзандлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат хайрихоҳлик ва меҳрибонлик ана шу ота-онанинг уйдаги меҳнати, намунали тарбиянинг натижаси деб биламан. Бинобарин, раҳматли ота-оналаримизнинг инсонийлик фазилатлари ҳақида фикр юритганимизда халқимизга ёд бўлиб кетган Ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги ўғитлари:

“Бошни фидо айла ота қошига,
Жисмни қил сатқа она бошига”,

сатрлари ёдимга тушади ва уларга нисбатан бунданда кўпроқ фаолият кўрсатсак арзийди деб ўйлайман.

Қани энди иложи бўлса уларга шундай саждалар қилсакки, улар тирилиб қайтиб келсалар. Афсус, иложи йўқ. Ҳа, "Отажонимиз ва онажонимиз биз фарзандлари учун кўлларидан келган барча яхшиликларни аямадилар. Дуолар қилишда чарчамадилар. Бизларни завқли ҳаёт кечиримизнинг сабаблари ҳам шундан деб биламан. Уларнинг ётган жойлари жаннатдан бўлсин", – деб сўзига қўшимча қилди М. Тожиев.

Ҳа, ҳақиқий одамийлик, кишининг ўз олдига қўйган катта мақсадларидан келиб чиқади. Яъни, инсон ўз олдига улкан мақсадларни қўйса ва шу мақсадларни амалга оширишга шайланиб яшаса, унинг оилага, жамоага, жамиятга, юртга садоқати, халқига бўлган муҳаббати ҳам тобора ўсиб, мукаммаллашиб бораверади. Назаримда ота-онадан шулар каби инсонийлик мақсадлар сари интилиш хислатларни акс этиши Мамаражаб Тожиевнинг фаолиятига ҳам бевосита алоқаси бор.

Тожи отанинг бошқа фарзандлари қатори Мамаражаб ҳам 1973 йили Қамашини туманидаги 21-сонли умумий ўрта мактабни тугатиб, Урганч давлат университетининг (собик Хоразм давлат педагогика институти) математика факультетининг математика-иктисодиёт таълим йўналишига ўқишга киради ва 1977 йили "Математика ва иқтисодиёт" ўқитувчиси мутахассислигини олиб, 1977-1978 йилларда Қамашини туманидаги 32-сонли умумий ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Мамаражаб Тожиев ўша даврларни қуйидагича эслайди: “Мен 32-сонли умумий ўрта мактабда устоз, шоир-бахши Ҳазратқул Худайбердиев (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин)дан таълим-тарбия соҳасида кўплаб

сабоқлар олганман. Шу билан бирга, у кишидан ўқиш жараёнида, ишлаб юрган кезларида айрим сабабларга кўра иш юзасидан тортишиб ҳам қолганман. Шундан кейин Тошкент шаҳарига иккинчи мутахассисликни олиш – “ҳуқуқшунос” бўлиш ниятида ўқишга тайёргарлик кўрганман. Ўша даврларда қишлоғимизда тўйларнинг “Кўпкари”си бўлар эди. Кўпкарида томошабин сифатида иштирок этаётган Қарши давлат педагогика институти (ҳозирга Қарши давлат университети) доценти, устоз Шайман акани (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) кўриб қолиб отамиз у кишини меҳмондорчиликка таклиф этдилар. Юқорида бир неча бор таъкидлаганимдек, отамизнинг меҳмондўстлиги, дўстлар даврасини севиши бу ўринда ҳам қўл келди. Онажонимиз одатдагидек яхши дастурхон тайёрлади. Дастурхон устида гапдан-гап чиқиб, мавзу мен ҳақимда келиб тўхтади, Шаймон ака мени суҳбатга тортиб фикрларимни эшитди.

Мен ўз фикримни баён қилганимда, у киши отамизга юзланиб: – мен сезиб турибманки, Мамаражаб келажакда нафақат иқтидорли, яхши мутахассис, балки фан номзоди, фан доктори, профессор бўладиган йигитга ўхшаб турибди, – деб фикр билдирди. Бу фикр ҳозир ҳам ўша кундагидек эсимда. Шу суҳбат сабаб бўлди-ю мен ўз устимда ишлашим кераклигини сездим. Бунга устозни фикри туртки бўлди. 1979 йили Қарши давлат университетининг (олдинги Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти) “Олий математика” кафедрасига ишга кирдим. 1979-1983 йилларда кафедрада ўқитувчи бўлиб ишладим. Ишлаш жараёнида илм қилишга ҳаракат қилдим, илмга қизиқиш хусусияти оша борди. Натижада мен пойтахтга, Тошкент шаҳрига боришга қарор қилдим. 1983 йилда мен Низомий номидаги олдинги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг “Математика ўқитиш методикаси” кафедраси аспирантурасига ҳужжат топшириб унга қабул қилиндим. 1986-йилда аспирантурани битиргач, яна шу кафедрада ўқитувчи бўлиб ишлай бошладим, – деб сўзини давом эттирди Тожиев.

Ўша даврларда Мамаражаб билан бўлган учрашув ва суҳбатлар доимо ва тез-тез эсимга тушиб туради. Аслида мен ўша кезларда институтнинг коммунистик партия комитетида идеология йўналишини бошқарар эдим. Институтда 475 нафар коммунист бўлиб, умуман, 1200 дан ортиқ профессор-ўқитувчи меҳнат қилар

Мамаражаб Тожиев 2

эди. Институт салоҳиятидан келиб чиқиб, институтда завқли тадбирлар тез-тез ўтказиларди. Бу тадбирларда математика факультети олдинги сафларда борар эди. Чунки бу факультетда ташаббускор, меҳнатсевар педагоглар анча эди. Тадбирларни самарали ўтишига ана шу фидокор профессор-ўқитувчиларни хизмати катта бўлиб, булар қаторида А. Ҳикматов, Ҳ. Назаров, Н. Шербоев, А.Абдуқодиров, М. Мадиримов, Р. Юнусметов, М. Тожиев, Тошкент шаҳар халқ депутати, институт комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган Дилфуза Юнусова, ўқитувчи Н. Эшпўлатовларни доимий кўриб турар эдим. Ушбу профессор-ўқитувчилар ўртасида ёш олим Мамаражаб Тожиев қизиқувчанлиги, ҳаракатчанлиги, ташаббускорлиги билан ҳам хотирамда қолган. Айниқса, пахта йиғим-терими ва қабул комиссияларининг ишларида сидқидилдан меҳнат қилар эди. Нафақат илмий педагогик соҳада, факультет ва институтнинг жамоат ишларида ҳам доимо ташаббускор эди.

Бу даврда М. Тожиев талабаларга дарс бериш билан бирга математика ўқитиш методикаси соҳасида илмий изланишларини ҳам самарали давом эттирди. “Аспирантурани тугатганимга бироз вақт ўтган бўлсада, – деб давом этди М. Тожиев, – 1991 йилга келиб Москва давлат педагогика университети профессори п.ф.д. В. И.Мишин ва доцент Н.И.Чикансовалар раҳбарлигида математика ўқитиш методикаси (13.00.02)-ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим. Бу даврда ўқув жараёнида, жамоат ва тарбиявий ишларда иштирок этганим учун бир қатор фахрий ёрликлар ва қимматли совғалар билан ҳам тақдирландим”.

Ҳа, М.Тожиев камтарлиги, тўғри сўз ва адолатпарварлиги, билимдонлиги учун талабалар ва ходимлар орасида алоҳида ҳурмат-эътибор қозонди. Олийгоҳда меҳнат қилиб, бир неча йиллар давомда турли соҳаларда қизгин фаолият юритди. Ҳатто 1999 йилда Ўзбекистон телевиденияси М. Тожиевнинг ўқув ва илмий ишлар фаолиятига бағишланган 30 дақиқали очерк-лавҳа тайёрлаб намоёниш этди. Суҳбатимиз давом этар экан, “ – 1994-1996 йиллар да “Педагогика назарияси ва тарихи” кафедрасида докторантурага ўқишга қабул қилиндим, – дейди Мамаражаб домла, – бу даврда 40 дан ортиқ методик қўлланмалар, илмий-методик мақолалар чоп эттирдим. Университетдаги аспирант ва докторантларнинг илмий

мақолалари тўпламларига тақризлар бердим, масъул муҳаррирлик ишларини бажардим, айти пайтда “Ёш олимлар жамияти”га ҳам раҳбарлик қилдим, илмий котиб 3-босқич талабаси, ҳозирда профессор Барно Абдуллаева эди. Ажабмас, талабалик даврлардан Барнонинг илмий қобилиятини пайқаб, таклиф этган бўлсам. 1997-2001 йилларда “Математика ўқитиш методикаси” кафедрасида ўқитувчи, сўнг доцент ва профессор лавозимларида ишлаб, талабаларга таълим-тарбия беришда давом этиб, ўзимнинг ижобий томонларимни кўрсатдим шекилли, ҳар бир маъруза ва амалий машғулотларни қизиқарли, тасирчан ва юқори савияда ўтказганим ҳисобга олиниб “услугиётчи” деган унвонга сазовор бўлдим.

1998 йилда профессор Д.В.Маневич раҳбарлигида “Мақтаб таълимининг статистик тадқиқоти математика ўқитишининг дидактик моделлари асоси сифатида” мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли якунладим. Академик Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошидаги Ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилдим ва педагогика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлдим. Айтишим лозимки, озми-кўпми камтарона ютуқларга эришишимда турли таълим масканларида фаолият кўрсатган олим-профессорлар: Ж.Икромов, А.Н.Нурметов, Н.Р.Ғайбуллаев, Д.В.Маневич, академик Ш.Қ.Фармонов, академик Ф.Б.Абуталиев, профессорлар А.А.Абдуқодиров, И.Й.Турсунов, Д.Ш.Шодиев, У.Н.Нишоналиев, Б.М.Мирзахмедов, З.Д.Давронов, Б.Зиёмухаммедов, Н.Шербоев, Т.Тўлаганов, М.Мадиримов, И.М.Ғайсинская, Ҳ.Ҳ.Назаров, Ў.Тошметов, М.Хайтмуродов, Н.Эшпўлатовлар, профессор-устозлар Халил Сиддиқов, Мир Полвонович Назарий, Фарход Ражабов, Султонпошша Машарипова, Қурол Наврўзов, Исмоил Абдуллаев, Тохир Матжонов, Ражаббой Искандаров, Собир Садуллаев, дўст-акахонларим Ибодуллаа Саъдуллаев, Омон Полванов, Султон Абдиримов, Чори Холбоев, дўстларим Каримбой Қуронбоев, Эркин Низомхонов, Содикжон Жабборов, Абдуғаффор Сафаров, Рўзикул Сафаров, Ўктам Матназаров, Муродхон Муқимов, Жўражон Муродов, Эшонкул Эшмирзаев, Ашур Усмонов, Тиркаш Шомуродов ва бошқалардан дўстлик ва илм қирраларини, ташкилотчилик фазилатларни, илғор ўқитиш усулларини ўрганганим сабаб бўлди. Уларнинг баъзилари фоний

дунёдан боқий дунёга кетган бўлсаларда, руҳлари олдида таъзим қилиб, Аллоҳ уларни жаннатига қабул қилишини сўраб юраман.

1998-2001 йиллари Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида “Аниқ фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси” бўлими бошлиғи ҳамда шу институтнинг касаба уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатдим. Ушбу илмий даргоҳда озми-кўпми фаолият кўрсатиш давримда амалиёт билан назариянинг бирлиги ҳисобига ўз соҳамнинг олими даражасига эришдим десам хато бўлмас. Фаолиятим давомида математика ўқитиш методикасини такомиллаштириш билан бирга республика таълимини статистик тадқиқ қилиш ҳамда таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб бордим”.

Таъкидлашим жоизки, бу даврда М.Тожиев етук олим сифатида шаклланиб улгурди. Монография, услубий қўлланма ва илмий мақолалар нашр эттирди. Бу ишлардан хабардорлигим сабаби, ўзим ҳам олийгоҳда фаолият юритганим туфайли, турли таълим соҳасидаги изланишлар билан қизиқиб юраман. Зеро, Тожиевнинг нашр эттирган монография, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма, мақолаларига тақризлар берганман, муҳаррирлик қилганман. Чунки турли фанларни ривожланиши ва янгиликларини кузатиб бориш файласуфларнинг ҳам зиммасида туради. Бинобарин, фалсафа фани математика, педагогика фанларининг ҳам методологияси ҳисобланиши маълум. Демокчиманки, шулар сабабли М.Тожиевнинг илмий ишларини мазмун-моҳияти билан қизиқиб юрдим.

Ҳа, ҳамкасбим республика таълим тизимининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди ва кўшиб келаётир. Жумладан, математика фанидан умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари асосида бир қанча дастурларни, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимини, умумий ўрта таълим 1-4 синф ўқувчилари билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимини, ўқувчиларнинг 5-9 синфларда математика фанидан эгаллашлари зарур бўлган билим ва кўникмаларни, таълим жараёнида замонавий ахборот ҳамда педагогик технологиялардан фойдаланиш, баҳолаш методларини ишлаб чиқишда фаол қатнашганини яқин ҳамкасбларидан тез-тез суҳбатларда эшитиб тураман. Мазкур мақолани ёзишим жараёнида

Тожиевнинг таржимаи ҳоли билан яна бир бор танишар эканман, у кишининг илмий ишлар рўйхатига кўзим тушди. Жумладан, "Давлат таълим стандарти ва дастури", "Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими", "Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари" (методологик аспект: янги педагогик технологиялар, муаммолар, ечимлар ва боҳолаш методлари), "Ўқувчиларни 5-9 синфларда математикадан эгаллашлари зарур бўлган билим ва кўникмалар" (методик қўлланма), "Мактаб ўқувчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш муаммолари", "Геометрияни аксиоматик асосда қуриш масалалари", "Ўқитиш технологияси ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари", "Педагогическая технология в профессиональном образовании учителей", "Рейтинг тизими технологияси", "Таълимда янги педагогик технологиялар", "Ўзбекистонда тест синовларини ўтказиш ва ривожлантириш муаммолари", "Развитие математических способностей учащихся на основе преемственности обучения" ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Такдир тақозоси билан қарангки, 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ ва божхона қўмитасида Мамаражаб домла билан яна бирга ишлашга тўғри келди.

Мамаражаб Тожиев 2001-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси (собиқ Солиқ ва божхона органлари Академияси)да аввал "Маънавият" маркази бўлими бошлиғи сўнг, "Илмий-тадқиқот" ва "Ўқув услубий" бўлимларда бўлим бошлиғи, Ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу даврларда ҳам академиянинг жамоат ишларида фаол қатнашди. Докторлик ҳамда номзодлик диссертацияларига илмий раҳбар ва тақризчи, оппонент сифатида нуфузли ихтисослашган илмий кенгашларнинг аъзоси бўлиб академиянинг нуфузини кўтаришда ҳамisha сидқидилдан меҳнат қилди.

Бирга ишлаш жараёнида (мен "Ижтимоий фанлар" кафедрасининг мудури эдим), биламанки, Мамаражаб Тожиевнинг саъй-ҳаракати билан академия илмий ишларининг устувор йўналишлари аниқланиб олинди. Профессор-ўқитувчилар учун "Илм-назария, амалиёт" ва "Педагог маҳорати" илмий-методик семинарларини ташкил қилди. Академиянинг республикаміздаги

Мамаражаб Тожиев 3

нуфузли олий ўқув юртлари билан илмий-тадқиқот соҳасидаги ҳамкорликлари йўлга қўйилди. Мамаражаб Тожиев бошқарув тизимида ишлаш билан бирга илмий-методик изланишларини самарали давом эттирди. Ўша йилларда унинг нашр эттирган илмий-методик ишларининг ҳажми 100 босма табоқдан ортиб кетган. Шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К. 14. 20. 01-Ихтисослашган илмий кенгашнинг аъзоси сифатида фаолиятдан ҳам хабарим бор. Умуман айтганда, олим ўзи яратган мактаби билан юқори малакали кадрлар тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди. Унинг раҳбарлиги ва илмий маслаҳатлари асосида Н.Жумаев, М.Дивонова, Г.Изетаева, О.Гайбназаров, Д. Қучқаров, М.Қучқаров, И.Зулфиқоров, Г.Баҳодирова, Сауле Юнусова, Э.Шарипов, Д.Турдибоев, А.Хуррамов, З.Сиддиқов, М. Эгамов, К.Мамадалиев, К.ДЖакаева, А.Алимов, Э.Худойназаров, Г.Оппаева, О.Душабоев, Р.Норбаевалар. Шунингдек хориждан Косибай Айткожин, Бахитжан Шанкибаев, Жансаи Аширбаева, Гульдана Тотикова, Жалгас Ахметов, Дархан Тойбазаровлар узлуксиз таълимни ривожлантириш бўйича устувор илмий-тадқиқотлар йўналишлари ва муаммолари бўйича тадқиқот ишларини олиб бориб, педагогика фанлари доктори ҳамда педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлдилар.

Қаҳрамонимиз бугунги кунда ҳам кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш соҳасидаги ўзининг илмий ва бошқарув соҳаларидаги фаолиятини масъулият билан олиб бормоқда. Хусусан, “Комплекс тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда, “Миллий инновацион фаолият: мақсад ва вазифаларини аниқлаш”, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълимини 2008-2012 йилларда ривожлантириш дастурини, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари фаолиятини режалаштириш тартиби”ни, таълим сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтаришга қаратилган “Фанлар бўйича ўқув дастурини яратиш тартиби”ни ва профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакаси, педагогик маҳорати ва маънавий камолотини ривожлантириш бўйича “Олий таълим тизимини такомиллаштириш меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг дастури”ни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб келди.

Шунингдек, М.Тожиев Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишнинг илмий-назарий асослари” мавзuidaги 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари доирасидаги лойиҳага илмий раҳбарлик қилган эди. Маълумки, бугунги кунда ҳам халқ таълими, ўрта махсус ва олий таълим тизимида таълим жараёнини замонавий педагогик технология билан таъминлаш – бажариладиган жиддий вазифа сифатида белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнининг асоси бўлган, ўқитиш усуллариининг энг замонавий – педагогик технологиянинг ҳудудий моделини яратиш ва уни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ қилиш масаласи билан узвий боғлиқ. Бу соҳаларни амалга оширишда ҳам М.Тожиевнинг хизмати бор. Яъни бу муаммоларни ҳал қилиш учун собиқ Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш маркази илмий ходимлари, шахсан Мамаражаб Тожиев раҳбарлигида республикамизнинг кўзга кўринган педагог олимлари билан ҳамкорликда илмий асосланган таълим технологиясини тадқиқ этиш йўлида бир нечта ишларни амалга оширган. Жумладан, тизимлар назарияси (теория систем)нинг барча қонунларидан келиб чиққан ва ривожланган хорижий мамлакатларда мавжуд педагогик технологиялар тамойилларига суянган ҳолда, педагогик технологиянинг миллий модели яратилди. Бунда М.Тожиев раҳбарлигида хорижий мамлакатлар ва республикамиздаги педагогик технологияга бағишланган адабиётларни таҳлил қилиб, шу асосда педагогик технологиянинг илмий-назарий асоси маълум бир тартибга келтирилган. Натижада, М.Тожиев, Ў.Қ.Толипов, Э.А.Сейтхалилов, Б.Зиёмуҳаммадовлар томонидан “Педагогик технология – замонавий илмий-назарий асоси”. I-қисм. Услубий қўлланма, ОЎМКХТРМ. – Тошкент: “Ishonch M.S.” нашриётида чоп этилиб тарқатилган.

Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган педагогик технология тамойилларидан оғишмаган ҳолда, тизимлар назариясининг барча қонунларидан келиб чиқиб ҳамда республикамиздаги ижтимоий-педагогик шароитни ҳисобга олиб ҳудуддаги профессор ва педагогларнинг маърифий менталитети асосида, педагоглар

Мамаражаб Тожиев 3

жамоатчилигига тушунарли бўлган педагогик технологиянинг замонавий модели яратилган. Натижа сифатида, Б.Зиёмухаммедов, М.Тожиев “Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели”. II қисм. Услубий қўлланма, ОЎМКХТРМ. – Т.: “Lider Press”, 2009 чоп этилган.

Лойиҳалаш асосида модулли ўқитиш назарий жиҳатдан тўла асосланган бўлиб, бугунги кунда уни таълим жараёнига татбиқ этиш энг долзарб масаладир. Шундан келиб чиқиб тажриба – синовнинг биринчи маҳсули сифатида М.Тожиев ўзининг шогирдлари билан ҳамкорликда республика таълим жараёнидаги фанлар ўқув машғулотларининг илк лойиҳалари (М. Тожиев, А.Я. Алимов, Д.У.Қўчқоров “Педагогик технология – таълим жараёнига татбиғи: бошланғич таълимда математика ўқитиш методикаси фани дарсларининг лойиҳаси II қисм. “Тафаккур”, 2010.) ни қўлланма сифатида нашр этилди ва таълим-тарбия амалиётига сингдирилмоқда. Мазкур ўқув-услубий қўлланма республикада узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, педагоглар жамоаси, илмий-тадқиқотчилар учун зарур манба бўлиб, педагогик технологияни таълим жараёнига жорий этиш масалаларига бағишланган. Бу фанларнинг барча машғулотлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда андоза ҳамда таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича услубий ёрдам бўлади. Юқорида номлари зикр этилган ўқув-услубий қўлланмалар русизабон тилдаги педагоглар жамоатчилиги учун (Б.Зиёмухаммедов, М.Тожиев, С.Зиёмухаммедова, Э.Худойкулов “Основы педагогического мастерства и методология практической реализации региональной модели педагогической технологии”, ЧП “Тафаккур”, 2010.) ҳам чоп эттирилган. Мақолани ёзиш жараёнида гувоҳ бўлдимки, М.Тожиев ва бошқа бир қатор олимларнинг тавсиясига кўра, таълим муассасаларидаги масъуллар педагогик технологиянинг миллий моделини оммалаштиришга ўз ҳиссаларини қўшгани учун таълим-тарбия соҳаси янада тараққий этмоқда. Ушбу фикримни М.Тожиевнинг педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқув машғулотлари лойиҳаларига оид 50 ортиқ дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланма ва илмий монографияларни нашр эттиргани тасдиқлайди. Хусусан, М. Тожиев диссертация ҳимоя қилингандан кейин 8 та монография, 2 та дарслик, 4 та ўқув

қўлланма, 11 та ўқув ва илмий-услубий қўлланма, 4 та методик қўлланма, 2 та тавсиянома, 1 та компьютер дастурий маҳсулоти, 33 та илмий мақола, шундан 2 та илмий мақола хорижий мамлакатларида, 9 та илмий иш МДХ да нашр этилган. Шундан, М.Тожиев, М.Ўролова, Н.Ашуров, Г.Баҳодирова “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари (педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи). Ўқув қўлланма/ – Т. : «МУМТОЗ СЎЗ», 2010. – 204 б. 2011 йил “йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” танловида биринчи ўринни олган ва II даражали диплом билан тақдирланган. Шунингдек, М.Тожиев, А.Алимов, Д.Кучқоров “Бошланғич синф математика ўқитиш методикаси фани дарсларининг лойиҳаси”. 2 қисм. / (ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази. – Тошкент: “ТАФАККУР”, 2010. – 148 б.) 2011 йил “йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” танловида фахрий ёрлик билан мукофатланган.

Мамаражаб Тожиевнинг юрт равнақи учун, халқимиз маърифати ва маънавиятини юксалтириш учун қилган хизматлари фақат шулар билангина чекланиб қолмайди. У яқин беш-ўн йилларда шогирдлари билан биргаликда республикамиз таълим муассасаларда ўқитиладиган фанларнинг ўқув машғулот ва дарсларини модул технологияси лойиҳасининг андазасини ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

М.Тожиев кейинги 17 йилда “Олий таълим, фан ва инновациялар” вазирлиги (олдинги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) қошидаги собиқ Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказида масъул лавозимларда фаолият кўрсатиб келди, унинг ушбу меҳнатларини қадрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 майдаги Фармониға биноан таъсис этилган “Ўзбекистон Республикаси Мустақллигининг 30 йиллиги” эсталик нишони билан тақдирланди.

Бугунги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институтида бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Мақоламни якуниға етар эканман, яна шу жойда, домланинг ўз оиласи тўғрисида ҳам фикр юритмоқчиман, буни зарур деб билдим.

Мамаражаб Тожиев 3

Мамаражаб домлани жозибали оилада, юқорида ўсиб тарбияланганини қисман ёритган бўлсамда, энди ўз оиласида ҳам ижобий, намунали томонлар кўзга ташлангани ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман. Бунинг асосий сабабларидан бири оиланинг иккинчи кўрғони бўлган турмуш ўртоғи Жумагул Амиркулова тўғрисида ҳам мамнуният билан холисона сўзласам, нур устига аъло нур бўлади. Келинимиз тарбия топган Амиркул бобо ва Окгул онамизнинг оиласи Қамаша туманидаги обрў-эътиборга эга бўлган оилалардандир. Ана шу оила ҳам Тожи ота, Зархол ая оиласига айтилган самимий, ижобий фикрларимдек мақтовга сазовор бўлган оиладир. Демак, ўз оиласини қўллаб-қўвватлаб келаётган келинимиз Жумагулхон Амиркуловадир.

М.Тожиевнинг юқорида келтирилган далил-ютуқларини қўлга киритишда келинимиз Жумагулхоннинг бекиёс ҳиссаси бор. Бу меҳнаткаш аёл турмуш ўртоғини муваффақиятлари учун ўз меҳнатини аямади. Уйда тинч ва осойишта, зарурий шароитни муҳайё этишга интилди. Фарзандлар тарбияси билан доимий машғул бўлди. Турмуш ўртоғининг бирини икки, иккисини тўрт қилишга ҳаракат қилди. Баъзи қийинчилик лаҳзаларида турмуш ўртоғини ёнида бўлди, қўллади, кўнглини кўтарди. Ёш фарзандлар инжиқликларига сабр қилиб уларни тўғри йўлга бошқарди. Оилада беш нафар фарзандлар вояга етди. Улар Шахноза, Лола, Шамсиддин, Лобар ва Фазлиддин, куёвлари Шарофиддин, Шерзод, Азизбек, келинлари Лайло, Нодирахон ва уларнинг зуриётлари, Шаҳриёр, Шаҳризода, Исфандиёр, Ҳумоюн, Муслима, Мумтозабегим, Фирдавс, Муҳаммад Аъло, Муҳаммад Али, Муҳаммад Амир, Саид Амир ва Солиҳа кабиларнинг раҳномосидир. Уларнинг барчасини отаси ва бобосига бўладиган илиқ ҳурматни дилбандларида шакллантирди. Бу ўринда, яна ҳазрат А. Навоийнинг:

Фарзанд ато қуллигин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки отага кўп риоят қилғай
Ўғлидан анга бу иш сироят қилғай,

деган ўғитлари бу оила фаолиятига ҳам тўғри келади десам, хато бўлмайди. Тожиевларнинг оиласида неча бор бўлган бўлсам, шу жараёни гувоҳи бўлдимки, Тожиевнинг фарзандлари ота-онага

сидқидилдан меҳр кўйган, уларни ҳурматини ўз жойига кўйган, тарбия кўрган, самимий фарзандлардир. Булар: Шаҳноза Тожиева – мустақил тадқиқотчи, Лола Тожиева – Тошкент шаҳри, Олмазор туман давлат нотариал идораси нотариус ёрдамчиси, Шамсиддин Тожиев – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, Лобар Тожиева – Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 50-оилавий поликлиника ва Фазлиддин Тожиев – Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти, тадбиркор. Уларни шундай бўлиб камол бўлишида келин Жумагулхон хизмати катта.

Дўстимизнинг илмий ва ижодий режалари улкан, ҳаёт тажрибалари билан ақли тўлишган. Бугунги кунда бизлар: тафаккур уфқи яна ҳам кенгайган олим Мамаражаб Тожиевга асло чарчманг, деб қоламиз.

**Зиёдулла Давронов, Тошкент
молия институти профессори,
фалсафа фанлари доктори.**

ОТАНИНГ ТАРБИЯСИ ВА ОНАНИНГ МЕҲРИ ИЛА ФОЗИЛ УСТОЗ ДАРАЖАСИГА ЕТГАН ОЛИМ

Жаҳоннинг етакчи олимлари яқдиллик билан ер юзидаги кишилик жамияти тараққиётини таъминловчи йўналишлардан бири, илм-фан жамиятининг ривожланишида асосий ягона мезон эканини асослаб бердилар. Бугунги кунда жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган илмий-техникавий инқилоб ва у билан боғлиқ инсоннинг табиатга бўлган таъсирининг тобора ортиб бориши ҳамда бошқа бир қатор омиллар, одамлардан табиат ва унинг элементларига, шу жумладан инсонга, илмий нуқтаи назардан тўғри ёндашишни талаб қилмоқда.

Юртимизда эришилган энг буюк неъмат мустақиллик, бошқа соҳалар каби илм-фан ва халқимиз миллий қадриятларини жаҳон ҳамжамияти олдида ўзига хос тарзда намоён бўлишида кенг имконият яратди.

Мустақиллигимизнинг ана шундай неъматларидан баҳраманд бўлган инсон, отанинг тарбияси ва онанинг меҳри ила фозил устоз даражасига етган олим, бўлам Мамаражаб ҳам истиқлол шарофати билан мустақиллик даврида одам, олам ва коинот ҳақида ва уни

Мамаражаб Тожиев 3

мукаммал англаш, баркамолликка эришиш лойиҳаси асосида шахсни тарбиялаш ва миллий педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳақиқий одамийлик кишининг ўз олдига қўйган катта мақсадларидан келиб чиқади. Яъни инсон ўз олдига улкан мақсадларни, улуғ ниятларни қўйса ва шу мақсадларни амалга оширишга шайланиб яшаса – инсонинг юртга садоқати, халқига бўлган муҳаббати ҳам тобора ўсиб мукаммаллашиб бораверади. Назаримизда бу сўзлар Мамаражабнинг фаолиятига бевосита алоқаси бор.

Мамаражаб математика ўқитиш методикаси соҳасида илмий изланишларини ҳам самарали давом эттириб, 1991-йилга келиб Москва давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори В.И.Мишин (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) ва доцент Н.И.Чикансовалар раҳбарлигида математика ўқитиш методикаси (13.00.02-ихтисослиги) бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Мамаражаб даврнинг комил онахони бўлган момоси Ўғил момо(105 ёшга кириб вафот этган. Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин), отаси ҳамда онажониси билан бўлиб ўтган воқеани қуйидагича эслайди: “Ўғил момом жуда ҳам соҳибжамол аёл бўлган, чунки кексайганларида ҳам юзидан нур ёғилиб турар эди-да, агар Аллоҳ аёлни яратишда 40 та асл гиёҳли тупроқдан фойдаланган бўлса, момомизни яратишда барча меҳри-гиёҳли тупроқдан аямаган, десам муболаға қилмаган бўламан, кўзлари мовий, оқ, бўйи баланд бўлган. Яккабоғ туманидаги шаманқирғизлик Тўра бўла (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) ва унинг ўғиллари Ислон ва Усмон бўлаларнинг айтишига қараганда, Ўғил момомизнинг авлоди ҳозирги Самарқанд вилоятининг Ургут тумани “Бахрин” қишлоғидан бўлган. Ривоятларга қараганда, Ургутнинг “Бахрин” қишлоғидан Қора Найза бобомиз бошчилигида қариндошларимиз ҳозирги Яккабоғ туманидаги “Уйчин” қишлоғига кўчиб келишган, Уйчин қишлоғининг ўрни Шаҳрисабздан Яккабоғ чорраҳасига 200 метрга етмасдан ўнг қўл томондаги майдонда жойлашган. Яъни, Хўжаилғор қишлоғи билан чегарадош.

Ўша қариндошларимизнинг фарзанди Муслим момомизнинг отаси билан Содик тоғамизнинг отаси тўн кийишган дўст бўлиб,

/

дўстлик риштасини узмаслик учун Муслим момомизни Уйчин қишлоғидан Қамайга, Содик тоғамизга келин қилиб тушириб келади. Содик тоғамиз ва Муслим момомиздан Ўғил момом, Кенжа ва Тилов тоғаларимиз дунёга келган. Муслим момомизнинг опасингиллари, ака-укалари Шаҳрисабзнинг Танхозидан ва Яккабоғнинг Шаманқирғиз қишлоқларидан. Шундан келиб чиқиб, Ўғил момомизнинг авлодлари аслида Яккабоғ ва Шаҳрисабздан бўлган, чунки хола-аммалари, тоға-жиянлари ва қориндош-уруғлари Шаҳрисабз ва унинг чегараси бўлган Яккабоғнинг тепа қисмидан эди. Ажабмас, момомиз темурийзодаларнинг уруғидан бўлса, чунки тарбияси каттиқ қўл, қарашлари ва жаҳтли, сўзи ўткир ва меҳрибон бўлган. Шунинг учун ҳам момомнинг ушбу жиҳати бешинчи авлоди бўлган фарзандларим ёки олтинчи авлоди бўлган набираларимга ўтган бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам, Шамсиддин ўғлимнинг 11 ёшли қизи Мумтозабегимни ҳозирда кичкина Ўғил момо – деб аташади, чунки юқорида Ўғил момомга берган ўхшатиш Мумтозабегимда мужассам-да.

Ушбу ходисаларни Мамаражаб кичик ўғли Фазлиддин ва келини Нодирахонларнинг ўтган йил (2022 йил) бўлиб ўтган никоҳ тўйлари билан боғлайди: “ўтган йил ноябрь ойида кичик ўғлимиз Фазлиддиннинг никоҳ тўйи бўлди, келинимиз Нодирахон Тошкентда туғилган бўлса-да, ота-онаси Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан. Қудамиз Рустамжон Жабборов (забардаст журналист) бугунги кунда мамлакатимизнинг етакчи телеканалларидан бирида хизмат қилади. Навоийшунос олим, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Рустамжоннинг отаси Мади аканинг суяги меҳнатда қотган. Ҳозирга қадар боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланади. Қизиғи шундаки, Мади аканинг отаси асли ургутлик бўлса, онаси Шаҳрисабздан. Тақдир тақозоси билан савдо иши бўйича ўтган асрнинг ўрталарида Шаҳрисабзга борган Турсункул ота шаҳрисабзлик қизга кўнгил қўйиб, Ургутга олиб кетган экан. Бу ҳам тақдирнинг ўзига хос тухфаси бўлса ажабмас. Нима бўлганда ҳам, фарзандларимиз бахтли-саодатли, ували-жували бўлишсин. Қудачилик мингйилчилик, – деб бежиз айтишмаган.

Шу ерда бобомиз ҳақида тўхталиб ўтишим жоиз, – деб ўйлайман, Абди Мўмин бобомиз (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) бу дунёни эрта тарк этган, моможонимиз тўрт фарзанд

бахти деб, қайта турмуш қурмасдан, улардан бир қизи эрта вафот этган, учта ўғил фарзандларини беками-кўст вояга етказган. Албатта, бунда момомнинг укаси шу даврнинг забардаст колхоз раиси бўлган Тилов тоғамизнинг (жуда катта чавондоз бўлган, Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) ўрни беқиёс.

Ривоят қилишларича, оилада энг кичиги бўлган Нормамат амаки (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) ҳикоя қилиб берган. Кунлардан бирида Абди Мўмин бобомиз акаси Худойберди бой (лекин шу даврларда бой бобо бўлмаган, Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) билан бирга тахминан 1925-1930 йилларда Ғузор (Ғузор тумани маркази) бозоридан қайтаётганларида (Ғузор билан Қамай оралиғида кичик дарёча бор, фақат баҳор ва куз ойларида сув кўпаяди ва ёзда эса жилға бўлиб қолади) дарёчадан кесиб ўтишда жароҳатланган бир киши, отдан йиқилиб, ерда ётган бўлади, боболаримиз у кишини уйларига олиб келади ва Байбича момомиз (Худойберди бой бобомизнинг аёллари, Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) ва Ўғил момомиз малҳам дорилар бериб, даволайди. Меҳмон қилиб, ака-укадек ғамхўрлик кўрсатдилар. Меҳмон тузалгандан кейин боболаримизга Афғонистонга кетаётганини ва қайта кўриша олмаслигимиз мумкинлигини айтади, шунинг учун кетишда уларга катта бойлик ташлаб, агарда ўлмасдан қайтиб келсам, ака-ука бўлиб шу ерларда яшаймиз, – деб хайрлашади ва отнинг жиловини Афғонистонга буриб, ўша томонларга қараб кетади. Лекин меҳмон қайтиб келмайди. Ҳақиқатан ҳам, боболаримиз замонасининг етук инсонлари бўлгани, меҳмондўстлиги шарофатидан бойлик ва мартабага эришган десам, муболаға бўлмайди, – деб ўйлайман.

Ўғил момом ҳақидаги ҳикоямни давом эттирсам, момом, отам ва онажоним 1990 йилнинг куз ойларида Тошкент шаҳрига бизникига меҳмонга келишган эди. Биз бир куни Тошкент шаҳрини оилавий айланишга чиқдик. Моможоним бироз чарчагани туфайли дам олинг деб, – набираси Шамсиддин (мартабаси бунданда улуғ бўлсин, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, ажабмас бу мартабаларга эришишда момо ва боболарининг дуолари ҳам туфайлидир) билан Олой бозори катта эшиги олдига ўтирғизиб кетдик, момомнинг кўлида Шамсиддиннинг бош кийими, ёнида эса Шамсиддин ўтирган, қолганлар бозорни айланишиб келишсак, момомнинг кўлидаги қалпоқча пулга тўлиб

кетган экан. Ҳаммамиз хайрон бўлдик. Момомдан бу нима деб сўрасак, билмайман болам, ҳамма пул ташлаб кетаверди, мен ҳам хайрон бўлдим, – деса, роса кулишган эдик. Демак шунақа улуғ моможонимни “тиланчи”, – деб ўйлашган. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз шундай савоб изловчи ва содда халқ-да!

Шундан кейин момом, отажоним ва онажонимиз билан Тошкентдаги ноёб иншоотлардан бўлган Тошкент телеминорасининг 100-120 метр баландликда томоша майдончасига чиқдик ва “Коинот” ресторанининг “мовий” залида меҳмон бўлдик. Момомнинг қанчалар миннатдор бўлганини тасаввур қилолмайсиз. Ҳа, моможонимиз насиб бўлса набира, чевара ва эвараларим эйфел минораларига борсин, – деб, дуолар қилди.

Мамаражаб кейинги даврларда отаси ва онажониси билан бўлиб ўтган воқеларни яна қўйидагича эслайди: “Отамиз шу даврларда кўзлари тиниқ кўрмай, ожиз бўлиб қолган эди, Онажоним турмуш ўртоғига бир етук аёл сифатида барча хизматларини адо этди. Биз фарзандлари онажонимиздан жуда ҳам миннаддоримиз. Шу кезлари, яъни қиш фаслида отам ва онажоним Тошкентда бизнинг, ҳозирда Шамсидинжон ва унинг оиласига ҳадя этган 52 уйда яшар эди. Шамсиддин Тошкент давлат юридик институтда (ҳозирда Тошкент давлат юридик университети) ўқир, Фазлиддин ҳар куни эрталаб уйқудан тургандан бобосининг олдига келиб (унда биз 51 хонадонда истиқомат қилар эдик), катта кишилардек “Ассалому алайкум”, – деб хонага кириб келар ва ҳол-аҳвол сўраб, бобожон кўзингиз кўраяптими, – деб сўрар эди, отажоним жуда ҳам миннаддор бўлиб, – ҳа кўраяпди, – дер эди, – сенинг толеинг жуда ҳам улуғ бўлади, – деб дуолар қилар эди. Шамсиддин ҳар куни ўқишга кетиш олдидан бобосидан дуо оларди. Отажоним: – Шамсиддинжон бир кунлар келиб Ўзбекистон Олий суди раиси, қудамиз Убайдулла Мингбоевга ўхшаб Олий суд раиси бўлгин, – деб дуолар қилар эди.

Республикада нуфузли олий таълим муассасаси ҳисобланган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Математика ўқитиш методикаси” кафедраси профессори қандай қилиб бу жамоага ишга келиши мумкинлиги, ҳақиқатан ҳам, кўпчиликни ўйлантирса керак. 1998 йили профессор Д.В.Маневич раҳбарлигида “Мактаб таълим-тарбиясининг статистик тадқиқоти математика ўқитишнинг дидактик моделлари асоси сифатида”

мавзусидаги докторлик диссертациясини ёзиб якунига етказган. Шу вақтда мустақиллик шарофати туфайли илк бор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси ташкил этилди ва Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошида педагогика фанлари ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи Ихтисослашган кенгаш ташкил этилди. Ушбу кенгашда биринчилардан бўлиб докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва педагогика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Бунда унга ижодий маслаҳатларини берган турли таълим масканларида фаолият кўрсатган олим-профессорларни ифтихор билан тилга олади.

Сухбатимиз давомида Мамаражабнинг ўзи яна қуйидагиларни фахр билан эслайди: “1996 – 1997 йилларда илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилиши, яъни республика ва халқаро илмий журналларда камида ўнта илмий мақола чоп этган бўлиш талаби кўйилмоқда эди. Шунда устоз Жўра Икромовнинг (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) тавсиясига биноан у кишининг шогирди (Чимкент шаҳридан бўлган, педагогика фанлари доктори, профессор) Дўсимхон Раҳимбек (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) ва ука-дўстим Аҳмад Ҳайитмуродовлар билан бирга Қозоғистон Республикасининг Алмаота шаҳрига бориб, бир нечта илмий жуналларда мақолалар чоп эттирдим.

Ҳақиқатан ҳам, 1997 йил охирларида илм аҳли кутган илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди ва салмоқли илмий янгиликлар республика ва халқаро илмий журналларда (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича) камида ўнта илмий мақола (шундан 4 таси халқаро ёки МДҲда) чоп этиш талаби кўйилди. Устоз, профессор Исломжон Турсунов раислигидаги Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошидаги Ихтисослашган кенгашда докторлик диссертацияни ҳимоя қиладиганлар режаси бўйича 10-рақамда навбатда турар эдим. Лекин Алмаота шаҳридаги нуфузли журналларда чоп этилган илмий мақолаларим ҳисобига биринчилар қаторида фан доктори илмий даражасига муяссар бўлдим”, – деди Мамаражаб.

Кейинчалик, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига директор лавозимига ишга келган профессор

И.Турсуновнинг қистови билан: устозлар И.Турсунов, Ж.Икрамов, У.Нишоналиев, Б.Мирзахмедов ва Д.Шодиевлар даврасида ҳазил-мутоиба билан, ҳимоядан кейин “ЎПФИТИга ишга қоламан”, деган ваъдамни олишган эдида”, – деб сўзини давом эттирди Мамаражаб, – шу туфайли 1998-2001йиллари Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти “Аниқ фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси” бўлими бошлиғи (0,75 ставка ўриндошлик асосида) ҳамда институт касаба уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатдим ва ушбу илмий даргоҳда ишлаш даврида амалиёт билан назариянинг бирлиги ҳисобига олим бўлиб шаклландим, – десам муболаға бўлмайди, – деб эътироф этади.

Мамаражаб билан суҳбатни давом эттирар эканман, “Мени илмга йўналтирган маскан – Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий жамоаси билан қисқа даврда ишлаб ортирган тажрибаларим бугунги кунда ҳам сермахсул илмий фаолият олиб боришимда асос бўлиб келмоқда”, – деган эди.

Умуман олганда, Мамаражаб ҳозирга қадар устоз ва шогирдлар билан ҳамкорликда 40 дан ортиқ илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, монография ва илмий рисоалар чоп эттирган.

Ўйлайманки, профессор Мамаражаб бўламиз томонидан ушбу нашр этилган асарлар юрт равнақи, халқимиз маърифати ва маънавиятини юксалтириш учун хизмат қилиши муқаррар. Мамаражабнинг илмда эришган барча ютуқлари отанинг тарбияси ва онанинг меҳри ила бўлган бўлса ажабмас.

**Жуманазар Бекназаров,
тиббиёт фанлари доктори, профессор**

ҲАМКАСБИМ, ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ МАМАРАЖАБ ТОЖИЕВГА МАКТУБ

“Ассалому алайкум, азиз дўстим Мамаражаб! Энг аввало, Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлашга ижозат берсангиз.

Бу қутлов замирида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳозирда “Олий таълим, фан ва

Мамаражаб Тожиев 4

инновациялар” вазирлиги) ҳузуридаги (собик) Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази жамоаси, раҳбарияти, устоз ва шогирдларнинг мен орқали сизга билдирган эзгу ниятлари мужассам. Сизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, бола-чақаларингизнинг орзу-ҳавасини кўриб, узоқ йиллар соғ-саломат юришингизни, жамоат арбоби, олим, педагог сифатида мамлакатимиз тараққиётига ўз кашфиётларингиз, билимингиз ва катта тажрибангиз билан ҳисса қўшишингизни тилаймиз.

Сизнинг педагогика фанлари соҳасида қўлга киритган муваффақиятларингиз асосини ҳаётингиз давомида тинмай қилинган илмий изланишлар, назарий-амалий фаолиятингиз ташкил этар экан. Демак, Сиз уни ёшликданок лойиҳалаштирган бўлишингиз керак, аниқроғи, режа ва дастур билан иш олиб боргансиз.

Бу лойиҳалаш фанининг олдиндан кутиладиган натижаларини башорат қилиш услубидан ҳам кўриниб турибди, уларга назар ташлайман: сиз, математика ўқитиш методикаси соҳасида муваффақият билан илмий изланишлар олиб бориб, 1991 йили Москва давлат педагогика университетидан 13.00.02 – “математика ўқитиш методикаси” ихтисоси бўйича номзодлик, 1998 йилда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгансиз.

Педагогика фанлари доктори, Халқаро педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси ва кўплаб эришган натижаларингиз, нафақат ўзимизда, балки хорижий давлатларда чоп этилган юзлаб илмий мақолаларингиз 20 дан ортиқ шогирдларингизга дастуриламал бўлаяпти, қолаверса, ўзингизнинг илмий мактабингизга эга олим саналасиз.

Биз узлуксиз таълим-тарбия соҳасига тавсия этаётган, янги “ФАОЛИЯТШУНОСЛИК” ўқув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми камина томонидан яратилиши кўзда тутилган. Унинг номи ва мавзуи “Ҳаётий жараёнларни лойиҳалаш”. Иккинчи қисми эса Сиз ва сиз раҳбарлигингиздаги муаллифлар жамоасининг қаламига мансуб бўлиб “Ўқув жараёнини лойиҳалаш” ёки унинг давоми сифатида “Фаолиятшунослик: Баркамолликка эришишнинг инновацион усуллари” деб номланган. Ўқув жараёни

деганда, ўқитувчи, ўқувчи-талаба, илмий изланиш, кашфиёт ва ихтиро яратишни ўргатиш ва ўрганиш назарда тутилади.

Ушбу асарларда фаолиятшуносликнинг инновацион модели берилган бўлиб, баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг методологик асоси, ўқитувчи ва таҳсил олувчи фаолиятини ташкил этишда замонавий педагогик технологияда миллий моделнинг ўрни ва аҳамияти, уни долзарблиги ва узлуксиз таълим тизимида фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концептуал асоси, модулли ўқитиш воситасида ўқув жараёнини лойиҳалаш ва кредит-модел тизими шароитида ўқитиш жараёнини ташкил этиш масалалари қаралган.

Ўқув қўлланма ва монографиялар узлуксиз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва таҳсил олувчилар, илмий-тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассисларига таълим-тарбияни ривожлантириш ҳамда янги авлод ўқув адабиётларни яратиш ҳамда ўқув-услубий ишланмаларни такомиллаштиришда методологик асос вазифасини ўтайди. Ҳамда инсониятнинг илмий амалий фаолияти тарихи эволюциясидан келиб чиққан ҳолда тамаддун тараққиётининг босқичларини ўрганади. Ҳаётий ва ўқув жараёнларида лойиҳалаш маданиятини шаклланишига замин яратади. Бошқа барча фанлар ва касбий йўналишлар, умуман, лойиҳалаш маданияти узвийлигини таъминлайди.

Ҳурматли устоз! Сиз ва сиз раҳбарлик қилган илмий жамоа томонидан яратилган асарларингизнинг мавзулари ичида фаолиятшуносликнинг фалсафий-ахлоқий асослари деган мавзуси борлигини эслайсиз. Бугунги кунда юз берган, ўта даҳшатли коронавирус офатининг кучайиб кетишига, энг аввало, тиббиётни лойиҳалашда, илмий кашфиётлар ва ихтиролар яратишда ахлоқий, инсоний қадриятларни унутган ҳолда, яъни барча соҳаларда фалсафий-ахлоқий меъёрларга амал қилмаслик натижасида юз берганини яхши биласиз.

Шу боис ҳам, фаолиятшуносликда, экология, нанотехнология, архитектура, геноинженерия, тиббиётдаги эҳтиётсизлик, санитария, эпидимология, потогенлар, вакциналар яратишда, дори-дармонлар ишлаб чиқаришда, радиотўлқинлар, магнит майдонлари, биомуҳандислик, энергетика ва бошқа кимёвий йўналишларда, умуман, замонавий ҳаётнинг номоддий объектлари ва ҳаётий

жараёнларни лойиҳалашда ахлоқий меъёрларга амал қилмаслик оқибатлари алоҳида боб қилиб киритилган.

Фаолиятшунослик бўйича педагогик билимлар инсон ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил этиш омили эканини тасаввур этдик. Ундаги барча жиҳатлар, кутилмаган вазиятлар, бошқа ҳодисалар инобатга олинган ҳолда лойиҳалаштирилади. Фаолиятшунослик фанининг предмети сифатида ҳаётий фаолият билан боғлиқ барча нарсалар узлуксиз таълимдан ўрин олиши зарурлигини кўрсатяпти. Масалан, чорвадор учун молларни қандай боқишдан ташқари, ветеринария қоидаларига қўшимча чорвадор саломатлигини асраш масаласи ҳам назарда тутилиши талаб этилади.

Фаолиятшунослик фани инсон ҳаётий жараёнларининг барча жиҳатларини, соҳа ва йўналишларини, ички ва ташқи ҳаракатларини қамраб олади. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, инсон фикри, ўйидаги ғояни моддийлаштирувчи восита, метод бу – фаолиятшунослик фани саналади.

Ҳурматли устоз! Сизга очиқ мактуб ёзиш орқали баъзи фикрларни ўртоқлашгим келяпти. Ўзингизга маълум, Уста Ширин Муродовнинг модерн услубидаги нақшлари тарихи, лойиҳаси ҳануз миллий архитектурамизнинг жавоҳири саналади. Шу каби Амир Темур ҳазратларининг чехрасини намуна сифатида тарихдан тиклаган инсон Малик Набиевнинг ретро-дизайни ҳисобланади. Ўзбек таомларининг шифобахшлиги, уларнинг технологияси, тайёрлаш услублари, дастурхон безаш билимининг катта олими, фалсафа фанлари номзоди Карим Маҳмудов саналади.

Шу каби тиб қонунларини илмий ва амалий лойиҳалаган инсон бобоқалонимиз Ибн Сино эканини олам тан олган, тўғрими?

Бугунги кунда ҳам Ибн Сино, Беруний авлодлари орамизда яшамоқдалар. Уларнинг кўпчилигида бу иқтидор яратганнинг иродаси, қолаверса, билим ва тажриба орқали касб-кор даражасига кўтарилган. Коронавирус билан касалланганларни даволайман, – деб чиқаётган, тиббиёт олимлари ва табибларимиз кўп. Замонавий тиббиётнинг юқори чўққисига чиққан олимларимиз, мутахассисларимиз билим ва тажрибаси туфайли касаллик бир мунча енгил ўтаётгани қайд этиляпти.

Устоз, бу вазифаларни бажариш учун фаолиятшунослик ва бошқа касбий фанлар, давлат стандартларига ўзгартиришлар, меъёрий ҳужжатлар ва кадрлар масаласида ишлашимизга тўғри

/

келади. Марказ бу борадаги энг яхши педагогик ишламаларни саралаб олиши, олий даражадаги мутахассисларни сафарбар қилиш вазифалари вазирлигимиз ва марказимиз жамоаси кун тартибида турибди.

Сизга йўллаган бу электрон мактубимни хоҳласангиз журналист мақоласи, – деб қабул қилинг, истасангиз илмий мақола сифатида танишиб қўйсангиз бас.

Айтгандек, бу мактубим Сизнинг таваллуд кунингиз билан қутлаш баҳонасида, илмий-амалий таклифга айланиб кетди. Устоз, соғ-саломат бўлинг. Невараларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг. Кўп йиллар педагог ва жамоатчи олим сифатида узлуксиз таълимни ривожлантиришга ҳисса қўшинг.

Доимо соғ саломат юринг. Сизга самимий тилаклар билан жамоамизнинг саломини етказувчи камина Дадахон”.

Дадахон Ёқубов,
Ўзбекистон санъат арбоби, профессор.

УЛУҒ ЗОТДИР ПИРУ БАДАВЛАТ ОНАЛАР (Нақшга кўчган гўзаллик)

Тун Зархол момо учун жуда ҳам узоқ давом этди. Кечадан бери неварасининг қизуви пасаймади. Бешикка белатгани қўймади, келинига. Қизуви лаҳс қилиб, нафас олиши қийинлашса, эсдан кетиши ҳеч гапмас. Чўлпон юлдузи ҳарир пардасини эргаштириб, икки кўча наридаги қишлоқ дўхтирникига қараб йўл олди. Кузнинг салқин ҳавоси қўл, бетни ачиштирарди. Дарвозани тўрт-беш марта қоқиб дўхтирни уйғотиб олди.

– Катта дўхтирга олиб боринг, – деб тайинлаб келувдим, моможон, – жаҳл қилди дўхтир. Қандай чидадингиз кечаси билан.

Дўхтир кийиниб чиқди. Сумкасини кўтариб, момога эргашди. Саҳардан – шомгача, шомдан – ярим тунгача тиниб-тинчимайдиган қишлоқ шифокорларига осонмас. Баъзи тунларни бедор ўтказишларига тўғри келади. Тунов куни Аширмат бобонинг юраги хуруж қилди, қон босимини тушириб, юрак уришини маромига етказгунича тонг бўзариб қолди. Уйга келиб ёнбошлаб кўзининг захрини қочиришга улгурди ёки йўқ. Яна серташвиш куннинг югур-югури бошланди. Зархол опам билан Тожи акам 8 нафар фарзандни

тарбиялаб, вояга етказдилар. Исмоил врач (жаррох), Мамаражаб педагогика фанлари доктори, Халқаро педагогика фанлари академияси мухбир аъзоси, профессор бўлди, Ботир фермер, Чори иқтисодчи, Фахриддин дипломат, Баҳодир банк ходими (Тошкент шаҳрида). Қизлари Жамила, Замира ўқитувчи, шириндан-шакар фарзандларнинг бахтиёр онаси ва рўзгорни бекаси.

Зархол опамни тенгқурлари профессор ва дипломатнинг онажониси, – деб фахр ва ҳавас билан қарашади. Опамнинг профессор ўғли Мамаражаб Москва шаҳрида 1991йилнинг июнь ойларида Москва давлат педагогика университети ҳузиридаги илмий кенгашда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу даврда Москвага борган отаси, қориндош-уруғлари ва камина билан онажониси Зархол янгам ҳақида бўлиб ўтган воқеани қуйидагича эслайман:

1991йил июнь ойлари эди, ҳимояга уч кун қолганда Тожи акам бошчилигида ака-укалари, тоға ва қориндош-уруғлари, яъни акамнинг укалари Норбой акам (ҳозирда Норбой ҳожи бобо, 97 ёшга кирдилар, ҳали ҳам тетик, соғ-саломат), Исмоил(врач), Халил акам(Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин), Қарши укам(аслида ўқитувчи, кўп йиллар Қамай ҚФЙ раиси лавозимида ишлади, ҳозирда фермер), Ўктам укам (катта лавозимда ишлайди), Исматуллахон укам (халқ таълими тизимида нуфузли лавозимда фаолият олиб бормоқда) ҳамда Мамаражабнинг кўшнилари ва энг яқин ака дўсти бўлган Абдуазиз ака (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин), Голиб укам(Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин), турмуш ўртоғи Жумагулхонлар Москвага келдик.

Ўша даврларни Мамаражаб жияним қўйдагича эслайди: “... онажоним бир қўйни сўйдириб, қўйнинг ўзини ёғига қовуриб, бериб юборган. Ҳимоя муваффақиятли ўтгандан сўнг отажоним Москванинг энг нуфузли бўлган “АРБАТ” ресторанида ҳимоя муносабати билан бир “пиёла чой” тадбирини ташкил қилди. Тадбирда барча ихтисослашган илмий кенгаш аъзолари, меҳмонлар ва яқин дўстларим иштирок этишган. Шунда қизиқ воқеа бўлган, қовурилган қуй гўштини ҳимоядан кейинги баъзимда дастурхонга тортилганда унинг мазаси россиялик устозларимни ҳайратга солган эди. Баъзда сўзга чиққан устозим профессор Мишин Василий Иванович отажонимдан сўраган, – “шу таомни ким тайёрлаган?–Мамаражабнинг онажониси, турмуш ўртоғим Зархол момо тайёрлаган, – деганида, – шахсан мен ва

устозлари номидан Зархол опамга бизнинг ҳайратимизни ва катта раҳматимизни айтиб қўйинг”, – деган эди, онажонимнинг пазандалиги (Аллоҳ раҳматига олсин) ҳозир келин ва набираларига ўтган.

Ҳа, бу фарзандлар осмондан улғайиб тушмаган. Ҳар бири учун жонини бериб тунни бешиги устида бедор ўтказиб, куюниб, суюниб, алла айтиб катта қилди. Қучоғининг иссиқ тафтини бериб, қалбидан зиё улашди уларга. Бунинг устига, қишлоқ аёлининг ташвиши рўзгорнинг тугамайдиган ғимир-ғимири”.

Зархол опам келинчаклигидан невараларига момо бўлгунчалик давргача рўзгорнинг оғири-ю енгил ишларини ўрнига қўйиб бажариб келди. Толдим, толиқдим, деган гапни ҳатто эрига ҳам айтмади. Ахир у аёл эмасми, айтгани билан зиммасида ишларни ким бажариб беради. Эҳ-хе ... олти-етти сигир соққан йиллари 50-80 килограмм сарёғни куви пишитиб олиб, жақиллаб (чакки билан туз аралашмаси иссиқ ўтказмайдиган масаллик) қишга ғамларди. Айронини қурут қилиб исроф қилмас эди. Сўраган қўни-қўшнига, унга кўмак берганларга йўқ демасди. Сахийлиги бор эди. Қўй жунидан ип йигириб, гилам тўқирди. Айтаверсак, адоғи йўқ, кун-кунора ишларининг. Эндиги келин-жувонлар нолийди, рўзгор уй жой қилдим, – деб. Зархол опамнинг бир кунлик ишини бир ойда ҳам бажармайди, бажаролмайди булар. Сигирни қўйни танимайдигани қанчадан-қанча. Супургини ушласа, қўл қаварадиганларни айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Нима деймиз, замон шуларники... Гўзал ҳаёт насиб этган экан кандини урсин.

Зархол опамга ўхшаган аёлларни қишлоқдан қидирсангиз сони беҳисоб. Бу момолар **гўзалликларини юз, кўз пешаналаридаги нақшларга кўчирган** қишлоқ аёллари... Уларни оддийгина оила бекаси ёки кундалик рўзгор юмушлари билан банд бўлган содда аёл деманг. Ўзига юклатилган вазифаларни уддалагандан сўнг ҳам бажарадиган ишлари кўп. Қишлоқдошлари қариндош-уруғи қўни-қўшнисини унутмайди. Келин бўлғуси қизларнинг сепига ҳисса қўшади. Алла ёр-ёр айтишни қойиллатади, билсангиз. Меҳнаткаш, фидойи ва олийжаноб бу қишлоқ аёлларининг жамиятда, оилада ҳам ўрни бор. Аёл зоти Момоҳаво авлоди, қирқта жони бор. Эҳҳе, қанча-қанча олим, академик, дўхтир, муаллим, қаҳрамон, саркардаларни тарбиялаб, кўкрак тутиб улғайтирган сулувлар шулар эмасми. Кузатинг, ўқиб билинг сўранг...Буюклардан кўпининг онаси қишлоқ

аёли. Зархол опам ҳам ана шундай улуғлардан бўлган қишлоқ аёлларидан бири эди.

Зархол опамнинг отаси Хўжакул бобо деҳқон, онаси Қизман сариштали рўзгорнинг бекаси. Қамай деб умумий ном билан аталувчи 15 қишлоқдан бири Карвон. Чечанлар, жуйруклар дўмбирачилар чиққан бу макондан. Шу боис, Зархол опам мақолларни кўп билади.

Узоқ умр – Яратганнинг неъматиди. Зархол янгамнинг таъбири билан айтганда, “юрган дарё, ўтирган бўйра”. Лекин юрт кезиб юргану кўпини кўрган ҳам дарё. Араб амрлигида бир ярим ой, Кореяда икки ой, Бангладешда 40 кун, Туркияда 25 кун қидириб бориб яшаганни дарё демай бўладими. Дипломат ўғли Фахриддин туфайли кўрди, зиёрат қилди, бу давлатларнинг диққатга сазовор жойларини. Опамга шу жиҳатдан ҳавас қилишади кўп қишлоқ аёллари.

Зархол опам узоқ-яқин йилларнинг хотираларини билди. Элу юртнинг тақдири, мулоҳаза-мушоҳадалари мулк бўлиб сингган қалбига. Ул киши билан ўтириб ҳамсухбат бўлсангиз кўрган-кечирганлари ҳаёт сабоқ-ўғитларини ишга тизган мунчоқдек жиллолатиб сўзлаб беради. Тинглаб хумордан чиқасиз. Ўйлайсиз, дарё ҳам ирмоқ ва томчилардан ҳосил бўлган... Дарё сувини боғу бўстон яратишда олам гўзал, юрт обод бўлади.

Халқнинг ота-онанг бўлса, уларнинг дўст-ёрлари, тенгдошларининг ҳолидан хабар ол, деган мақоли бор. Зархол опам дуога кўл очиб айтади: “Эй болам, ўчоғингдан ўт ўчмасин. Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан. Меҳмонни кут, қариндош-уруғга меҳрли бўл”.

Бу дашту далага Хўжаи Хизирнинг қадами тегиб назари тушган. Бозор бахши Омон ўғли, Ҳазраткул бахши, Худойберди ўғли эл таниган яхшилар, бахшилар яшаб ўтган. Мен уларнинг дoston айтишларини, дўмбира чертиш нағмаларини эшитиб, тинглаганман. “”Элни эл қиладиган шундай одамлар”, – дейди опам.

Умрбоқий ҳикматлар одамни руҳлантиради. Бизга куч-қувват берадиган пиру бадавлат, ували-жували Зархол опам каби, момоларимиз ҳар бир қишлоқ, маҳаллада бор. Улар улуғимиз, фахримиз.

Санам момо, Давлат момо, Ҳалима момолар Зархол опамнинг тенгдош ва кўлдошлари. Уларга ўхшаганлар шу қишлоқда умр-гузоранлик қилиб ўтган экан, қишлоқ аёлининг сиймолари, ибратлари

меҳнаткаш ва меҳрибонликлари билан хонадонлар тўлиқ. Уларнинг чеварлиги, рўзгор тутишлари, болаларнинг тарбиясидаги панду ҳикматлари, тажрибалари авлодлар кўнглига мулк бўлиб сингиб ўтар эканки, инсонийлик, оналик улуғдир. Ҳа, улуғ зотдир оналар.

Шу ерда Тожи акам ва Зархол опам тарбиялаб, Мамаражаб жиян изидан борган фарзандлари ҳақида бироз тўхталиб ўтишни жоиз топдим.

Ҳозирда ушбу сулола аجدодларнинг чироғини ёқиб ўтирган Ботир ва келинимиз Саломат, фарзандлари Сарвара, Хуршидабону, Аслиддин, Анвара ва кенжаси Илёсбек, куявлари Хуршид, Иброҳимбек, Фозил, келинлари Лобар, Барчиной ҳамда набиралари Чингиз, Ислон, Жасурбек, Ясминабону, Захро, Махмуджон ва Усмонбойлардир.

Ботир Тошкент Иргация ва Қишлоқ Хужалиги институтини тугатиб, аввал Фарғона Хўжалигида Ер тузувчи муҳандис лавозимида ишлаган, кийинчалик Тожи Мўмин Ота фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Оиланинг кенжаси, Баходир Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университетини тугатиб, беш олти йил педагогика соҳасида фаолият юритди. Кейинчалик иккинчи мутахассисликка Тошкент Молия институтини ўқиди, ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Сергели тумани "Ипотека банки" филиали "Кредит администратураси" бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Баходир табиатан камтар ва камгаб инсон бўлишига қарамасдан, бир сўзли, фарзанд тарбиясида қаттиқ қўл ва қатъийатли бўлган. Фарзандлари, Шохрух, Гулибону ва Дурдонанинг билимли ва ўқимишли бўлишлари учун жон қойитиб, керак вақтида жазолаб, тиришқоликларини рағбатлантириб келган. Албатта, шу ўринда турмуш ўртоғининг ҳам ҳиссаси каттадир. Баходирнинг турмуш ўртоғи, Насиба ҳам педагогика йўналишида таҳсил олган, ўқимишли, дунёқарашли кенг, фарзандларининг билим олишларига ҳар томонлама шароит яратиб, Баходир билан "Эр-хотин – қўш хўкиз", – дегандек бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университетини тамомлаганига қарамай, ёшлигидаги тикиш-бичишга бўлган қизиқиши туфайли, кийим-кечаклар ишлаб чиқариши бўйича тадбиркорликни йўлга қўйган, шоғирдлар олиб, уларга тикишнинг ва бичишнинг сирларини ўргатиб келмоқда.

Уларнинг катта фарзандлари Шоҳрух Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университетида ўқиш билан бир вақтда “Straight lane consulting” логистика компаниясида менеджер сифатида фаолият юритади. Иккинчи фарзандлари, Гулибону ҳам Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университетини 2021-йил тугатган. У ҳам акаси каби бир вақтда ҳам ўқиб ҳам ишлаган, Университетида олган билимларини амалиётда синаб тажриба орттириш мақсадида Таълим марказларида болаларга инглиз тилини ўргатган. Ўқишни битиргач турмушга чиққан ва ҳозирда бир қизалоқнинг онаси, турмуш ўртоғи билан Австралиянинг Мелбурн шаҳрида яшашмоқда. Дурдона, оиланинг энг кичиги, 2020-йил Тошкент Ахборот Технологиялари Университетига "Давлат гранти" асосида ўқишга қабул қилинган, ҳозирда учинчи курс талабаси.

Ҳа, Зархол момонинг фаолиятини **ПИРУ БАДАВЛАТ ОНА ёки НАҚШГА КЎЧГАН ГЎЗАЛЛИК** каби десам муболаға бўлмайди.

Мақолани якунига етказиш арафасида, Зархол опамнинг (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) фарзандларига ёзиб кетган *ВАСИЯТНОМА*си кўлимга тушиб қолди, ажабмас ушбу *ВАСИЯТНОМА СУЛОЛАНИНГ ҚОБУСНОМАСИ* бўлса.

ВАСИЯТНОМА

Мен, Хўжақулова Зархол момо, 1929 йил 6 май куни Карвон қишлоғида тугилганман. Отам Қўчқоров Хўжақул бобо. Онам Рахмонова Қизман-Тоғжигул момо, Опам Момаҳол, Акаларим Бекмурот ва Элмурот.

СУЛОЛАНИНГ ҚОБУСНОМАСИ

Ўғлим Исмоилжон фарзандларимнинг энг каттаси – Сизсиз. Азиз фарзандларимнинг иноқлигини ва интифоқлигини Сизга топширдим.

Ўғлим Мамарежаббай Сизга фарзандларим, набираларим, эвара-чевараларимнинг ўқимишли, билимли ва илмли бўлишини Сизга ишондим.

Фарзандларим:

Жамила,

Замира,

Ботирбой,

Чорибой,

Фахриддинбой,
Баходирбой

Азиз фарзандларим, мендан кейин бир умр акаларингизни айтганларини қилиб, иноқ-иттифоқ бўлиб, бахтли ҳаёт кечирингизни васият қиламан.

мен ҳўжақулова узимт
он зархалмама
1932 йил 6-май кун
қарван қишлоғида
тузилган
отом-қўзқоров
ҳўжақулбобо
-анам-роҳмонова
қизман, тоҳирсол-
тама
-опам-мамоҳал
-акал-бекмурат
-акал элмурат
-1928 йил тузилган

= Васиятнома =
-узимт исмомларсон-
парзантларимнинг
энг қатаси ҳўжақул
парзантларимнинг
иноқиттифоқ-эин-
типақзилгани сувз-
га тапширдим
-узимт маҳмурат
опбай сувза парзант-
ларим-неваларимни

-узимтларим
-қиллик-биллик
-қил буликни
сувза ишандим
-жамила
-Замира,
-Ботирбай
-Зарифай
-фахриддин бой
-Баходирбай
= Азиз фарзантларим
-Мендан кейин
бир умр

ақалларингизни
нг айтганларини
қилиб
-иноқ-иттифоқ-
бўлиб боҳситди-
ҳаёт кечирингизни
ларингизни васи-
ят-қиламан
Ҳўжақулова-
Зархалма-мама
2018 йил
9-октябрь

Махмадиёр Содиков,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор.

Мамаражаб Тоҳиев 5

БАРКАМОЛЛИККА ЭРИШИШДА ОИЛА ТЎНҒИЧ ФАРЗАНДИНИНГ ЎРНИ

Каттакон шу дунё кўйнида
Яшаб турар бизнинг хонадон...

Абдулла Орипов

Моҳир шифокор Исмоил бўлам Мўминов 1953 йилда Қамайнинг Карвон қишлоғида дунёга келди. Исмоил биз билан бир даврда, бир жойда вояга етди. Исмоил ўз хонадони ҳақида фахрланиб қуйидагиларни таъкидлайди.

“Отам Тожи бобо 1928 йилда таваллуд топган, яхши-ёмон кунларни бошидан кечирган одам эди. У киши ўз яшаган даврининг фаоли бўлиб, оилада ва ишда қаттиққўл, қатъиатли ва ғурурли, ҳар қандай одамнинг кимлигини бир қарашда биладиган синчиков эди. Шу боисдан отам билан уйдагилар эмас, бутун қишлоқ аҳли эҳтиёт бўлиб гаплашар, ўша замонда урф бўлган шапка, кител, галифи шим ва хром этик кийиб юарди. Отам кўшни сурхон вилоятида ишлаб юрган кезларида Москва шаҳрида бўлган қурултойга делегат бўлиб борганида менга совғага кўйлак олиб келган.

Отам ўн олти йил хўжаликда ферма мудури бўлиб ишлади ва қишлоқдошларимизга қўлидан келганича яхшилик қилди, саховат кўрсатди. У киши 1980 йилда қишлоғимизда савдо дўконини ишга тушириб ҳалол меҳнат қилди. “Хизмат кўрсатган савдо ходими” унвони билан тақдирланди.

Онам Зархол опа 1932 йилда туғилган. Отам билан онам саккиз фарзанд кўришган. Мен тўнғичи. Алломаларимиз бежизга айтишмаган, оилада ука-сингилларни баркамол бўлиб тарбияланишида оила тўнғич фарзандининг ўрни беқиёс деб.

Укам Мамаражаб педагогика фанлари доктори, профессор. Ботир эса фермер. Чорибой иқтисодчи. Фахриддин дипломат. Корея Бангладеш, Араб амирлиги давлатларидаги элчихоналарда ишлаган, ҳозирда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасининг 1-котиби. Баҳодир пойтахтдаги банкларнинг бирида ишлайди.

Сингилларим Жамила уй бекаси, Замира ўқитувчи. Бариси ўзларидан кўпайиб кетишган. Ишқилиб омон бўлишсин.

Онам ҳақида гапираётувдим. Биласизми, онамизнинг минг ойлик тўйини ўтказиб бердик. Бизларнинг ҳаётда ўз йўлимизни

топиб, ўқимишли бўлишимизда ота-онамизнинг ҳиссалари беқиёс. Онам оқила саранжом-сариштали аёл. Ҳа, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар ҳам онамдан маслаҳат сўраб, тўй-маъракаларини ўтказишарди. Онам укам Фахридинни кўргани Дубай ва Туркия давлатларига бориб томоша қилиб келган эди (Аллоҳ ўз раҳматиغا олган бўлсин).

Энди ўзимдан айтсам, қишлоғимиздаги мактабда ўқидим. Устозим Ҳазраткул бахши Худойберди ўғли менинг сеvimли муаллимим бўлган. У киши бизга география фанидан дарс ўтарди. Болаликдан дўхтирликка ҳавас қилдим. Ўша йилларда одамларнинг Калинин, Мирзаев каби шифокорларни мактаб гапиришгани сабаб бўлган. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 1970 йилда Андижон давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетига ўқишга кирдим. Аълочи талаба бўлдим. 1977 йилда таҳсилни тугатиб, бир йилда Қарши шаҳридаги шифохонада малака оширдим. 1978-82 йилларда Шаҳрисабз тиббиёт билим юртида ўқитувчилик қилдим. 1982 йилдан буён Қамашини туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлимида шифокор бўлиб ишлаб келяпман. Иш жараёнида устозларим Жуманазар Бекназаров, Ҳамид Бектошев (Аллоҳ ўз раҳматиغا олган бўлсин), Ўрол Қурбонов, Қўйли Эгамбердиев, Ботирали Шаропов, Юсуф Жўраевлардан тиббиётнинг сир-синоатларини ўргандим.

Сизларга бир сирни айтсам, каминанинг фермер хўжалиги ҳам бор. Қорасув дарёси ёнимиздан ўзани бўйлаб оқади. Дарёнинг ўзанини боғлаб, баҳорнинг сел сувларини йиғиб экин-текинларни бемалол суғурса бўлади. Бир пайтлар ота-боболаримиз бу ишни қилишган. Далани чилла сувида обдан суғоришган ва эрта баҳорда қовун, тарвуз экишган. Қамайнинг тилими тилни ёрадиган қовуни шундай яратилган. Мен бу сўзларимни кўп бора мутасаддиларга айтиб кўрдим. Ҳозирча натижа йўқ. Балки куни келиб бу иш амалга ошар. Лекин мен умидимни узганим йўқ.

Энди оиламдан гапирсам, аёлим Ойсора олий маълумотли иқтисодчи. Ҳозир нафақада. Фарзандларимиз олти нафар. Икки ўғил ва тўрт қиз. Тўнғич ўғлимиз Низомиддин Тошкент молия олийгоҳини тугатиб, Қамашини тумани ҳокимнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда. Муҳиддин Самарқанд архитектура ва қурилиш олийгоҳида талаба. Қизларимдан Маҳфуза уй бекаси, тадбиркор. Ҳафиза чет тиллар олийгоҳини тугатган.

Мамаражаб Тожиёв 5

Пойтахтдаги туманларнинг бирида паспорт бўлими ходимаси. Феруза эса ҳуқуқшунос, Тошкент вилоятида фуқаролик судининг судьяси. Дилбар солиқ академиясини тугатиб, туманимиздаги солиқ идорасида фаолият юритади. Ўн икки нафар эркатой набираларимиз бор.

Сизларга яна бир хушxabарни айтайин. Дўхтир акангиз яқинда мамалакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирландим”.

Биз Исмоил акани мукофот билан қутлаб, ишдан бўш пайтларини қандай ўтказишини сўрадик:

“– Шифокорнинг бекор турган пайти бўлармикин? Тўғри, дам олиш кунларида, таътилга чиққанимда кўпроқ оилам даврасида, набираларим билан ўтказишга ҳаракат қиламан. Яқинларим, қариндош-уруғларнинг ҳолидан хабар оламан. Китоб ўқишни, мумтоз куй-қўшиқларини тинглашни ёқтираман. Яқинда Жалолиддин Румийдан қуйидаги ҳикматни ўқидим:

“Эй тинчлик ва саломатликни истаган одам! Агар тинчлик, бахт-саодатни тиласанг, такаббурлик ва ғурурдан узоқ бўл. Ўз манфаатини кўзловчи ярамас кишилар билан суҳбатдош бўлма”.

Элимиз соғлигини асраш йўлида тинмай меҳнат қилаётган Исмоил Мўминовнинг кўнглида ҳали кўп эзгу ниятлар бор.

**Турсунбой Боймиров, Ўралбой Қобил,
журналистлар.**

ИККИНЧИ ФАСЛ

УМУМСИСТЕМАЛАР НАЗАРИЯСИ ВА СИСТЕМАЛИ ЁНДОШУВ ТАМОЙИЛИНИНГ ШАХС КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

“Система” атамасининг тикланиш тарихи. Ҳар қандай фаолиятнинг фалсафий асосларидан бири дунёни илмий тушунишдир. Дунёни илмий нуқтаи назардан тушуниш деганда, табиат ҳамда жамиятдаги бизга маълум бўлган қонуниятларни синтезлаш асосида англаш тушунилади.

Дунёни илмий тушуниш заминидан оламнинг фалсафий концепцияси билан табиий ва ижтимоий фанлардаги кашф қилинган қонуниятлар ётади. Фалсафанинг шу кундаги асосий концепциясини, синергетик дунёқарашдан келиб чиқувчи бутун борлиққа система (мажму) сифатида ёндошув тамойили ташкил қилади.

Шундан келиб чиқиб, система (мажму) атамасини тикланиш тарихига тўхталиб ўтиш жоиз.

Профессор Бўри Зиёмухаммедовнинг асарларида ушбу масала илмий ва амалий томондан асослаб берилган. Умумсистемалар назариясидан келиб чиқувчи “системный подход” тушунчасини Бўри акага, йирик тилшунос олим, профессор Аюб Ғулом ўзбекчага таржима қилиб берган экан. Шунингдек, Озод Шарафуддинов ва Ғайбулла Саломов каби забардаст филолог олимлар ҳам, “система” атамасини ўзбекча таржимаси қандай бўлади?, деган саволга, аввал қатъияят билан, тизим, дейишганда, Бўри ака, қўлдан келганича маданийлик билан, уларга “система” тушунчасини домла Аюб Ғулом “мажму” деганларини Озод Шарафуддиновга айтган.

Яқинда чоп этилган ўзбек тилининг 4 жилдли изоҳли луғатида бу тушунча тикланиб, луғатга киритилди. Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида бу тушунчага тўғри таъриф берилганига қарамай, кўпчилик тилшунослар, уни умум мажмуалар назариясини билмай туриб, ўзида шаклланиб қолган фикрга маҳкам ёпишган ҳолда, уни тизимли ёндошув деб уқтириб келмоқдалар.

Система деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади.

1. “Система” тушунчасига изоҳ беришда Б.Зиёмуҳаммедов, М.Тожиевлар[24]нинг қарашларини кўрсатиб ўтишлик жоиз. Шу кунда ўта фалсафий тушунча бўлган ва рус тилида “система”, – деб номланиб келинаётган атамани, арифметикадаги метрик система сифатида кўриб, “тизим” деб тушуниб келинмоқда. Система халқаро тушунча бўлиб, (юнонча *systema* – бутунлик, яъни ўзаро функционал боғлиқ қисмлардан ташкил топган яхлитлик деган маънони англатади). Муайян назарияга асос бўлган қоидалар, қарашлар, тамойиллар йиғиндиси – **мажмуа**. Маълум бир кетма-кетликда жойлашган ва ўзаро суств боғланган қисмлардан таркиб топган нарса ё ҳодисани “**тизим**” дейилади. [24] Лекин, педагоглар жамоатчилиги томонидан ушбу тушунчаларнинг ҳаммасини “**тизим**”, – деб ишлатиб келинмоқда.

Умумажмуалар назариясига биноан, бизни ўраб турган нарса ва ҳодисаларни бутунлик сифатида идрок қилинса, улар ўзаро фуқционал боғлиқ бўлган унсурлардан ташкил топганини англаймиз. Фуқционал боғлиқлик деганда, бир бутунни бутун қилиб турган унсурларининг бирининг мавжудлиги бошқа унсурларини ҳам бор бўлишини тақозо этиши. Бу дегани, фуқционал боғлиқликда бўлган бир унсурининг сифатини пастлиги, бошқа барча унсурларини фаолиятини пасайишига олиб келишига сабаб бўлади, – деб тушунилади.

Китобхондан илтимос, ушбу асарни ўқиганда, тафаккурингизда шаклланиб қолган ғализ фикрларга ёпишиб олмай, умумажмуалар назариясидан келиб чиқувчи объектив оламга “синергетика” ва “мажму ёндошув” ғояларини тушунишга ҳаракат қилинг. Шунда, замон талабига жавоб берадиган зиёли бўла оласиз. Илмий даражага эга бўлиш шарт эмас. Аммо илмий даржаси бўла туриб, синергетика ва умум мажмуалар назариясини билмаслик уят ҳисобланади ва ундайларни иши юришмайди, у илмий иш бўладими, амалиётми, қатъий назар. Аслида мажму ёндошувни билмай туриб, уни ботинин ҳис қилиб, унга амал қилганлар мақсадига эришган.

Йигирманчи асрнинг ўрталарига келиб объектив борлик тўғрисидаги маълумотлар шу қадар ортиб кетдики, аср бошида

гўёки шаклланиб битган, деб ҳисобланган фан тармоқлари тарақий этиши натижасида уларнинг турлари қарийб юз баробар кўпайди. Ўрганиш объекти, предмети ва тадқиқот усуллари жиҳатидан уларнинг фанлараро, интегратив турлари вужудга кела бошлади. Билим ҳажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу билимларни кенг оммага етказиш ва уларни тафаккурига сингдириб, хотираларида сақлаб қолишлари учун дунёни тушунишга бошқача ёндошув тартибини жорий қилиш зарурати пайдо бўлди.

Шу маҳалгача ҳукм суриб келаётган оламни механик тушуниш бу вазифани бажара олмас эди. Гап шундаки, анъанавий илм-фан нарса ва ҳодисаларни бўлақларга ажратиб ўрганар, сўнг бу бўлақларни механик равишда бир-бирига бирлаштириб туриб идрок қилар, шунда унсурлар орасидаги алоқадорликларга эътибор ҳам берилмас эди. Баъзи фан соҳаларида, шу жумладан, кунда фойдаланиб келинаётган педагогикада ҳам бундай ёндошув, афсуски, ҳозиргача сақланиб келмоқда. Аслида нарса ва ҳодисалар ҳамда уларнинг унсурлари таснифидан улар орасидаги алоқадорликлар ҳаёт учун аҳамиятлироқдир.

Умуммажмулар назарияси қонуниятлари ва мажму параметрларининг турлари. XX асрнинг 20 йилларида австриялик биолог олим Людвиг Бергаланфи томонидан нарса ва ҳодисаларни ўрганишда “органик” усул таклиф қилинган. Бу усул табиатдаги нарса ва жараёнларни ўзаро функционал боғлиқ ҳолда, бир бутунлик сифатида ўрганишни тақозо этарди. Бошида бу усул биологияда қўлланилган. Вақт ўтиши билан уни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида – иқтисодиётда, сиёсатда ва ижтимоий ҳаётда ҳам қўлланишига олиб келди ва уни объектив борлиққа “мажму ёндошув тамойили”, – деб аталадиган бўлди.

Жаҳон илм-фан соҳиблари пайдо бўлиши жиҳатидан турлича бўлган нарса ва ҳодисалар ривожининг умумий қонуниятларини аниқлаш ва уларни тартибга келтириш зарур эканини тушуниб етдилар. Бир қатор фанларда ҳодисага мажму сифатида ёндошишни ўзаро функционал боғлиқликда бўлган унсурлар бутунликни ташкил қилиши исботланди.

Умуман, мажму ёндошув тамойилини қадимги илм-фанда, аллома ва олимларнинг ботиний билишлари ёрдамида қўлланилганини кўрса бўлади. Бутун борлиқ, ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганини Платон, Форобий, Ибн Сино,

Мамаражаб Тожиёв 6

Беруний ва бошқа олимлар фикрларида кўриш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламни заррадан коинот қадар ўзаро вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туриши ҳақида айтган. Маълум бир мажму ёндошув Ф.Энгельс асарларида ҳам кўзга ташланади. “Бутун борлиқ муайян нарсалар орасидаги алоқадорликлардан иборат, нарса деганда биз, юлдузлардан тортиб атомгача тушунамиз”, – деган экан ФридрихЭнгельс.

Бироқ XIX ва XX аср олимлари нарса ва ҳодисаларга анъанавий тасниф беришдан нарига ўтолмадилар.

XX асрнинг 60 йилларига келибгина ўрганилаётган объектга ўзаро узвий боғлиқ бўлган унсурлардан ташкил топган бутунлик сифатида қараладиган бўлди.

Даставвал мажмулар назарияси ўз тадқиқотини нарса ва ҳодисаларни ташкил қилувчи унсурлар орасида бирдай ишлайдиган умумий қонуниятларни аниқлашга қаратди. Техник (сунъий) мажмуларни моделлаштиришни кибернетика ўз зиммасига олган бўлса, ахборот берувчи мажмуларни ўрганиш жараёнида ахборот-коммунакацион назария вужудга келди, жамият ҳаёти, иқтисодиёт, биология ва бошқа соҳаларда бу назарияни қўлланишини умумий махражга келтирилиши оқибатида, умуммажмулар назарияси таркиб топди.

Умуммажмулар назариясига биноан бизни ўраб турган, турлитуман бутунликларни ташкил қилувчи ҳар қандай нарса ёки ҳодиса мажму сифатида англаниши лозим. Бу умуммажмуалар назариясининг **биринчи қонуни**. Бундай бутунликлар фатон, нейрон, атом, молекула, маъдан, дарахт, ўсимлик, жонивор ёки одамнинг ўзи ёхуд Ер шари, ёинки, бутун коинот бўлиши мумкин. Буларга табиат ва жамиятдаги ҳодисалар: бўрон, тўфон, жала, оила ҳаёти, ўқув жараёни, тўй, киши кайфияти, байрам, сиёсат, олди-сотти ва бошқа турдаги табиий ва ижтимоий ҳодисалар ҳам киради. Бир бутунликни ташкил қилиб, ўзаро зарурий, яъни функционал боғлиқ унсурлардан иборат нарса ёки ҳодисани мажму дейилар экан, ҳар қандай мажму икки ёки ундан ортиқ унсурлардан ташкил топган бўлади. Бу унсурлар, ўзидан бир поғона юқоридаги мажмуга унсур вазифасини ўташи билан биргаликда, ўзи ўзидан бир поғона пастдаги унсурларга мажму вазифасини бажаради. Бу, умуммажмуалар назариясининг навбатдаги, **иккинчи қонуни**.

Объектив борлиқни чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳоказо хусусиятларга эга бўлган мажмулар сифатида идрок қилиш фан ва амалиёт тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга мажму сифатида ёндошиш ривожлана бориб, қисқа муддат ичида ўзининг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Умуммажмулар назарияси жуда ҳам тараққий этган бўлиб, ўзининг қонуниятлари, категориал аппарати ҳамда махсус фикр юритиш усулига эга.

Умум мажмуалар назариясининг **учинчи қонуни** – бир бутунликни ташкил қилиш учун, уни унсурлари орасидаги функционал алоқадорликни мавжуд бўлиш шартидир. Бу қонуният бўйича, ҳар бир нарса ва ҳодисани мажму эканини аниқлаш учун, шу нарса ва ҳодисани ташкил қилувчи унсурларидан бирининг хусусияти ўзгартирилса, бошқа унсурларининг ҳамда бутун мажмуининг хусусияти ҳам қонуний равишда ўзгарса, уни функционал алоқадорлик дейилади.

Мажмуалар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки макон ўзгариши билан мажмуининг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмуаларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажралиб туради. Мажмуаниннг хусусияти фақат бошқа мажмуалар билан алоқаларда намоён бўлади. Бу мажмуалар назариясининг **тўртинчи қонуни**. Алоқадорлик деб, мажмуа хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боғлиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади.

Функциялар орқали мажмуалар ҳолатини аниқлаш мумкин. Бу умуммажмуалар назариясининг навбатдаги **қонуни**. Мажму ҳолатининг кетма-кет намоён бўлишини жараён дейилади.

Ҳар қандай мажму тинимсиз ривожланиш жараёнида бўлгани туфайли уни ўрганишда тарихийлик тамойилидан фойдаланишни талаб этади. Бу умуммажмуалар назариясининг яна бир **қонуни**.

Ҳар қандай мажмуа асосини зарурий алоқадорликлар ташкил қилар экан, бу алоқадорликлар мажму тадрижининг ички заруриятидан келиб чиқиб, қонуний равишда мавжуд ва киши ихтиёридан ташқаридаги ҳолатдир. Аммо субъектив, яъни инсон хоҳиш-истагидан келиб чиққан ва киши тасаввурида намоён

бўладиган алоқадорликлар ҳам бўлади. Бундай алоқадорликлардан пайдо бўлган мажмуани сунъий ёки антропоген, ёинки, техник мажму дейилади. Сунъий алоқадорликдан ҳосил бўлган мажмуни ташкил қилувчи унсурлари орасидаги боғлиқликлар, мажму фаолиятининг ички заруриятидан келиб чиқса, амалиётда синовдан ўтганидан кейин ҳақиқийга айланади. Бу умуммажмуалар назариясининг навбатдаги **қонуни**.

Табиий мажмуалар чексиз, сунъийлари эса чекли бўлади. Бу ҳам умуммажмуалар назариясининг **қонуни**.

Умуммажмуалар назариясида бундай қонунлар кўп, бу назария, айтганимиздек, ўта ривожланган бўлиб, унга қизиқувчилар шу мавзуга бағишланган адабиётларни ўқиб олишлари мумкин.

Мажмулар текисликдаги проекциасига нисбатан: тартибли ва тартибсиз; тезликка эга ва суст; икки қарама-қарши ва кўп томонлама; нуқтавий; чизиқли; тикланувчи ва тикланмайдиган; оддий ва мураккаб; детерминлашган ва детерминлашмаган; марказлашган ва марказлашмаган; бир ва кўп поғонали деган гуруҳларга ажралади.

Яна мажмуалар ҳолатига қараб қуйидаги гуруҳларга ажралади: Бирламчи – мажмуалар, муайян хусусиятга азалдан эга бўлганида. Иккиламчи – муайян хусусиятга эга мазкур мажму бўлганидан кейин. Тугалланган ва тугалланмаган – тугаллангани ўзига янги унсурларни қўшилишига йўл қўймайди, тугалланмагани бунга йўл қўяди. Имонент ва имонетсиз – биринчи тури фақат ўзини ташкил қилувчи унсурлар билан узвий боғлиқликда бўлади, иккинчиси, бошқа мажмуаларнинг унсурлари билан ҳам функционал алоқадорликда бўлишига йўл қўяди. Минимал мажмуалар. Бу мажмуаларни ташкил қилувчи унсурларининг биронтаси йўқ қилинса, ўзлари ҳам йўқ бўлиб кетади. Турғун ва турғун эмас – таркибига ўзгартиришлар киритилганда ўзгармайдиганлари турғун мажму, ўзгариб кетадиганлари турғун эмас. Яна бундай мажмуаларни кучли ва кучсиз мажмулар, – деб ҳам юритилади. Гомоген ва гетероген – бир хил хусусиятли унсурлардан иборат мажмуалар гомоген, турли хусусиятга эгалари гетероген мажму дейилади.

Қайтарилувчи ҳамда қайтарилмайдиганлар – маълум бир қонуният асосида ўзгариб, яна аввалги ҳолатига қайтиб келиб турувчилари биринчи гуруҳга киради, тинмай ўзгариб, аввалги

ҳолатига қайтмайдиганлари иккинчи турдаги мажмулардир. Қадрли ва қадрсиз – агар мажмуни ташкил қилувчи унсурларининг ҳар бирини бошқа унсурлар билан алоқадорлиги иккитадан ошмаса қадрли, бошқа ҳолларда қадрсиз мажмулар ҳисобланади. Чала ва тўлиқ мажму деганда – алоқадорликда турган мажмулар билан ҳамма хусусиятлари орқали узвий алоқалар ўрнатилмаган бўлса, чала мажму, алоқадорликда турган мажмуларнинг барча хусусиятлари билан узвий алоқалар ўрнатилган бўлса, тўлиқ мажму дейилади. Вариятив ва вариятивсиз – фақат муайян мажму унсурлари орасида алоқадорликлар мавжуд бўлмай, бошқа мажмулар унсурлари билан ҳам алоқаларни ўрнатишга йўл қўйядиганлари вариятив, қўймайдиганлари вариятивсиз мажму дейилади.

Ҳар бир ишда умум мажмулар назарияси қонунларига амал қилишликни “**мажмуа ёндошув тамойили**” дейилади.

Мажму ёндошув тамойилидан барча мақсадларни амалга оширишда фойдаланиш зарурлиги. Мажму ёндошув тамойилининг асосий вазифаларидан бири, мажмунинг самарадорлигини баҳолаш. Самарадорликни баҳолашда, мажмунинг шу кундаги фаолияти билан потенциал функцияси ҳам баҳоланади. Самарадорлик, қўйилган мақсаддан келиб чиқиб аниқланади.

Келиб чиқиши турли бўлган унсурлардан ташкил топган мажмунинг самарадорлиги, унинг заиф унсурининг фаолияти билан ўлчанади. Чунки, бундай мажмулардаги унсурларнинг бирининг сифатини пастлиги ёки мавжуд эмаслиги, уни ташкил қилувчи барча унсурларининг фаолиятини пасайишига ёки мажму фалоятини тўхташига олиб келади. Бундай мажмунинг самарадорлигини оширишда, унинг энг заиф унсурини самарадорлигини кўтариш билан эришилади


Келиб чиқиши бир хил бўлган унсурлардан ташкил топган мажмулар фаолиятини баҳолашда, шу мажмуни ташкил қилувчи унсурларининг ҳаммасини самарадорлик йиғиндиси билан ўлчанади. Чунки бундай мажмулардаги унсурлар, бир-бирининг функциясини ўзларининг зимасига ололадилар.

Юқорида умум мажмулар назариясининг қисқартирилган кўринишининг ўзидаёқ маълум бўлдики, умум мажмулар назарияси жуда ҳам ривожланган ва мураккаб назария бўлиб, унинг ўзига яраша қонун ва қоидалари, атамалар тизими мавжуд экан. Мажму

ёндошув тамойилини, инсоннинг барча фаолиятига қўллаш зарур эканини англаш учун бу тамойилни ҳаётнинг барча жабҳаларида қўллаш зарурлигини оддий мисоллар воситасида кўрсатиб беришга қарор қилдик.

Мажму ёндошув тамойилини қўллашда, объектнинг ташкил қилувчи унсурларга ажратиш олиш зарур. Объектни унсурларга ажратишнинг бир нечта илмий усуллари мавжуд. Келтирилган мисолларда объектни унсурларга ажратишда мантиқ илмидан фойдаланилди.

Биринчи мисол – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш. Масалан, бўғдойни етиштиришни мисол сифатида олсак, у функционал боғлиқ бўлган, бир нечта унсурлардан ташкил топганини кўрамиз. 1-расм.



1-расм. Бўғдой етиштириш жарёнининг мажмуи

Расмдаги \longleftrightarrow вектор чизиклар, унсурларни бири-бири билан функционал боғлиқлигини кўрсатади.

1-расмдаги “бўғдой етиштириш жараёни”нинг мажмуи бир қатор унсурлардан ташкил топгани кўриниб турибди. Улар ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, бирининг сифати паст бўлса ёки умуман бир унсури бўлмаса, бошқа барча унсурларнинг сифатини пасайишига ёки жараёни тўхташига олиб келади. Чунки бу мажмуанинг унсурлари келиб чиқиши жиҳатидан турли хусуиятларга эга. Уларни келиб чиқиши: бири инсон, яна бири табиат, бошқаси техник ва ҳоқозо. Ушбу мисолимиз орқали, умуммажмулар қонунларини турли ҳолатларда ишлашини кўриб чиқамиз

Биринчи ҳолат, бўғдой етиштириш жарёнида иштирок этадиган барча унсурлари мавжуд, аммо, деҳқон йўқ, бўғдойни етиштириш жарёни амалга ошмайди. *Иккинчи ҳолат*, деҳқон бўғдойни етиштиришга тайёр, бўғдой етиштириш жараёнидаги унсурларнинг


/

аксарияти мавжуд, аммо сув йўқ. Буғдойни етиштириб бўлмайди. *Учинчи ҳолат*, буғдой етиштириш жарёнида иштирок этадиган унсурларини аксариятининг сифати юқори, аммо, ҳавонинг ҳарорати паст, буғдой етиштиришга етмайди. Буғдой етиштириш жараёни тўхтайди. *Тўртинчи ҳолат*, деҳқон буғдой етиштиришга тайёр, сув ва ҳарорат етарли, ўғит билан техникалар юқори даражада, тупроқ унумдор, технология ҳам замон талабига жавоб берадиган, аммо уруғликнинг сифати паст. Шу паст уруғлик даражасида буғдой етиштира оламиз.

1-расмдан кўриниб турибдики, “уруғлик” деган унсур мажмунинг марказида жойлашган. Чунки, бошқа барча унсурлардан келаётган вектор чизилари, шуни устидада кесишмоқда. Мажму параметрларининг тапологияси бўйича, бу мажму “марказлашган”, “тартибли” ва “гетеролген” мажмудир.

Буғдойни етиштириш жараёни мажму бўлатуриб, у ўзидан юқори поғонада бўлган “қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш” деган мажмуга унсур бўлиб киради. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш” мажмуи, ўз навбатида, “халқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш” деган мажмуга унсур ролини ўйнайди ва ҳоказо. Шу билан бирга “буғдой етиштириш жараёни”нинг унсурлари, ўзидан бир поғона пастдаги унсурларга мажму вазифасини ўтайди. Масалан, “ўғит” деган унсурни мажму сифатида кўрганда, у бир нечта ўғит турларидан ташкил топганлигини кўрамиз. Ёки “техника” деган унсурини мажму сифатида олганда, у бир қатор техника турларидан ташкил топганлигини англаймиз ва ҳоказо.


Иккинчи мисол. Узлуксиз таълим-тарбия соҳасини олсак, у бир томонлама ва сушт боғлиқ бўлган унсурлардан ташкил топган тизим эканини кўрамиз.




2-расм. Идеалдаги таълим-тарбия тизими

Мамаражаб Тожиёв 6

Таълим-тарбия тизимининг ҳар бир халқасини алоҳида мажму сифатида кўрганда, уларнинг биринчи ва иккинчи халқалари қуйидаги кўринишга эгаллигини кўрамиз. 3, 4-расм.



3-расм. “Мақтабгача таълим” мажмуи




4-расм. “Умум ўрта таълим” мажмуи

3-расм билан 4-расмда кўрганимиздек, мақтабгача ва умум таълимдаги гуруҳларнинг вектор чизиклари бири бирига қарама-қарши бўлиб, ўзаро функционал боқлиқликни кўрсатиб, бир бутунликни ташкил этмоқда.

Шунда бошлангич таълим 4 унсур, ўрта таълим 7 унсурдан иборат. Олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимларни ҳам, бутунликлар сифатида кўриб, уларни ҳам ташкил қилувчи унсурларга ажратса бўлади.

Таълим-тарбия тизимининг бирламчи асоси ва ўқитувчиларнинг фаолият олиб бориш жойи “ўқув машғулоти” экан, у қуйидаги унсурлардан ташкил топкан. 5-расм.



/

5-расмда кўриб турганимиздек, “ўқув машғулот” мажмуи, ўзаро функционал боғлиқ ва келиб чиқиши жиҳатидан турли бўлган 5 унсурдан ташкил топиб, бир бутунликни ташкил қиладилар. Бу унсурларнинг биронтаси бўлмаса бошқа барча унсурларининг фаолияти тўхтайдди. Ёки бирининг сифати паст бўлса, бошқа унсурларининг ҳам сифатини пасайишига олиб келади. Чунки бу марказлашган ва гетероген мажму. Мисоллар келтирамиз. Замонавий **ўқитиш усуллари** билан қуролланган, юқори малакали **педагог**, ўқув машғулотига зарур бўлган барча унсурлари ўзида йиғилган **ўқув-методик мажмуаини** қўлига олиб, замонавий **техник воситалар** билан жиҳозланган ўқув муассасига ўқув машғулотини олиб бориш мақсадида ташриф буюрди. Аммо **тахсил олувчилар** дарсга тайёргарликсиз ва билим олишга иштиёқи бўлмайд келдилар. Бундай ҳолатда машғулот, тахсил олувчиларнинг тайёргарлиги ва кайфияти даражасида ўтади. Чунки ўқув машғулот мажмуининг ташкил қилувчи унсурлар, келиб чиқиши жиҳатидан турли бўлиб, у гетероген мажмудир.

Мажмулар назариясига биноан, бу турдаги мажмуининг бир унсурининг сифатини пастлиги, бошқа унсурларининг ҳам сифатини пасайишига олиб келади.

Бошқа ҳолатни олсак, **тахсил олувчилар** ўқув машғулотида билим олишнинг кучли иштиёқи билан замон талабига жавоб берадиган қилиб қурилган ва **техник воситалар** билан, модерн жиҳозланган ўқув муассасига билим олиш учун келдилар. Юқори малакали **педагог** замонавий **ўқитиш методикалари** билан қуролланиб, қўлида барча талабларга жавоб берадиган **ўқув-методик мажмуа** билан мазкур ўқув муассасига тахсил олувчиларга билим бериш мақсадида келди ва ўқув машғулотини амалга оширди. Бироқ қўлидаги **ўқув-методик мажмуасининг** ичидаги бир унсури – “ўқув дастур” талабга жавоб бермайди. Ўқув машғулоти, олимлар томонидан тузилган, ёмон дастур даражасида ўтади. Чунки педагог ўқув жараёнида дастурдан чиқиб кетолмаслиги қатъий белгиланган.

Умум мажмуалар назариясининг барча қонунларини амалиётда ишлашини ҳаётий мисоллар орқали кўрдик. Натижада маълум бўлдики, ҳар бир ҳаракатни амалга оширишда умум мажмуалар назариясининг қонунларидан келиб чиқишимиз лозим экан. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат, аммо ҳамма ҳам бу ҳақиқатга

амал қилмасликларини ҳаётда кўрдик. Бунинг сабабини аниқласак, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорларини яратишда ҳамда таълим тизимига ўқув дастурни тузучи ва ўқув усулларини ишлаб берувчи мулозим ва олимлар, бир умумий методологик асос ҳисобланган умум мажмуалар назарияси қонунларини билмасликдари маълум бўлди.

Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг бир қатор ўқув муассаларида олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, кўпчилик ўқитувчи ва педагоглар, олий ўқув юртини битириб ишга боргач, ўз устида ишлашни тўхтададилар. Ҳаммаси эмас албатта, аксарияти. Вақт ўтиши билан олий ўқув юртида олган билимларини унита бошлашлари билан баробар, илмда кашф қилиниб, фанга кириб келаётган янги билимларни ўзлаштирмасликлари натжасида, секин-аста, касбий маҳоратлари йўқола боради. Яна қайтариб айтамыз, ҳаммасиники эмас, аксариятиники шундай. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш олийгоҳлари, ўзларига юклатилган вазифани бажараолаётганлари йўқ. Буни сабаблари анча, бу китобда уларни батафсил кўриб чиқиш имконсиз.

Бундан ташқари, тақдир тақозоси билан собиқ иттифоқнинг таркибига кирган мамлакатлар, мустақил бўлиб, бу тузумга зид бўлган ижтимоий формацияга ўтиб яшай бошладилар. Аввалги ижтимоий фармацияга хизмат қилган педагогика, ижтимоий фан сифатида, янги жамиятга хизмат қила бошлади. Маълум бўлдики, бошқа формацияга хизмат қилган педагогика илм-фани янги жамиятга хизмат қилолмас экан. Шунда педагог олимлар, зудлик билан, биздаги ижтимоий формацияга ўхшаган жамиятларнинг хорижий педагогикасин ўрганиб, унга кўр-кўрона эргаша бошладилар. Аммо хориждан ўрганиб келинган педагогика бизнинг ҳудудимизга хизмат қилаолмаслиги ҳам маълум бўлди. Чунки хориждаги мамлакатлар тарихан бошқа ижтимоий-иқтисодий асосда ривожланган бўлиб, ўзининг менталитетига мослашган педагогикадан фойдаланадилар.

Педагог олимларимизнинг шу кундаги энг асосий вазифаси ҳудудимизда шаклланиб келаётган ўзига хос бозор иқтисодиётига хизмат қилувчи янги педагогика назария ва амалиётини яратишдан иборат.

Демак умуммажмулар назарияси ва келтирилган бир қатор жонли мисоллар кўрсатиб турибдики, мажму ёндошув тамойилини барча ҳаракатларимизга умумий методология қилиб олиш зарур.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор,

МАҚСАДИМИЗ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

XXI аср одамзотнинг бу буюк орзусини рўёбга чиқариш имконини берувчи тарихий босқич. Бунга асос шу кундаги илмий – техникавий тараққиёт натижасида ер юзида йиғилиб қолган неъматларнинг ҳажми ва Ер шари халқларининг динлараро, милатлараро ва халқлараро тотувликка интилишлари ҳамда дин билан илмни бирлашиши бунга хизмат қилади. Интилиш борми, бу албатта амалга ошади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, Президентимиз томонидан 2023 йилни – “Инсонга эътибор ва сифатли таълим”, – йили деб эълон қилиниши айтилган мудао бўлиб, ўзбек халқи замонга мос равишда ривожланаётганидан далолатдир.

Киши ўзининг маънавияти устида ишлаши ёки бошқаларга тарбия бериши учун, аввало, ҳазрати инсоннинг биологик ҳамда ижтимоий моҳиятлар мазмуни билан яхши таниш бўлиши лозим.

Инсон биоижтимоий махлуқот бўлиб, у биологик моҳият билан бир қаторда ижтимоий моҳиятга ҳам эга.

Унинг биологик моҳиятига, бошқа жонзодлардан биологик тур сифатида ажратиб турувчи тик юриши, танасининг ўлчамлари, бош, оёқ ва қўлларининг шакл-шамойили, фикрлай олиш қобилияти ҳамда бошқа бир қатор биологик кўрсаткичлари киради.

Кишининг ижтимоий моҳияти деганда, аждодлардан унга мерос бўлиб ўтган ирсий бирлиги(ген)даги ахборотлар билан унинг шахсий ҳаёти давомида орттирган билими, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмуи тушунилади. Эндиликда квант назарияси яратилиб, бутун олам нур (квант) тўлқинининг майдони сифатида идрок этилган бир пайтда, олам яхлит бир жонли мавжудот деб тан олинмоқда. Ундаги барча унсурлар олам деб

аталмиш тирик вужуднинг аъзолари экани исботланган. Бу ғояга асосан инсон, олам деган тирик мавжудотнинг нуфти уруғи, кичрайтирилган нусхаси сифатида талқин қилинади.

Киши ижтимоий моҳиятининг мазмуни. Инсонни бошқа махлуқотлардан асосий фарқи унинг ижтимоий моҳияти, – деб айтилди. Ижтимоий моҳият негизида одамнинг яратувчилик қуввати ётади. Одамзот ер усти ва унинг остидаги унсурларни, яъни тупроқ, сув, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда маъданларнинг табиий хусусиятларидан фойдаланиб, уларни ўзининг ҳаёт жараёнига зарур бўлган моддий ва маънавий нарсаларга айлантиради. Бунга мисол бўлиб, уй-жой ва ҳар турли иншоотлардан тортиб, ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналар, транспорт воситаларию, озуқа маҳсулотларигача ҳамда адабиёт ва саънатга тегишли маънавий бойликларни яратиши киради.

Инсон бу маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун, аввало, ер қобиғидаги унсурларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини яхши билиши керак. Шундан сўнг, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш технологияси, яъни усул ва услубларини ҳамда бошқа бир қатор билимларга эга бўлиши талаб қилинади. Шу билан бирга у, жамиятда умргузаронлик қилиши ва ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ва давлат билан муносабатда бўлиши учун, бу муносабатларни амалга ошириш сирларини билиши шарт. Бу эса ҳар турли ахлоқ ва одоб нормаларини эгаллашни, сиёсий ва ҳуқуқий, касбий ва ижтимоий фан билимларига эга бўлишни талаб қилади. Шундай экан, инсоннинг ижтимоий моҳияти асосини унинг яратувчилик қобилияти, билим ташкил қилар экан, десак янглишмаган бўламиз.

Кишининг қанчалик билими кўп ва турли-туман бўлса, у шунчалик шахс сифатида ҳар томонлама ривожланган бўлади. Бунинг учун у тинмай билим олиш жараёнида бўлиши керак. Бу эса ундан дунёнинг майда неъматлари ҳисобланган ҳамда жуда кўп вақт ва маблағ талаб қиладиган, яхши еб-ичиш, чиройли кийиниб юриш, ўйин-кулги ва тўй-томошаларга бўлган мойилликларини жиловлашни талаб қилинади. У турли билимларни эгаллаб, ўзининг такомили устида тинмай ишлайди ва пировард натижада нажот топиб, буюк неъмат ҳисобланган баркамолликка эришади.

Дарҳақиқат, эътибор берсангиз, биздан нисбатан ғарб (Оврупо, мамлакатлари ва АҚШ)да ва шарқ (Япония, Хитой, Корея)да яшаб

келаётган халқларнинг ақлий салоҳияти биздан юқори эмас. Бунга биз кафолат бероламиз. Улар билан кўп мулоқатда бўлганмиз. Аммо улар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда жуда кўп ютуқларга эришганлар. Бизлар эса тўй-томашо, қуда-анда кутиш, гап-гаштакларни ҳаддан зиёд ошириб юборганимиз туфайли, олтин умримизни зое кетказиб, ўз такомилимиз устида ишлашга вақтимиз ҳам, маблағимиз ҳам қолмай келмоқда. Бу ҳолатларни миллатнинг ютуғи деб керилиб ҳам юрамиз. Натижада ҳаммадан бой интеллектуал потенциалга эга бўла туриб, баъзи жабҳаларда ривожланган мамлакатлардан орқада қолиб келмоқдамиз. Бизнинг қатъий фикримиз бўйича ортиқча базму, айш-ишратлар ижтимоий тараққиётга ғов бўлувчи нарсалардир. Буларни зудлик билан тартибга солиб олишимиз лозим .

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ экани инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу вазифа фуқароларимизнинг ақлий фаоллигини ошириш ва билим даражаларини кўтариш йўли билан бажарилади. Бунинг учун шу кундаги жамият ҳаётини маълум даражада ўзгартириб, уни такомиллаштириш лозим. Кенг аҳолига маънавий ўзлигини англаш, киши маънавиятини таркиб топиш механизмлари ва унинг такомиллашув босқичларини тушунтириб бериш, шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Маънавий ўзлигини англаш деганда, баъзи одамлар фикрича, юз, икки юз ёки ундан ҳам аввалги ҳаёт тарзимизга қайтиш деган сўз эмас. Маънавий ўзлигимизни англаш ва уларни ҳаётимизга сингдириш деганда, ўтган аждодларимизнинг энг яхши маънавий бойликларидан шу кунда унумли фойдаланиш деб тушунмоқ лозим. Халқимизни бир неча юз йилги ҳаёт тарзига тўлалигича қайтишга тарғиб қилиш ёки фарзандларини ундай ҳаёт тарзига ундаш ё ундан ҳам даҳшатлироғи мажбур қилиш, бола шахсига ва бутун миллатга бўлган улкан жиноятдир. Аждодларимизнинг паранжи ёпиниш, аёлларни “ичкари”га ўтказиб қўйиб, уларни ижтимоий ҳаётдан маҳрум қилиш ёки бошқа ўтмиш иллатларини, яъний, ғайри ижтимоий сифатларини (*ахир бундайлар ҳам бўлган*), ота-бобомиз қилган ишлар, – деб уларни мерос қилмай, аждодларнинг художўйлигини, ватани учун жон фидо қилишини, меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлигини пиру устозлар ва катталарга

бўлган ҳурмат ва одобини, уй-рўзғор юритишдаги саранжом-сариштаю, тежамкорлигини, хушмуомалаю, жасурлигини ҳамда бошқа кўпдан-кўп дунё халқлари ҳавас қиладиган ҳаёт тарзларини ўрганиб, шу кундаги ҳаётимизга сингдиришимиз лозим. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, шу кунда бу яхши урф-одатлар унутилиб, ўрнини миллатимизга ёд бўлган, ғарб маданиятининг бизга кераксиз жойлари кириб келаётганга ўхшайди.

Инсоннинг бошқа махлуқотлардан фарқи, унинг ижтимоий моҳияти, яъни ундаги билим, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб қоришмаси, – деб таъкидладик. Бу сўзларнинг том маъно моҳиятини батафсилроқ тушунтириб беришлик жоиз деб ўйлаймиз.

Қадимги ва шу кундаги инсон ижтимоий ҳаётига бағишланган адабиётларнинг кўпчилигида инсоннинг илмий-амалий атамаси “хомосапиенс”, яъни “аққли жонзот” деб айтилган. Бунга нима деса бўлади? Бундоқ қараганда, тушунча тўғрига ўхшайди. Бироқ чуқурроқ фикр юритиб кўрадиган бўлсак, ҳамма одамларда ақл бор. “Хомосапиенс” деган тушунчага қараганда, буларнинг барчаси “ақлли жонзот” бўлиб чиқмоқда, ақлини ишлатса ҳам, ишлатмаса ҳам. Бу адолатдан эмас, албатта. Ундан ташқари, таърифлар назариясига биноан, ҳар қандай таъриф ёки тушунча таърифланувчи нарса ва ҳодиса хусусиятларини ўлчамга солиш имкониятига эга бўлиши керак. “Хомосапиенс” тушунчаси орқали одамнинг инсонийлик даражасини ўлчаб бўлмайди.

Ўйлаб кўрайликчи, одам бирон нарса устида фикрини жамлаб, ақлини ишлатиши натижасида унда нима содир бўлади? Жавоб – ўша нарсани англаб етади, яъни, аввал бу нарса тўғрисида билмаганини билиб олади ёки билимга эга бўлади дейиш мумкин. Демак одам ақлини қанча кўп ишлатса, билими шунчалик кўпайиб бораверади. Ақлини ишлатмасачи? Билимсиз бўлиб қолаверади. Маълумки, билимларнинг тури жуда кўп. Ҳажми ундан ҳам кўп. Киши бу билимларнинг истаган турларини ва керакли ҳажмда олаверади. Натижада ҳар бир одамда турли-туман билимларнинг ҳар турли ҳажмдаги йиғиндиси пайдо бўлади. Инсондаги ана шу билимлар йиғиндисини, унинг ижтимоий моҳияти дейилади. Юқорида кўрдикки инсоннинг биологик моҳияти мавжуд. Энди билдикки, инсоннинг биологик моҳияти билан бир қаторда ижтимоий моҳияти ҳам бор экан. Қайсики, кишининг ирсий бирликлари орқали унга мерос бўлиб ўтган ва ўзининг умри

давомида тўплаган билимлар йиғиндиси унинг ижтимоий моҳиятини ташкил қилар экан. Ер юзида бундай қўшма моҳиятга эга биронта ҳам махлуқот йўқ. Ҳар қандай жанзотда фақат биологик моҳият бор холос. Инсон эса икки моҳиятга эга. Бундай қўшма моҳиятга эга махлуқотни “Биоижтимоий мавжудот”, лотинчада “биосоциум”, – деб номлаб келинмоқда.

Инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, унинг ижтимоий моҳият негизини билим ташкил қилар экан, савол туғулиши мумкин, у бу билимларни қаёқдан олади? Инсон бу билимларни ақлини ишлатиб, объектив борликдан ёки билим манбаи бўлган устоз-муаллим, шунингдек, китоб, журнал, телевизор ва бошқа ахборот воситаларидан олади. Киши эгаллаган билимларини ҳаётда қўллаши учун уларни ўзида сақлайди. Тинмай билим олиши ва уларни амалиётда қўллаб бориши натижасида ундаги билимлар кўникма, малака босқичларидан ўтиб ҳаёт тарзига айланади ва шу йўл билан маънавияти ошиб бораверади.

Демак инсон билимларни кундалик амалий ҳаётида қўллаш учун эгаллайди. Инсон тафаккур фаолияти натижасида эгаллаган билимларини амалиётда бир уринишда, дарров қўллай олмайди. Чунки унинг вужудида бу ҳаракатларга ҳали кўникма шаклланмаган. Янгитдан эгалланган билим асосида ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш учун киши иродасини ишга солиб, тарбиячи – устоз иштироки ва кўмагида ҳар бир ҳаракатини маълум мақсад йўналишида, шу соҳада мавжуд қонуният(билим)ларга бўйсунган ҳолда бир неча бор такрорлаши шарт бўлади.

Фойдали билимларни маълум даражада эгаллаб, маънавиятига айлантириб улгурган кишилар баркамол ҳисобланиб, бу дунёда эл-юрт ҳурматиغا, боқий дунёда эса жаннатга сазовор бўладилар.

Фойдасиз, яъни юқорида санаб ўтилган зарарли билимларни, баъзи кишилар, ўз гумроҳликлари туфайли ҳаёт лаззатларига тез ва деярли куч сарфламай, қинғир йўллар билан етишиш мақсадида эгаллайдилар. Улар гоҳо ўз мақсадларига етадилар ҳам, гарчи жамоат ва қонунни муҳофаза қилувчилар назоратидан ўтиб кетсалар. Аммо тез кунда бу ғайри ижтимоий билим(гуноҳ)лар уларнинг руҳини нуратиб, асабини тамом қилиб, бу дунёнинг ўзидаёқ дўзах азобига гирифтор қилади.

Азиз ва севимли юртдошлар гуноҳ ишлардан қочиб, баркамолликни ўзингизга раво кўринг, шунда у дунё-ю бу

Мамаражаб Тожиёв 7

дунёингиз обод бўлади, ўзингизни бахтли ҳис қилиб, умрингиз узок бўлади. Баркамол бўлиш сирларини эса кейинги саҳифаларда берамиз.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШ АВЛОДЛАРИГА ХОС БАРКАМОЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Ақллилик баркамолликка эришиш учун зарур бўлган кейинги ижтимоий сифатдир. Дарҳақиқат, инсоннинг бошқа махлуқотлардан асосий фарқи унинг ақлидир. Ақлнинг луғавий маъноси – “фикр юритмоқ”, “билмоқ” деган мазмунни билдиради.

Баркамоллик ҳақида сўз кетганда профессор З.Давроновнинг “Баркамолликка даъват мактублари” асарини ўқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, киши қанчалик кўп фикр юритиб, кўп билимга эга бўлса, шунча кўп ақли ҳисобланади. Лекин одам чуқур фикр юритмай, бошқалардан кўрган-эшитганларини, китоблардан ўқиганларини ҳамда устоз-муаллимлар айтганини эсда сақлаб қолиб, шу йўллар билан олинган билимларга амал қилиб юриши ҳам мумкин. Бунда ҳам ақл иштирок этади, аммо бу ҳолда ақл фаол бўлмай, ёрдамчи вазифани бажаради. У ҳолда киши кўп ҳам интеллектуал кучини сарфламайди. Доимо шундай ҳаёт кечириб юрган одамни ақли деб бўлмайди. Бироқ аксарият одамларнинг шундай ҳаёт кечиришга мойиллиги кўпроқ. Чунки бу йўл онсонроқ бўлиб, киши унча кўп ақлий қувват сарфламай, кўзлаган мақсадига, бошқаларнинг аниқлаб унга ўргатган билими орқали ета оладилар. Шунда бошқалар аниқлаган билимлар тўғри ёки нотўғри бўлиши ҳам мумкин деган мулоҳазага бормайдилар ҳам.

Лекин баъзи кишилар, ўқитувчи ва професорларнинг айтганига ва китобларда ёзилганлигига қаноат қилмай, ҳар бир нарсанинг негизига ўзлари етиб боришни истайдилар ва тайёр андозалар турганда уларга амал қилмай, ҳар бир нарсага ўзи мустақил фикр юритиб етишга ҳаракат қиладилар. Аслида бундай хислат ҳар қандай инсонда табиатан мавжуд бўлиб, кимдир уни ўзида

ривожлантирган, кимдир бу хислатини ривожлантирмай, уни сўндириш йўлидан кетган бўлади. Кимда бундай интилиш кучли бўлса, унинг ақли яхши ишлашидан далолатдир. Бундай кишилар ақлли ҳисобланади. Улар мустақил билим олиш жараёнида анчагина ақлий қувватлари ва вақтларини сарфлайдилар.

Бундай интеллектуал ҳаракат кўпчиликка малол келгани учун аксарият одамлар ақлий куч-қувват ва маълум бир вақт сарфлашдан қочиб, тайёр билимни ўрганиб олиб қўяқоладиларда, билимим бор, – деб мақтаниб ҳам юрадилар. Зиёлиларимиз ичида бундайлар кўпчиликни ташкил қилиб, улар тайёр билимларни ўзида йиғиб, олий маълумотли, фан номзоди, гоҳо фан доктори ҳам бўлиб, механик равишда йиғиб олган билимларини бошқаларга ҳам ўргатиб, ижтимоий ҳаётда баланд лавозимларни ҳам эгаллаб олган бўладилар. Аммо бу билан улар ақлли бўлиб қолмайдилар. Билимли, одобли ва итоаткор бўлсалар ҳамки, ақлли бўлмайдилар.

Ақлли киши деб ўз зиммасига анча қийинчиликларни олиб, ҳар бир нарса устида мустақил фикр юритиб, шу жумладан, тадқиқотлар олиб бориб эришган одамни тушуниш лозим. Фақат шундай одам энг юқори мақсад ҳисобланган баркамолликка эриша олади. Шунинг учун ҳам, баркамол инсон бўлишликнинг асосий шартларидан қилиб ақллиликни олдик.

Онадан киши ақлли бўлиб туғилмайди, албатта. Ҳамма одамлар бирдай, ақлини ишлатишга мойиллиги бор бўлиб туғилади, холос. Бир кишида бу мойиллик юқори, бошқа бировда у кам бўлиши мумкин, бу ҳам табиий. Туғилганидан сўнг эса ақлини қанчалик кўп ёки кам ишлатиши, даставвал, унинг ота-онаси, ака-опалари, қариндош-уруғлари, сўнг мураббий ва ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Улғайганидан кейин эса ақлини ишлатиш ёки ишлатмаслик юз фоиз ўзига боғлиқ бўлиб қолади.

Одобли деган ижтимоий сифат ҳам инсон фазилатларидан бири ҳисобланади. Одобли киши умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий қадриятларни яхши билган ва уларни эъзозлаган ҳамда жамият ичида қабул қилинган ахлоқ ва одоб нормаларига риоя қиладиган одамдир.

Ҳақиқатан ҳам, умуминсоний қадриятлар ҳисобланган меҳнат қилиш, бахтли ҳаёт кечириш, севиш ва севилиш, билим эгаллаш, катталарни ҳурмат қилиш, кичиклар ва аёлларга иззат кўрсатиб уларни ардоқлаш, рост сўзлаш ва шунга ўхшаш ҳамма инсонлар

учун ҳаётӣ зарур ва кадрли бўлган маънавиятларга ҳурмат нуқтаи назаридан қараш, уларни кадрлаш, умуминсоний одоб ҳисобланади. Шунга ўхшаб, асрлар давомида, муайян бир халқнинг миллий қадрияти бўлиб келган маънавият турлари, масалан, байрам ва тўйларни ҳамда турли ўйин ва анъаналарни ўтказиш, қуда-анда ҳамда бошқа меҳмонларни кутиш, рўзғор тутиш, кийиниш каби урф-одатларни тан олиб, уларга риоя қилиш миллий одоб қиёфасининг белгисидир. Шунингдек, саломлашиш, овқатланиш, сўзлашиш, кийиниш, жамоа жойларида ўзини тута билиш каби бир қатор ижтимоий ҳаётда мавжуд ҳаракат меъёрларига амал қилишлик ҳам одоб категориясига киради.

Баъзи ўринда миллий қадриятлар ёки урф-одатлар умуминсоний қадриятларга зид келиб қолиши мумкин. Масалан, мусулмон мамлакатларида хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда қатнашмай, уй бекаси бўлиб ўтириши урф бўлган. Бу муайян бир халқнинг миллий қадрияти бўлгани билан умуминсоний қадриятга зиддир. Бу ҳолда ўша ҳудудда яшовчи одам танлов эркинлигидан фойдаланиб ё ҳудуд қадриятини ушлайди ёки умуминсоний қадриятга амал қилади. Баркамолликка интилган киши, албатта, умуминсоний қадриятни устун қўйиши лозим, гарчи ўз ҳудудида бу маълум даражада одобсизлик бўлиб ҳисобланса ҳам. Баркамол инсон бўламан деганларга текис ва равон йўл йўқ, албатта. Улар ўзи танлаган камолот йўлида талай қийинчиликларни-ю хўрликларни енгиб ўтишлари шарт бўлади.

Чунончи, баъзи ёшлар билим олишга интилиб, саъй-ҳаракат кўрсатиши натижасида баркамоллик зинапояларидан юқорига кўтарилиб, муайян бир манзилга етганида, маҳалладошлари – сен маҳаллага қўшилмайсан, тўй-ҳашамга кам борасан, гап-гаштакларга қатнашмайсан, одамгарчиликдан чиқиб кетдингку, ўқиганинг кимга керак, – деб унга дошном берадилар. Баркамолликни ўзига мақсад қилиб олган одам, унга ноҳақ отилган бундай надомат “тошлар”га чидашига тўғри келади. Барча дўст ва маҳалладошларининг ҳиссиётга берилиб, айтган бундай сўзлари умуминсоний қадриятларга зид бўлган ҳолда кишининг ижтимоий тараққиётига ғов бўлиб хизмат қилади. Умуминсоний қадриятларнинг йиллар давомида бутун инсониятнинг танқид элагидан ўтиб келган маънавиятнинг бир кўриниши эканини унутманг. Ўша ошна-оғайнию маҳалладошларингиз сўзларининг тагида, аслида,

алам ётади. Улар сиз етишган мартабага эриша олмаганликлари туфайли аччиғи чиқиб шундай дейди. Аслида ўзи ўқимаганлигига ич-ичидан ачинади ва сизга ҳаваси келади. Билинг, ҳавас билан ҳасад орасида фарқ бир қадам, холос.

Севги масаласида ҳам шундай. Баъзи тор доирага қамалиб қолган халқларда икки ёшнинг севишиб, чакчақлашиб юриши айб, умуминсоний нуқтаи назардан эса бу жуда юқори қадриятдир. Бу ҳолда ҳам худудий қадрият умуминсоний қадриятга ўрнини бўшатади. Билим олишда ҳам шуни айтиш мумкин. Гарчи билим олишга қаршилик кўрсатувчи одамнинг ўзи ер юзида қолмаган бўлса ҳамки, оз бўлсада (баъзида бизнинг худудда ҳам), “қиз боланинг ўқигани қаёққа борар эди, бўлди ўқимайсан, сени турмушга узатиб юбораман” ёки “ўқиганда Афлотун бўлармидинг, ўқиганлар нима қилиб бераяпти, бўлди ўқимайсан, ишга кириб ишлайсан”, – деган гапларни ҳам эшитиш мумкин. Бу ўта одобсизлик ҳисобланиб, нафақат умуминсониятга, исломга, балки инсон ҳуқуқларига ҳам очикдан-очик қарши чиқишликдир. Бундайлар билан муросасиз ва аёвсиз кураш олиб боришлик лозим. Кураш деганда, том маънода урушишни тушунмай, уларга тарбиявий таъсир ўқизишни тушунмоқ лозим.

Билимли деган фазилат инсоний сифатларнинг навбатдагисидир. Аввалги бўлимларда бир неча бор таъкидлаб, исботлаб берганимиздек, инсоннинг бошқа махлуқотлардан асосий фарқи унинг билими борлигидадир. Билимни киши ақлини ишлатиш йўли билан эгаллайди. Бу ерда “билимли” категорияси “ақлли” категорияси билан ҳамоҳанг. Аммо киши ақлини ишлатиб, бирон-бир нарса ёки ҳодисани билиб олиб, сўнг уни унутиб кетавериши ҳам мумкин.

Билимли деганда, нарса ва ҳодисаларнинг том маъно ва мазмунига тушуниб етиб, уларни ташкил қилувчи қонуниятларини (билимларини) билиб олиб, ўз тафаккуридан ўтказиб, ҳаётда бир неча бор синаб кўриб, сўнг маълум бир тартибда хотирасида сақлаган кишига нисбатан айтилади.

Юқорида айтганимиздек, билимли бўлиш учун билимларни ёд олиб, уларни эслаб қолишдан кўра, ақлини ишлатиб эгалланган билим юқори самара беради. Ақлини ишлатиб бир нарсани билиб олганидан сўнг уни бир неча бор синаб кўриб, илмда қабул

қилинган тартибда хотирада сақлаши, мантиқан тўғри ва ақлли одамнинг иши бўлади.

Билим киши ижтимоий моҳиятининг асосини ташкил қилар экан, унинг туридан қатъий назар, ўзингиздаги билим ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилинг, азизлар!

Одам ўзига билим йиғбошлаганида уни маълум бир тартибда йиғишлик катта аҳамияга эга. Чунки тартибсиз йиғилган билимнинг фойдаси бўлмай, инсон ижтимоий моҳиятини оширмай, аксинча, пасайтириши муқаррар. Эгалланган узук-юлуқ билимлар, инсон хотира сандиғи, яъни нейрон найчаларидан ўрин тополмай мияда айланиб юриб, мия қобиғидаги босимнинг ошишига олиб келади. Бу эса бош оғриғининг сабабларидан биридир.

Меҳнатсеварлик баркамол инсон сифатларининг асосийларидан биридир. Меҳнатсеварлик деганда, меҳнатнинг туридан – оғир меҳнатми, енгилми, ақлий меҳнатми, жисмонийми, қатъий назар, киши уни бажаришга жон-жаҳди билан киришишлигига айтилади. Меҳнат мақсадга йўналтирилган фаолият эканини эслатиб ўтамиз. Инсон дунёда ҳаёт кечириши жараёнида унда бир қатор моддий, маънавий ва руҳий эҳтиёжлар пайдо бўлиши табиий ҳол. Бу эҳтиёжларни қондириш учун киши шунга мос равишда ўз олдига мақсадлар қўяди ва шу мақсадларига эришиш учун, маълум бир тартибда ҳаракат қилади. Шунда у анчагина жисмоний ва ақлий куч сарфлайди. Бунини меҳнат дейилади. Киши олдига билим олишни мақсад қилиб қўйган бўлса, унга эришиш учун асосан ақлини ишлатиб, жуда кўп интеллектуал қувват сарфлайди. Кўпчилик билим олиш жараёнининг машаққатларини билмай туриб, китоб ўқиш, билим эгаллаш ҳам меҳнатми, – деб ўйлайдилар.

АҚШ олимларининг тадқиқотларига қараганда, маъруза ўқиётган ёки илмий-тадқиқот олиб бораётган киши энг оғир меҳнат ҳисобланган қурилишдаги бетон билан ишлаш ёки ер остидан кўмир қазиб олишда сарфланаётган қувватга нисбатан ўн баробар кўп қувват сарфлар экан. Аслида ақлий меҳнат, жуда оғир иш. Халқимиз “деҳқонлар қудуқни кетмон билан, чеварлар игна билан қазишса, олимлар қудуқни киприги билан қазийди”, – деб бекорга айтмаган.

Соғлик ҳам инсон ижтимоий моҳиятининг ажралмас қисми бўлиб, ижобий сифатларининг биридир. Мутлақо соғ киши деб ҳам

/

жисмоний, ҳам руҳий, ҳам ижтимоий саломат бўлган кишига нисбатан айтилади.

Жисмоний саломат деганда, фақат бақувват, мушаклари бўлиқ ва кучи кўп одамни тушуниб қолманг. Жисмоний саломат одам ўз танасининг эгаси бўлади. Яъни жисмоний соғлом одам барча аъзоларини ўзига бўйсундириб, истаган жисмоний иш ва машқларни осонликча бажара олади. Жисмоний саломатликнинг биринчи белгиси, киши эрта билан турганда ўзида ланжликни сезмай, унда жисмоний ҳаракат қилиш эҳтиёжи мавжуд бўлади.

Руҳий саломатлик кишининг ҳаёт-мамотида етакчи ўрин эгаллайди. Маълумки, оламни ёритувчи ва иситувчи куч – қуёш нури бўлганидек, инсон қалби, тафаккури ва бутун вужудини равшан қилувчи куч – бу руҳ. Кишининг руҳи саломат бўлса, ҳар қандай қиладиган эзгу ишини поёнига етказди. Руҳий саломатлик, кишининг қилган ниятлари ва олдига қўйган мақсадлари билан белгиланади. Инсон яхши ниятлар қилиб, яъни бировга яхшилик қилишни мақсад қилиб, шу қиладиган яхшилигини амалга ошириш режасини тузиб қўйганининг ўзида дили яйраб, руҳи таскин топиб, қиладиган ишининг ҳам унуми бўлади. Агар шу қилган яхши ниятини киши амалга оширса, унда дил байрами содир бўлади ҳамда меҳнат унумдорлиги бир неча бор ошиб, бошқаларга қилган яхшилигига сарфланган куч ва маблағ, бир неча бор ортиғи билан унга қайтиб келади. “Берганга бераман” деган оятнинг мазмуни ҳам шунда.

Ижтимоий соғлом бўлмоқчи бўлган инсон, тинмай ўз устида ишлаб, сурункасига ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлмоғи лозим. Барча ижтимоий касалликлар – ўғрилиқ, фирибгарлик, судхўрлик, ароқхўрлик, нашавандлик, гиёҳвандлик ва бошқа разолатларнинг бош сабабчиси дангасалиқ билан нафсдир. Дангасалиқдан холи бўлган ва нафсини тия олган киши ижтимоий саломат, инчунун, жисмонан ҳам соғ бўлади.

Баркамол бўлишликни ният қилган одам ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам ижтимоий саломатлиги устида қайғуриши лозим.

Миллий ғурур – инсониятнинг ҳар қандай фаолият жараёнига рағбат вазифасини ўтайдиган ижтимоий сифатдир. Миллий ғурури йўқ одам ҳар бир ишда лоқайд бўлиб, унинг қилган ишининг унуми ҳам бўлмайди. Миллий ғурурга эга инсон эса мақсад қўйдими,

бутун вужуди билан уни амалга ошириш учун ғайрат-шижоат билан киришади ва тезликда мақсадига етади.

“Миллий ғурур” тушунчасини шарҳлашдан олдин “миллат” деган тушунчани изоҳлаб бериш зарурати мавжуд. Чунки “миллат” сўзига биздаги файласуфлар турли-туман мазмун киритмоқдалар. Бу тушунча тўғрисидаги музокарага кўп ҳам берилмай, жаҳон ҳамжамияти ва бизнинг тасаввуримиздаги “миллат” деган тушунчанинг таърифини бериш билан чекланамиз.

Миллат деганда, бошқа мамлакатлардан чегараланган ўзининг худудига, ўз қомуси, рамзи, қонун-қоида, урф-одат ва анъаналарига ҳамда умумий хўжаликка, шу билан бирга, худуд ичидаги халқлар орасидаги муносабатларни амалга ошириш учун умумий бир ёки бир неча тил бирликларига эга бўлган халқлар уюшмасига айтилади. Демак чегараланган бир худудда бир неча ўнлаб, юзлаб халқлар биргаликда, узоқ йиллар давомида меҳнат қилиб, меҳнатидан чиққан даромадни бирга баҳам кўриб, байрам ва бошқа анъаналарни бирга ўтказиб ҳамда бир қонун ва қоидаларга бўйсуниб юрган одамлар уюшмаси миллат ҳисобланар экан. Миллатнинг номи, ерли халқнинг номи билан аталиши ёки бошқа бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек, қозоқ, туркман деган миллатлар худуддаги туб халқнинг номи билан аталган. Американи, француз, немис ва бошқа миллатлар туб ерли халқнинг номидан келиб чиқмаган.

Миллий ғурур деб яшаб турган мамлакатининг тарихини, маънавият ва маданиятини яхши билиб, унинг олиму фозиллари ва қаҳрамонлари билан ич-ичидан мағрурланувчи ҳамда шу мамлакат равнақига ўз ҳиссасини фаол қўшиб келаётган киши қалбидаги умуминсоний ғурур негизида пайдо бўлган рухий кайфиятга айтилади.

Аммо миллий ғурурни миллий мақтанчоқликдан фарқлаш лозим. Миллий мақтанчоқ, – деб бошқа миллатларни камситиш мақсадида ўз миллат тарихини, олиму қаҳрамонларини билиб олиб, мана биз қандай мамлакатда яшаймиз, деб мақтаниб, ўзи бу миллат равнақига ҳеч қандай улуш кўшмайдиган, сафсатабоз кишига нисбатан айтилади. Уни миллатчи, – деб ҳам юритилади. Миллий ғурур ижобий ижтимоий сифат бўлса, миллатчилик ижтимоий қусурдир.

Ватанпарварлик хислати миллий ғурурнинг тараққий этган варианты бўлиб, ватан равнақи ва инсон камолоти учун рағбат пайдо қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Миллий ғурур негизида одамларда ватанини севишлик кайфиятини пайдо қилиб, уни ошириб бораверилганда, инсон ватанини шунчалик сева бошлайдики, миллати учун, юрти учун, яъни ватани учун фидойиларча меҳнат қилиб, зарур бўлганда жонини ҳам фидо қилишгача тайёр бўлади. Бу ҳақиқий ватанпарварлик дейилади.

Одамларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш учун, даставвал, уларда миллий ғурурни пайдо қилиш керак. Миллий ғурур бўлмаган кишида ватанпарварлик туйғусини пайдо қилиб бўлмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиоматик ҳақиқатдир. Аммо яқин ўтмишимизда, миллий ғурурни миллатчиликка йўйиб, болаларда миллий ғурурни пайдо қилмай туриб, ватанпарварлик туйғусини шакллантирмоқчи бўлганлар. Охир-оқибатда одамларда ватанпарварлик туйғуси йўқ бўлиб кетиб, мамлакатда кичик бир ижтимоий силкиниш бўлган эди, мамлакат парчаланиб, бир қатор майда мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Шу кунда бу давлатларда, ўз миллий маънавият ва қадриятларини ҳамда урф-одатларини ўрганиб, уларни ривож топтириб, аҳолида миллий ғурурни таркиб топтирилмоқда. Бу тўғри. Кейинчалик, миллий ғурур кучая бориб, ватанпарварлик туйғусини пайдо бўлиши муқаррар.

Ватанпарварлик деган ижтимоий сифат, жуда ноёб бўлган “миллий ғурур” деган ҳис-туйғудан пайдо бўлиб, жуда ҳам виждонли ва ўта имонли ҳамда меҳнатни яхши кўрадиган, ва умуман, барча яхши сифатларга эга одамда вужудга келади. Бу ижтимоий сифатга эга кишини, инсоний баркамолликка етиб қолган деса бўлади.

Толерантлик деган ижтимоий сифат ватанпарварлик руҳи асосида шаклланиб, энг юқори ижтимоий сифатлардан ҳисобланади. Одам миллатини ва ватанини севиб, унга гўёки муҳолиф бўлган бошқа миллатни танқид қилиш мақсадида унинг тарихини, маънавият ва қадриятларини ўргана бошлайди. Чунки билмаган нарсасини киши танқид қилолмайдида, билар-билмас танқид қила бошлаши билан муҳолиф томон уни сўз билан уриб ташлайди. Киши бошқа халқларнинг маданиятини ўрганиш жараёнида уларда ҳам жаҳонга арзигулик жуда кўп қадриятлари,

адабиёт ва маданиятлари бор эканини билиб олади. Шундан кейин яқин ва узоқ хориждаги халқлар маънавияти ва маданиятини чуқурроқ ўргана бошлайди. Ўрганиш жараёнида уларга меҳри ошиб, секин-аста уларни ҳам, ўз миллати қатори яхши кўрадиган бўлади. Байналмилал туйғуга эга одамни баркамол инсон деса бўлади. Чунки дунёдаги барча халқлар худонинг бандаларидир ва барча миллатлар ҳуқуқда тенгдирлар.

Инсонпарварлик (гуманизм). Бу ижтимоий сифатга эга одам ҳам баркамолликка эришган бўлиб, умуминсоний қадриятларни тан олибгина қолмай, уларни бор кучи билан муҳофаза қилади. Умуминсоний қадриятларга: ҳар бир инсонни шахс сифатида тан олишлик, унга яшаш, меҳнат қилиш, севиш, севилиш, ўз иқтидорларини истаганича намоён қилиш ҳуқуқлари киради. Инсонпарвар киши, одамнинг ушбу инсоний ҳуқуқларини тан олиб, уларнинг бузилишига йўл қўймайди.

Инсонпарвар одам бутун инсониятни, шу билан бирга, ҳар бир инсонни, унинг ирки, миллати, ёши ва келиб чиқишидан қатъий назар, чин дилидан севади, унга фақат эзгу ниятда бўлиб, яхшиликлар қилишга шошилади.

Мардлик, жасурлик ва шижоатлилик. Кишида юқорида санаб ўтилган барча фазилатлар бўлсаю мардлик ва жасурлик бўлмаса, бу фазилатлардан ҳеч кимга наф тегмайди. Чунки киши қанчалик ақлини ишлатмасин, қанчалик одобли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, ватанпарвар ва бошқа ижобий ижтимоий сифатларга эга бўлмасин, сусткашлиги ва кўрқоқлиги туфайли уларни ҳаётда ишлатолмайди. Ишлатган тақдирда ҳам, кўрқиб, эҳтиёткорлик билан қилган ижобий ишларининг самараси бўлмайди.

Инсон ҳар бир ишни бажаришда, унга мардонавор ва кўрқмай киришса, қилган ҳаракати яхши самара беради. Шунинг учун мардлик, жасурлик ва шижоатлилик, инсоннинг барча ижобий ижтимоий сифатлари учун ҳаракатлантирувчи омил вазифасини ўтайди.

Ақлингизни ишлатиб, муайян бир мақсадга эришиш режасини туздингизми, кўрқмасдан, мардонавор ва шахд билан амалга оширишга ҳаракат қилинг!

Мардлик жасурлик билан ҳамоҳанг бўлиб, бир-биридан кам фарқланади. Аммо шижоатлилик тушунчаси мардлик ва жасурлик тушунчаларидан биров фарқ қилиб, кишини бир иш бошласа, унга

ғайрат ва шиддат билан киришиб, суръатини бошлаган ишининг охирига еткунга қадар сақлаб туришликка айтилади. Одамда барча ижобий ижтимоий сифатлар, шу жумладан, мардлик ва жасурлик бўлсаю ғайрати етмаса, бошлаган иши ўлда-жўлда қолиб, иш бажарилмай қолиши мумкин. Битмаган ишнинг ҳеч кимга фойдаси йўқ. “Битган ишга бек етмас”, деган халқ мақоли ҳам бор. Аҳоли ичида бунга ўхшаш кишилар ҳам анчагина топилади. Баъзилар ақлли ва билими кўплиги натижасида одоб нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ватанига хизмат қилиш мақсадида, меҳнатдан қочмасдан, миллий ғурури жўш уриб, мардлик билан, кўркмасдан бир ишни бошлайдиларда, ишни ярмига етганда ёки охирлаб қолганда кейин бўлар деб, шижоатлари етмасдан ташлаб қўядилар. Сўнг бу ишни эсдан ҳам чиқариб юборадилар. Ҳаётда бундай кишиларни ҳам кўрганмиз.

Азиз китобхон, бир ишни бошладингизми, сусткашлик қилмасдан, ҳаракат суръатини ишни охиригача сақлаб туришга жазм қилинг, шунда бажараётган ишингизнинг самараси юқори бўлади.

Сабр-қаноат инсоннинг яхши ижтимоий сифатларидан бири бўлиб, инсон руҳининг юқори даражага эришганидан далолат беради. Одамнинг ҳаёт-мамоти равон кечиши учун бошпанали бўлмоғи, емоқ-ичмоғи, кийинмоғи, бола-чақа боқмоғи керак бўлади.

Ҳаётий зарур бу нарсаларнинг тури ва саноғи жуда кўп бўлиб, одам ўзининг эҳтиёж тизгинини қўйиб юборса, бу нарсаларнинг ҳаммасига тўлалигича ҳеч қачон эришолмайди. Шунинг учун ақли расо ва одобли инсон бу нарсаларнинг энг камига қаноат қилиб юради. Бундай одамни қаноатли инсон дейилади ва унинг халқ ичида обрўи юқори бўлади.

Ундан ташқари, ҳаёт мураккаб нарса бўлиб, киши ҳаёти давомида етишмовчиликлар, кутилмаган қийинчиликлар ёки ундан ҳам ёмони, турли фалокатлар рўй бериб туриши муқаррар. Шунда инсон фақат сабр-тоқат ва чидам билан “куннинг ярми қоронғу бўлса ярми ёруғ бўлади”, – деб бу қийинчиликларни енгиши мумкин. Бундай инсонни сабр-тоқатли дейилади. Бу ижтимоий сифат мақсадга омон-эсон олиб борувчи бирдан-бир омилдир. Кўпчилик сабр-тоқат қилмай, кўзлаган эзгу мақсадига етолмай йўлда қолиб кетадилар.

Ҳар қандай қийинчиликларга сабр қилиб, энг оз миқдорга қаноат қилиб юришни, ўзининг ҳаёт тарзи қилиб олган одам бахтлидир. Бунинг учун нафсни жиловлаш керак бўлади. Нафс балосига учраган одамнинг олдига бутун дунё бойлик ва ноз-немаътларини тўкиб солсангиз ҳам қаноати бўлмаганидан кейин ўзини бахтсиз ҳис қилаверади.

Сабр - қаноатли бўлинг, азизлар!

Саховатлилик. Бу хислат инсоният эришган энг юқори ижтимоий сифат бўлиб, у юқорида қайд қилиб ўтилган барча фазилатларга эришган одамда намоён бўлади. Саховатли киши ҳамма одамларни миллатидан, ёши, ирқи ва келиб чиқишидан қатъи назар, чин дилидан севиб, яхшиликлар қилиш мақсадида, уларни тўғри йўлга етаклайди, ўзидаги билимларни ва топган молу дунёсини тинмай улашади. Бу эса инсоннинг ўта ақллилик ва одоб белгиси бўлибгина қолмай, унинг билими кўп, тани-жони соғ ва мард одам эканидан далолат беради. Бундай одамнинг имони мукамал бўлиб, Азизиддин Насафийнинг айтишича, ориф даражасидан ўтиб, валийликка етиб қолган бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган баркамол инсоннинг ўн уч сифати, яъни фазилатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири пайдо бўлган кишида бошқасини ҳам етаклайди. Яъни имони мустаҳкам одам бировларга кўр-кўрона эргашишни хоҳламай мустақил фикр юритади. Мустақил фикр юритиши натижасида унда бирталай билимлар йиғилиб у билимли бўлади. Билимнинг ўзига яраша кучи бўлгани учун, шу куч таъсирида у одобга ўргана бошлайди. Имони мукамал, ақли, билимли ва одобли киши, албатта, меҳнатни севиб, меҳнатсевар бўлади. Меҳнатсевар ва ақли одам, албатта, ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам ижтимоий саломат одам бўлади. Соғлом одам ақлини ишлатиши натижасида ва бир қатор билимларга эга бўлганидан сўнг, албатта, миллий ғурури пайдо бўлади. Миллий ғурур эса, ўз навбатида, ватанпарварликни, байналминалликни ва инсонпарварликни етаклаб келади.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори.


УЧИНЧИ ФАСЛ

БАРКАМОЛ ШАХСДА ИНСОН ТУШУНЧАСИ

Инсон моҳиятини мазмуни. Инсон моҳияти тўғрисида Мавлоно Жалолоддин Румий ўзининг “Ичингдаги ичингдадир” асарида қуйидаги фикрни айтганлар: “Инсон гапирувчи ҳайвондир”, – дейишади. Демак у икки нарсадан иборат. Бу дунёдаги унинг ҳайвонлик тарафининг озуқаси шаҳват қўзғатувчи нарсалар ва орзулардир. Инсонлик тарафининг озуқаси билим, ҳикмат ва Тангрининг жамолидир”.


Ғарбнинг XIX асрдаги буюк файласуфи, шоир ва композитор, янги фалсафий таълимотни илгари сурган Фридрих Ницше (1844 – 1900) – “...ҳар бир инсон – ноёб бир мўжиза...”, – деган.

Инсон тўғрисида билдирилган Шарқ алломалари ва Ғарб олимларининг фикрларини жамлаб, уларни илмий тилда ифодаладиган бўлсак, инсон жонли махлуқот сифатида ноёб бир мўжиза бўлиб, икки моҳиятга эга: бири, биологик моҳият бўлса, иккинчиси ижтимоий моҳиятдир. У жонли махлуқот сифатида, бир қатор биологик кўрсаткичларга эга бўлса, тафаккур ва тасавури ёрдамида эгаллаган ва унга мерос бўлиб ўтган билимларининг мураккаб мажмуи ижтимоий моҳият касб этади. Шу сабабли, униг илмий атамаси “Биоижтимоий мавжудот”, лотинчада “Биосоциум” дейилади. 6-расм.



6-расм. “Биоижтимоий” мажмуи

6-расмда, инсон ўзаро узвий боғлиқ бўлган учта моҳиятнинг бирлигидан ташкил топган экан, уларнинг ҳар бири мажмуидир. Мисол қилиб, инсоннинг наслий моҳиятини оламиз. 7-расм.



7-расм. Инсоннинг “наслий моҳият” мажмуи

Биологик моҳиятга, одамни бошқа жанзотлардан биологик тур сифатида ажратиб турувчи тафаккур юритиш ва тассаввур қилаолиш қобилияти, тик юриши, қад-қоматию танасининг ўлчамлари, бош-оёқ ва қўлларининг шакл-шамойили, умр кўриш муддати, юрак-қон ва асаб тизимларининг ўзига хослиги, танасининг исиклик даражаси ҳамда бошқа кўпдан-кўп биологик кўрсаткичлари киради.

Ижтимоий моҳияти деганда: аждотлардан кишига мерос бўлиб ўтган ирсий birlikларидаги ахборотлар билан унинг шахсий ҳаёти давомида эгаллаган билимлари ва улар асосида орттирган кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмуи тушунилади. Айтиш жоизки, яқин кунларгача ахборотлар аждотлардан авлодларга мерос бўлиб ўтмайди деган фикр устунлик қилган. Бугунги кунда бу фикр инкор қилиниб, ота-онаси эгаллаган билимлари ҳаётида синалавериб, кўникма ва малака босқичларидан ўтган ва руҳига сингиб, ҳаёт тарзига айланиб кетган қисми наслдан наслга ўтиши исботланган.

Мавлоно Жалолоддин Румий ҳам “Ичингдаги ичингдадир” асарида бу ҳодисани бундай ифодалайди: “Инсон буюк бир мўжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасидаги тадбирлари кўнгилнинг чексиз орзуларидир. Энди қара,

/

ўртадан пардалару қоронғуликлар кўтарилса, у нималарни билиб олмайди, дейсан”. Тасаввуф пирлари айнан шу парда ва қоронғуликларни бартараф этиб, кишини ирсий бирликларидаги билимларини уқиб олиш усулларини топганлар. Шу кунда илм, буни техник усул билан ҳам амалга ошириш йўлини аниқлаган.

Киши биологик ва наслий моҳиятини бойитиш. Инсоннинг биологик ва наслий моҳиятига, кишининг вужудидаги руҳи билан ташқи табиий ва ижтимоий муҳитлар таъсир кўрсатади. Ташқи табиий муҳит ҳаммага маълум бўлса, ижтимоий муҳит тушунчси кўпчиликга нотаниш. Ижтимоий муҳит деганда, шахслараро ва ижтимоий гуруҳлар орасида ҳамда давлат мулозимлари ва амалдорларининг кенг аҳоли билан бўладиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларидан ҳосил бўлган ўзига хос руҳий муҳит тушунилади.

Кишининг биологик моҳиятига тик юриш ҳусуиятини киритган эдик. Шундай экан, киши қанчалик тик, ғоз юрса, шунча одамий кўркамликка эришади. Аммо ғоз юришни меъеридан ошириб, гердайишга ўтказиб юбормаслик жоиз. Букилиброқ ёки энгашиб юрган киши хунук кўришиб, бошқаларда унга нисбатан шубҳа туйғусини уйғотса, гердайган кишини ҳам одамлар ёқтирмайди. Кўкрак қафасини меъерида кериброқ тик юрганда инсоннинг ички аъзоларининг фаолияти яхшиланади ва тана сиҳатлиги ошади.

Қад-қоматни яхшилаш устида ғамхўрлик қилган одам доимо ўзининг юриш-туришига четдан туриб қарашга ўрганиши, биологик ҳолати устидаги назоратини сусайтирмаслиги лозим. Чиройли қад-қомат эгаси бўлишни истаган одам буни ўзига мақсад қилиб олади ва шу мақсадга интилиб, муайян йўналишдаги ҳаракатини узлуксиз амалга ошириб юради. Қад-қоматни яхшилаш, асарнинг шу мавзуга бағишланган “эзгу ният ва ҳар томонлама соғлом” деган фазилатни тавсифлаганда батафсилроқ ёритилади.

Шакл-шамойил. Инсоннинг бошқа махлуқотлардан кейинги фарқи унинг тана ва кўл-оёқларининг шакл-шамойили дедик. Тана ва кўл-оёққа чиройли шакл берадиган улардаги мушаклардир. Мушаклар бўлиқ ва таранг бўлса, одамнинг ташқи кўриниши кўркам бўлади ва тансиҳатлиги яхшиланади.

Мушакларнинг бўлиқ ва таранг бўлиши учун киши доимо руҳини поклаб, кайфиятини кўтаринки ҳолатда ушлаб юриши ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши лозим. Шу билан бирга,

овқатланиш, суюқлик истеъмол қилиш, ётиб-туриш, тан маҳрам билан интим муносабатда бўлиш, уйқу ва бўшаниш, меҳнат ва дам олиш ҳамда ҳаммом муложасини ёши, жинси ва мијозига қараб амалга ошириши лозим. Бундай тавсияларни методологик асоси китобимиз саҳифаларида кўрсатиб ўтилса ҳам, уларнинг амалий усулларини махсус ёзилган китоблардаги тавсияларга ёки тиббиёт ходимларининг маслаҳатига биноан амалга оширса яхши самара беради. Бизнинг маслаҳат, бу ҳаракатларни, маълум бир вақтда ва канда қилмай бажариш керак.

Тананинг биологик ва наслий моҳиятларини ривожланишида одам вужудининг тиббий саломатлиги етакчи ўрин тутди. Вужуднинг саломатлиги кўп омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг биринчиси инсон билан табиат орасидаги муносабатдир.

Табиат билан инсон орасидаги муносабат. Тангри таоло, табиатнинг таркибий қисмлари орасидаги муносабатларни мувозанат ҳолда яратгани билан, одам ўзининг тинимсиз фаолияти натижасида бу мувозанатни бузиб юборган. Инсоннинг табиатга кўрсатган таъсирини бартараф этиш учун табиатда мослашиш қобилият бор. Аммо бу қобилиятнинг ҳам чегараси мавжуд. Инсоннинг атроф оламга кўрсатган таъсири ўта юқори бўлиб, бундай таъсирга табиатнинг мослашиш қобилиятининг кучи етмай қолган жойда табиат заво­л топа бошлайди ва экологик вазият ёмон томонга ўзгаради. Табиат зарар кўрган ҳудудда яшовчи инсонлар ҳам жисмоний зиён кўрадилар, чунки инсон табиатнинг ажралмас унсуридир.

Инсоннинг табиат билан муносабати нафас олиш, овқат ва сув истеъмол қилиш, меҳнат ва дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш жараёнлари орқали содир бўлади. Агар она табиатнинг унсурлари: ҳаво, ер, сув, тупроқ, ўтлоқ, ўрмон, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамда бошқа табиий унсурлар вужуднинг биологик талабларига тўлиқ жавоб берса, киши саломат юради. Аксинча бўлса, вужудда зўриқиш пайдо бўлади. Вужуд мажмуаларининг сурункасига зўриқиши, одамда касалликни пайдо бўлишига сабаб бўлиб, унинг биологик ва наслий моҳиятини таназзулга учратади. Касалликларнинг келиб чиқиш сабалари қуйидагича:

биринчи сабаб – моддий сабаблар. Улар бир нечта негиздан иборат: яқин негиз, руҳдир. Киши касал бўлмаслиги учун, аввало,

/

руҳини покиза ушлаши керак. Руҳ поклиги ният поклиги билан узвий боғлиқ (руҳ тарбиясига кейинроқ тўхталамиз). Узоқроқ негиз хилт – суюқликлардир. Тана сиҳатлигини сақлаш учун хилтни мувозанат ҳолда ушлаб туриш лозим. Инсон танасида тўрт хил суюқлик мавжуд. Бу қон, балғам, сафро ва савдо кўринишига эга. Танада қайси бир суюқлик миқдори ошиб ёки камайиб кетса, вужуд шунга боғлиқ касалликларга учрайди. Энг узоқ негиз табиий унсурдир. Инсонни табиат унсурлари билан муносабатини қисқа бўлса ҳам юқорида кўрдик;

иккинчи сабаб – кишининг ахлоқи. Уларга: юриш-туриш, овқатланиш, чанқокни босиш ва бўшаниш, уйқу ва бедорлик, жуфти ҳалоли билан интим муносабатда бўлиш, меҳнат қилиш ва дам олиш, ҳаммомга тушиш киради. Булар тўғрисида батафсилроқ маълумотни ҳам кейинроқ берамиз;

учинчи сабаб – инсон фаолияти. Мақсад сари қилинган ҳаракат меҳнат дейилади. Киши рўзгорини тебратиш учун меҳнат қилиш ва бу жарёнда йиғилган чарчоқларни бартараф этиш мақсадида ҳордиқ чиқариши шарт. Киши меҳнат ва дам олиш жараёнида уни ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳитлар билан муносабатга киришади. Шунда иш жойи ва дам олиш масканининг санитария ҳолати ва эстетик кўриниши қониқарсиз бўлиб, тозалик талабларига жавоб бермаса ёки меҳнат ва дам олиш жамоаларидаги ижтимоий муҳит носоғ бўлса, киши асаби бузилиб, вужудида зўриқиш пайдо бўлади ва бу ҳол давом этаверса, киши турли соматик касалликлар билан оғрий бошлайди. Шулар билан бир қаторда, киши бажараётган меҳнатига меҳр кўйиб, уни кўтаринки руҳда амалга оширмаса, тез чарчайди ва вужуд зўриқади;

тўртинчи сабаб – мижоз. Замонавий тиббиётда бу ҳил сабабга кам эътибор берилади. Табиблар эса, аксинча, бу омилга катта аҳамият бериб, беморни мижозига қараб даволашади. Мижоз тўғрисидаги адабиётлар камлиги туфайли, мижоз тўғрисидаги маълумот, асосан, Ибн Сино асарларидан олинди. Мижоз масаласига ҳам кейинроқ тўхталамиз.

Маълум бўлдики, инсоннинг биологик ва наслий моҳияти, унинг тансиҳатлигига боғлиқ экан. Тансиҳатлик бўлмаган жойда қандайдир касаллик мавжуд бўлиши аниқ. Бироқ касаллик инсон вужудида жуда секин ривожланиб, сўнг иситма, оғриқ, тошма, чипқон, кўтир ва бошқа турдаги кўринишда ўзини намоён қилади.

Кўпчилик фақат оғриқ ёки иситмалай бошлаганда ёки танасини турли яра ва тошмалар қоплай бошлагандагина касалга чалиндим, – деб ўйлайди. Аслида эса касалга анча аввал чалинган бўлади. Буни ҳисобга олиб, касални тузатишдан кўра, олдини олиш чораларини кўрган маъкул.

Хўш, қандай қилиб бу дардларнинг олдини олиш мумкин? Инсон вужуди ўзининг тадрижий тарақиёти давомида табиатан маълум тартиб ва меъёрларга мослаштирилган. Инсоннинг вазифаси шу меъёр ва тартибларни билиб олиб, уларни сақлаш, бошқаришдан иборат. Бунинг учун инсон ўзининг табиий ва ижтимоий муҳитлар билан муносабати орқали касалланиш сабабларини, руҳ ва унинг тарбиясининг қонун-қоидаларини билиб олиб, уларга риоя қилиб юриши жоиз.

Рух ва унинг тарбиясининг методологик асослари. Рух тарбиясини амалга ошириш йўл-йўриқлари баёнидан аввал руҳ тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтамиз. Шу кунда руҳ ва рухий олам сирлари тўлиқ очилмаган. Ҳатто руҳ нима, жон нима деган саволларга аниқ жавоб берилган эмас. Қуръони каримнинг “Ал-Исро” сураси, 85-оятда руҳ ёлғиз Парвардигори олам биладиган ишлардан экани, бу ҳақда инсонларга жуда оз билим берилгани таъкидлаб ўтилган. Аммо инсон табиатан қизиқувчан, изланувчан ва ҳаракатчан қилиб яратганлиги боис тарихда ўтган барча олим ва алломалар, валийлару авлиёлар бу саволга жавоб топишга уринишган ва баҳолиқудрат ўз фикрларини айтиб кетишганлар.

Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадисларида фаришталарнинг нурдан яратгани ҳақида айтиб ўтилган. Биз фаришталарни кўзимиз билан кўролмасак ҳам борлигини инкор этмаймиз. Ҳозирги замон илмининг таъкидлашича, кўзимиз сониясига уч юз минг километргача ҳаракат қиладиган нарсаларни кўролмас экан. Шу кунда биз билан параллел ҳаёт мавжудлигини исботлаган. Биз билан ёнма-ён яшаётган махлуқотлар газсимон моддадан ташкил топганликлари ва ниҳоятда тез ҳаракат қилишлари сабаб кўзга кўринмайдилар. Параллел дунё махлуқотларини ўрганувчи уфология деган илм-фан мавжуд. Бундай махлуқотлар билан мулоқотга киришучи одамлар анча. Шунга ўхшаб руҳ ҳам мавжуд бўлиб, бизга кўринмайди, холос.

Ҳиндиларнинг “Бҳагавад-Гита” китобида ёзилишича, руҳ туғилмайди. Уни худо маълум бир пайтда пайдо қилган, у ўз

фаолиятини ҳеч қачон тўхтатмайди. Бу китобда руҳий оламнинг борлиги, кўзга кўринмайдиган ва ниҳоятда кичик бўлган биздаги рух, Мукамал Рухнинг заррачаси экани қайд қилинган.

Кўпинча рух тушунчаси жон сифатида ҳам ишлатадилади.

Аристотель (эр.ав.384 – 322) таълимоти бўйича, жон – тирик тананинг бошланғич асоси. Унда жон номоддий субстанция, рух билан бир маънода тушунилади.

Абу Наср Форобий (873 – 950) инсон тана ва жоннинг бирлигидан иборат, тананинг ўлиmidан кейин жон сақланиб, кайҳоний, умумдунёвий жонга қўшилиб кетади ва инсоннинг бошидан кечирган, тўплаган ҳамда маънавий ютуқларини ўзида сақлаб қолади ва кейинги авлодларга ўтиб бораверади деган фикрни айтган. Бу ерда рух жон сифатида англашилмоқда.

Гегель (1770 – 1831) жонни рухнинг материя билан алоқасида юз берадиган куйи ҳиссий кўриниши, яъни ҳис қилувчи ва фаолият кўрсатувчи нарса, – деб ҳисоблаган.

Баъзилар жон бошқаю рух бошқа деган фикрда. Эрамиздан олдинги II асрда яшаган донишманд Готама ўзининг “Ньяя” таълимотида онг ва жон рухнинг қисмларидир, – деб билган.

Римлик атоқли файласуф Лукреций Кар (эр.ав. I аср) жон бутун танада ёйилган бўлса, рух кўкракда жойлашган деб фараз қилган.

Теософия таълимотига кўра, Тангри таоло Ўзининг беқиёс қуввати ва қудрати билан Ўзи яратган бутун борлиқ ва унда мавжуд бўлган энг кичик ва энг катта тирик зарраларнинг ҳам ичида, ҳам ташида алоҳида мавжуд бўла оладиган, айни пайтда, уларни назорат қилиб, бошқариб турадиган қудратга эга бўлган Олий Рухдир. Кишининг руҳи эса Олий рухнинг бир унсуридир.

Рухни яна қалб, дил, кўнгил каби атамалар билан ҳам ифода этадилар. “Қалб шундай аъзоки, – дейди Абу Наср Форобий, – у баданнинг бошқа ҳеч қандай аъзолари билан идора қилинмайди. Мия ундан кейин туради. У ҳам асосий аъзо саналади, лекин унинг танадаги ҳукмронлиги иккинчи даражали. Мия инсоннинг барча аъзоларини қалб амрига кўра бошқаради, идора қилади. У фақат шу қалбгагина хизмат қилади ва қалб орқали инсоннинг бошқа аъзоларига ҳам хизмат қилади”.

Ибн Сино рух тўғрисида фикр юритиб, бундай деган: “Рух эфирсимон нарса бўлиб, бутун танага ёйилиб, кўзга кўринмайди, киши ўлганидан кейин рух танани тарк этади”.

Нажмиддин Кубро рухий кечинмалар, нозик ҳолатлар назариясини ишлаб чиққан аллома. Бу назарияга биноан инсон руҳи кўзга кўринмас бир латиф марказлардан иборат. Бу онг, туйғу ва жисм орасидаги бир нарса.

Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат ул-ҳақойик” асарида руҳ тўғрисида шундай дейди: “Эй дарвеш, инсон руҳи тирикдир, билгучи ва сўзловчидир. Бошқаларга кўринмайди ва унинг нутқи эшитилмайди. Жисм бўлақларга бўлиниб, майдалангани, руҳ бўлақларга бўлинмай, майдаланмайди. Инсон руҳи билишда – яхлит билоғон, кўришда – яхлит кўрувчи, эшитишда – яхлит эшитувчи ва гапиришда – яхлит гапирувчи”.

Руҳ ва жон тўғрисида фикр-мулоҳазалар кўп. Оламдан ўтган барча азиз авлиё ва мутафаккир олимлар бу масала юзасидан ўз фикрларини айтиб кетишган. Бу ерда биз фақат уларнинг умумлаштириб, баъзиларини қайд қилиб ўтиш билан чекландик.

Фикримизча киши руҳи, Олий Руҳнинг учқуни бўлиб, нур (квант) кўринишга эга. Шу замоннинг янги илмий дунёқараши бўлган квантлар назариясига биноан бутун дунё квант (нур) тўлқинларидан иборат. Моддий олам – сайёралар, она Ер ва ундаги барча жонли ва жонсиз нарсалар, шу жумладан, инсон ҳам шу нур тўлқинларининг муайян ғоя асосида ғужанак бўлиб, қуюқлашиб моддиятга айланган кўринишидир. Муайян ғоя эса Тангри таоло, яъни Мутлоқ Руҳнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, инсон зотига номаълум. У фақат Олий Руҳнинг Ўзига маълум. Қуръони каримнинг “Нур” сураси, 35-оятда: “Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир...”. Бу оятнинг маъносидан англаш мумкинки, Нур – Аллоҳдир, у бутун борлиқни нурдан яратган.

“Жон” атамаси масаласига келсак, фикримизча, жон деганда руҳнинг танадаги фаолиятини тушунмоқ лозим. Руҳ кўзга кўринмас нур (квант) кўринишидаги борлиқ бўлиб, аввалдан мавжуд, у рухий дунёда ҳаёт кечиради. Шу ҳолатида у руҳ дейилади. Тангри таолонинг иродаси билан, руҳ муайян бир танага киритилганидан кейин, у вужудни ҳаракатга келтириш билан уни жонлантиради. Танани жонлантириб турган руҳ жон сифатида идрок қилинади. Демак жоннинг негизини руҳ, руҳнинг танадаги фаолиятини жон, – деб тушуниш мумкин. Бундай турли ҳолатларда турлича номланадиган нарсалар ҳаётда жуда кўп. Масалан, кишининг она қорнидаги ҳолатини – ҳомила, дунёга келганидан сўнг чақалоқ,

сўнг бола, ундан кейин ўспирин ва ҳоказо номлар билан атала бошлайди. Ҳаёти давомида бир қатор ижтимоий сифатларга эга бўлиши билан – деҳқон, қассоб, дурадгор, олим, муаллим, ҳоказо деган номларга эга бўлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунга ўхшаб, руҳ танада фаолият кўрсатаётганида жон мақомига эга бўлади. Шунда уни жон теб тасаввур қилинади. Руҳ танадаги фаолиятини тўхтатгач, уни тарк этиб абадий ҳаёт, руҳий дунёга равона бўлади.

Руҳ инсоннинг ҳар бир хужайрасида мавжуд ирсий бирлиги, яъни кишининг ҳаракат дастури ёрдамида иш юритишини ҳам англаб олишимиз керак. Инсон она бачадонидаги иккита хужайранинг омиктасидан пайдо бўлиб, тадрижий ривожини натижасида дунёга келар экан, аждодларнинг орттирган яхши ва ёмон билимлари, савоб ва гуноҳлари, хужайралардаги ирсий бирликларда муҳрланган бўлади. Тиббиёт олимлари, ген инженерияси ёрдамида одамнинг хужайрасида галограммалар сифатида жойлашган зарарли билимларини, гуноҳ ва наслик касалликларини, тиббиётнинг энг янги нанотехнология усуллари ёрдамида олиб ташлаш йўлини топганлар.

Вужудингизда аждодларнинг орттирган гуноҳи бор ёки йўқлигини аниқлашнинг мураккаб усуллари бор. Унинг оддий усули ҳам мавжуд. У қуйидагича, агар ҳаётингиз давомида гуноҳ ишлар қилмай, фақат савоб ишлар қилиб юрган бўлсангиз ҳамки, руҳингиз нотинч бўлиб, нимадандир хавотирланиб юрсангиз, билинг, бу сизнинг билиб-билмай қилган ёки аждодлардан мерос бўлиб ўтган гуноҳ безовталантирмоқда. Шунинг учун дунёга келиб, ўзингизни англаб фикр юрита бошлашингиз биланок, гуноҳ ишлардан четланиб, савоб амалларини ўзингизга одат қилинг. Шундагина киши номаъқул ишлардан четланиб, аждодлардан мерос бўлиб келаётган гуноҳларни ювиб, савоб орттиради ва шундагина руҳи таскин топиб, икки дунё саодатига эришади.

Асосий мавзуга қайтиб, руҳ тарбияси билан шуғулланиш баёнига ўтсак. Аслида, руҳ тарбияси билан туронзаминда VIII аср ўрталаридан бошлаб шуғулланиб келинган. Ўша даврда руҳ тарбиясини “жавонмардлик” ижтимоий оқими, кейинчалик тасаввуф таълимоти амалга оширган.

Ўша даврда жавонмардлик ижтимоий оқими ривожланиб, аҳоли ўртасида кенг ёйилган. Унинг асл маъноси парҳезкорлик,

ўзлигидан кечиб ватан, халқнинг бахти йўлида хизмат қилишни тарғиб қилишга йўналтирилганидир. Бу оқим кўп ютуқларга эришган. Марказий Осиёда пайдо бўлган бир қатор дostonлар шу оқимнинг маҳсулидир. Ҳусайн Воиз Кошифий (1442 – 1505) “Футуватномаи султоний” асарида жавонмард қуйидагилардан сақланиши лозимлигини кўрсатган: “пир (устоз)га қарши бориш, қабих сўз сўзлаш, яхшилар орасида маҳмадоналик қилиш, бировни мазах қилиш, гап ташиш, кўп кулиш, ваъдага хилоф иш қилиш, макр-ҳийла, ҳасад, зулм, алдов, бойликка ружу қўйиш, ҳирсга мойил бўлиш, ортиқча хаёл, бетгачопарлик, ёлғон қасам ичиш, тама, хиёнат, кўрмаганини кўрдим дейиш, ичкилик, судхўрлик, зино, ёмонлар даврасида бўлиш”. Эътибор берсангиз, буларнинг ҳаммаси Таврот, Инжил ва Қуръонда ҳам ман қилинган нарсалар бўлиб, бундай қусурлардан қутулган одамни мўмин, шу жумладан, жавонмардлик одобига эга деса бўлади. Юқорида санаб ўтилган жавонмардлик ахлоқ сифатлари туронзамин аҳолиси маънавиятига сингиб кетган бўлиб, уларни шу кунда, яхши тарбия топган кишиларда учратиш мумкин. Санаб ўтилган қусурлардан сақланиш руҳ тарбиясида етакчи ўрин тутади. Жавонмардлик оқими билан бирга, ҳудудимизда тасаввуф таълимоти ҳам кенг қулоч ёйган.

Тасаввуф мусулмон Шарқининг инсоният келажаги, фозил, оқил, ҳамда хулқ кишилардан таркиб топган юксак жамият ҳақидаги фалсафий-ахлоқий назариялар, илмий-амалий дастурлар тизимидир. У, биринчи навбатда, одамлар руҳининг тарбияси ҳақидаги илм-фандир. Тенгликка, ҳурфикрликка, адолатга таянган билимлар мажмуидир. У ислом дини бағрида вояга етиб, унинг эрка фарзандидек ўсди. Исломдан жуда кўп нарсаларни ўзлаштириши баробарида ислом фалсафаси ва ахлоқига янги маъно, янги мазмун бахш этди, уни демократлаштирди. Айниқса, у ҳирс ва тама қурбонларига, бойлик ва маишатга муккасидан кетган, шуҳратга ва мансабу амалга ўч, шуниндек, авлиёликни даъво қилувчи дин арбобларига танбеҳ ва ибрат бўлиб келган.

Ватандошимиз Фаридиддин Аттор (1148 – 1219) “Илоҳийнома”да ёзади: “...агар сен Аллоҳнинг фақр нурига йўғрилсанг, банда бўлсанг ҳам Сулаймон қадар шараф топасан. Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам хоксорлик, тавозе ва камтарликда бемисол эдилар. Ўзлари уй супурар, ўтин ёрар, сув келтирардилар. Туя устида ухлаб қолардилар, ҳамма ишни

қилардилар, ҳеч нарсадан ор этмас эдидар. Ойша билан бирга хушчакчақ бўлиб югурардилар. Масжид қурилишида ғишт ташиб, лой олиб берардилар. Кафшларини ўзлари тикардилар, гоҳо эса болалар билан қўшилиб ўйнардилар ҳам. Жанозадан қолмасдилар, касал кўришни улкан савоб ҳисоблардилар, ҳалимлик ва зиё кони эдилар... Бу бизга ибрат эмасму ахир?”

Тасаввуф биргина ислом билимлари билан чегараланган эмас. Қадим юнон фалсафасидан кўп нарса олган. Ҳиндистоннинг “йога” таълимотидан, Авестодан ҳам анча нарсалар олган. Умуман, ўзигача бўлган жаҳондаги диний ва дунёвий деб номланган, билимлардан кенг баҳраманд бўлган. Бироқ уларнинг барчасини исломий турмуш ва ақидалари нуқтаи назардан қайта кўриб чиққан.

Бугун у ҳақли равишда Ўзбекистонда мустақил илм-фан соҳаси сифатида ўрганилмоқда. Тасаввуф таълимотини чуқур ўрганиб, уни шу замон илмий нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқмай ва амалиётга сингдирмай, инсоният ўзини бу дунёдаги ҳаётини сақлаб қола олмайди. Бугунги кунда Ғарбда ҳам буни тушуниб етиб, шунга ўхшаш таълимотни, тасаввуфни ўрганмай туриб, яратиш йўлида ишлар олиб борилмоқда.

Биз руҳ тарбиясини доимо гуноҳлардан четланиб, тўғри ният қилишдан бошлаш керак деган фикрдамиз. Киши бир ишни бошламасдан олдин, шу ишни ният қилади, яъни шу ишни амалга ошираман деб кўнглига тугади. Ана шу ниятни ва ундан келиб чиқувчи мақсадни ва ундан кейинги амалий фаолиятини, киши фақат эзгу ишлар учун қилиши керак. Шундагина руҳи таскин топиб, Ҳазрати инсон деган мақомни оқлаган ва бу дунёда бахтли, у дунёда жаннати бўлиши учун савоб орттиришга йўл очган бўлади. Эътибор беринг, яхши ният орқали фақат савобга йўл очилади, холос. Кейинги қилинадиган ҳаракат – яхши ниятни бошқаларга тарғиб қилиш ва уни, биринчи навбатда, ўзи амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Яъни, Авестодаги дил, тил ва амал бирлиги тамойилига доимо амал қилиши шарт. Киши яхши ният қилса-ю, уни ўзи амалга оширмаса, ундай ниятдан наф йўқ. Ёки яхши ният қилиб, бу ниятни бошқаларга тарғиб қилиб юрса-ю, ўзи буни амалга оширмаса, ундай ният ва қуруқ гапдан ҳеч кимга наф тегмайди. Хоразм заминида яшаб ўтган аллома Маҳмуд Замахшарий (1075 – 1143) қуйидаги ҳикматни айтиб кетган: “ният қилинган ишлар пишмаган гўшт мисоли, бинобарин ҳар қандай

ишни комил нияту қаттиқ ихлос билан қилиш лозим”. Шундай экан, хом гўштни пишириш ва уни ўзи емак керак бўлади.

Демак бу дунёдаги бахтга ва боқий ҳаётдаги жаннатга эришиш учун, киши савоб ишлар қилиши керак экан, савоб ишни қилиш учун аввал уни дилдан ўтказиб ният қилиш, сунг, албатта, уни сўз билан ифодалаб бошқаларга тарғиб қилиши ва уни, аввало, ўзи амалда ошириши лозим. Баъзида, савоб қилиш ният босқитчида қолиб кетади. Яна бошқа ҳолларда киши яхши ният қилади, уни ҳар кимга айтиб юради ҳам, аммо, бу ишни ўзи амалга оширмайди.

Савобли ва эзгу ишлар деганда, фақат оилангиз, жамият ва давлат учун тинчлик ва фаровонлик ҳамда тўкин-сочинликни таъминлаб берувчи амалларни тушунмоқ керак. Баъзилар: “беш вақт намоз ўқияпман, рўза тутаяпман, ҳажга бориб келдим, энди савобим етарли бўлгандир?”, – деб ўйлайдилар. Қатъий қилиб айтиш мумкин, худо буюрган бу амаллар фарз, улар фақат савоб ишлар қилишга йўл очиб, гуноҳ ишлар қилишдан инсонни сақлайди, холос. Қуръони каримнинг “Анкабут” сураси, 45-оятда шундай дейилган: “(Эй Муҳаммад), сиз ўзингизга ваҳий қилинган китоб – Қуръондан бўлган (оятлар)ни тиловат қилинг ва намозни тўкис адо қилинг! Албатта, намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур”. Кўриб турганимиздек, намоз учун Аллоҳ савоб ваъда қилаётгани йўқ, намоз “бузуқлик ва ёмонликдан тўсур”, – дейилмоқда. Шунинг учун намоз ўқиб, рўза тутишдан мақсад савоб ортириш бўлмаслиги керак, агар ундай бўлса, тасаввуф аҳли айтганларидек, бу тамагарлик ҳисобланади. Худо буюрган бу амалларни бажаришдан мақсад руҳингизни поклаб, намоздан кейин савоб ишларни амалга оширишга киришишдир. Киши намоз, рўза, эҳсон амалларини бажарсаю савоб ишлар қилмай, гуноҳ ортираверса, гуноҳларга ботиб юраверади.

Демак руҳ тарбиясини тўғри ният қилишдан бошлаб, кетидан ҳалол меҳнати эвазига топган маблағи орқали оиласи ҳамда бошқаларга нафи тегадиган яхши амаллар қилиши шарт.

Киши тўғри ният қилиб, бошқаларга яхшилик қилиш учун ҳаракатни бошлаши биланоқ вужудингиздаги шайтон унинг бу ишига аралашиб: ...“нима қиласан унга яхшилик қилиб, қилган яхшилигингни билармиди у?”. Ёки “бу дунёга бир маротаба келасан, ўйнаб-кулиб қол, яна бу дунёга қайтиб келармидинг?”. Ёинки “худонинг карами кенг, у кечиримли, намозини ўқиб,

рўзасини тутиб юрибсану қилган гуноҳингни кечиради” ва ҳоказо аврашлари билан кишини савоб иш қилишдан қайтаради. Шунда шайтон найрангини англаб етиб, уни руҳингиздан ҳайдашингиз зарур бўлади. Қалбдан шайтонни ҳайдаш ва руҳни тарбиялашнинг замонавий ва анъанавий усуллари мавжуд.

Руҳни тарбиялашнинг замонавий ва энг самарали усули илмий-тадқиқот иши билан шуғулланиш. Бу дегани, жамият олдида ечилмай турган муаммолар ичидан, касбингиздан келиб чиқиб, кучингиз етадиганини ўзингизга тадқиқот мавзуи қилиб олиб, уни ечиб беришдир. Яъни жамиятга зарур бўлган шу соҳада янги билимларни топиш. Киши илмий фаолият билан шуғулланганда, кўпгина нафс эҳтёжларидан воз кечиб, муаммога бағишланган юзлаб адабиётларни ўқиб таҳлил қилиб тадқиқот усуллари билан қуролланган ҳолда ўзига тадқиқотнинг режасини тузиб олади ва илмий-тадқиқот ишини амалга оширади. Тадқиқоти якунида, албатта, қандайдир янги билимларни аниқлаши ва бу билимларни жамият олдида турган муаммоларни ечишга хизмат қилишини кўрсатиб бериши шарт. Илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишнинг сирларини китобимизнинг бошқа қисмида батафсилроқ очиб берамиз.

Руҳнинг тарбиялашнинг замонавий усулларида яна бири, инсониятнинг тарих давомида тўплаган билимларини тинимсиз эгаллаб боришдир. Бунинг учун китоб ва журналларни ўқиб, уларнинг мазмунини таҳлил қилиб бориш керак. “Бир соат китоб ўқиган ўттиз кун рўза тутгандан афзалдир”, деган ҳадис бор. Албатта бу китоблар илмий, диний ёки бошқа, тарбия аҳамиятига эга бўлган бадиий адабиёт ва журналлар бўлиши мумкин. Китоб мутолаа қилинганда киши ўша давр, ўша шароитга чўмиб, ўша қаҳрамонлар билан мулоқотга киришади. Қуръони каримни астойдил ўқиган киши Тангри таоло билан мулоқатга киришгандай бўлади. Китоб ўқиб юрган одам талай билимларга эга бўлиб, руҳи қувватланади ва барча ғам-ғуссалардан покланади. Қувватланган руҳ танага ҳам қувват бериб, инсон беихтиёр савоб ишлар қилишга отланади. Савоб ишлар қилишга тайёр бўлган руҳнинг амри ва ўзингизнинг шижоатингиз билан одамларга яхшиликлар қила бошлайсиз. Эътибор беринг, савоб ишларни соғлом руҳ ёрдамида амалга ошира олар экансиз, руҳнинг соғломлиги эса ниятга боғлиқ.

Билим олиш ёки илмий-тадқиқот билан шуғулланишни уддасидан чиқолмайдиганлар, албатта, руҳ тарбиясининг анъанавий ва осон усулларида фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Уларга – намоз, рўза ва хайр-эҳсон киради.

Намоз. Бу киши руҳига хуруж қилувчи шайтоннинг йўлини тўсиб, одамни ҳам маънан, ҳам жисмонан тарбиялайдиган амалдир. Аммо намоз ўқиганда уни тўғри ўқиш керак. Қуръон оятларининг маъносига тушуниб, уни астойдил ва қўлдан келганича қироатини ўрнига қўйиб ўқигандагина айтилган натижага эришилади.

Рўза. Рўза тутиш деганда, куннинг ёруғ қисмида ҳеч нарса тановул қилмай, сув ҳам ичмай юриш демакдир. Ҳар қандай одамнинг куни бўйи очлик ва ташналикка тоқат қилиши қийин. Ўзини мажбурлаб, очлик ва чанқоқликка тоқат қилиб юрган кишининг руҳи чиниқади. Форобийнинг фикрича, руҳ баданнинг бошқа ҳеч қандай аъзолари билан идора қилинмай, мия ундан кейин туради деган. Мия инсон вужудининг руҳ амрига кўра бошқарар экан, “Ўзаро муносабатлар қонуни”га биноан, руҳни тарбиялаш учун тана тарбияланса, “қайтар реакция” қонуни бўйича руҳ ҳам тарбия топади.

Аммо рўза тутишни тўғри амалга ошириш лозим, акс ҳолда руҳни тарбиялайман, – деб тескари самарага эга бўлишингиз мумкин. Тажрибалар ва тиббиёт олимларининг тавсиясига асослансак, рўза тутган киши ифторда чанқоқни босиб, енгил овқат тановул қилиш билан кифояланиши лозим. Кечқурун кўп ва кучли овқат истеъмол қилиш кони зарар. Аслида саҳарда ейилган овқат, танага, бир кунга етадиган озукани беради.

Хайр-эҳсон. Бу руҳни тарбиялайдиган кучли анъанавий амаллардан ҳисобланади. Аслида эҳсон деганда, Қуръондаги диний мажбуриятларни ўташдаги самимийлик, – деб тушунилади. Умар ибн Хаттоб (тахм. 585-644) тўплан ҳадисларда; “эҳсон – Раббинга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Агар сен Уни кўрмаган тақдирингда ҳам, У сени кўриб туради”, – дейилган. Ўзбекистонда 2004 йилда нашр этилган “Ислом” энциклопедиясида унинг қуйидаги талқини берилган: “Эҳсон барча диний ақидаларни тўлиқ, шак-шубҳасиз, қайта талқинсиз қабул қилишни билдиради, яъни унинг барча кўрсатмаларига чуқур садоқатни англатади. Истилоҳда “эҳсон” атамаси ихлос – қалб тозалиги, фикр ва самимийлик синонимидир”.

Бугунги кунда хайр-эхсонни фақат даструхон ёзиб юртга ош бериш ёки бошқаларга моддий ёрдам кўрсатиш сифатида тушунилмоқда. Бу аслида садақа дейилади ва хайр-эхсоннинг бир элементиدير. Руҳ тарбиясини тугатиб, киши биологик моҳиятини бойитишнинг бошқа омилларига ўтамиз.

Овқатланиш ва сув истеъмол қилиш. Ҳар қандай тирик организм, шу жумладан, инсон вужуди ҳам ҳужайралардан иборат. Ҳужайра – тирик тананинг ҳаётий бирлиги. Шунинг учун ҳужайралар миқёсида муҳим ҳаётий жараёнлар содир бўлади. Ҳужайра озикланиш, нафас олиш, ўсиш, бўлиниш, ривожланиш, таъсирланиш, касалланиш ва нобут бўлиш каби хусусиятларга эга. Бу жараёнлар содир бўлиши учун бир томондан, ҳужайра органоларга оксид, ёғ, аминокислота, углевод, витамин ва микроэлементлар, сув, ўсимлик клетчаткаси каби моддалар етиб келиши зарур. Иккинчи томондан эса ҳужайралар кераксиз ва захарли моддалардан тозаланиб туриши лозим. Иккала ҳолатлар мутаносиб равишда таъминланиб турилса, ҳужайралар, инчинун, бутун вужуд ўз фаолиятини яхши бажаради. Инсон танаси соғлом бўлади ва биологик моҳияти бойиб боради.

Ҳужайрага керакли моддаларни табиат кенг кўламда яратиб қўйган. Инсон ўз вақтида ва ўз ўрнида зарур бўлган табиий моддаларни истеъмол қилиши керак. Яхши, кучли, яъни ёғли ва гўштли овқатларни кўп ҳамда нотўғри истеъмол қилиш танадаги ҳужайралар фаолиятини издан чиқаради. Улар ортикча маддаларни парчалашга кучи келмай, уларни ноилож бир ерга тўплашга мажбур бўлади. Ортикча ёғлар, углеводлар танада тўпланиб, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Демак бизнинг тансиҳатлигимиз тўғри овқатланишимизга ва сув истеъмол қилишимизга бевосита боғлиқ экан. Истеъмол қилинган овқат ҳазм бўлиб, қонга ўтади. Қон орқали вужуд учун зарур унсурлар танага тақсимланади. Соғлом қоннинг ҳосил бўлиши тоза ҳаво ва тоза сув, қуёш нури ва сифатли озуқа маҳсулотларига боғлиқ.

Овқатланиш одобидан сўз юритадиган бўлсак, овқатнинг энгилроғи (бўтқа, шир чой, нон чой ва ҳоказо) эрталаб соат 7 – 8 ларда; кучлироғи (бирор суюқ овқат) тушга яқин – соат 11 ларда; энг кучлиси (гўштли қуюқ овқатлар) тушликда соат 13 – 14 ларда; кечки чой (енгил таом ёки нон-чой) соат 16 – 17 ларда; кечқурун

соат 18 –19 ларда фақат енгил таом истеъмол қилингани тўғри бўлади. Хўл меваларни эса кўнгил тортган маҳалда исталганича тановвул қилиш мумкин. Овқат еганда, чой, сув, қаҳва, пепси-кола ва бошқа суюқликлар ичилмайди, чанқоқни босиш учун, шакаробни овқатга қўшиб истеъмол қилиш мумкин.

Ётиб-туриш ва уйқу. Ётиб туришни тўғри амалга ошириш деганда, кунда маълум бир вақтда ётиб, маълум бир вақтда уйқудан уйғониб туриш тушунилади. Ётиб-турушнинг энг мақбули эрта ётиб, эрта туришдир. Тиббиёт олимларининг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, кеч соат 23 дан тунги соат 1 гача танада хужайраларнинг тикланиш жараёни содир бўлар экан. Шунинг учун кечки овқатни узоғи билан соат 18 – 19 ларда тугатиб, уйқуни 21 – 22 ларда бошлашингиз керак. Саккиз соат ухлаганингиздан сўнг, соат 9 да ётган бўлсангиз, соат 5 да, соат 10 да ётган бўлсангиз, соат 6 да, албатта, уйғонишингиз шарт. Ортиқ ухлаш, танада хилтларни кўпайтириб, киши куни билан ланж бўлиб юришига асос бўлади.

Жуфти ҳалоли билан яқинлик қилиш ва бўшаниш. Жуфти ҳалоли билан яқинлик қилиш инсоннинг энг нозик ва энг хуш кўрган эҳтиёжларидан бири бўлиб, балоғат ёшига етган ҳар қандай одам бунга кучли эҳтиёж сезади. Шунинг учун буни амалга ошириш сирларини билиш кишининг саломатлиги ва биологик моҳияти мувозанатда бўлишига хизмат қилади. Жуфти ҳалол билан яқинлик қилиш фақат севги орқали расмий равишда, яъни никоҳ йўли билан бўлгани инсон саломатлигига ва охиратига ижобий таъсир этади. Бекиниб, бировлардан кўрқиб, норасмий равишда амалга ошириладиган яқинлик зинокорликдир

Шу ваздан, ислом шариати ота-онанинг зиммасига, балоғатга етган қизини узатиш ва ўғлини уйлантириш мажбуриятини юклаган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида: “...уч нарсага шошилиг: майитни жойига олиб бориб қўйишга, қизингиз балоғат ёшига етганда узатишга ва бошқаларга яхшилик қилишга”, – дейилган.

Меҳнат қилиш ва дам олиш. Меҳнат қилиш қобилияти инсонни бошқа махлуқотлардан ажратиб турадиган энг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, уни тўғри амалга оширганда, у кишининг биологик моҳиятига ижобий таъсир этувчи омилга айланади.. Меҳнат деганда, мақсадга йўналтирилган ҳаракат

тушунилади. Меҳнатнинг тури кўп, туридан қатъий назар, одам ўзини ва оиласини боқиш учун меҳнат билан шуғулланиб, бу фаолиятдан келган маблағни рўзгор тебратишга ва одамларга моддий ёрдам беришга сарфлаш талаб қилинади.

Меҳнатни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири тириклик манбаи қилиб танлаган меҳнат турига меҳр қўйишдир. Меҳр қўймай бажарилган ишнинг унуми ҳам бўлмайди, сифати ҳам паст бўлади. Ишни муҳаббатсиз амалга оширганда киши тез толиқади. Бундай меҳнатдан олинган маблағ ҳам кишига юкмайди, унинг баракаси бўлмайди. Чунки у чин дилдан, меҳр билан бажарилмай, ўзини мажбурлаб бажарилган ишнинг маблағидир. Бундай маблағ ўзи билан салбий қувватни олиб келиб, тани жонингиз ва оилангизга зарар келтиради. Меҳнатни меъёридан ҳам оширманг, уни амалга оширганда дангасалик қилиб сусткашлик ҳам қилманг. Бир ишни амалга оширишни хоҳламасангиз, яхшиси, уни қилманг. Чунки сиз ё бу ишни ёқтирмаган бўласиз ёки толиққан бўлишингиз мумкин. Зўраки амалга оширилган иш биологик моҳиятингизга ва ишнинг сифатига салбий таъсир этади. Хоҳламай, эринчоқлик билан бажариладиган иш жараёнида бир фалокат юз бериши мумкин.

Меҳнатни амалга оширишнинг иккинчи шarti – амалга оширмоқчи бўлган ишнинг қонун-қоидаларини, технологиясини ва хавфсизлик қоидаларини мукамал эгаллаган бўлишингиз шарт. Акс ҳолда ишнинг пачавасини чиқариб, ўзингиз ҳам ноқулай аҳволга тушиб қоласиз.

Меҳнат фаолитингиздан мамнун бўлишингиз учун бир ишни бажариб бўлиб, унга ташқаридан туриб қарашни ўрганинг. Шунда меҳнатингиздан завқланиб, меҳнат жараёнида орттирган чарчоқларингиз қисман чиқиб кетади ва бажарган ишингиздан мамнун бўлиб, руҳий дам оласиз. Фаолият жараёнида сарфланган қувватни тиклаш ҳамда меҳнатингизнинг роҳатини кўриш учун дам олиш талаб қилинади.

Дам олишнинг ҳам ўз қоидалари мавжуд. Баъзилар дам оламан деб қимирламай ётиб олади ёки спиртли ичимликни ичиб, дам олган бўлади. Бундай дам олиш фақат билими оз ва фикр доираси тор кишиларгина амалга оширади. Иш фаолиятингиз асаб ва жисмоний куч сарфлаш билан боғлиқ экан, меҳнат жараёнида сарфланган асаб ва қувватни тиклашнинг энг самарали усули фаол

дам олишдир. Бундай дам олиш турларига саёҳат, чўмилиш, фаол ўйинлар, спорт, шу жумладан шахмат, шашка ўйинлари киради.

Нафас олиш ва жисмоний тарбия. Кишининг биологик моҳиятини – соматик ҳолатини яхшилайдиган амаллардан бири тўғри нафас олиш билан жисмоний тарбиядир. Инсон организмига тушган озик-овқат яхши ҳазм бўлиб танага шимилиши учун зарур бўлган нарса кислороддир. Кислородни инсон фақат нафас олиш йўли билан ўпкага кирган ҳаводан ажратиб ололади. Тўғри нафас олишни билиш керак.

Доимо тўғри нафас олиб юриш учун киши ўзини шунга ўргатиши лозим. Бунинг учун киши эрта туриб, юз-қўлини ювганидан кейин, тўғри нафас олиш машқларини бажариши лозим. Буни амалга оширишда, одам кўкракни кериб, оёқларини бирлаштирган ҳолатда, куйидаги машқларни бажаради.

Ҳаммомга тушиш. Кишининг тансиҳатлигига ва у орқали унинг биологик моҳиятига ижобий таъсир этувчи омиллардан бири – ҳафтада бир мартаба ҳаммомга тушиб терлаш ва ишқаланишдир. Инсон ўзининг маҳнат фаолияти, дам олиш ва бошқа ижтимоий ҳаёти жараёнида, турли овқатларни истеъмол қилади, суюқликлар ичади ва турли ҳаракатларни амалга оширади. Шунда, киши вужудида бир қатор биокимёвий ва физиологик жараёнлар кечади. Танадаги бу жараёнларни кечиш пайтида ошқозонга тушган овқат аввал эзилиб, сўнг синтез жараёнлари орқали парчаланиб, қонга шимилади. Қонга шимитлган моддалардан қолган чиқиндиларни танадан чиқариб юбориш талаб қилинади. Шулардан бири ҳожатга бориб овқат қолдиқларини ва буйракдан ўтган суюқликни чиқариб ташлаш бўлса, иккинчиси, тананинг майда қон томирлари орқали вужудга борган ва терида туриб қолган чиқиндиларни терлаб, эзиб чиқариб ташлаш ҳисобланади.

Ҳаммомга тушушни ҳам ўз қоидалари мавжуд. Биринчиси, ҳаммомга тўқ қорин билан ва оч ҳолатда тушиш ман қилинади. Овқатни истеъмол қилгандан кейин камида икки соат ўтказиб, ҳаммомга тушиш тавсия этилади. Иккинчидан, ҳаммомга асабни бўзиб ёки хафагарчилик билан тушиш салбий натижаларга олиб боради. Ҳаммомга ниятни тўғри қилиб, яхши кайфият билан тушганда керакли натижага эришасиз.

Мижоз. Ўтмишда буюк алломаларимиз табобат ҳақида жуда кўп асарлар яратганлар. Биз бу асарлар билан танишар эканмиз,

уларда мижозга етакчи ўрин берилганлигини кўрамиз. Даволаш мижозга қараб белгиланган. Инсоннинг мижози томир, тил, кўз, бадан, пешоб ва аҳлат рангидан аниқланган. Шунга кўра, парҳез ва дори-дармонлар буюрилган. Табиб нафақат одам мижозини, балки ҳар бир ўсимлик ва ҳайвондан олинадиган дори-дармон ва озик-овқатларнинг мижозини ҳам яхши билган. Лекин мижозни ҳамма ҳам аниқлай олмайди. Бунинг учун устоз кўриш, тажрибалар ўтказиш, зийрак бўлиш талаб қилинади.

Табиблар мижозни аниқлашда асосан Ибн Синонинг ўғитларига таянадилар. Ибн Сино ўзининг “Қонун” ва “Уржуза” китобларида мижоз ва унинг тури ҳақида ўзидан аввал яшаб ўтганларнинг маълумиотларига таяниб ва ўзининг олиб борган тажрибаларидан келиб чиқиб таъриф бериб ўтган.

Одам истеъмол қиладиган овқати тури билан дориларнинг мижозини аниқламоқчи бўлса, аввал уни икки томонини, яъни иссиқ ёки совуқ, хўл ёки қуруқ эканини аниқлайди ва уларни бирлаштириб, хўл-иссиқ ё хўл-қуруқ ёки қуруқ-иссиқ ё қуруқ-совуқ деб белгилайди. Улар рамзий мижозлар деб аталади.

Аёллар мижози эркаларникига нисбатан совуқроқ. Совуқ мижозли кишиларнинг териси мулойим, нозик, гавдаси, асосан семиз, сочлари сариқ ёки қўнғир, қон томирлари ингичка, кўзга кўринмайдиган бўлади.

Иссиқ мижозли кишиларнинг териси дағалроқ, гавдаси қуруқ, қотма, сочлари қора, қон томирлари йирик бўлади.

Бу гаплар фақат қарама-қарши типдаги мижозли кишиларга тааллуқли. Шу билан бирга, ўртача, ўртачадан иссиқроқ, ўртачадан совуқроқ ва ҳоказо типдаги таналар ҳам бор.

Ўзининг биологик моҳиятини бойитиш устида ишлайдиган, мижоз ўзгаришига етарлича эътибор берса, ҳаракати тўғри тус олиб, саломатлиги мустаҳкам бўлади.

Биологик моҳиятнинг такомили устида ишлашнинг асосий йўналишларини баёнини тугатамиз. Кишининг биосоматик ҳолатини яхшилаш йўллари китобнинг бошқа қисмларида ҳам қисман баён этилади. Бундан ташқари, бу масалага бағишланган адабиётлар бисёр, хоҳлаганлар уларни топиб ўқиб олади.

Шу ерда китобхонлар эътиборини бир муҳим масалага қаратмоқчимиз. Бу ҳам бўлса, юқорида санаб ўтилган кишининг биологик ва наслий моҳиятига таъсир этувчи омиллар ўзаро узвий

боғлиқ бўлиб, бирининг мавжудлиги бошқасининг бор бўлишини тақозо этади, бирининг сифати паст ёки юқори бўлиши бошқа сифатини ё яхшиланишига ёки пасайишига олиб келади. Чунки улар ўзаро функционал боғлиқ ҳолдаги бир бутунлик бўлиб, кишининг табиий моҳиятини ташкил қилади. Шу билан бир қаторда, кишининг табиий моҳияти, унинг ижтимоий моҳияти билан боғлиқ. Яъни кишининг биологик ва наслий моҳияти ночор бўлса, унинг ижтимоий моҳияти ҳам ёмон томонга ўзгаради. Ва аксинча, кишининг табиий моҳиятининг яхши ҳолати, ижтимоий моҳиятининг ривожига унинг кайфияти орқали ижобий таъсир этади.


Инсоннинг ижтимоий моҳиятини юксалтириш. Инсон биоижтимоий мавжудот экан, унинг биологик ва наслий моҳиятини юксалтириш методологик асосларини юқорида кўрдик. Унинг биологик ва наслий моҳияти билан бир қаторда ва улар билан узвий боғлиқ, ижтимоий моҳияти ҳам бор.

Инсоннинг ижтимоий моҳиятининг асосида яратувчилик қуввати ётади. Инсон ер усти ва остидаги унсурларни – ҳаво, тупроқ, сув, ўсимлик, парранда, ҳайвон ва маъданларнинг табиий хусусиятларидан фойдаланиб, уларни ўз ҳаётига зарур моддий ва маънавий нарсаларга айлантиради. Буларга озиқ-овқат маҳсулотлари уй-жой қурилиши моллари, рўзғор буюмлари, турли иншоотлар, ишлаб чиқариш қуруллари, транспорт воситалари, шунингдек, адабиёт ва санъатга оид моддий ва маънавий бойликлар киради.

Инсон бу маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун, табиий унсурларининг физик ва кимёвий хусусиятларини ва бошқа кўпгина табиий билимларни эгаллаши керак бўлади. Шу билан бир қаторда, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникацион технология билимларига эга бўлиши шарт. Шунингдек, у жамиятда умргузаронлик қилиши ва ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ва давлат мулозимлари ҳамда оила аъзолари билан муносабатга киришиши учун ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий билимларни ҳам эгаллаган бўлиши керак.

Кўриб турганимиздек, киши кенг қамровли ижтимоий моҳиятга эга бўлиши учун кўп нарсалар хусусиятини, одоб ва ахлоқ қонун ва қоидаларини, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларни ҳамда ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникацион технологияларни

билиши шарт экан. Шу билан бирга, бу билимлардан ҳаётида фойдаланавериб, уларни аввал кўникмага, сўнг малакага ва оқибатта маънавиятига айлантириши лозим. Шулардан келиб чиқиб, инсоннинг ижтимоий моҳиятини, унинг бунёдкорлик қобилияти, унинг асосини эса аجدодлардан унга мерос бўлиб ўтган ва ҳаёти давомида эгаллаган турли билимлар жамламаси ташкил қилади десак, янглишмаган бўламиз. Кишига зарур бўлган ва ҳаёти давомида йиғилган билимларнинг хусусиятларига қараб гуруҳлаштирганда қуйидаги манзарани кўрамиз. 8-расм. Расмдаги билимлар йиғиндиси функционал боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади ва биргаликда кишининг ижтимоий моҳиятини ташкил қилади.



8-расм. Киши “ижтимоий моҳиятини ташкил қилувчи билимлар” мажмуи

Кишининг қанчалик ахлоқи яхши бўлиб, билими кўп ва турли-туман бўлса, у шунчалик ижтимоий такомил топган, баркамол шахс сифатида шаклланган бўлади. Шундагина у мол-дунё тўплаш, яхши еб-ичиш, шаҳона кийиниш, ўйин-кулги, гап-гаштак ва тўй-тамошоларга бўлган мойилликларидан холи бўлолади. У турли билимларни эгаллаб, ўзининг такомили устида ишлайди ва

пировард натижада нажот топиб, буюк неъмат ҳисобланган ҳазрати инсон деган мақомга эришади. Шунда у худога яқин бўлиб, икки дунёси обод бўлади.

Туронзамин халқлари тараққиётининг ҳозирги босқичи жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ экани инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу вазифа одамлар ахлоқи билан билим даражасини ошириш орқали тасаввурини кенгайтириш ва ўзлигини англаб, маънавиятини тиклаш йўли билан амалга оширилади. Бунинг учун шу кундаги жамият ҳаётини маълум даражада ўзгартириб, уни бизнинг ихтиёримиздан ташқари бўлган боқий ижтимоий қонуниятлар асосида такомиллаштириш лозим бўлади. Бу масала ижтимоий илм-фан соҳасида янги тадқиқотлар олиб бориш ва таълим-тарбия жараёнини тубдан ислоҳ қилиниши орқали амалга оширилади. Бунинг учун одамлар ўзлигини англаши, киши маънавиятини таркиб топиш босқичлари ва уларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиб, кенг аҳолига тушунтириш шу куннинг долзарб масаларидан биридир.

Ўзлигини англаш ва маънавиятни тиклаш деганда, баъзи одамлар фикрича, юз, икки юз йил ёки ундан ҳам аввалги ҳаёт тарзимизга қайтиш дегани эмас. Ўзлигини англаш ва маънавиятга қайтиш деганда, ўтган аждодларнинг ҳавас қилса арзийдиган энг яхши маънавий бойликларини ўзлаштириш деб тушуниш лозим. Одамларни бир неча юз йилги ҳаёт тарзига тўлалигича қайтишга тарғиб қилиш ёки фарзандларини ундай ҳаёт тарзига ундаш ё ундан ҳам жирканчлироғи мажбурлаш, бола шахси ва бутун миллатга қаратилган жиноятдир. Аёлларни ижтимоий фаолликдан маҳрум қилиш ёки бошқа жоҳилий одатлар ҳисобланган зулумкорлик, зўравонлик ва ҳаётимизда учрайдиган бошқа иллатлардан воз кечиш керак. Булар яратганга хуш келмайдиган амаллардир.

Инсоннинг бошқа махлуқотлардан асосий фарқи, унинг ижтимоий моҳияти дейилди. Яъни ирсий бирликларидаги ахборотлари билан ҳаёти давомида эгаллаган фойдали билимлари, кундалик ҳаётида синалавериб, кўникма ва малака босқичларидан ўтган ва маънавиятига айланган ижтимоий кўрсаткичларнинг мураккаб мажмуи эканини билдик.

Илмий адабиётларнинг аввалларида инсоннинг атамаси “хомасапиенс”, яъни “Ақлли жонзот”, деб қайд қилинган. Бундоқ

қараганда бу тўғрига ўхшайди. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳамма одамларда ақл бор. Бири уни кўп ишлатса, бошқаси озроқ, яна бошқаси умуман бошқалар фикридан фойдаланиб ҳаёт кечиради. Юқоридаги тушунчага қараганда буларнинг барчаси ақлини ишлатса ҳам, ишлатмаса ҳам “ақлли жонзот” бўлиб чиқмоқда. Бундан ташқари, шу кунда барча жонзотларда ҳам ақл мавжудлиги аниқланган. Улар тафаккур тадрижининг турли босқичларида бўлишса ҳам, инсонда бўлгани каби, бошқа махлуқотларда ҳам ақл, яъни тафаккур бор. Тафаккур бору ақл юритишнинг юқори босқичи ҳисобланган тасаввур йўқ. Чунки тасаввур жараёни мия қобиғининг 10-15 сантиметр юқорисида кечади. Одамдан бошқа жонзот фикрий жараёнини мия қобиғидан ташқарига чиқара олмайди, инчунун, амалга оширадиган ҳаракатини олдиндан кўз олдига келтиролмайди. Инсон эса амалга оширадиган ҳаракати якунида эришадиган нарсасини ва ҳаракатининг кечиш қонун ва қоидаини аввалдан била олади. Бу дегани, инсон ҳаракатни бошламасдан олдин ҳаракати якунида эришиладиган нарса ёки ҳодисанинг сифат кўрсаткичлари ва ҳаракати жараёнида амал қилиши шарт бўлган қонун-қоидаларни тасаввурига келтиради. Яъни шу ҳаракати юзасидан билимга эга бўлади. Бошқа барча жонзотлар билимга эга бўлолмайдилар.

Одам қанча тафаккур ва тасаввурини ишлатса, шунчалик билими кўпайиб бораверади. Маълумки, билимларнинг тури кўп, ҳажми ундан ҳам кўп. Киши бу билимларни истаган турларини ва керакли ҳажмда олаверади. Натижада ҳар бир одамда, сайъ-ҳаракати даражасида турли-туман билимларнинг ҳар турли ҳажмдаги йиғиндиси пайдо бўлади. Инсондаги ана шу билимлар йиғиндиси унинг ижтимоий моҳиятига замин бўлади. Бу билимларни амалда қўллаб бориши натижасида унда шунга яраша ижтимоий моҳият ҳосил бўлади.

Кишининг ижтимоий моҳият даражаси билан унинг инсонийлигини ўлчаса бўлади. Одамда қанчалик билим кўп бўлса ва уни амалиётда тинимсиз ишлатиб юрган бўлса, уни ижтимоий моҳияти шунчалик юқори бўлади. Кишида йиғилган ижобий билимлар ботинда ўзаро муносабатга киришиб бир бутунликни, яъни киши дунёқарашини ташкил қилади. Одамда қанчалик билим кўп бўлса, дунёқараши шунчалик кенг бўлади.

Юқорида инсоннинг биологик ва наслий моҳияти мавжуд эканини кўрдик. Энди билдикки, инсоннинг биологик ва наслий моҳияти билан бир қаторда ижтимоий моҳияти ҳам бор экан. Бундай махлуқот “биоижтимоий мавжудот” дейилади.

Инсон биоижтимоий мавжудот экан, унинг ижтимоий моҳиятини билим ташкил қилади. У бу билимларни қаёқдан олади?, деган савол туғилиши мумкин. Инсон бу билимларни тафаккур ва тасаввурини ишлатиб, атроф-оламни кузатиб ёки билим манбаи бўлган ота-она, ёру-биродар, устоз-муаллим ёинки китоб, журнал ва оммавий ахборот воситаларидан олади. Киши эгаллаган билимларини амалда қўлаш учун хотирасида сақлайди. Сўнг бу билимлар, киши салоҳиятини ташкил қилади.

Кишининг сезги аъзолари ёрдамида ҳис қилинган ва тасаввури орқали англаб етилган билимлари бош миянинг марказида таҳлил ва синтез жараёнларидан ўтиб, ўз тасдиғини топганидан кейин, орқа миядаги нейрон найчаларга тирик голограммалар сифатида жойлашиб, хотирада сақланади. Бу билимларни керак бўлганда хотирадан чиқариб, амалий фаолиятига қўллайди.

Билдикки, инсон бошқа махлуқотлардан ўзининг ижтимоий моҳияти билан ажралиб турар экан. Ижтимоий моҳият негизини билим ташкил қилиб, улар фойдали ва фойдасиз турларга ажралади. Фойдасиз ва ижтимоий ҳаётга зарарли билимлар киши маънавиятини ташкил қилмай, бемаъни ҳаракатлар пойдевори бўлолади. Маънавиятни фақат фойдали билимлар ташкил қилади. Улар **ҳикмат** дейилади. Фойдасизлари **иллат** номи билан аталади.

Фойдасиз ва ижтимоий ҳаётга зарарли билимлар қаторига ёлғон, ўғирлик, судхўрлик, фирибгарлик, қонхўрлик, очкўзлик, қасос, кўролмаслик, бетга чопарлик ва бошқа бир қатор ижтимоий иллатлар киради. Қуръони каримнинг “Бақара” сураси, 188-оятда: “Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ – ҳаром йўллар билан емангиз! Ва билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!”, – дейилган.

Жамият ва шахс ривожини учун фақат фойдали билимлар асқотади. Фойдали билимларни эгаллашдан мақсад ё ўзига ёки яқин кишиларига, ёинки бутун жамиятга наф келтиришдир. Киши муайян фойдали билимларни эгаллаб, уларни ҳаётда кўп маротаба

ишлатиши натижасида улар сакин-аста вужудига сингиб ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айланиб кетади.

Баъзи кишилар фойдасиз, яъни зарарли билиларни гумроҳлигилари туфайли ҳаёт лаззатларига тез ва кўп куч сарфламай эришиш мақсадида эгаллайдилар. Аммо тез кунда бундай билимлар уларнинг руҳини нуратиб, асабини тамом қилиб, бу дунёнинг ўзидаёқ дўзах азобига гирифтор қилади.

Юқорида, киши ижтимоий моҳиятини шакллантирувчи билимларни эгаллашдан уларни то маънавиятгача бўлган жараённи кўриб чиқдик, энди ижтимоий моҳиятни такомиллаштиришда кечадиган ботиний жараёнлар билан танишамиз.

Инсон дунёга келишда барча билимларга эга бўлиб туғилади. Бироқ ота-она, атроф-муҳит, ўқитувчи, адабиёт ва оммавий ахборот воситалари орқали олинадиган билимлар, инсон ботинидаги билимларни ё бойитади ёки ўзгартиради.

Ҳар бир инсон, ўзининг тақдирини илмий йўл орқали аниқлаб, уни ўзгартириш йўлини амералик психотерапевт доктор Вернон Вульф усули ёрдамида аниқласа бўлади. Вернон Вульф таълимотининг асосини квантлар назарияси ташкил қилади. Одамлар энди коинотнинг пассив кузатувчилари эмас, улар коинот бағридан жой олгани маълум бўлди. Улар коинот ҳаётининг фаол қатнашчисидир. Коинотда содир бўладиган барча ўзгаришлар инсон саломатлигига таъсир этгани каби ҳар бир кишининг вужудида содир бўладиган биологик ва ижтимоий ўзгаришлар ҳамда кайфиятлари, бутун коинотнинг ҳолатига ва ривожига ўз таъсирини кўрсатишини англаб етдик.

Шунинг учун доим кайфиятни, тансиҳатликни ва ижтимоий моҳиятни юқори ҳолатда олиб юриш лозим. Шунда сиз ўзингизга, оилангизга, жамиятга, табиатга ва коинотга ижобий таъсир кўрсатган бўласиз. Бу эса, Аллоҳга маъқул бўладиган амаллардир. Кайфиятнинг яхши ёки ёмон ҳолати кишининг ниятига, тансиҳатлиги билан жисмоний ҳаракатларига ҳамда ижтимоий моҳияти бўлган, унга аждотлардан мерос бўлиб ўтган ва ҳаёти давомида эгаллаган билимлар мажмуига боғлиқ.

Б.Зиёмуҳаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор.

ФАОЛИЯТШУНОСЛИК ФАНИ – МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Дизайннинг улкан ижтимоий-маданий, инсонпарварлик салоҳиятини идрок қилиш, унинг концепцияси ва илмий асосларини ишлаб чиқиш, бу ижодий касбнинг моҳиятини тушунишга интилиш, бозор иқтисодиётининг ўта зиддиятли рақобатлари ва тижорат ғоялари авжига чиққан шароитларда, дастлаб Европа ва Америка меъморлари, дизайнерлари томонидан амалга оширилган эди.

Шарль ле Корбюзье, Вальтер Гропиус (Баухауз мактаби асосчиси), Анри ван де Вельде, Алвар Аалто, Герберт Рид, Жон Глоаг, Жио Понти, Жордж Нельсон, Генри Дрейфус, Раймонд Лоуи, Томас Мальдонадо ва бошқа ёрқин шахслар ана шулар жумласидан.

Мамлакатимизга дизайн билан боғлиқ тушунчалар ўтган асрнинг 60 йилларида кириб кела бошлади. Аммо ўз анъаналарига эга бўлган дизайн асослари халқ амалий санъати, меъморчилик, ҳунармандчилик, тўқувчилик, тикувчилик ва бошқа соҳалар қадим замонлардан бери таракқий этиб келган. Дизайннинг ўз фалсафаси ва ахлоқий асосларига амал қилинган.

Дизайн қай тариха пайдо бўлган? Аввал инсон фикрида мақсад, ният, ғоя туғиладимми ёки мавжуд нарсани қайта тарошлаш фикрими? Унинг асоси ғоями ёки нарсами? Албатта ғоя деб жавоб беришингиз мумкин. Аммо унинг ўлчови қаерда? Ғоя кўзга кўринмайдику? Уни аниқ сўз билан таърифлаш ҳам мушкул, ўлчови ҳам йўқ. Агар дизайн нарсадан юзага келса, унинг моҳияти мукамал эмас, уни охирига етказиш дизайнернинг вазифаси, ўз навбатида, ғоядан пайдо бўлса, унда нарсада мавжуд бўлган ғоянинг чалалигидадир.

Шакл ва мазмун уйғунлиги тўғрисидаги фалсафий тушунчалар, умумяхлитликни акс эттирувчи қонуниятлар ҳаёт деб аталмиш муқаддас неъматни тартибга солиб туради. Инсон ҳаёт қонунларини секин-аста билиб бориши баробарида, энг аввало, ўзини кашф этади. Уни ўраб турган оламни ўрганиб боради. Мана шу неъматлардан фойдаланиш билан бирга уларни ҳам бойитади, шаклан тасаввур қилади, мазмунан тўлдиради, билган сари яна ҳам

билгиси келади, аммо бу билимнинг охирига ета олмайди. Аристотель айтганидек, “мен шунча билим ўрганиб, ниҳоят ҳеч нарса билмаслигимни англадим”. Табиатан инсон ижодкор бўлади. Ҳар бир одам ўз билимини, тажрибасини, кўникмасини амалий ҳаётда қўллаш орқали ҳам жисмоний, ҳам руҳий қониқиш ҳосил қилишга интилади. Ожиз қолган пайтда гўзал шакл бирлигидан ҳайратга тушади, акси бўлса, ҳафсаласи пир бўлади. Ана шу ҳиссиёт ва кечинмалар шоирларнинг сўзида, рассомнинг тасвирида, ҳунарманд яратган буюмда акс этади. Юксак эстетик, завқу шавққа ёки нафрат ва ҳаяжонга сабаб бўлади. Инсоният тарихидаги санъат ва адабиётнинг буюк намуналари ҳам ана шундай дунёга келган.

Шу каби дурдоналардан бири Алишер Навоий “Хамса”сининг биринчи достони “Ҳайрат-ул аброр” асари ҳисобланади. У фалсафий-дидактик асар бўлиб, яхши одамларнинг ҳайратлари сифатида ибратли воқеалардан сўзлайди. Китобдаги “Сўз таърифидаким” деб номланган мақолатдаги қуйидаги мисраларга эътибор қаратамиз:

Назмки мани анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида ҳўб эмас.

Ҳазрат Навоийнинг ушбу мисраларини ўқир экансиз, тартиб билан назмга солинган сўз, агар маъноси бўлса бебаҳо бойликка айланагини тасаввур қиласиз. Назм асоси ҳам маънодир. Унинг шакли эса ҳар хил бўлиши мумкин. Яхши мазмунга эга бўлмаган шеър тушунган одамлар томонидан яхши баҳоланмайди. Ҳам яхши шаклга эга бўлган, ҳам гўзал маъно асосига қурилган шеър ҳақиқий шеър.

Алишер Навоий таъкидлаган шу фалсафий тушунча санъат, маданият, илм-фан ва бошқа соҳалардаги инсон ижоди ва ҳаёти билан боғлиқ жараёнлар, уни ўраб турган предметлар оламига, дизайнга ҳам тааллуқлидир. Шакл эса ҳар хил бўлиши мумкин. Нарса ва буюмларнинг моҳияти эса уларнинг функциясида, яъни вазифасида акс этади.

Ғарб мамлакатларида фан ва техника соҳасида бугунги куннинг талабларидан келиб чиққан ишламаларга нисбатан кескин норозилик ва зиддиятлар билан ёндашув юзага келди. Чунки катта даромад ортидан қувиб яратилган технологиялар оқибатида турли-туман фалокатлар юз бераётганини одамлар яхши билдилар. Техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш натижасида улар катта

Мамаражаб Тоҷиев 1

даромад оладилар, кулайликларга эга бўладилар, тўкин-сочинлик яратилади. Аммо шу билан бирга дизайнерлик ишламалари ижтимоий ёвузликни кўпайтириб одамлар дунёқарашида ғазаб ва нафрат уруғларини сочишга ҳам олиб келяпти. Дизайнерлар томонидан яратилиб, кўнгилсиз ходисаларга сабаб бўлган объектларнинг хануз фаолият кўрсатаётганига нисбатан нафақат ижтимоий нуқтаи назардан муносабат билдириш, балки сиёсий жиҳатдан ёндошувни талаб қилади. Дизайн объектлари ва фаолиятининг фалсафий-ахлоқий масалаларига эътибор қаратар эканмиз, унинг ҳуқуқий масалаларини ҳам билишимиз лозим бўлади.

Тарихга назар ташлар эканмиз, моддий ва маънавий маданият тубдан ўзгариб кетганининг гувоҳи бўламиз. Дунё ҳам, дизайн ҳам бутунлай ўзгариб бормоқда. Ўтган асрнинг 70 йилларидан кейинги даврларда индустриал технологиялар ўрнини постиндустриал технологиялар эгаллади. Саноатнинг глобаллашуви маданият ва жамият билан янги зиддиятлар гирдобига ғарқ бўла бошлади. Ижтимоий-сиёсий, энергетик, экологик ва бошқа янги масалалар юзага келди, улардан янада долзарброғи антропологик масала, инсоннинг шахс сифатида ўзлигини сақлаб қолиши масаласи кун тартибига чиқди.

Ахборот коммуникация технологиялари борасидаги инқилоб, барча чегараларни йўқ қилиб ташлади, дунёни ягона ахборот-компьютер тармоғига айлантирди. Кўз ўнгимизда ахборий жамоатчилик уяли трансахборот тармоғига бирлашиб кетяпти. “Уяли маданият” тижоратдан тортиб билим олишгача, шопингдан тортиб, турли ўйинларгача, нимани ҳазм қилса, ўшани бир ямлаб ютмоқда. Ҳамма нарса виртуал шаклга киряпти. Интернет тармоқларида тарқатилаётган дизайн маҳсулотлари, сайтлар дизайни, фотоаудио манбалар, кино-видео клиплар, ахборотлар, фильмларни тўлалигича фалсафий, мукамал, эстетик жиҳатдан муносиб, ахлоқий ва қонуний манфаатларимизга мос келади, – деб айтиш ёки қабул қилиш мутлақо тўғри эмас. Хатто инсон руҳига таъсир қилиш ниятида, фойдали ахборот манбалари билан бир саҳифада дизайн қилинган шов-шувли хабарлар, олди-қочди ахборотлар, эротик ва ҳақоратли фото-видео тасвирлар кўнглингизни хира қилади. Уларнинг кўпчилиги эстетик жиҳатдан номақбул, хунук, қабих нарсалардир. Секин-аста истеъмолчилар

ҳам эстетиканинг олий ўлчови гўзаллик билан тубанликни ажратолмай қолишлари тўғрисида ўйга толади киши.

Нарсанинг моҳияти унинг ўзидагина акс этмайди, балки мазкур буюмга дизайнер томонидан берилган образ, қиёфада ҳам акс этади. Буюмнинг моҳиятини англаш мазкур объектни ижтимоий-маданий турмуш образи сифатида қабул қилиш демакдир. Моҳият-идеал мазмун бўлса, ғоя эса объектдан олинadиган сўнгги натижа саналади. Нарса ва буюмларнинг маданият билан узвийлиги инсон ҳаёти учун муносиблик ва долзарблик ўлчовидир. Кўп ҳолларда дизайнерлар буюмлар инсонни шакллантирувчи омил эканини унутиб қўядилар. Демак дизайн фалсафаси, аниқроғи, эстетикаси талабларида белгиланган олий қадрият гўзалликни бадбашаралик билан, эзгуликни қабоҳат билан алмаштириб қўядилар.



Уларнинг шакли ханжар қиёфасида, функцияси эса тарок вазифасида. Ким кафолат беради, шу буюмлар фалсафасига кўра қўлланилмайди деб. Ҳатто уни қўллаган одам тасодифан ўз кўзини ўйиб олиши мумкин. Биз уларга одий қилиб, “хавфли дизайн” деган баҳони берамиз. Граната шам, ниҳоят, ўчиш арафасида портлаши мумкин. Биз илмий адабиётларда берилган дизайн хусусиятларини санар эканмиз, дизайннинг асосий вазифаси фақат предметлар оламида буюмлар яратиш, уларнинг функционалиги ва эстетик жиҳатларига эътибор бериш билан чекланиб қолаётганини сезишимиз мумкин. Ҳозирги замон дизайнининг муаммолари худди шу ерда яширинган. Дизайн, энг аввало, замон шароитлари

Мамаражаб Тоҷиев 1

ва талабларидан келиб чиқиши, жамиятдаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлиги, ким ва нима учун, истъомолчи турмушини янада яхшилаш учун фаолият юргизиши, бу ерда “истъомолчи” сўзи нафақат тижорий атама балки, фалсафий атама эканини ҳам таъкидлашимиз зарур. Ҳа, дизайн назарияси ва ғояси гуманистик, инсонпарвар бўлмоғи лозим.

Диний-ахлоқий қарашларимизнинг ҳам дизайн фалсафаси ва ғоясига таъсири ниҳоятда беқиёсдир. Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” асаарида ёзилганидек, “набий (с.а.в.) айтадилар: мўминнинг нияти унинг амалидан яхшидир”. Аҳли илимларнинг баъзилари бу ҳадис ҳақида шундай дейишади: “киши ниятининг яхшилиги учун савоб олаверади, гарчи амал қилмаган бўлса ҳам. Амалга эса ниятсиз савоб ололмайди”.

Бир олим киши айтади: “мўминнинг нияти амалидан яхшидир. Чунки нияти кўп, амали кам. У тирик экан, яхши амал қилишни ният этади, аммо у ўлгунча яхши амални давом эттира олмайди”.

Баъзилар дейишади: “ният қалбнинг амалидир. Қалб маърифатнинг макони. Нимаики маърифат маконида бўлса, бошқасидан афзалдир”.

Энди маънавиятни ниятдан, ички фикрлашдан ҳосил бўладиган ташқи шаклларни аниқлашга уруниб кўрамиз. Ахир, қадим замонларда яшаган аجدодларимиз образларини яратишда рассомлар уларнинг айнан ўз таърифий ижодларидан, бошқа тарихчи ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланадилар. Бу ҳақда академик рассом Малик Набиев билан биринчи президент Ислон Каримов ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни мисол тариқасида келтирсак айни муддао бўлади:



“1993 йили Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбонига ўрнатилган ҳайкални илк бор муҳокама қилганимиз эсимда. Ҳайкалтарошлар тақдим этган вариантда соҳибқирон кўлида найза тутган ҳолда тасвирланган эди. Мен бунга эътироз билдириб, “Соҳибқирон бобомиз кўлида найза эмас, отнинг жоловини тутиб тургани маъқул”, – деган фикрни билдирдим. Бунинг рамзий маъноси бор. Чунки салтанатда найза кўтарган одам кўп бўлган.

Аммо жилов Амир Темурнинг кўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини кўлида маҳкам тутиб туришини англатади”, – деб ёзган эди Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида. – Шу билан бирга буюк аждодимиз иккинчи кўлини баланд кўтариб, дунёдаги барча инсонларга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилаётган аснода акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди”.

XIX асрда яшаган немис олими ва рассом-дизайнери Готфрид Зимпер ўзининг “Техника ва техтоник санъатлар ёки амалий эстетика” деб номланган фундаментал илмий иши билан жаҳон дизайнининг таниқли назарий-таърифи сифатида ном қозонган. 1860 ва 1863 йилларда мазкур китобнинг икки қисми нашр қилинди. Унинг учинчи китоби турли ижтимоий-сиёсий тартибларнинг санъатга таъсири масалалари тўғрисида бўлиб, уни муаллифнинг ўзи йўқ қилиб ташлаган эди.


Олим томонидан бўлажак дизайн ғоялари учун татбиқ этилган нарса – буюмлар шакли хусусиятларини белгиловчи сабаблар ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, табиатда шакл яралишининг тўрт шарт мавжуд бўлиб, улар органик ва ноорганик олам тараққиётининг турли босқичларида юзага чиқади. Мисқолларда ва кристалларда яширин ички симметрия ҳукмронлик қилади, ўсимликларда пропорционал симметрия, миқдор симметрияси мавжуд, яъни масса оғирлигига нисбатдан, аммо вертикал ҳолатида симметрия бўлмайди, жониворлар учун ҳаракат йўналишининг оғирлик кучи чизиғига нисбати шакл яралиши учун алоҳида аҳамият касб этади. Ички олами, нияти, ғояси гўзал одамнинг ташқи қиёфаси ҳам табиатан чиройли бўлади.

“Одам ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳатто билимларнинг юқори чўққисига чиққан бўлса ҳам инсонлигича қолмоғи зарур. Ҳозирги замон муаммоларидан энг муҳими ҳам, долзарби ҳам шу”, – деб ёзган эди Чингиз Айтиматов ўзининг “Фудзиямага кўтарилиш” деб номланган асарида. Бугунги кунларимизда мазкур фикрлар, айниқса, дизайнерлар учун дастуриламал бўлмоғи зарур.

АҚШнинг Филадельфия штатида доктор Майкл Гласснер томонидан бепушт ота-оналар генларини чатиштириш йўли билан чақолоқ яратилди. Чақолоққа Леви Коннору деб ном қўйганлар. У уч ойлик бўлди. Олимнинг фахр билан айтишича, бола ана шундай ота оналарнинг орзуларини рўёбга чиқаришда қанча маблағ ва асабларини эҳтиёт қилиб қолади. Фақат ўн икки минг доллар

Мамаражаб Тожиёв 1

тўланса бас, орзулар ушалади. Ўсимликларни уруғидан кўпайтириш, дурагайлаш, чанглатиш минглаб йилларки мавжуд, лекин ҳайвотот ва одамлар масаласида эҳтиётсизларча ўтказиладиган тажрибаларнинг оқибатлари қандай бўлади? Икки бошли одам, тўрт қўлли махлуқот ва бошқалар, худонинг ўзи кечирсин.



Ахлоқий тортишувларга қараганда тиббиёт анча илгарилаб кетди, – дейди доктор Майкл Гласснер, – шу боис тортишувлар кўп. Аммо бизни медицина соҳасидаги кашф этилмаган чўққилар кутиб турибди. Бу борада шоирнинг болалар учун ёзган қуйидаги мисралари фикримизга киноявий якун ясайди:

Интернетдан ўқидим,
Мерлин Монро тирилган.
Америкада қариялар,
Ёш қилиб қайтарилган.

Товуқ гўшти ҳам сунъий,
Олма олган бутандан.
Буғдой дони қовундек,
Анор ясар маъдандан.

Одам хужайраларин,
Формуласин осганлар.
Англияда қўйлардан,
Нусха қилиб босганлар.

Энди ҳеч ким қаримас,
Ёшаради бувим ҳам.
Айтганларим баримас,
Минг дардга бордир малҳам.

Болакай сўзин тинглаб,
Доктор илҳоми жўшди.
Жиддийроқ тутиб ўзни,
Сухбатга сухбат қўшди.

Минг йилларки олимлар,
Бу жумбоқ сирин излар.
Ўстира олмай тишни,
Ёпмоққа ирин кўзлар.

Дизайннинг миллий асослари ҳам тўғридан-тўғри унинг фалсафий-ахлоқий асосларининг бир қисми ҳисобланади. Аниқроғи, дизайн фалсафаси ҳам ана шу тушунчалар асосида дунёга келган. Шу боис, дизайннинг дастлабки йилларида, айниқса, санъат дизайни миллийликни ва табиийликни инкор этган эди. Моррис ва модерн усталари бундай қарашларга қарши чиққан эдилар. Кейинги юз йилликлар давомида олис экзотик мамлакатларга ва услубларга қизиқиш кучайган бўлсада, аммо этник костюм, турли миллатларга хос либослар, интерьерларни безаш асосан иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда урфга кирган эди. Дизайн назариясига кўра, этник йўналишлар нафақат кўргазма залларининг безаклари, балки кундалик турмушда кийиш мумкин бўлган либосларни ҳам ўз ичига олади ҳамда дизайннинг долзарб йўналишларидан бири саналади. Этник фикрлаш халқ санъати билан боғлиқ эмас, балки миллий ўзига хосликни идрок қилиш, экологик ёндошув, фольклорни ўрганиш масалалари ҳам этник йўналишларнинг бир қисми ҳисобланади. Бунда этник

анъаналар, миллий услуб ва фолклорни бир-биридан ажрата билиш лозим.

Назарий жиҳатдан миллий услубдаги костюм билан этник костюм ўртасида маълум фарқлар мавжуд. Биринчиси, миллий анъаналарга диққатини қаратади. Иккинчиси, кўп ҳолларда миллий ўзига хосликка эътибор беради, этнографик муҳитнинг экологиясига ҳамда у ёки бу мамлакатнинг одатга айланган услубларини дизайнерлик лойиҳаси учун асос қилиб олади. 6-



расмда акс этганидек, этник услуб тарихан шаклланган миллий костюмни қайта таъмирлашга интилмади, балки инсон ва табиат узвийлигига асосланиб дизайн лойиҳалари яратади.

Хиппи анъанасида, услубида десак, тўғри бўлади, эркак ва аёл либосларида бутунлай фарқ қолдирмайди, бу либосларда этник услублар, кавбойларнинг либослари янги замон шаҳар этнографиясига мослаштирилаган ҳолда уйғунлашади. Улар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Умуман олганда, дизайн услублари инсоният тамаддунининг у ёки бу давридаги тарихий, миллий, эътиқод ва диний-ахлоқий қарашлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, экологик, гуманистик, илмий-ҳуқуқий ёндошувларни ўзида жамлаб, дизайн фалсафасини тўлдириб боради. Аниқроғи, ана шу фалсафа туфайли дизайн объекти гоёси вужудга келган ва лойиҳалар яратилган.

Аляска хиндулари ва эскимосларининг миллий



либослари, уй-рўзгор анжомлари, Африка ва Океания халқлари дохийларининг безаклари ана шулар жумласидандир. Узоққа бормайлик, ўзимизнинг миллий ва этнографик анъаналаримизга Европа ва Узоқ Шарқ мамлакатларидаги қизиқиш ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтишимиз мумкин. Шунинг билан таъкидлашимиз мумкинки, минглаб йиллар аввал бўлганидек, ўзбек халқи либослари ва костюмлари ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Тўғри, замонавий дизайнерларимиз маҳаллий матоларимизнинг экологик фазилатларига эътибор қилар эканлар, дизайн фалсафасини унутиб қўйиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу матолар айнан шу ўлка этнографиясига, экологиясига, анъаналарига муносиб тарзда дунёга келган. Усталар бу матоларнинг тўқилишиданок инсон танасига мос тарздаги либос бичими ва безакларини ҳисобга олганлар. Инсон ва табиат уйғунлигидаги гўзаллик уларнинг фалсафасига жо бўлган. Шу билан бирга миллий, диний, ҳудудий чекловларга ҳам жавоб бериши кўзда тутилган.



Марғилон шойисининг доврўғи қадим замонларданок етти иқлимга ёйилган. Савдогарлар Буюк ипак йўли орқали Юнонистон, Миср, Эрон ва Хитойга шойи матоларини олиб кетганлар. Европага сийдом, яъни бир рангли, улар олтинранг, кумушранг, қизил, яшил, сарик, мовий ранглардан иборат бўлган. Хитой томонларда қора, кулранг, кук, яшил, оқ, олтинранг матолар турли нақшлар билан безатилган.

Иқлими ўта қуруқ ва иссиқ бўлган Марказий Осиё мамлакатларида биз юқорида тилга олган шойи матоларга бир хил сийдом ранглар берилиши, нақш ва кашталар тикилиши, ёпиштирилиши, босилиши унинг табиий иқлимга мослиги масаласини йўққа чиқарган. Харидорларни ўзидан қочирган. 7-расмда акс этганидек, Марғилон усталари ҳам гўзал, ҳам силлик,

Мамаражаб Тожиёв 1

ҳам ранго ранг, ҳам арзон, кам меҳнат талаб қилинадиган ва шу билан бирга, матоларни безашдаги барча унсурлар ўрнини босувчи безак яратганлар. Марғилон усталари ярим шойи матолар: атлас, адрас, беқасам, банорас, юпқа шойидан абрли атласлар тўқиганлар.

“Абр” дегани форс тилидан ўгирганимизда “булут” деган маънони беради. Булутнинг қуёшни тўсиши, ола булут мўътадиллик инъом этиши, юпқали шабадапаранглик танага ором бағишлаши ва табиат ранглари, камалак жилоси тенги йўқ эстетик завқ бериши ҳисобга олинган. Хон атлас қизларнинг гўзаллигига яна ҳам уйғунлашиб кетганлигини кўрасиз. Бор вужудининг ёпиб туриши, қуёш ва иссиқдан уни ҳимоя қилмоқда. Ранглар қизбола қиёфасига яна ҳам мафтункорлик ҳадия қилмоқда. Агар қизлар ва аёллар либоси Европага мўлжалланган бўлса, атлас матоси ўз қимматини йўқотади. Бу расмдаги либосларни бизнинг шароитимизда кийиб бўлармикан? Маҳаллий дизайнерлари, усталари фалсафасининг мукамаллигига таҳсин ўқийсиз, албатта.

Яна бир қизиқ мисол ҳам мамлакатларнинг миллий минталитети дизайн фалсафасидан ўрин эгаллаганининг гувоҳи бўласиз. Лоуис Вуиттон компаниясининг Москвадаги Қизил майдонда бунёд этилган Кўргазма павильони акс этган. Ташқи кўринишдан у жомадон ёки сандиқ шаклида қурилди. Унинг баландлиги 9 метр, энига 30 метр келадиган бу бинони Лоуис Вуиттон компанияси дизайнерлари князь Владимир Орловнинг тарихий саквояжи шаклида бўлиб, у шу компанияга ўтган асрнинг бошларида буюртма қилинган эди. Кремлдек тарихий масканда жомадон шаклидаги бинонинг пайдо бўлиши жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлди. Уни зудлик билан бузиб ташлаш талаб қилинди. Компания дизайнерлари жомадон деворига тортилган Россия байроғининг уч ранги реклама талабларига тўғри келмади деб ҳисобладилар. Аммо унинг бошқа ахлоқий нуқсонлари ҳам мавжуд эди. Биринчидан тарихий обидалар ва хотира ҳиёбонлари, черковлар ёнида реклама унсурининг осмонга буй чўзиши, реклама ҳақидаги қонун талабларини ва ахлоқий қадриятларни бузган. Иккинчидан, рус халқида тушкунлик кайфиятини “чемоданное настроение” деган ибора акс эттиради. Ўзбекларда эса ишлар халта бўлди, деган гап бор. Демак халқ оғзаки ижодини тушунмаслик аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлган. Учинчидан,

сиёсатдонлар томонидан ғарб қадриятлари намуналарини давлат идоралари ёнида қад кўтариши эди.

Умуман олганда, этник ва миллий қадриятлар инобатга олинмагани сабабли кўргазма павильони зудлик билан бузиб юборилди. Тезкорлик билан Москва бош универсал магазинининг 120 йиллиги муносабати билан Қизил майдонда “Рождество ярмаркаси” ташкил этилиб, муваффақият қозонди.

Дизайн фалсафаси ҳақида фикр юритганда иқтисодий, ижтимоий, илмий-технологик асослар ва унга қўйиладиган касбий талабларни тилга олмасликнинг иложи йўқ. Инсон фаолиятининг барча жабҳаларида янги технологиялар қўлланилаётган бизнинг замонамизда баъзи ишламалар кўнгилсиз оқибатларга ҳам олиб келаётганлиги сир эмас. Чернобль АЭС ва Япониядаги Фукусима атом станциясининг табиий офатдан зарар кўриши ва технологик хатолари даҳшатли оқибатларга олиб келди, катта майдонларда радиация туфайли одамлар ва жониворлар ҳалокатига сабаб бўлди.

Ижодкорлик бу бузғинчилик эмас, балки яратувчиликдир. Шу туфайли одамлар технологиялардан инсон фаровонлиги учун фойдаланиш зарурлигини тушуниб етдилар. Амалиётда бизни ўраб турган бинолар, мебеллар, кийим-кечак ва бошқа ҳамма нарсани амалда дизайнерлар бунёд этадилар. Дунё экологик фожиалари инсониятни ўйга солмоқда. Кейинги ўн йилликларда Ғарбий Европа мамлакатлари энергия манбаларининг муқобил турларини излаб топишга, экологик тоза материалларни кашф этишга ҳаракат бошлаган.

Германия оғир иқтисодий қийинчиликларга қарамай, 2025 йилгача мамлакат ҳудудидаги барча атом электр станцияларини ёпишга қарор қилган.

Экологик дизайннинг авангард вакилларида ҳисобланган эрхотин олимлар, Жон ва Ненси Тоддлар 1982 йилдан бошлаб биотехнологияларни ишлаб чиқиш ва қуёш энергияси ва шамол ёрдамида ҳаракатга келадиган кемалар яратиш билан шуғулланадилар. Уларнинг технологиялар ва транспорт воситалари юзасидан ўз ёндашувлари мавжуд. Жон Тодд шундай деб ёзади: “Транспорт воситаларига экологик нуқтаи назардан баҳо бермоқ зарур. Технологиялар яхши ва ёмон деган тушунчалар доирасида баҳолаш зарур Уларни юқори ва қуйи деган тушунчалар билан таснифлаш мутлоқо нотўғри. Баъзи технологиялар ҳар икки

ёндошувга мисол бўлади. Мисол учун, автомобиль олайлик. У хавфли, кўп ёнилғи сарфлайди, атроф-муҳитни ифлослантиради, бошқа томондан, айнан автомобиль одамларни бир-бири билан яқинлаштиради. “Ненси Тодд: биз автомобильни инкор этмаймиз, балки шу турдаги автомобилларнинг бўлишига қаршимиз”.

Ҳозирги даврда янгича саноат маданияти дунёга келмоқда. Яратишдан олдин, лойиҳалаш давридаёқ ушбу буюмнинг қандай бузиб олинишига ҳам ҳисобга олинади. Яшил кимё қўлланилади ва чиқидларсиз, табиий имкониятларга асосий диққат йўналтирилади. Шулардан келиб чиқиб, замонавий экодизайн принциплари доираси кенгаяётганини, унинг технологиялари эса янги фалсафий фикрларга суянаётганини таъкидлашимиз мумкин.

Мана улардан баъзилари:

буюмни эмас, буюмнинг яшаш даврини лойиҳаланг;
имкони борича табиий материаллардан фойдаланинг, сунъий материаллардан қочинг;

энергия сарфини камайтиринг;

буюмнинг чидамлилигини таъминланг;

буюмни эмас, уни қандай қўллашни лойиҳалаштиринг;

материалларни ишлатишда ўта тежамкор бўлинг;

қайта ишлаш осон бўлган материалларни ишлатинг;

яратган буюмларингиздан, унинг материалидан қайта фойдаланиш мумкинлигига эришинг.

Ундан ташқари, дизайнерлар предметлар олами муҳитини лойиҳалашда ноанъанавий, муқобил энергия манбаларини қўллашни ҳам ҳисобга олишлари зарур. Улар:

водороддан энергия сифатида фойдаланиш;

шамол энергияси;

энергия берувчи ўрмон хўжалиги чиқидлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари;

шаҳар чиқиндилари;

саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалик чиқиндилари;

куёш иссиқлик энергияси ва бошқалар.

Шу кунларда Тошкент шаҳрида куёш энергияси бўйича Осиё форуми ўтказилмоқда. Бу бежиз эмас албатта. Ўзбекистон олимлари, инженерлари, дизайнерлари муқобил энергия манбалари яратишда олдинги сафларда боришяпти, десак муболаға бўлмайди. Биринчи навбатда, куёш энергиясидан фойдаланиш асосий вазифа

қилиб белгиланган. Чунки бизнинг мамлакатимизда қуёшли кунлар шимолда йилига 2000 соат, жанубда эса 3000 соатдан ортади. Бир сутка давомида 7-10 соат атрофида қуёш чиқиб туради.

Бу соҳада шу йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳужжатга кўра муқобил энергетика соҳасидаги илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, талаб даражасидаги малакали кадрларни тайёрлаш, қонунчиликни мукамаллаштириш, муқобил энергия ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун имтиёзлар бериш, солиқ ва божхона имтиёзларини татбиқ қилиш, “Муқобил энергия манбалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш каби масалаларни амалга ошириш вазифаси белгиланган. Хусусан, Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳасини қуриб битказиш кўзда тутилган.

Дизайннинг сиёсий ва ҳуқуқий асослари ҳам дизайн фалсафаси ва ахлоқининг ажралмас қисми эканини юқорида қабул қилинган қонун ва ҳужжатлардан ҳам сезишимиз мумкин. Мамлакатимизда ҳам дизайн-фаолият билан боғлиқ қонун ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эҳтиёж сезилмоқда.

Дизайн таълим-тарбиянинг барча жабҳаларини эгаллаб олганини қайд этишимиз мумкин. Педагоглар ва психологлар ўз методларини такомиллаштирар эканлар, “дизайнерчасига фикр юритиш” тушунчасини тез-тез қўлламоқдалар. Бу дегани, замонавий одам бу – яратувчи ва ижодкор инсон, у энг аввало, оламга дизайнер кўзи билан нигоҳ ташлайди. Уни ўраб турган олам янада гўзал ва қулай бўлишига интилади ва ана шу ғоя билан яшайди.

Методологиядаги энг катта муаммолардан бири, замонавий дизайн амалиётида ҳам тадқиқотчиларни ўйлантираётган масала – инсониятнинг энг буюк ютуғи ҳисобланмиш инсонпарварлик ғояси билан дизайн ўртасидаги уйғунликни сақлаб қолишдан иборатдир.

“Ободлик кўнгилдан бошланади”, – деб айтилган миллий иборани дизайн фалсафасига асос қилиб олишга ҳаққимиз бор. Ёшларнинг маънавий оламини болалаликдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзгача маъно топиш, ёш кўнгилларда яралган гўзаллик уларнинг бутун ҳаётини яхши ишлар билан тўлдирувчи

Мамаражаб Тожиёв 1

булоққа ўхшайди. Санъат ва адабиёт, халқ хунармандчилиги ҳамда миллий эзгу анъаналар дизайннинг инсонпарварлик ғоялари билан янада такомиллашининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, одамларга эзгулик ва яхшилик қилиш ниятида ўз билмини қўллай олган киши ҳақиқий комил инсондир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, дизайн таълими, бу ҳаётий ва ўқув жараёнларни лойиҳалаш сифатида талқин этилади. Инсониятнинг илмий-амалий фаолияти тарихи эволюциясидан келиб чиққан ҳолда тамаддун тараққиётининг босқичларини ўрганайди. Ҳаётий ва ўқув жараёнларида лойиҳалаш маданиятини шаклланишига замин яратади. Буни эса, жамоатчиликга тушунарли бўлиш нуқтаи назаридан “фаолиятшунослик” деб номладик. Чунки фаолиятшуносликнинг фалсафий-ахлоқий асослари бугунги кунда юз берган, ўта даҳшатли коронавирус офатининг кучайиб кетишига, энг аввало, тиббиётни лойиҳалашда, илмий кашфиётлар ва ихтиролар яратишда ахлоқий, инсоний кадриятларни унутган ҳолда, яъни барча соҳаларда фалсафий-ахлоқий меъёрларга амал қилмаслик натижасида юз бермоқда.

Фаолиятшуносликда, экология, нанотехнология, архитектура, геноинженерия, тиббиётдаги эҳтиётсизлик, санитария, эпидимология, потогенлар, вакциналар яратишда, дори-дармонлар ишлаб чиқаришда, радиотўлқинлар, магнит майдонлари, биомуҳандислик, энергетика ва бошқа кимёвий йўналишларда, умуман, замонавий ҳаётнинг номоддий объектлари ва ҳаётий жараёнларни лойиҳалашда ахлоқий меъёрларга амал қилмаслик оқибатлари деб қаралади.



Сергели. “Профессор боғи”

Фаолиятшунослик бўйича ижтимоий ва педагогик билимлар инсон ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил этиш омили эканини тасаввур этдик. Ундаги барча жиҳатлар, кутилмаган вазиятлар, бошқа ҳодисалар инобатга олинган ҳолда лойиҳалашти-рилади.

/

Фаолиятшунослик фанининг предмети сифатида ҳаётий фаолият билан боғлиқ барча нарсалар узлуксиз таълимдан ўрин олиши зарурлигини кўрсатяпти. Ҳатто бугунги кунда вирусдан ҳимояланиш учун тез-тез қўл ювилиши, оғиз-бурунга ниқоб тутиш, қандай масофада сақланиш, умуман, санитария-гигиена қоидаларини кўпчилик аҳоли яхши билмасликлари кўзга ташланди.



Демак фаолиятшунослик фани талабларидан бири ҳам касбий хавфсизликнинг барча жиҳатлари ўзида қамраб олади. Дастлабки тадқиқотларда бу фанни “фаросат” фани, – деб аташ лозим, деган фикрлар ҳам билдирилди, аммо инсондаги билим, маҳорат, тажриба, амалиёт, янгилик яратишга, кашф этишни лойиҳалашга бўлган лаёқат фазилатлари фаолият билан боғлиқ. Европада бу фан “Дизайн ва технология”, – деб юритилади.

Шундан келиб чиқиб, “Фаолиятшунослик” фани инсон ҳаётий жараёнларининг барча жиҳатларини, соҳа ва йўналишларини, ички ва ташқи ҳаракатларини қамраб олади. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, инсон фикри ўйидаги ғояни моддийлаштирувчи восита, метод бу – фаолиятшунослик фани саналади.

Дизайн, энг аввало, ёшлар ва талабалар дилида гўзаллик ва эзгулик шакллари яратади. Унинг илмий фалсафаси эса инсон қалбини маданият ва маънавият билан тўлдиради. Ахлоқи эса бахт ва омад эшикларини очади.



Д. Ёқубов, Ўзбекистон санъат арбоби, профессор.

М.Тожиёв, педагогика фанлари доктори, профессор.

Д.Зупарова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.

Мамаражаб Тожиёв 1

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ АХЛОҚ КОДЕКСИГА КИРУВЧИ ФАЗИЛАТЛАР

Маълумки, билим бериш ва ахлоқий тарбия жараёни бир-бирини тақозо этувчи икки ярим бир бутунни ташкил қилади ва бирининг мавжуд бўлиши иккинчисини мавжудлигини тақозо этади. Аммо шу кунда бу қонуният бузилган. Биздаги ёш авлодга таълим, яъни билим берилмоқда, аммо ахлоқий тарбия ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Баъзи ўқитувчилар таҳсил олувчиларга ахлоқий тарбияни, ўзининг тарбияланганлик даражадан келиб чиқиб амалга оширса, бошқа ўқитувчилар умуман ахлоқий тарбия билан шуғулланаётгани йўқ. Бунинг сабаби ахлоқий тарбиянинг методологик асоси мавжуд эмаслигида, инчунин, юқоридан унга талаб ҳам йўқ. Авваллари собиқ иттифоқда ахлоқий тарбияга талаб жуда кучли бўлиб, унга методологик асос вазифасини “коммунизм қуручисининг ахлоқ кодекси” бажарган. Бу кодекс ўз кучини йўқотдию мустақил мамлакат авлодининг “ахлоқ кодекси” яратилмади.


Киши баркамоллик пиллапояларидан кўтарила бориб, комил инсон мақомига эришиши учун бир-бирини тақозо этувчи ва ўзаро ўзвий боғлиқ бўлган 13 фазилатни бирдай ўзида шакллантириб бориши шарт. Бу фазилатлар умуммажмулар назариясига биноан ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, бошқа барча ижтимоий сифатлар уларга унсур вазифасини ўтайди.

Бу фазилат “комил инсон” деган улуғ номга унсур вазифасини ўташи билан ўз-ўзидан бир поғона пастда бўлган унсурларга мажму вазифасини бажаради.

Кишининг биоижтимоий мавжудот сифатида мавжуд бўлиши ва ижтимоий ривож, ундаги уч бирлик – руҳ, вужуд ва ақлнинг ўзаро алоқадорлиги таъсирида кечишини юқорида кўрдик.

Бундай ривож жараёнида руҳ етакчилик қилади. Чунки руҳ вужуд билан ақлни бошқариб турувчи куч ҳисобланади. Бу унсурларнинг биронтаси ўз фаолиятини тўхтатса ёки сусайтирса, бошқа барча унсурлар фаолиятини ё тўхташига, ёки сифати пасайишига олиб келади. Масалан, ақлнинг номаъқул таъсири натижасида кишининг қилган номатлуб амаллари оқибатида вужуди завол топса, руҳи заифлашади. Ёки киши гумроҳлиги

туфайли ўзини жисмини қийноққа солса, руҳи билан ақлининг ҳолати ҳам ёмон томонга ўзгаради. Ёинки одам бузуқ ниятлар орқали руҳини хасталантирса, сўзсиз унинг ақли ва вужудида салбий ўзгаришлар содир бўлади. Шу тариқа вақти келиб вужуд ўз фаолиятини тўхтатса, ақл ҳам ўз фаолиятини тўхтатиб, руҳ танани тарк этади ва ҳоказо. Демакки чин саломат кишининг руҳи соғлом, ақли расо, вужуди яхши ривожланган бўлиши шарт.



Баркамол авлоднинг эзгу ниятли ва соғлом бўлиши

Руҳнинг саломат бўлишида асосий тамойил “эзгу ният” эканини таъкидлаймиз. Шу тамойилдан келиб чиқиб, руҳ тарбияси тўғрисидаги маълумотларни кенгайтиришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Руҳни тарбиялайдиган усул ва услублари кўп.

Руҳ соғлом бўлиш усулларнинг асосийси, руҳий қувватни ижобий мақсадга йўналтиришдир. Тиббиётда “регенерация” ва “дегенерация” деган тушунчалар мавжуд. Регенерация – бу ҳужайра марказига йўналтирилган метоболик қувват бўлиб, у ҳаёт асоси бўлган тўқималарнинг ўсишига олиб келади. Буни қуйидагича тушуниш мумкин: озиқ-овқат орқали вужудга тушиб, синтез жараёнидан ўтиб, қонга айланган модданинг ҳужайра ичига шимилган вақтдан бошлаб, уни ҳужайрада охириги маҳсулотга айланиши метоболик жараён дейилади. Метоболитлар тирик ҳужайраларда модда алмашуви натижасида ҳосил бўладиган оралик маҳсулотлардир. Уларнинг аксарияти организмдаги биокимёвий жараёнларнинг муайян тартибда – ўз манфаати йўлида йўналтирилган қувват ҳисобланади. Бирор мақсадга йўналтирилмаган метоболик қувват вужуддаги тўқималарни аста-секин емириб, кишини касаллантиради.

Шунинг учун ният сидқидилдан бўлиб, қилинадиган иш фақат эзгулик ва инсоният равнақи йўлида ижодкорлик, фидокорлик асосида бўлса, одамларга ёмонликни раво кўрмай, сўз ва амал бирлигини ўзида мужассамлаштиролса ва нафсини жиловлаб ололган бўлса, руҳини ижобий томонга йўналтирган бўлади. Шунда унинг руҳи қувватини марказга интиштирилиб, кишининг саломат бўлишини кафолатлайди.

Ўз руҳи устида қайғурадиган одам ўзининг имконияти ва шароитидан келиб чиқиб доимо эзгу ниятлар қилади ва бу ниятларни бошқаларга ҳам тарғиб қилиб, биринчи навбатда, уларни ўзи амалга оширади. Қисқаси, кишининг руҳи саломат бўлиши учун бошқаларга фойдаси тегадиган ишлар қилиб, савоб ортириб юриши лозим. Шунда метоболик қувват марказга интилади ва ишлари ривож топади. Вужуди эса барча хасталиклардан ҳоли бўлиб, ақли равон ишлайди.

Агар киши худбинлиги туфайли ўз манфаатини кўзлаб ёки бемақсад ҳаракатларни амалга оширса, метоболик қувват

ташқарига йўналтририлиб, киши руҳи ва вужудини заифлашишига ва оқибатда уларни нурашига олиб келади. Кишининг руҳи заиф бўлса, ақли ҳам яхши ишламайди, натижада турли биосоматик касалликларга дучор бўлади.

Ақлий саломатлик тўғрисидаги фикрларни бойитадиган бўлсак, унга фақат билим эгаллаш билан эришиш мумкинлигини юқорида айтган эдик. Қўшимча қилиб билим олиш жараёнини амалга оширишда ҳал этувчи ролни одамнинг ўзи ўйнайди. Ҳеч қандай ота-она, ёру биродар ҳамда устоз ва мурабийлар киши миясини “ёриб” ичига билим солиб қўйилмайди. Инсон ўз ақлини фақат ўзи “қайраши”, ҳар қандай билимни фақат ўзи эгаллаши шарт. Ота-она ва мурабий ва бошқалар унинг бундай саъй-ҳаракатларига, фақат ёрдам беради, холос. Одамнинг қанчалик билими кўп бўлса, шунчалик унинг руҳи қувватланиб, ақл кучи ошади ҳамда ижтимоий моҳияти баланд ва тансиҳатлиги юқори бўлади. Ундайларнинг имони мустаҳкамланиб, эл-юрт ичида обрўйи ҳам баланд, боқий ҳаётда эса уни мукофотлар кутади.

Ақлим саломат бўлсин, деган киши тинимсиз ўқиш ва ўрганиш жараёнида бўлиши шарт. Ўқиш ва ўрганишни, устозлардан олинадиган сабоқлар, китоб мутолаа қилиш ва бошқа турдаги ахборот манбалари орқали амалга оширса бўлади. Киши босма манбаларни ўқиганда ёки устозлар билан мулоқотга киришганида, хоҳласа-хоҳламаса, тафаккур ва тасаввурини ишлатишга мажбур. Акс ҳолда устознинг ўгити ва китоб мазмунига тушунмайди. Шу тариқа у ўзида ақлий кучланиш ҳосил қилиб ақлий меҳнат қилади. Бундай меҳнатни кўпчилик одамлар ёшлигидан ўрганмагани учун уни амалга оширишни хоҳламайди. Ақлий меҳнат қилишга ёшликдан ўрганилади. Меҳнат ва машаққат орқали олинган билим киши томонидан чуқур ва яхши англашилади ҳамда хотирада узоқ сақланади. Бундан ташқари, устозлардан сабоқ олаётганда ва китоб ўқигада одам тушунмай қолган жойларини сўраб олиши ҳамда такрорлашга имкони мавжуд. Аудиовизал воситалар орқали олинадига ахборотларнинг баъзи бир жойини илғамай қолиш мумкин, улар билан баҳс юрғизиш ҳам чекланган.

Жисмоний соғлом. Руҳ ва ақл тарбияси тўғрисидаги қисқача маълумотга эга бўлганимиздан кейин жисмоний томондан тарбиялаб, чиниктириш учун нима қилмоқ керак деган саволга жавоб беришга уриниб кўрамиз. Кишининг жисмоний саломатлиги

тўғрисида ҳам 3,2 фаслда биров тўхталган эдик. Айтилганларга қўшимча қиладиган бўлсак, жисмоний баркамоллик асосан соғлом ҳаёт тарзига боғлиқ. Соғлом ҳаёт тарзининг талайгина сирлари бўлиб, бу сирларни ўрганувчи ва уларни кенг аҳолига етказувчи, махсус илм-фан соҳаси борки, у “Валеология” деб аталади.

Валеология лотинча сўз бўлиб. “соғ бўлиш” маъносини билдиради. Биринчи бор бу атамани 1982 йили Россия олими, тиббиёт фанлар доктори, професор И.И.Брахман қўллаган. Шу кунда бу соҳа, жамият учун ўта зарур бўлгани туфайли валеология тушунчаси ижтимоий фан олимлари орасида кенг ёйилиб, шу ном билан аталувчи илм-фан соҳаси таркиб топиб, ривожланиб бормоқда.

Ҳақиқатни айтганда, валеология – келажакнинг илм-фани. Чунки инсонлар соғ ва кўркам бўлишни, узок умр кўриб, бахтли ҳаёт кечиришни истайди.

Валеологияга оид адабиётларнинг кўпчилигида бу фан тиббиёт фанига тегишли дейилмоқда. Шунингдек, бир қатор адабиётларда у руҳшунослик, ахлоқшунослик ёки жисмоний тарбияга оид фан деб ҳам айтилмоқда. Бундай бирёқламалик валеология фанини мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Чунки валеология фанлараро янги бир илмий йўналиш бўлиб, унинг ҳам табиётга, ҳам ахлоқшуносликка, ҳам руҳшуносликка, ҳам жисмоний тарбияга оид жабҳалари мавжуд. Валеологияни тўғри тушуниш учун бу тўрт илмий йўналишни омихта ҳолатини кўра олиш керак. Воқеликка бундай ёндошув замон талаби бўлиб, уни объектив борлиққа мажму ёндошув дейилади. Умумажмулар назариясидан биламизки, ҳар қандай бутунлик бир неча ўзаро боғлиқ бўлган унсурлардан таркиб топкан. Валеология ҳам келиб чиқиши жиҳатидан турли бўлган тўрт унсурдан ташкил топган экан, у гетраген мажму.

Жисмоний барамол инсон деб кишидаги жисмоний сифатларнинг яхши ривожланганига айтилади. Жисмоний яхши ривожланган киши мақомига эришиш учун тўғри ва енгил қадам ташлаб юриш, тез югуриш, сузиш ва бошқа барча ҳаракатларни қийналмай бажариш каби жисмоний ҳаракат малакаларини мукамал эгаллаган бўлиши талаб қилинади.

Кишини ёшлигидан бошлаб нафақат руҳий ва ақлий, жисмоний жиҳатдан ҳам мунтазам тарбиялаб бориб, унинг ҳақиқий баркамоллигига эришиш мумкин.

Жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиш, жисмоний маънавият тушунчалари ўзаро боғиқ бўлгани билан уларни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга муофиқ.

Жисмоний тарбия – таълим-жараёнини ажралмас унсури бўлиб, у киши вужудининг унинг ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат малакаларини шакллантиришга ҳамда шулар билан боғлиқ билимларни, ёшларда таркиб топтиришга қаратилган. Аҳолининг биологик саломатлиги жисмоний қобилиятларининг тўқис ривожлангани, спорт маҳорати ҳамда жисмоний тарбиянинг кишилар турмуш тарзига сингиб кетганлик даражаси билан боғлиқ.

Жисмоний ривожланганлик – бу киши вужудининг ҳаёт шароитлари ҳамда тарбия таъсирида такомиллашиб борувчи биологик шакл ва функцияларнинг тўлиқ қарор топиши ҳамда ривожланишининг энг муҳим омилларидан эканини англаб етканлик даражаси.

Жисмоний маънавият – умумий маънавиятнинг бир қисми бўлиб, аҳолининг жисмоний жиҳатдан баркамолликка етказиш воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ишида эришилган ютуқлар йиғиндиси. Жисмоний маънавият деганда, бошқа маънавият турлари каби кишининг жисмоний таълим-тарбиядан олган билимларни ҳаётида фойдаланавериш, улар унинг кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, ҳаёт тарзига айланиб кетганлик даражаси тушунилади.

Жисмонан ҳар томонлама соғлом бўлишда эркак билан аёл ўртасидаги муносабатлар етакчи ўрин эгаллайди. Инсон таффакури тараққиёти нуқтаи назардан эътироф этганда, тиббиёт илми билан бир вақтда юзага келган жинсий тарбия, яъни эркак билан аёл ўртасидаги нозик муомала сирларини ўрганиш ва ёшларга тўғри жинсий тарбия бериш масаласини инсоннинг ўзини билиш йўлидаги интилишлар маҳсули сифатида қабул қилишга тўғри келади.

Жинсий тарбияга оид мулоҳазалар қадимги ҳинд, хитой, юнон, ва Марказий Осиё алломалари асарларида ёритилишининг ўзи унинг ҳаётий эҳтиёж туфайли юзага келганини тасдиқлайди.

Бизда бунга нисбатан нотўғри муносабат шаклланган. Бундай мавзуда сўз юритиш ахлоқсизликни тарғиб қилиш, – деб қаралган. Аммо ахлоқсизлик билан жинсий ҳаётга тайёрлаш ўртасида жуда катта фарқ борлигини айтиб ўтиш жоиз. Аксинча, жинсий тарбияга

эътибор бермаслик, жамиятда ёмон оқибатларга олиб келишини билмаслик, тарбиячиларнинг саводсизлигининг бир кўринишидир.

Балоғатга етиш жараёнида ўғил-қизлардаги табиий равишда, уларнинг ихтиёридан ташқари, юз берадиган ўзгаришларга ота-она ва ўқитувчи-мураббийларнинг, умуман, катталарнинг укувсизлиги туфайли эътибор берилмаётгани сир эмас. Лекин бу келгусида жуда кўплаб муаммолар келтириб чиқараётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Болаларда энди ниш уриб келаётган нозик туйғуни номатлуб сўзлар билан булғаш, ер юзидаги ҳаётнинг манбаи ҳисобланган инсоний муҳаббатни илдизидаёқ қуритиб юборади.

Ҳозир бизнинг биологик моҳиятимизнинг ажралмас унсури бўлган жинсий муносабатлар ҳақидаги билимимиз тўлиқми? Агар бу саволга ижобий жавоб бўлса, нега унда кечагина бир умрга аҳду паймон қилишиб турмуш қурган кишилар бугун юз кўрмас бўлиб ажрашиб кетмоқда? Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эл-юрт ва ота-онасидан андиша қилиб, оилавий ришталарни мажбуран боғлаб юрган бахтсиз оилаларнинг бизда сон-саногии йўқ.

Юқорида кўрдикки, инсон саломатлигининг пойдеворини рух, ақл ва вужуд тарбияси ташкил қилар экан. Вужуд саломатлиги эса жисмоний тарбияга боғлиқ. Рухи бақувват, ақли расо ва жисмонан саломат одам баркамоллик пиллапояларидан кўтарилиб боришга тайёр ҳисобланиб, ўзини бахтли, – деб аташга ҳақдор. Вужуд тарбияси тўғрисида 3/2 фаслда бироз сўз юритганмиз, у ерда айтилганларга қўшича қиладиган бўсак, Афлотун (Платон) бахт ҳақида фикр юритиб, “инсон учун биринчи бахт – унинг соғлиги, иккинчиси – гўзаллиги”, – деган экан. Чиндан ҳам, сиҳат-саломатлик ва гўзаллик ҳамма бойликлардан афзалдир. Насл-насаби соғлом ва маънавияти юксак халқнинг авлодлари ҳам соғлом-бақувват, имон-эътиқодли ва юртга садоқатли бўлади.

Б.Зиёмуҳаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор,

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛИ ВА МАЪЛУМОТЛИ БЎЛИШИ

Киши ҳазрати инсон мақомига эришиши учун мустақил фикр юритувчи ва кенг билимларга эга бўлиши талаб қилинади.

Мустақил фикрли. Инсоннинг бошқа махлуқотлардан фарқи жамлаган билимларида экан, киши қанчали кўп билимга эга бўлса, шунчалик шахс сифатида шаклланган ҳисобланади. Киши билимни мустақил фикр юритиб эгаллаши самара беради. Қуруқ ёд олинган билим киши ижтимоий моҳиятини ташкил қилмай, уни манқурд сифат бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Фикр юритиш икки турли бўлади. Уларнинг бири рационал тафаккур орқали фикрлаш бўлса, иккинчиси, абстракт тафаккур орқали фикр юритишдир. Инсондан ўзга барча жонзотларда фақат рационал тафаккур мавжуд бўлиб, улар абстракт тафаккур орқали фикрлаш қобилиятига эга эмаслар. Аввал ҳам айтганимиздек, уларда тафаккур бору тасаввур йўқ. Улар бажарадиган ишини аввалдан тасаввурга келтира олмайди ва барча ҳаракатларини рационал фикр юритиш орқали шартли рефлекслар ёрдамида амалга оширадилар.

Киши чуқур фикр юритмай, бошқалардан кўрган ҳамда эшитганларини, китоб ва журналлардан ўқиганларини ҳамда устоз-муаллимлар айтганини эсда сақлаб қолиб, шу йўл билан олинган билимларга тақлид қилиб юриши ҳам мумкин. Бу жараёнда фақат рационал тафаккур кўпроқ ишлайди. Абстракт тафаккур фаол бўлмай, ёрдамчи вазифасини бажаради. Бу ҳолда киши кўп ҳам интеллектуал кучини сарфламайди. Тайёр билимларни эгаллаб, билими кўп дейдиган, одобли ва бошқа фазилатларни кўр-кўрона эгаллаб, уларни бажариб юрган одамни етук шахс, – деб бўлмайди. Чунки у мустақил фикр юритолмайди. Бироқ аксарият кишиларнинг шундай ҳаёт кечиришга мойиллиги кўпроқ. Негаки бу йўл осон бўлиб, киши унча кўп ақлий қувватини сарфламай, кўзлаган мақсадига бошқаларнинг аниқлаб берган билимлари орқали ета олади. Шунда у “эгаллаган билимларим тўғри ёки нотўғри бўлиши мумкин”, – деган фикрга ҳам бормайди. Чунки у мустақил фикр юритишга ўрганмаган.

Лекин баъзилар, ота-онаси, ўқитувчиларининг айтгани ва китобларда ёзилганлигига қаноат қилмай, ҳар бир нарсанинг негизига ўзлари етиб боришни истайди ва тайёр андозалар турганда, уларга тўғридан-тўғри амал қилмай, эшитган-билган нарсасининг тўғрилигини текшириб, унинг моҳиятига ўзлари мустақил фикр юритиб етишга ҳаракат қиладилар. Мана шундай кишиларни шахс дейилади. Аслида бундай хислат ҳар қандай

инсонда табиатан мавжуд, кимдир бу хислатни ўзида ривожлантирган, кимдир буни ривожлантирмай, қобилиятни сўндириш йўлидан кетган бўлади. Табиатан бундай қобилият инсонда мавжуд, аммо уни ривожлантириб бориш керак. Ўсиб келаётган авлодда мустақил фикр юритиш қобилиятини ривожланмаслигига кўпинча ота-она ва ўқитувчилар сабаб бўлади. Ақлли болалар ҳар бир нарсани негизига етиш учун қайта-қайта савол бераверадиган бўладилар. Бу эса на ота-онага ва на ўқитувчи мураббийларга ёқади (ҳаммасига эмас). Чунки кўп ҳолларда болалари бераётган саволларга ўзлари ҳам жавобни билмайдилар.

Кимда мустақил фикрлашга интилиш кучли бўлса, унинг ақли яхши ишлашидан далолат. Бундай кишилар ақлли ҳисобланади Улар мустақил билим олиш жараёнида анчагина интеллектуал қувват ва вақт сарфлайдилар. Бундай ақлий ҳаракат кўпчиликка малол келгани учун аксарият одамлар ақлий қувват сарфлашдан қочиб, тайёр билимларни эгаллаб олиб, билимим бор, – деб мақтаниб ҳам юрадилар.

Етук шахс деб мустақил билим эгаллаш йўлларидаги барча қийинчиликларга дош бериб, ҳар бир нарсага мустақил равишда изланишлар орқали билимга эришган одамни тушунмоқ лозим. Икки дунё саодатига эришмоқликнинг асосий тамойилларидан бири ҳам мустақил фикр юритишдир.

Ҳеч ким онадан ақлли бўлиб туғилмайди. Ҳамма одамлар бирдай, тасаввур қилолиш мойиллиги бор бўлиб туғилади. Бир кишида бу мойиллик юқори, бошқа бировда у кам бўлиши мумкин, бу табиий. Туғилганидан сўнг тасаввурини қанчалик кўп ишлатиши, даставвал ота-онага, сўнг ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатларига, улғайганидан кейин эса ақлини ишлатиш ёки ишлатмаслик ўзига боғлиқ бўлиб қолади.

Маълумотли. Кишининг маълумотини юксалтириш учун ёшлиқдан, мустақил фикр юрита олиши учун китоб ўқишга ўргатиш керак. Ёшларда китоб ўқишга иштиёқ ҳосил қилиш учун, биринчи навбатда, оила аъзолари, ота-она ва бошқа ёши катталар бунга ўрнак бўлишлари керак. Ҳеч кимга фойдаси йўқ, аксинча, турган-битгани, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий зарар гап-гаштак, тўй-тамошолар ва улар билан керилиш қусурларидан воз кечиш лозим. Шу билан бирга, шоир ва ёзувчилар билан мактабларда, маҳалла ва жамоат жойларида учрашув ташкил қилиш китобга

қизиқиш уйғотишда яхши самара беради. Кишининг китоб, журнал ва бошқа босма маҳсулотларга қизиқишни уйғотадиган воситалардан асосийси – илмий фаолият билан шуғулланиш, яъни олим бўлиш ва шу даражага эришишга интилишдир.

Илмий фаолият билан шуғулланиб, олимлик даражасига эришишнинг биринчи босқичи магистрлик диссертациясини ёзиб уни ҳимоялаш. Бунинг учун магистратурага кириш шарт. Магистратурага ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганидан кейин магистрант ўзи танлаган ихтисослик бўйича кафедрага бириктирилади ва кафедра тасдиқлаган шахсий режа асосида ўқишини бошлайди. Кафедрадаги ўқишдан ташқари, магистрант, куйидаги ишларни бажариши лозим:

биринчи навбатда, ўзининг эгаллаган касби соҳасига тегишли адабиётларни топиб, уларни ўқиб, шу соҳанинг йирик олимлари билан танишиб, шу фан соҳасида ечилмай турган муаммоларни билиб олади. Сўнг шу фаннинг йирик олимлари ичидан ўзига илмий раҳбарни танлаб, унинг ёзма равишда розилигини олади;

иккинчи навбатда, илмий раҳбари ёрдамида муайян фандаги ечилмай турган муаммолар ичидан шу кунимизга зарур бўлганларини ажратиб, улардан биттасини, ўзига тадқиқот мавзуи қилиб танлайди;

учинчи навбатда, илмий раҳбар тайин, тадқиқот мавзуи аниқ бўлганидан кейин, илмий раҳбарнинг кўмагида тадқиқот мавзуининг долзарблигини ва магистрлик диссертациясининг концепцияси билан диссертация режасини ёзма равишда асослаб беради. Буларни аввал кафедра мажлисида, сўнг илмий кенгашда тасдиқдан ўтказиб, тадқиқот ишини бошлаб юборади.

Тадқиқот ишининг аввали, танлаган мавзуи бўйича адабиётларни тўплаш ва улар билан ишлаш ҳисобланади. Адабиётлар сони магистрлар учун юздан кам бўлмаслиги керак. Энг ишланмаган мавзу юзасидан адабиётлар сони шунга тўғри келади, кўп ишланган мавзу бўйича адабиётлар бундан анча ортиқ бўлмайди.

Махсус илмий адабиётни ўқишдан олдин, стол устига учта оқ қоғоз қўйилади ва ҳаммасининг тепасига ўқимоқчи бўлган адабиётнинг номи, муаллифи, чиққан жойи, нашриёти, чоп этилган йили ва умумий ҳажми ёзилади. Биринчи қоғозга китобда,

Мамаражаб Тожиёв 1

магистрантнинг тадқиқот ишининг мавзуига мос келадиган ва уни магистрант тўғри деб қабул қилган иқтибосларни кўчириб ёзади ва бу кўчирмалар китобнинг қайси бетидан олинганини қайд қилиб борилади. Бундай конспект типигаги ёзувлар илмий-тадқиқот иш жараёнида, диссертациянинг матнини ёзишда ва адабиётлар рўйхатини тузишда асқотади. Иккинчи қоғозга ўқиладиган адабиётдаги магистрантга номақул бўлиб туюлган жойларини кўчириб, китобдаги бетини қайд қилиб кўяди. Бу ёзувлар, диссертация матнида адабиётларни таҳлил қилишда керак. Учинчи қоғоз кам ишлатилса ҳам олдингизда туриши шарт. Бу қоғозга китобни мутолаа қилишингиз жараёнида сизда пайдо бўлиб қолган фикр ва ғоялар қайд қилинади. Шу тариқа адабиётларни бирин кетин ўрганиб чиқиб, улардаги фикрларга қўшилиш ва қўшилишмаслик қайд қилинган қоғозлар алоҳида жилтларга жамланади. Адабиётлар билан ишлаб бўлганидан сўнг, аввал ишлаб чиқилган режа ва диссертациянинг концепциясига биноан тадқиқот ишини бошлайди. Тадқиқот ишини олиб боришда магистрант, қуйидагиларни доим эста сақлаши шарт:

магистрлик диссертацияси мустақил равишда олиб бориладиган тадқиқот иши бўлиб, у шу соҳага оид долзарб масаланинг ечимига бағишланган бўлиши керак;

магистрлик диссертацияси деганда, магистрантнинг ўқув юртида кечган умри давомида эгаллаган билимларини жамлаш, тартибга солиш ва ўз дунёқарашига ҳамда муайян касбнинг юқори малумотига эга бўлганини кўрсатиб беришга хизмат қиладиган тадқиқот иши тушунилади;

магистрант диссертацияда ҳаётда учрайдиган вазиятлардан мутахассис сифатида мустақил чиқиб кета олиши, танлаган соҳасидаги долзарб масалаларни еча олиши, махсус адабиётлар билан ишлай олиши, тадқиқот ишига бирламчи материаллар йиға олиши, уларни таҳлил қилиб умумлаштира олиши ҳамда бошқалар олдида ўз фикрини исботлай олишини кўрсатиб бериши лозим;

магистрант, бакалавриятда ўқиши жараёнида эгаллаган билимларидан фойдаланиб, янги билимларни аниқлаш ва уларни амалий ҳаётга, жамият манфаати йўлида фойдалана олишини кўрсатиб бериши шарт;

магистрлик диссертациясини бажарилиш сифати, муалифининг касбий малакаси ва тадқиқотчилик даражасини кўрсатади.

Магистрант тадқиқотни бошлаганда диссертациянинг таркибий қисмлари қандай бўлишини кўз олдига яққол келтира олиши керак

Диссертацияни тахминий таркиби қуйидагича бўлади: кириш, асосий қисм, хулоса, иловалари бўлса илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Бу қисмлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мантиқий бир-биридан келиб чиқиши ва асосий мақсадга хизмат қилиши керак.

Сўнгра тадқиқотнинг объекти, предмети, мақсади ва бу мақсадга эришиш учун ечилиши зарур бўлган масалалар тизими ҳамда бу масалаларни ечишда амал қилинадиган тамойиллар, яъни методологик асос ва бу жараёнда қўлланиладиган илмий-тадқиқот усуллари келтирилади. Якунида диссертациянинг таркибий тузулиши кўрсатилади.

Асосий қисм уч-тўрт бўлақдан иборат бўлади. Биринчиси, диссертациянинг назарий асоси дейилиб, унда мавзу бўйича чоп этилган адабиётларнинг кенгайтирилган таҳлили билан шу соҳада аввал олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланган қонун ва қоидалар тизими, яъни диссертациянинг назарий асоси келтирилади. Иккинчи бўлагида мавзунинг ишланганлик даражаси аниқланиб, мазкур диссертациянинг концепцияси, яъни илмий асосланган таркиби ёритилиб берилади. Учинчи бўлақда магистрантнинг олиб борган тадқиқотларининг натижалари ифодаланади. Тажриба-синов ўтказилганда улар ҳам шу қисмда ёритилади.

Хулоса қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштириб, магистрант аниқлаган янги қонуниятлар, яъни янги билимлар ифодасини топади ва унинг амалиётда қўлланиш жойлари кўрсатилади.

Адабиётлар рўйхати Олий атестация комиссияси тасдиқлаган тартиб асосида тузилади.

Диссертацияда режалаштирилган масалалар ечими ниҳоясига етганидан кейин тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, хулосалар чиқарилади. Тадқиқот натижасида аниқланган янги билимларни аввал шу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари билан солиштирилади ва диссертациянинг матни ёзилади. Диссертацияни ёзиш жараёнида ҳар бир бўлаги тугатилганидан сўнг илмий анжуманларда доклад сифатида синовлардан ўтказиб, мақола ёки рисола шаклида дунё юзини кўриши шарт.

Шу тарика диссертациянинг барча қисмларининг ҳомаки нусхасини ёзиб бўлинганидан кейин уни магистрантнинг ўзи бир неча мартаба ўқиб, таҳрир қилиб, хатоларини тузатиб, илмий раҳбарига топширади. Магистрант диссертацияни қайта-қайта ўқиб, унга тузатишлар киритиб, имловий хатоларини тузатмасдан ҳам диссертацияни илмий раҳбарга олиб бориш одобсизлик ва раҳбарга бўлган ҳурматсизлик ҳисобланади

Илмий раҳбар диссертацияни тадқиқот ишларига Олий аттестация комиссияси томонидан қўйилган талаблар нуқтаи назардан кўриб чиқади ва зарур маслаҳатларни ёзма равишда беради. Диссертацияни кафедра аъзолари, соҳа мутахассисларига ҳам ўқитиб керакли тавсияларни олиш лозим

Шундан сўнг илмий раҳбар ва бошқа турдаги олимларининг кўрсатмаларига биноан диссертацияни қайта ишлаб чиқиб, уни яна илмий раҳбарга ҳавола қилади. Тавсия ва кўрсатмаларни магистрант фақат илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқиши лозим. Барча таклифларни кўр-кўрона қабул қилиши магистрантни олимлик даражасига ҳали етишмаганидан далолатдир. Баъзида таклиф ва мулоҳазалар диссертацияни 40 – 50 фоизга ўзгартириши мумкин. Шунда магистрант тақризчиларга миннадорчилик билдириб, диссертацияни қайта ишлаб чиқиши тўғри бўлади. Баъзида магистрант эриниб ёки тавсиларга эътиборсизлик билан қараб, ишини қайта ишлаб чиқмайди. Натижада диссертация ҳимояси йилларга чўзилиб кетади ёки умуман қолиб кетади.

Диссертация ҳимояси чўзилиб кетиши яхшилик белгиси эмас. Чунки диссертациядаги кўп фикрлар ва бирламчи материаллар эскириб ёки мавзунинг долзарблиги пасайиб қолиши мумкин. Диссертациянинг вақтида бўлган ҳимояси фақат магистрант ва илмий раҳбарининг тезкорлигига боғлиқ.

Ёш тадқиқотчиларга қуйидагиларни билдириб, уларни огоҳлантириб қўйишни лозим топдик:

биринчидан, илмий фаолият билан шуғулланишни ўзига мақсад қилган киши тадқиқот ишини фақат юртга хизмат қилишдек эзгу ниятда бошлаши, ва албатта, юқоридаги кўрсатмаларга тўлиқ риоя қилиши шарт;

иккинчидан, тадқиқот ишини бошламасдан олдин, албатта, умуммажмулар назариясини яхшилаб ўрганиб олинг ва тадқиқот ишингизда ундан фойдаланинг. Мажму ёндошув тамойилидан

фойдаланганда тадқиқот ишингиз равон амалга ошади ва уни бошқаларга етказишда осон кечади. Бундан ташқари, мажму ёндошув тамойилига амал қилмаган тадқиқот иши кечанги кунни ифода этиб, ундай тадқиқот ҳеч кимга керак бўлмайди;

учинчидан, шуни эътиборга олиш лозимки, “тадқиқот натижалари салбий бўлса ҳам натижа ҳисобланади”. Баъзида тадқиқот ишининг бошида ишлаб чиқилган илмий концепция асосида тадқиқотни олиб борганда, кўзланган натижалар чикмайди. Шунда тадқиқотчи сунъий равишда тадқиқот натижасини ижобий томонга буриб туриб кўрсатиб, ёлғонга йўл қўяди. Эҳтиёт бўлинг, олим бўламан деб, бу дунёда виждон азоби, боқий ҳаётда эса руҳ азобига учраманг. Ижобий натижага эришаман, – деб салбий натижага эришсангиз, зиёни йўқ, бу ҳам натижа. Сиздан кейин шу мавзу юзасидан тадқиқот олиб бормоқчи бўлганлар, бу ишни қилмайди. Чунки сиз бу йўл нотўғри эканини, тадқиқотингизда аниқлаб берган бўласиз.

Фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DsC) илмий даражаси учун олиб бориладиган тадқиқот жараёни айнан магистрлик диссертацияси учун олиб борилган тадқиқот жараёнига ўхшаган. Аммо фақат жараёнигина ўхшаш бўлиб, мазмун ва моҳияти жиҳатидан магистрликдан тубдан фарқ қилади. Фан доктори илмий даражасига даъвогар киши магистрга нисбатан бир неча бор кенг, чуқур ва юқори поғонада фикр юритиб тадқиқот ишини олиб боради.

Докторлик илмий даражасига эришиш учун киши маълум бир соҳа илм-фанининг назарий асосини тўлиқ эгаллабгина қолмай, бу назарияни ўзининг ҳаёт тарзига айлантириб, унга анча ўзгаришлар киритиш қувватига эга бўлиши керак. Жумладан, замон илм-фанинг тарақиёт даражасидан келиб чиқиб, фандаги кўпгина тушунча ва қонуниятларни қайта таҳлил қила олиши ёки ҳаммага маълум фандаги қонуниятлар камровини кенгроқ кўриб чиқиб, уларга янги мазмун киритаолиши шарт. Шунингдек, тадқиқотлар орқали янги бир қонуниятни кашф қилиб, ўз соҳасида янги бир йўналишга асос солади.

Мустақил фикр ва кенг маълумотга эга инсон бўлиш ва олимлик даражасига эришишга ҳаммининг қурби етади. Фақат уларга барча дунёвий лаззатлар деб номланган тўй-тамошо, гап-гаштак ва бошқа нафси кўзғовчи амаллардан ва ғайриижтимоий

Мамаражаб Тожиёв 1

қилиқлардан воз кечишига тўғри келади. Бу онсон эмас, аммо олим бўламан деганга бошқа йўл йўқ.

Баркамол авлоднинг меҳр-муҳаббатли бўлиши

Кишининг барча ижтимоий сифатларини шаклланиши ва ривожланишига куч-қувват берадиган фазилат муҳаббатдир. Севги-муҳаббатга инсоннинг завқлантирадиган нарса ёки ҳодисага, шу жумладан инсонга, майл қўйиш, интилиш, – деб қисқача тариф берса бўлади. Инсоннинг муҳаббати дунёдаги ҳар қандай нарса ёки ҳодисага тушиши мукин

Меҳр-муҳаббат бу нозик ҳис-туйғу, руҳий ҳодисадир. Меҳр-муҳаббатни, оламдан ўтган барча олиму уламолар, шоиру ёзувчилар ўз ижодлари орқали ўрганишга ҳаракат қилганлар. Ибн Сино бу туйғуни умумжаҳоний ҳодиса, кайҳоний қувват, – деб билган. Унинг наздида инсонни комолга етакловчи бирдан-бир куч ана шу муҳаббатдир. Кишининг назари тушган бирон-бир нарса ёки ҳодисани беихтиёр яна кўргиси келиб, унга илҳақ бўлиб интилса, демак унинг шунга меҳри тушган бўлади.

Муҳаббат руҳий ҳодиса экан, уни тоза ва ҳақиқийлиги, инсон руҳининг такомили билан узвий боғлиқ. Кишининг руҳи билим билан қувотлантирилган бўлса, унинг муҳаббати соф ва кучли бўлади. Ибн Сино наздида, руҳ, ақл ва муҳаббат фалсафий таълимотнинг турли кўринишлари бўлиб, ўзаро вобастадирлар. Шарқ мутафаккирлари бу тушунчаларнинг бири устидада сўз юритса, албатта, иккинчисини ҳам тилга оладилар. Билим руҳни юксалтирувчи куч бўлса, муҳаббат, руҳни ва вужудни ҳаракатга элтувчи қувватдир. Меҳр-муҳаббат, қандайдир нарса ёки ҳодисага беихтиёр интилиш унга эга бўлиш, унга сингиб кетиш экан.

Нажмиддин Кубро ҳазратлари қуйидаги ҳикматни айтганлар: “Ишқ инсоннинг юрак-бағрини ёндиргувчи бир оташдур. У ақлни шоширтирар, кўзни кўр, қулоқни қар айлар. Аммо у энг улкан кўрқувларни ҳам кичрайтирар. Бутун диққатни машуқига жалб этар...”. Шу сабабли инсон оламини, унинг гўзаллигини кўрар ва шу гўзалликни севар. Олам эса Аллоҳ ҳуснининг инъикосидир. Агар худони ким айни шу нуқтаи назар ила севса, оламини Аллоҳ севгиси билан севган бўлади. Олам деганда, коинотдаги бутун борлиқ, шу жумладан, инсон ҳам тушунилади.

Инсон бу фоний дунёга муҳаббат учун келади. У муҳаббатнинг маъно-моҳиятини англамаса, ҳеч бир нарсани сир ва ҳақиқатини тўғри тушуна олмайди. У жаҳлга қул бўлиб, ғафлатга берилиб, муҳаббатни инкор қилади.

Одамнинг дили пок, ширин сўз, меҳнатни севучи, сахий ва жасур бўлса, ундай кишининг муҳаббати чин ва кучли бўлади. Руҳи кучсиз, ўзи кўпол муомалали, дангаса ва тажоввузкор бўлса, ундай одамнинг муҳаббати бўлмайди, бўлса ҳам соф эмас.

Муҳаббат йўқ жойда тубанликка йўл очилади. Муҳаббатнинг зидди адоват. Муҳаббат эса ҳатто хунхор кучларни бирлаштиради, кўр ва ғофил кўзларни очади. Арасту шундай деган: “Муҳаббат бирлаштиради, адоватни инфоққа олиб келади”.

Ҳар қандай руҳ бирлашиш, яхлитлашиш йўлини топсагина жаннатга муносиб бўлади. Бўлиниш – бу дўзахий уқубатдир.

Ҳазрат Алишер Навоийга кўра, инсон ошиқ бўлса, Яратганга ошиқликкача етиб боради ва ўлганилан кейин унинг руҳи пок бўлиб, пок руҳлар билан топишади, бирлашади, яъни яхлитлашади. Нопок вужуд руҳи эса яна заррага айланиб, сарҳадсиз оламга мангу саргардонликка маҳкум бўлади.

Оламини ҳаракатга келтирувчи куч, ҳазрат Навоий наздида, муҳаббатдир. Инсон зотига шундай улуғворлик бахш этувчи ишқ бутун коинотни юргизиш турса не ажаб! Муҳаббат Навоий талқинида, ҳаёт ва Коинотнинг боши ва сўнгидир, ажралиш ва яхлитлашишнинг асосидир, йўқотиш ва топишнинг охиридир.

Аллоҳдан кейин севгининг кучлиси одамни бошқа кишига бўлган муҳаббатидир. Бундай муҳаббат ота-она, оға-ини ёки бошқа оила аъзоларига, дўсти, устози ёки қарама-қаши жинсдаги маъшуқасига нисбатан бўлиши мумкин.

Табиат гўшалари ва унинг унсурлари бўлган дарахт ўтлоқ, ҳайвоннинг бир тури ёки инсон бунёд этган нарсалар ҳамда табиат ҳусни одамда фақат эстетик севгини пайдо қилади.

Инсонни одамга бўлган муҳаббати эстетик севгига қўшимча руҳий интилиш бўлиши мумкин. Бир кишининг руҳи бошқа бир кишининг руҳи билан мос тушса, улар бир-бирларига беихтиёр интилади. Руҳ бирлиги кўпроқ яқин кишилар орасида бўлгани туфайли оила аъзолари ва қариндош-уруғлар бир-бирини кўпроқ руҳий яхши кўради. Руҳий муҳаббат яна эътиқоди бир кишиларда ҳам учрайди. Бу муҳаббат ҳам кучли. Бунга, Мавлоно Жалолиддин

Румийнинг эътиқоддоши Шамс Табризийга бўлган ўта кучли муҳаббатини мисол сифатида келтириш мумкин.

Қарама-қарши жинсдаги одамга эстетик ёки рухий муҳаббатга яна шахвоний майл ҳам қўшилиши мумкин. Одатда қарама-қарши жинсдаги одамга бўлган ҳис-туйғулар кишида якка-якка ёки ҳар турли уйғунликда учрайди. Одам бу туйғуларнинг ўзида қайси тури ё қайси уйғунликда мавжуд эканлигини билавермайди. Чунки уларниг барчаси бирдай киши дилини тўлқинлантириб, вужудида куч пайдо қилади ва жасорат кўрсатишга ундайди.

Севги-муҳаббатнинг Тангри таолога бўлганидан кейинги даражадаги энг кучлиси, қарама-қарши жинсдаги одамга бўлган уч турдаги муҳаббатнинг уйғунлигидир. Балки Афлотун муҳаббатни таърифлаётганда айни шу севгини кўзда тутгандир. У муҳаббат ҳақида шундай деган: “Менимча, одамлар муҳаббатнинг асл қудратини англаб етмаганлар. Агар улар буни тушунганларида эди, севгига атаб улугвор ибодатхоналар ва меҳроблар қуриб, қурбонлик келтирган бўлардилар. Лекин, биринчи галда, бажарилиши лозим бўлган бу вазифани ҳозиргача ҳеч ким адо этмади. Ахир Эрос – энг инсонпарвар маъмуда. У одамларга ёрдам беради, шунингдек, инсониятни дарду аламлардан фориғ этиб, буюк саодатга нойил этади”.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, табиатдан икки қарама-қарши жинс орасидаги севги, дидактиканинг қарама-қарши томонлар бирлиги ва кураши қонунининг кишилик жамиятида намоён бўлишидир. Одатдаги нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, бундай қарама-қарши жинсларни яратишдан мақсад оламни бирлигини, ҳаётни, зурриётни давом эттиришни таъминлашдир. Агар руҳ бирлиги ёки эстетик завқ бўлмаган тақдирда, табиат инъом этган, қарама-қарши жинсга шахвоний майл – олий лаззат мавжуд бўлиб, шу орқали эр-хотинликни давом эттириб юрса бўлади.

Дунёда севги-муҳаббат, албатта, мавжуд, аммо у оламнинг “олтин ўрталик” – меъёр қонуни бўйича ривожланиши мақсадга мувофиқ. Кучли шиддатли севги икки қарама-қарши томонлар тортилиш қувватининг меъёридан ортиб кетишдир. Бу қувват жиловланмаса, у сусайиб, тугаб қолиши муқаррар. Ана шунда оилавий машмашалар бошланади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ҳаётда ҳеч кимга, Аллоҳдан бошқа, ҳеч нарсага қаттиқ

кўнгил кўйиб бўлмайди. Аммо ҳаммага ва барча нарсаларга меҳр кўйиш шарт. Чунки атроф-оламдаги жонли ва жонсиз нарсаларга меҳри бўлмаган одам ҳақиқий муҳаббат эгаси бўлолмайди.

Баъзида “севган одамимга ёки яхши кўрган нарсамга эришдим, мен бахтлиман”, – деган ибора ишлатилади. Маълум маънода бу тўғри. Аммо муҳаббати тушган киши ёки нарсасига, албатта, эришиши шарт эмас. Одамда муҳаббат пайдо бўлишининг ўзи – катта бахт. Инсонга ёки бир нарсага интилиш жараёнинг ўзи киши руҳини тозалаб, дилга роҳат баҳш этади. Гарчи бу жараёнда бир қатор руҳий азоблар бўлгани билан. Муҳаббат, дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар сингари поёнига етганда, эсда қоладигани, ишқи тушган киши ёки нарсасига интилган пайтларида тортган азобларидир. Муҳаббатнинг азоби ҳам роҳат. Муҳаббатга эга бўлган одам, ўзини ҳақиқий инсон сифатида англай бошлайди. Муҳаббати йўқ одамни инсон дебам бўлмайди. А.С.Пушкиннинг куйидаги шеъри эътиборга сазовор:

Эссисиз шаҳарларнинг эссиз шовқини
Муҳаббат йўқ жойда қувонч йўқ эссиз.

Бунга Бўри Зиёмуҳаммедовнинг куйидаги тўртлигини кўшамиз:

Муҳаббатсиз инсонлар,
Ўлик эмас тирик мурда.
Бир-бирини ейман деган,
Моддиюндир бир бурда.

Муҳаббатга эришганлик ҳолати бахтнинг чўққиси бўлгани билан унинг изидан, қонуний равишда интилиш кучини сусайиши, инчунин, севгини ҳам йўқола бориш жараёни бошланади. Етишган муҳаббатдан айрилмаслик учун киши ўзидаги ишқи тушган одамига ёки нарсасига бўлган интилтирувчи кучини сусайтирмаслиги лозим. Шу билан бирга, интилаётган нарсасига ўзидаги интилтирувчи кучни уйғотиб туриши мақсадга мувофиқ. Демак муҳаббат пайдо бўлганда, уни тарбиялаш мумкин экан.

Баъзилар бу фикрга эътироз билдириб, бир умрга севиб қолганлар ҳам борку дейишлари мумкин. Бор, жуда кам бўлса ҳамки бор, аммо уларнинг сабаблари мавжуд.

Биринчидан, севган одам ўз севгилисига етолмай, яъни тўйинганлик ҳолатга эришмай, ундан ажралиб қолган бўлса, унинг муҳаббати армонга айланиб, интилиш ҳолатида тўхтаб қолган бўлади. Интилиш жараёнини ўзи унга роҳат бағишлагани учун у шундан ажрагиси келмай, етолмаган нарсасини ёдига келтириб, интилиш кучини сусайтирмайди. Натижада бир умрга севиб қолган, – деб ҳисобланади. Агар у севгилисига эришганда эди, муҳаббат жараёни юқорида айтилган қонуният бўйича кечар эди. Иккинчидан, севишган шахслар бир-бирига етишиб, муҳаббати камая бошлаганда, улар бунга йўл қўймай, турли усуллар билан муҳаббатини парваришлаб турадилар.

Бундан ташқари, бир севган одам қайтиб бошқасини сева олмайди ёки севмаслиги керак деган фикр ҳам бор. Бу нотўғри. Аксинча, муҳаббат дил байрами бўлгани туфайли бир севган одам муҳаббат деган энг олий туйғуни ҳис қилиб, сўнг шу севги нашъасига муштоқ бўлиб, яна ва яна севгиси келиб, севиб қолаверади. Киши севишдан тўхтадимиз, демак, ҳаёт билан видолашиш вақти яқинлашган бўлади.

Муҳаббатга илмий нуқтаи назардан тушунча берар эканмиз, эстетик, руҳий ва шахвоний муҳаббат билан бирга, комилликка яқинлашган баркамол шахсларда сўз билан таърифлаб бўлмайдиган олий муҳаббат пайдо бўлади. Бу бутун борлиққа, уни вужудга келтирган Тангри таолога бўлган муҳаббатдир. Ана шунда инсон мутлоқ бахтга эришган ҳисобланади. Қолган муҳаббату бахтлар ўткинчи бўлиб, олий муҳаббат боқийдир. Бундай муҳаббатга, инчунин, абадий бахтга эришиш учун киши ўз устида тинмай ишлаши керак бўлади. Ўз устида ишлаб, комиллик пиллапояларидан кўтарила бориб, бу дунёда бахтга ва боқий ҳаётдаги жаннатга эришиш учун китобда тавсия этилаётган ўн уч фазилатни эгаллаши лозим бўлади.

Алишер Навоий “мажозий ишқнинг” “авом ишқ” дан фарқ қилувчи “хос ишқ” эканини одамларга чуқур англатиш учун “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг иккинчи қисми 10-боби – “Ишқ зикри” да бу масалани муфассал ёритиб берган.

– Модомики, чин муҳаббат руҳ билан чамбарчас боғлиқ экан, Бизнинг руҳимиз, – деб ёзади Ибн Сино “Китоб уш-шифода”, – гўёки икки юзидир: у бир юзи билан пастга, жасадга қараган бўлиб, жисмоний табиатига кўра, жинсий ҳаракатдан ўзгани қабул этмайди; юқорига – олий сабабиятга қараган иккинчи юзи эса ана шу олий сабабиятга хос ва унинг таъсиридаги фазилатларнигина қабул қилади.

Руҳ кишининг истак хоҳиши, саъю кўшишларини ифодалар экан, бу ҳаракат пастга йўналса, хирсий, ҳайвоний қувватлар ғолиб келиб, руҳ емирилади. Оқибатда инсон бахтсизликка учраб тубанлашади. Бунга йўл қўймаслик учун ҳайвоний қувватларни инсоний қувватларга бўйсундириб, нафси оқилага тўла итоат этилиши лозим. Шундагина ақл билан муҳаббат ривож топиб руҳ мусаффолашади. Шу боис, маҳбубининг гўзал чехрасини кўрганда, у билан алоқа қилишга интилишдан тийилиши керак. Соф муҳаббат ошиқ ва машуқа қалби билан руҳнинг кўшилувида намаён бўлади. Ибн Сино бу хусусида дейди: “Агар одам гўзал қиёфани ҳайвоний қувватини қондириш учунгина севса – бу қоралашга ҳатто маҳкум этилишига лойиқдир. Мободо, киши дилкаш чехрани ақл-идрок билан севса, буни баланд рутбага эришиш воситаси, эзгуликка яқинлашиш, – деб ҳисоблаш лозим. Чунки у биринчи манба таъсирини – соф ишқ чашмасини яқинроқ ҳис этади, кўпроқ олиймақом, олиймартабаларга монандликка эришади. Бу эса унинг хулқи нафс, дилкаш ва навқирон бўлишининг гаровидир. Зеро, фаросатли кишилар, оқил файласуфлар қалбида яширинган, соф муҳаббатни ташкил этадиган ҳислардан баҳра олишидир”. Шундай қилиб муҳаббат охир-оқибатда шахсни руҳан олижаноб бўлишига ёрдамлашади. Уни эзгулик манбаига яқинлаштиради. Чинакам илоҳий ишқ ана шудир. Эзгуликни севиш, билим ва маърифатли бўлиш, паст-тубан ахлоқдан жирканиб, ҳамиша юксакликка, ҳалоллик ва поклик сари тинмай ҳаракат қилиш инсон зотининг бирламчи бурчи бўлмоғи лозим. Ибн Сино бутун умр бўйи бунга риоя қилди, бошқаларни ҳам ҳидоят йўлига даъват этди.

Америкалик доктор Вернон Вульф муҳаббатни олти босқичдан иборат деб таъкидлайди:

биринчи босқичда муҳаббат соф жисмоний қониқишни ифода этади, холос, бундай муҳаббат кишининг чақалоқ ва гўдаклик

даврига тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам, гўдак, унга овқат, сув берганни яхши кўриб, унга талпинади;

иккинчи босқичда киши фақат ўзини севади, у ҳали бировларни севишга ўрганган эмас, фақат одамларнинг унга бўлган севгисини тан олади. Бундай муҳаббат кишининг болалик даврида бўлади. Бу ҳам тўғри, болаларни эркалатиб, меҳр билдирсангиз, улар сизга эргашади;

учинчи босқичда киши бошқа одамларни ҳам сева олади. У ўзининг ёруғ дунёда эканини ҳис қилгани ҳолда, севган кишисини ёнида ўзини ҳис қилгиси келиб, унга интилади. Бу кишининг ўсмирлик даврига тўғри келади. Ўсмирларнинг ота-онаси, опа ва акалари, дўстлари ва машуқасини кучли севишини шу билан изоҳласа бўлади;

тўртинчи босқичда киши ўз мактаби, ижтимоий гуруҳи, миллати, ватанини севади. Бундай муҳаббат кишининг вояга етганидан далолат;

бешинчи босқичда муҳаббат тамойиллар муҳаббати бўлади. Бу турдаги муҳаббат билан таниша бошлаган киши ўзи муҳаббат мабаи эканини, муҳаббат ўзини у орқали намоён қилишини ҳис қилади;

олтинчи босқичда ҳар бир инсон ўзи умумбашарий муҳаббатнинг бир қисми эканини тушуниб етади. У бутун инсоният ва бутун ҳаёт билан бир бутунликни ташкил қилишини англайди. У бутун коинотга муҳаббат тарқата бошлайди. Бундай муҳаббат одамга кексайганида келади.

Б.Зиёмуҳаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ ИМОН-ЭЪТИҚОДЛИ БЎЛИШИ

Бу фазилат инсоний сифатлардан асосийси бўлиб, мажму кўринишида икки унсурдан иборат. Булар, ўз навбатида, ҳар бири, ўзидан бир поғона пастдаги унсурларга мажму ролини ўйнайди.

Имонли киши деганда, факт шариат аҳлининг фикридан келиб чиқиб, Аллоҳнинг яқкалигини, унинг китоблари, пайғамбарлари ҳамда фаришталарини тан олган ва ўлганидан кейин қайта тирилиш ҳақ эканига ишонган, шунингдек, ислом шариати буюрган беш вақт

/

намозни ўқиб, рўза тутган, закот бериб, доимо садақа-эҳсонлар қилиб юрган ва ҳаж амалини кўнгилга туғиб ёки уни бажарган одамни тушуниб қолмаслик керак. Гарчи булар ҳақ амаллар бўлиб, ислом динини қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлсалар ҳам. Бу ислом шариати тушунчасидаги фақат имон эшигидан киришдир, холос. Шариатда ҳам имонга киргандан сўнг, уни тақомилига етказишнинг шартлари кўп.

Имоми Аъзам масхабидаги шариат аҳиллари инсон бу дунёга келишида бажарадиган амаллари, яъни нималар қилиши, қанча еб ичиши, нималар дейиши, қандай ҳаракатлар бажариши ва ҳокозолар аввалдан маълум дейишса, ҳикмат ва ваҳдат аҳллари буни нотўғри деб билиб, агар одамнинг барча ҳаракатлари олдиндан аниқ бўлса, бу дунёга келишни ҳам, барча саъй ҳаракатларнинг ҳам, худога бўлган ибодатни ҳам маъноси қолмаган бўлур эди, дейдилар. Бундан ташқари, инсонга ҳаёт имтиҳон, синов учун берилган. Киши ўз имон-эътиқодини ва қиладиган ҳаракатини мустақил белгилаб олиш ҳуқуқига эга. Инсон фаришта ва оддий жанзот ҳам эмас. Фаришталарнинг вазифаси аниқ белгиланган ва уларнинг фаолият йўналишлари ҳам қатъий қонуниятларга асосланган. Бошқа жанзотлар, умуман, фаолият юргиза олмайди. Фақат инсон бу дунёда ўз ҳаёт йўлини ихтиёрий танлаш қобилиятига эга. Бундай эркинлик эвазига унга гуноҳ ва савоб ёзилади. Ушбу эркинликдан тўғри фойдаланиш учун инсонга ақл-идрок ва унинг ҳаракатларига йўлчи юлдуз вазифасини ўташига илоҳий китоблар нозил қилинган. Инсон бу дунёга келганида эркин бўлиб, қиладиган ишларининг чегарси йўқ. Киши қанчалик поклик ва ҳалоллик билан илоҳий китоблар кўрсатмалари асосида яшаса, шунча имкон топади ва икки дунё саодадига эришади. Шайтон йўлига кириб, ёлғончи ва ғирром бўлиб, сусткашлик ва лоқайдлик қилса, шунчалик гуноҳга ботиб бу дунёда хор бўлиб, охиратда эришадиган мартабалари ҳам паст бўлади, – дейилади тасаввуфда.

Бу гапларга эътироз билдириш қийин, албатта. Бундан ташқари, имомларнинг баъзида кесиб гапирган сўзларига Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Булар фақат уларнинг замонасидан келиб чиқиб, шахсий фикрларига асосланиб берилган фатволари, холос.

Ҳар қандай ибодатни худога ёқиш учун ёки ундан кўрқиб ё жаннатга эришиш мақсадида эмас, балки Тангрини чин дилдан

севганидан бажариш лозим, – дейдилар тасаввуф аҳли. Бизнинг худога бўлган муҳаббатимиз, унинг буйруқларини бажаришимиз орқали намоён бўлади. Бунинг учун аввал Аллоҳни таниш шарт, дейдилар ваҳдат аҳли.

Бундан ташқари, Жалолиддин Румийни ўз заковати билан шайдо қилган Шамс Табрзий замонасининг имом ва уламоларига қаратиб бундай деган экан: “Қачонгача бошқаларнинг ҳассасига суянасизлар? Ўз оёқларингиз билан юринг! Сизлар айтадиган ҳадису тафсиру ҳикмат ва бошқа бир замонлар ўз асрида мартабага ўтирган шахсларнинг сўзларидир. Агар сизлар шу замоннинг фарзандлари бўлсангиз, қани сизлар айтадиган сўзу асрор?”.

Фикримизча, имони мукаммал одам деганда, энг аввало, оламнинг ижодкори бўлган ягона Тангрига ишониб, ёруғ дунёга келганидан мамнун ҳолатда, унга шукроналар айтиб, ўз камоли устида тинмай ишлайдиган, келажакка ва одамларга ишонч билан қарайдиган, уларга меҳр қўя олиш қобилиятига эга, шариат талабларини бажарувчи, уйининг эшиги ва кўнгли ҳаммага очик, ростгўй, мард, меҳнатсевар, жасур, саховатли ва шижоатли дили пок одамини тушунмоқ керак.

Бинобарин ҳинд ведалари, Авесто, Таврот, Забур, Инжил ва Қуръонда ёлгон гапирманглар, ялқовлик қилмангалар дейилиб, манманлик, қиморбозлик ҳамда нафсга берилиш қораланади. Разолат, – деб ҳисобланган фитна, зино, зулм, ғийбат, ҳасад, очкўзлик, судхўрлик, қонхўрлик ва бошқа ғайри инсоний амаллардан йироқда бўлишга даъват этилади.

Ҳадиси шарифларда имони мукаммал бўлмоқликнинг қуйидаги шартлари келтирилган: тўғри эътиқодли бўлмоқ, кишилар билан яхши муносабатда юриш ҳамда киши ўз устида ишламоқ, ўзини ибодатда чиниқтирмоқликдир.

Эътиқод тушунчасининг фалсафий талқини бирор нарсага ишонмоқ ва унга амал қилмоқ бўлса, диний талқини Аллоҳга ишониш ва унинг Қуръони орқали етказилган кўрсатмаларни чин қалбдан эътироф этиш ва уларни бажаришдир. Эътиқоднинг синоними сифатида турли ақида атамаларини ишлатадилар. Улар ўртасидаги фарқ, атиги шундаки, тасдиқ Аллоҳнинг сўзларини ҳақиқий ва ишончли эканини ички мулоҳаза билан англаш, эътиқод бўлса мана шунга қўшилиш, унга қалбан имон келтириш. Кўриб турганимиздек, имон ва эътиқод тушунчалари бири-бирини

тўлдирувчи тушанчалар бўлиб, бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, Киши бирор нарсага астойдил ишонса, яъни шунга имон ҳосил қилса, кетидан албатта уни тасдиқлаб, унга эътиқод қилиши, уни амалда бажариши шарт. Бу тушунчалар сўз бирликмалари билан, бир-биридан фарқ қилсалар ҳам, ўзаро узвий боғлиқ. Эътиқод – имоннинг маҳсули. Ҳақиқий имонли одам, албатта, эътиқодли бўлиши шарт. Акс ҳолда, ундай имондан наф йўқ. Имон ва эътиқодли бўлишлик амалга оширадиган ишларимизнинг индаллосидир.

Олимлар ёки уламолар суҳбатида бўлиб, улар билан савол-жавоб қилиш катта савоб ишлардан ҳисобланади. Амри маъруфга қатнашиш шулар сирасига киради. Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларида: “бир мартаба амри маъруфга қатнашиш, минг ракат намоз ўқиган билан тенгдир”, – дейилган. Ночор кишиларга моддий ёки маънавий ёрдам бериш ҳам катта савоб ишлардан ҳисобланади. Ҳалол меҳнат ҳам шу жуммладандир. Бошқаларга ширин сўзли бўлишлик ҳам савоб. Савобнинг яна бир тури, тиламичиларга садақа бериш. Қисқаси, Қуръон буюрганларни бажариб, ман қилган ишлардан четлаб юрсангиз, бу дунёда бахтли, боқий ҳаётда жаннати бўласиз.

Б.Зиёмуҳаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ АХЛОҚЛИ ВА ОДОБЛИ БЎЛИШИ

Ахлоқ ва одоб, жамиятда эътироф этилган хулқ норма ва қоидалари мажмуи, шахс маънавиятининг ташқи қиёфасини ифодалаб, ўзгалар билан мулоқотда намоён бўлади. У ижтимоий онг шаклларида ҳисобланиб – кишининг оила ва жамиятда ўзини қандай тутиши, юриш-туриши, меҳнат ва бўш вақтини қандай ташкил қилиши, ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидалани ўз ичига олади.

“Ахлоқ ва одобли” тушунчаси одамлар томонидан турлича талқин қилиниб, гоҳида тор мазмунга – хушфел ва хулқли бўлишга келтириб қўйилади. Гарчи муайян жамиятда мавжуд қонун ва

қоидаларга ҳамда урф-одатларга бўйсунуш ва уларни бажариш, шунингдек, одамлар билан муомалада босиқ бўлиш ахлоқ элементи бўлган одоб ҳисобланса ҳам, тўлиқ ахлоқийликни ифода этмайди. Ахлоқийлик ва одобийлик анча кенг маънони билдиради. Масалан, Абу Наср Форобий инсон ахлоқи ҳақида сўз юритаркан, унинг хислатларини куйидагича таърифлайди:

“1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Барча масалани муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсадини, айтган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин.

3. Хотираси жуда баққувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.

4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво билиб олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билиминини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.

7. Овқатланишда, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, табиати ўйинларни ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Руҳининг ғурури ва виждонини кадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатадиган бўлсин.

10. Дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин.

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга хайрихоҳ, адолатсизлик, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган

нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни оқибатларини йўқотадиганларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзи бўлсин, ўзи зарур билган нарсаларни амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўркиш ва ожизликни билмасин”.

Кўриб турганимиздек, Форобийнинг ахлоқийликка қўйган талаби, асосан Қуръон талабларига мос бўлиб, улар киши руҳида ўз аксини топса, сўзсиз у бахтли ҳисобланади. Демак ахлоқ-одоб билан бахт эгизак тушунчалардир. Ахлоқсиз одам ҳеч қачон бахтли бўла олмайди.

Ахлоқ ва одоб муайян жамият ва даврда ўзгариши мумкин. Масалан, ўткан асрнинг ўрталаригача аёлларни паранжи ёпиниши энг яхши одоб нормаларидан ҳисобланган. Ўша вақтда паранжисиз аёлни одобсиз деб уларни койиб, улардан нафратланиб, жазолашган ҳам. Вақт ўтиши билан бу ахлоқ ва одоб нормалари ўзгариб, шу кунда паранжи ёпинган аёлни кўрган одам ажабланади ва жамиат тартибини бузган деб ҳисоблайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг ўзига хос ахлоқи билан бир қаторда умумбашарий одоб нормалари ҳам бор. Бундай ахлоқ ва одоб меъёрлари жамиятнинг умумий тарақиётига самарали таъсир кўрсатади.

Марказий Осиё халқи ахлоқ ва одобшунослик соҳасида бой анъанага эга. Ахлоқ ва одобга оид фикрлар Авесто, қадимги туркий битиқлар ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, ерли халқ ўртасида кенг тарқалган жавонмардлик оқими, пандномалар, ўғитлар, халқ педагогикасида, диний-фалсафий рисоаларда, алломалар меросида ахлоқ ва одоб кенг ўрин берилган.

Турон аҳолисининг ахлоқ ва одобини шаклланишида ва ижтимоий ҳаётида Ислом динининг аҳамияти катта. Унинг асосий мақсадларидан инсонларга ёмонликнинг зарарлигини баён қилиш ҳамда ахлоқсизликдан қайтаришдир. Динларда тўғри йўлга чорлаш, умуман, яхшилик ва ёмонлик тушунчаси турлича бўлиши, ҳатто бир-бирига зид келиши ҳам мумкин. Бу муайян дин келиб чиққан ҳудудининг ўша замондаги урф-одатлари, анъаналари ва табиий

шароитига боғлиқ бўлган. Аммо барибир уларнинг ҳаммасининг мақсади юртда тинчлик, фаровонлик ва тотувликни ўрнатиш.

Авесто, Инжил, ва айниқса, Қуръони каримда бу масалага катта эътибор қаратилган. Қуръонда булар, тўғри йўлдан юриш, ўзини ўзи ислоҳ қилиш тушунчалари орқали ифодаланган. Ўз-ўзини ислоҳ қилганларга катта ажрлар борлиги айтилган. “Ким бундай жабру зулумдан кейин тавба қилиб, ўзини тузатса, албатта, Аллоҳ тавбасини қабул қилур”.

Шарқ одоби ва ахлоқи Қуръон ва Ҳадисдан ташқари жуда кўплаб мутафаккирлар, файласуф, шоирлар асарларида таъриф улаш билан эътибор берилган.

Масалан, Ҳусайин Воиз Кошифий ижтимоий ахлоқий фазилатларни юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат ва ахлоқий тарбияни тушунади. Хусусан, у: “Ном олиш, айниқса Қуръон, Ҳадис, нужум, кимё, математика, мусиқадан огоҳ бўлиш, дунёни билиш, оламни таниш, яхши-ёмонни тўғри англашдир. Ахлоқ – инсонийликнинг ҳаёт қачиришидаги ҳаводек зарур бўлган воситаси. Инсоннинг қадр-қиймати унинг мол-мулк ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, ахлоқий қиёфаси, маънавий сифатлари билан ўлчанади”, – дейди аллома.

XX аср бошларида Абдулла Авлоний ахлоқни шундай таърифлаган: “Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладиган китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқиб, билиб амал қилган кишилар ўзини ким эканини, жаноб Ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларни фарқини, қимматини қилмас, ўз айбини билуб, икром қилиб, тузатмакка саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳловон кишидур”.

Аллома фикрича, ахлоқда диёнат, исломият, ғайрат, қаноат, ифбат, ҳаё, идрок, хайрихоҳлик, садоқат, муҳаббат каби инсоний фазилатлар мужассамдир. Демак ахлоқ-одоб кишининг хулқ-атвори, этикод-иймони, юриш-туриши, кундалик турмуши, фикр-мулоҳазаси, мушоҳа ва мулоқотида намоён бўлади. Ахлоқли инсон ўзини ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади, мусоҳиб

кўнглига қараб гапиради, унинг дилини оғритмайди, балки муомаласи билан унинг юрагини яшнатади, мулоқот одобига риоя қилади.

Меҳр-муҳаббат, вафо, ҳалоллик, одамийлик, жасурлик, сахийлик сингари яхши фазилатларни ёш авлодга сингдириш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бундай фазилатлар ахлоқий тарбия орқали шаклланади ва камол топади. Шунинг учун бу фазилатларни оиладан бошлаб болаларда шакллантириш ва уларни ўқув муассаларида давом эттириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ота-она ўз болаларига ва ҳар бир ўқитувчи-муаллим ўз толибларига меҳр-муҳаббат, тўғрилиқ, содиқлик, самимийлик, сабр-бардошлиқ, меҳрбонлик ва сахийлик каби юксак ахлоқий фазилатларни ўргатишлари лозим. Ота-она ва ўқитувчилар, тарбияланилаётган болаларга ахлоқий баркамолликнинг ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий фойдасини тушунтиришлари муҳим. Бунинг учун ота-она ва ўқитувчи-мураббийлар, авваламбор, бу фазилатларни ўзлари эгаллашлари шарт бўлади.

Болани ёшлигиданоқ тўғри фикрлашга, идрок қилиш ва англашга ўргатиш, фойдасиз ва зарарли билимлардан, фикрсиз, ғоясизликдан эҳтиёт қилиш; одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг дардларига малҳам бўлиш, жамиятга, ватанига хизмат қилиш руҳида тарбиялаш каби хислатлар бола баркамоллигининг пойдеворидир.

Ахлоқ ва одобнинг аҳамияти тўғрисида етарли маълумотга эга бўлганимиздан кейин ахлоқ ва одобни таркиб топтириш йўллари билан ҳам танишиб олайлик.

Кишининг ўз-ўзини ахлоқ ва одобга ўрганишининг энг оддий усули, ахлоқсиз ва одобсиз одамга қараб, унинг қилган ишларидан нафратланиши ва уларни қилмасликка аҳд қилиш. Доно халқимиз айтганидек: “Одобни одобсиздан ўрган”.

Киши ўзининг ахлоқ ва одобини яхшилаши учун даст аввал, ўзидаги барча одат ва қилиқларни тафтиш қилиши зарур. Бунинг учун юқорида қайд қилинган яхши ва ёмон одатларни синчиклаб ўрганиб, одоб нимаю одобсизлик нима эканини билиб олиш керак. Сўнгра уларни ўзининг шахсий одатлари билан қиёслаб, ўз ахлоқига танқидий ёндошган ҳолда, ичидан яхши ва ёмонини ажратиб олади. Эсда тутиш лозимки, ўзидаги ёмон одатлар ҳар қандай кишига яхши бўлиб туюлади. Ўз одатларига холисона баҳо

бериш учун инсон ўзига четдан туриб қарашни ўрганиши лозим. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шундай экан, бошқаларнинг танқидий фикридан, танбеҳидан ранжимай, уларни эътиборга олиш яхши самара беради. Четдан қилинган танқидларга киши салбий муносабатда бўлмай, танқидчиларга миннатдорчилик билдириб, уларнинг фикрларини бажонидил қабул қилиши ва уларни тузатишга киришилса яхши бўлади. Шундай йўл орқали киши ахлоқини тафтиш қилиб, ёмон ахлоқ ва одатлардан бирма-бир қутула боради.

Номатлуб хулқлардан қутулиши учун киши фақат ўзи қурби келадиган чора-тадбирларни ўзи учун ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш ҳаракатини бошлаб юбориши керак.

Ёмон хулқлардан қутулиш чораларидан бири шу ахлоқни ва одатни амалга оширишдан ўзини тийиш. Ўзини ўзи чеклаш осон иш эмас. Бунинг учун одам бор ақл-заковат ва иродасини ишга солиб, ярамас қилиқ ва одатларни қилмай қўяди. Кишининг бу ҳаракатига яқин кишилари – оила аъзолари, дўсту биродарлари кўмаклашиши лозим. Кўпинча ёмон бир одат ёки қилиқдан воз кечиш учун бошқа кўпгина нарсалардан ҳам кечишга тўғри келади. Масалан, ароқ ичишни ёки сигарет чекишни тарк этиш учун одам шуларни одат қилган ошналардан ҳам кечишга тўғри келади. Буни амалга ошириш жуда қийин. Кишини ўз оғайнилари билан фақат ароқ ва сигарет боғламайди, ошна-оғайнилари орасида кўзга кўринмайдиган бошқа меҳр ришталари ҳам мавжуд. Дўсту биродарлар билан ажралмай ёмон одат ва қилиқлардан ҳоли бўлиш учун дўстларини ҳам шунга тарғиб қилиш ва ундаши кирок. Талай уринишлардан кейин ҳам улар ёмон одатини қўймаса, ана шундан кейин улардан воз кечсангиз виждонингиз қийналмайди. Шунда ҳам бундай ажралишни босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Айтганларимиз шунчаки гап бўлмай, ҳаётда кўп мартаба синалган амаллардир.

Ёмон хулқ-атвордан қутулишнинг йўлларида бири ибодат қилишдир. Ибодатнинг тури кўп бўлиб, уларнинг энг юқориси, Пағамбаримиз (с.а.в.) айтганларидек, билим олмоқликдир. Ундан ҳам кучлиси, янги билимлар топиш мақсадида, илмий фаолият билан шуғулланиш. Бу амаллар кўпчиликка малол келгани боис, ибодатни энг осони ва ҳаммабоби намоз дейилган.

Аmmo ёмон ахлоқ ва одатдан қутулиш баробарида, киши ўзида яхши қилиқ ва одобларни таркиб топтириши лозим. Чунки инсон қалби узоқ вақт бўш туролмайди. Бўш қолган қалбни, албатта, чиройли ахлоқ ва одат намуналари билан тўлдириш керак. Акс ҳолда, ўрнини яна қандайдир ижтимоий иллатлар эгаллаб олиши турган гап.

Қалбни барчага фойдали бўлган ахлоқ ва одоблар билан тўлдиришнинг йўллари кўп. Шулардан бири бадий адабиёт ўқиш. Адабиёт ўзининг сўзларининг маънолари орқали руҳга таъсир этиб, инсоннинг ҳис-туйғуларини жумбишга келтириб, ижобий таъсир қилиш кучига эга.

Бадий адабиётни, айниқса, мумтоз асарларни ўқиганда киши асар қаҳрамонлар ҳаётига сингиб, ижобийларига таҳсинлар ўқиб, салбийларидан нафратланади. Шу йўл билан китобхон одамнинг яхши фазилатларига меҳр қўйиб, ёмон ижтимоий сифатларига салбий муносабати ошади. Натижада ўзидаги номаъқул ижтимоий сифатларни кўра олади ва улардан қутулиш йўлларини излай бошлайди. Шу вазифани сахна асарлари, радио, телевидение, кинотеатр, ижтимоий тармоқлар ҳам бажаради.

Кишидаги ижобий ижтимоий сифатлар, яъни фазилатларни шакллантиришда мусиқа ва рақснинг ҳам ўрни бор. Мусиқа ва рақс – инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур даирасини мусиқий товушлар ва ҳаракатлар изчиллиги воситасида акс эттирувчи санъат. Унинг мазмуни, ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи муайян мусиқий-бадий образлардан иборат. Мусиқа ва рақс инсоннинг турли кайфиятлари: шодлик, завқ, ғамгинлик, мушоҳадалиқ, хавф-хатар, кўрқув ва бошқаларни ўзида мужасамлаштиради. Бундан ташқари, мусиқа билан рақс шахснинг иродавий сифатлари бўлган – иродалик, қатъийатлик, ўйчанлик интилувчанлик, вазминлик кабиларни ифодалайди. Мусиқанинг бундай имкониятларини юнон олимлари Пифагор, Афлотун, Арасту ва Шарқ мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий, мутасаввурлар Имом Ғаззолий, Колободий, Бухорий ва бошқалар томонидан юқори баҳоланган, илмий тадқиқ қилинган. Мусиқа ва рақснинг одам онги ва руҳига ижобий таъсир этишининг ажойиб кучи унинг руҳий жараёнларга ҳамоҳанг бўлган муайян жараёнли табиати билан боғлиқдир. Мусиқада асосий бадий восита куйдир, рақсда ҳаракат.

Мамаражаб Тоғжиев 1

Ахлоқ ва одоб деган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига етиб, ёмон хулқни яхшисидан ажрата олиб, улардан кутулиш ва ўзида фазилатларни шакллантириш йўлларини энг замонавийларини ҳам билиб қўйиш керак.

Ахлоқ ва одобни шакллантиришнинг икки йўли бор. Бири ўзини ўзи тарбиялаш йўли билан, иккинчиси, четдан, бировнинг тарбиявий таъсирини ўзлаштириб олиб, ўзида яхши фазилатларни шакллантириш.

Тарбиянинг биринчи шаклини амалга ошириш учун тарбияланувчи ниҳоятда ақли росо бўлмоғи даркор. Чунки бор ахлоқидан воз кечиб, янги одоб кашф этишга анчагина ақлий, руҳий ва жисмоний куч сарфлаш орқали эришиш мумкин. Қуйида америкалик олим Вернон Вульфнинг “Холодинамика” китобидаги ўзини ўзи тарбиялашнинг энг замонавий усулидан бири – киши ўзининг ички кучларидан фойдаланиб, ўзини ўзгартирилиш йўл-йўриқлари билан таништирамиз.

Вернон Вульфнинг “Холодинамика”си киши ҳаётида мавжуд турли-туман муаммоларни **фазалаштириш, излаб топиш ва ривожлантириш** орқали бартараф этувчи билим деб тавсифланади.

Вернон Вульф фикрича, одамлар ўзларига одат бўлиб қолган хатти-ҳаракатлар занжирига кишанланган. Вульфнинг билимини эгаллаган, ўзини бу кишанлардан озод қила олади.

Айрим кишида ёки бутун жамиятда шаклланиб қолган ёмон одат, хунук қилиқ ёки муайян ҳаёт тарзи абадий ва ўзгармайдиган бир нарса эмас, дейди олим.

Дунёни янгича тушунишда материя билан онгни бир бутун жараённинг турли жабҳалари, – деб билмоқ лозим. Барча моддий дунё тинмай шаклланиб нураб тургани каби фикрлар ҳам тинимсиз пайдо бўлиб, йўқ бўлиш жараёнидадир, дейди Вульф.

Квантлар назарияси бўйича, дунёдаги моддий нарсалар квант(нур)ининг муайян бир фикр асосида ғужунай бўлиб, кристаллашиб қотиб қолиш хусусиятига эга бўлгани каби, фикрлар ҳам кўп маротаба такрорланавериши натижасида, кристаллашиб қотиб, “одат” тусига, Вульфнинг ибораси бўйича “фикр шакли” – холодаинга айланади. Агар улар зарарли фикр шакли бўлса, ўзидан-ўзи ўзгариб бошқа ҳолатга ўта олмайди. Шунинг учун улар оилада, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётда тўғанок, тикин вазифасини

бажариб, оила ва жамиятда турли зўриқиш, муаммоли ва инқироз ҳолатларини вужудга келтиради.

Вернон Вульфнинг таъкидлашича, бизлар ўзимизни бу фикр шакллари ичида абадий қамаб қўймаслигимиз керак. Чунки улар мутлоқ бўлмай, ўзларидан анча теран бўлган “фикр оқимлари”нинг бир қисмидир. Гарчи биз бу фикр шакллариининг қули бўлиб қолган эканмиз, демак биз уларга ўз кучимизни бераётган бўламиз. Ўзимизни кишанда ушлаш учун кишан занжирларини ўзимиз ясаймиз, – дейди Вудьф. Бу кишанлардан қутулиш ва ҳаётда пайдо бўладиган муаммоларни бартараф қилиш учун Вернон Вулф муайян бир усул ишлаб чиқиб, унинг номини **“излаб топиш”** деган. Ҳаётимизда пайдо бўладиган муаммолар замирида **“бирламчи фикр шакли”**, яъни бирламчи мақсад ётар экан, биз шу фикр шаклини излаб топишимиз керак. Уни излаб топиш учун муаммонинг келиб чиқиш тарихини билишимиз лозим.

Муаммони келиб чиқиш тарихини билиш учун **“тартиб ичидаги тартиб”**ни, яъни муаммони келиб чиқишининг ички қонуниятларини билиб олишимиз талаб қилинади. Бу деганимиз, мажму ёндошув тамойилини муаммони ечишга қўллашдир. Тасодиф деб ҳисоблаган ҳар бир фикрни фазалаштирсангиз, ичида муайян бир тартибдаги фикрлар оқимини кўрасиз.

“Фазалаштириш” муаммога четдан туриб қараш дегани. Айтайлик, бир муаммо сизни қуршаб олиб, ҳаётингизга ҳалал бераётир, шу чоғда сиз ўзингизни гўёки **“ип ўрами”** ичида ҳис қилгандай бўласиз. Муаммони англаш ва унинг моҳиятига етиб бориш учун сизни ўраб турган муаммо (ип ўрами) дан ташқарига чиқиб, муммога ташқаридан қараш керак. Буни Вернон Вульф **“фазалаштириш”**, – деган.

“Излаб топиши ва “тартиб ичидаги тартиб”ни англаш орқали ҳаётингизга ҳалал бераётган муаммо (холодайн)нинг келиб чиқиш табиатини билиб олдингиз дейлик, шундан кейин, ўз холодайнгиз билан мулоқотга киришасиз мумкин. Амалда ҳам кўпинча, ўз-ўзингиз билан сўзлашасиз, маслаҳатлашасиз. Бу дегани, сиз ўзингизнинг нутфа уруғингиз, Вернон Вульф бўйича **“холодайн”ингиз**, Зигмунд Фрейднинг ибораси бўйича, ўзингизнинг **“мен”ингиз** билан сўзлашмоқдасиз.

Сизда бир муаммо пайдо бўлса, дарров уни фазалаштириб, унинг бирламчи холодайнини, яъни бу муаммо пайдо қилган фикр

шаклини аниқлаб оласизда шундан сўнг, босқичма-босқич хом ёки бузуқ холаданни пишириб ёки бошқа ижобий фикр шакли билан унга таъсир этиб, уни нуратасиз ва етук холодайн даражасигача олиб борасиз.

Муаммоли вазиятдан чиқиб кетишнинг кейинги босқичи **“релив”**, дейилиб, унинг маъноси “муаммо пайдо бўлиш жараёнини қайта тиклаш”дир. Амалда у қуйидагича кечади: ихтиёрингиздан ташқари сизда шаклланиб қолган ва одат тусига кириб қотиб қолган бир муаммо бор, масалан, тамаки чекиш, сиз ундан қутулмоқчисиз. Ундан қутулиш учун, биринчи навбатада, уни фазалаштирасиз, сўнг муаммонинг пайдо бўлиш жараёнини хотирангизда қайта тиклайсиз ва шундан кейин ичидаги тартибни (биз уни қонуният дедик) англаб етасиз. Бу жараённи реливлаш дейилади.

Муаммони фазалаштириб, унинг ривожланишини кузатиб боришнинг ягона усули топологиядир.

Топология – ўрганилаётган объектнинг бажарадиган функциясини ўзгартирмаган ҳолда, шакл ва ўлчамларини ўзгартиришдир. Вернон Вульф квантлар назариясидан келиб чиқиб, тафаккурнинг топологиясини яратган. Тафаккурнинг бажараётган вазифасига дахлсиз равишда, унинг бизга қулай бўлган шакли тузилган.

Тафаккур шаклини шартли равишда диагонали бўйича иккига бўлинган кубга ўхшаган деб тассавур қиламиз. Бу икки фундаментал фикрлаш: рационал ва ички ҳиссиёт – муруқаб турларига тўғри келади. Фикр юритишнинг биринчи тури, “нуқтавий”га, иккинчиси “тўлқин” жабҳасига мос келади.

Тафаккурнинг рационал ва муруқаб фикр юритиш қисмлари орасида куб диагонали бўйлаб **“холодинамик текислик”** жойлашган. Бу кўп ўлчамли текислик бўлиб, унда барча фаол фикр шакллари ўзаро муносабатга киришиб, фаолият кўрсатади. Бу жойда рационал билан муруқаб фикр юритишлар синтезлашади ва фикрий ўйинлар содир бўлади.

Барча фаол фикр юритиш турлари сезгидан бошланишини биламиз. Шундай экан, ҳамма сезгилар объектив борлиқни бир вақтда ҳам “нуқтавий”ни, ҳам “тўлқинсимони”ни ўзида намоён қиладилар. Сезгиларнинг “нуқтавий” ахборотларни миянинг чап томонига, “тўлқинсимони” ўнг томонига беради.

/

Сезгига келсак, инсон вужудидаги ҳар бир хужайра ўзидан ташқарига тебранма ҳаракат шаклида қувват узатиб, ташқаридан шундай қувватларни қабул қилиш хусуиятига эга.

Биз узлуксиз, доимо кодлашган тебранма ҳаракатларни қабул қиламиз. Миянинг ичкарасида жойлашган лимбик марказ бу нозик ахборот энергияларини қабул қилиб, уларни қайта ишлаб, миянинг бошқа унсурларига узатади.

Лимбик марказ асаб толачалари орқали гипоталамус билан боғланган бўлиб, ўз навбатида, тана реакцияларини бошқариб турадиган гипофиз билан узвий боғлиқ.

Одамнинг холодинамик тафаккурини тушуниш калити унинг оламни ҳиссий сезги – муроқаба орқали билишида. Киши фазалаштириш орқали ўз ҳиссий сезгисини тартиб ичидаги тартибга йўналтириш пайтида айнан муроқабадан фойдаланади. **Муроқаба** ички ҳиссиётдан фойдаланиб ҳис қилишдир. Бошқача айтганда, киши рационал тафаккур орқали била олмайдиган нарсаларни ички ҳиссиётдан фойдаланиб, сезгининг тўлқин фаолиятига киради ва объектив борлиқни ўзига хос ички ҳиссиёт билан англайди.

Кишининг муроқаба орқали билиши борлиқни умуман бошқача ўлчамларда кўришга ҳамда унинг тўлқин жабҳасини ҳис қилишга ёрдам беради. Муроқаба орқали билиш ҳар қандай нарса ва ҳодисаларда мавжуд фикр шакллари ҳамда энергия майдонларига тўғридан-тўғри яқинлашишни ва манзарани бир бутунликда кўришни ва ҳаракатини ўзгартириш имконини беради. Фикр шаклининг ҳаракатини ўзгартирилганда фикр оқими ҳам ўзгаради.

Одамнинг ҳаракат жараёнини бошқариб назоратда ушлаб туручи фикр оқими қандай бўлишини айтиб турувчи тафаккур ичидаги тартибнинг “фикр шакли” холодайн дейлади.

Холодайн бу фикр шакли бўлиб, барча нарсаларнинг пайдо қилиш қувватига эга. Холодайн бу квант кучининг якка ҳолдаги мустақил кўринишидир. “Нуқтали” фикр юритишга биноан, холодайнлар бу бизнинг хотира сандиғимизни ташкил қилиб, ҳаракат дастурларимизни шакллантирувчи махсус фикр шаклидир. Карл Прибрамнинг айтишича, марказий асаб мажмуидан ўтиб борган сезги аъзоларимиз узатган хабарларни мияда сақлаганда, улар бизга голограммаларга ўхшаб таъсир қилади. Голограммалар инсонга кўп ахборот бериши мумкин. Чунки биз қандай фикр

юритамиз, қандай англаймиз ва қандай хотирлаймиз деган саволларга голограмма жавоб бера олади. Одам уларни ифода этувчи фикр шаклларида билиб олади. Голограммалар “голографик тамойил” асосида шаклланади.

Холодайнлар ўзига хос қувватга эга. Улар дунёда содир бўлаётган жамики нарсаларнинг бош сабабчисидир. Роджер Сперри тафаккур ичидаги “сабабият имкони” фикр шаклини қандай қилиб ривожлантиришини кўрсатиб бергани учун 1978 йилда Нобель мукофотиغا сазовор бўлган.

Сперрининг тадқиқотларидан маълумки, тафаккурдаги “сабабият имкони”нинг келиб чиқиши тафаккур ичидаги қурилган ва батареядаги қувватга ўхшаган, биоэлектрик мажмудир. Батарея қанчалик қувватлантирилса, у шунча кўп қувват чиқара олади. Шу йўл орқали, “фикр шакллари” қувватларини ривожлантира олишини тушунтирса бўлади.

Холодайнлар қувватларини қандай қилиб ривожлантира олишни бошқача тарзда тушунтирадиган бўлсак, одамнинг атайин йўналтирилган нигоҳи бошқанинг хатти-ҳаракатига қандай таъсир этишини кўриб чиқиш кифоя.

Гарчи сиз бошқа шахснинг салбий одатларига эътибор қаратсангиз, унга қувват ишлаб чиққан бўлсиз ва у янада кўпроқ ножўя ҳаракатлар қила бошлашига сабачисиз.

Сатҳни фазалаштириш жараёнида “мен”ингиз, яъни “нутфа уруғингиз” ҳукмронлик қилар экан, қачонки сиз фазалаштиришни ўрганиб олсангиз, холодайнларингизнинг ички дунёсини англаб етишга эришган бўлсангиз. Гарчи сиз хоҳлаган нарсангиз сатҳини фазалаштиришни билиб олсангиз, “ип ўрами”га банд бўлмай, ўз тафаккурингизни квант тўлқинига йўналтира оласиз ҳамда бутун потенциал ўзининг бор қамрови билан сизга истаган потенциални очиб беришга ва хоҳлаган нарсангизга эришишга ёрдам беради. Шунда сиз ҳар қандай нарсага эришиш калитига эга ва уни “мен”ингизнинг тўлиқ потенциалда яширинганини биласиз.

“Мен”ингизни тўлиқ потенциали очилиб қанот ёзиши учун тафаккурингиз каналини кераксиз чиқиндилардан, яъни хом ва бузуқ холадайн, бошқача айтганда, нотўғри фикрлардан тозалаш керак бўлади. Бунинг учун фикрингиз оқимини, ҳиссиёт ва барча амалиётларингизни назоратда ушлаб, уларни тўғри йўналишда ҳаракат қилишларига халақит бераётган тафаккур ичидаги

холодайнлар шаклларини ўзгартиришга тўғри келади. Равон фикр юритишингиз ва потенциалингизни очилиб қанот ёзишига тўсик бўлаётган холадайнлар ҳам холодайн дейилади. Бундай холодайнлар яқинига бориб, уларни ҳам ҳолатидан етуклик ҳолатига айлантирганингизда, уларнинг тартибини ҳамда тафаккурингиздаги тартибларни ўзгартирган бўласиз.

Сиздаги энг кучли, энг турғун ва сизни доимо кишанда ушлаб турувчи холодайнлар, тафаккурингизга оилангиздан ва ёшликдаги дўстларингиздан ўтган фикрлардир. Туғилган кунингиздан бошлаб, сиз хоҳлайсизми, йўқми, оилангиз ўзининг билим, эътиқод ва кадриятларини тафаккурингизда қолдира бошлайди. Баъзилари сизга ирсий бирликларингиз орқали ҳам ўтади. Бу эътиқод ва кадриятлар тафаккурингизда турли қиёфаларни шакллантириб, улар барча ҳиссий, фикрий ҳамда жисмоний ҳаракатларингизни бошқариб туради.

Бу чекли фикр шакллари кундалик ҳаётингизни назоратда ушлаб, потенциалингиз билан курашиб, ривожланишингизни олдини тўсади. Сизнинг потенциалингиз эса берк идишдаги сувга ўхшаб буркирраб қайнаб, ташқарига чиқолмай ётади. Шунинг учун улар баъзи одамларда асаб бузилиши, танасига тошмалар тошиши, қон босими ошиши ва бошқа турли хасталикларга олиб келади.

Ҳаётингизга таъсирини ўтказувчи холодайнлар фақат оилавий бўлмай, улардан ташқари дўстларингиз, ўқиш-ўрганиш ва тажрибадан олинган холодайнлар ҳам инсон ижтимоий ҳаётига таъсир кўрсатади. Вульф оилавий холодайнлардан ташқаридагиларининг барчасини *“маданий холодайнлар”*, – деб атаган.

Бизнинг тафаккуримиз оилавий ва маданий холадайнларни олиб, бир-бирининг устига ёпади. Оилавий ва маданий холодайнларни ўзаро мос тушган жойини Вульф *“сокинлик ҳудуди”*, – дейди.

Гарчи сокинлик ҳудудидаги холодайнларингиз ўта кучли ва турғун бўлиб, сизга чин бўлиб туюлган тақдирда ҳам, улар сиз англаб етган даражада ҳақиқий эмас бўлиши мумкин. Сатҳни фазалаштириш, уларни кадриятлар орқали тафаккуримизга сингдирилганининг маъносини англаб етишга ёрдам беради.

Эътибор берсизми, сиз танлаб олган даражага биноан, фикр оқимингиз ё саранжом ва фаровонлик томон (юқори тартиб) га ёки

тартибсизлик, нураш (пастки тартиб)га қараб оқади. Ҳар бир босқичда фикр оқимларингиз ичида “назоратчи” вазифасини ўтовчи, жуда нозик ҳамда ўзига жалб этувчи муайян “ментал шакллар”, яъни қадриятлар пайдо бўлади. Булар ҳал қилувчи алтернативалар сизнинг ҳар бир тараққиёт босқичингизга ё ривожланиб илгарилаб кетаётганингизни ёки пастга томон кетиб, шахсингиз нураб бораётганини аниқлаб беради. Пастки тартиб даражасини танлаб олиш тафаккурингизни беихтиёр хом холадайн томон қаратиш, салбий тафаккур модулини фаоллаштириш ва шахсиятингизни нураш томон йўналтиришдир. Юқори тартиб даражасини танлаб олиш, фикрингизнинг ривожланиши, олға томон илгарилаши, шахсиятингизни такомиллштиришга ва ўзингизни олий потенциалингизнинг тўлиқ очилишига, демакки, баркамоллик даражасини эгаллашга йўналтиришдир.

Ўзидаги “юқори” ва “паст” даражадаги холодайнларни танлаб олишлик кўз илғамайдиган ва арзимас нарса бўлиб кўрингани билан натижаси кучли бўлиши мумкин. Бироқ паст тартибдаги холодайнни танлаганингиздан кейин юқори холодайнга ўтиш қийин бўлади.

Хом холодайннинг тузоғига тушиб қолганингизда, “ҳиссий билиш” хусусиятингиздан фойдаланиб, хом холодайнга етиб бориб, бундай паст фикр юритишга олиб келган ўзига хос танловингиз сабабаини аниқлайсиз ва уни юқори тартибдаги етук холодайн ҳолатига айлантиришни тушунган ҳолда, бу ишни амалга оширишга уриниб кўриш керак бўлади.

“Агар сиз диққатингизни қизиққан нарсангизга уч дақиқа ушлаб тура олсангиз, сиз улуғ истеъдод соҳиби бўлиб, истаган муаммони еча оладиган бўлар эдингиз”, – деган экан Алберт Эйнштейн. Бунда тафаккурингизда мавжуд барча фаол холодайнлар йиғиндисини ифода этувчи қизиқиш фокуси ортиб ва пасайиб туриши алоҳида эътиборга молик. Қизиқиш жараёнига квант назарияси орқали ёндошадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу шундай эканига имонингиз комил бўлади.

Ҳис этган ахборотларингиз миянгиздаги холодинамик текисликда ўзаро муносабатга киришиб, миянинг протейин толачалари ичида холодайн деб номланувчи, кўп ўлчамли қиёфалар (голо граммалар) шаклида сақланади.

Қачонки киши “холодайн”, “ҳиссий ва рационал тафаккур”, “оилавий ва маданий эътиқодлар”, “холодинамик майдон”, “қизиқиш тўлқини”, “квант тўлқини”, “ривожланиш босқичлари”, деган тушунчаларни том маъно ва моҳиятига етиб бориб, уларни ўзлаштириб олса, у ўз потенциалини очиш учун жуда кучли қуролланган бўлади.

Барча тафаккурлар “яширин тартиб” ривожига бўйсунди. Аммо ҳамма ҳам ўзининг ривожини йўлида етук холадайнлардан фойдаланишни танламайди. Бундай танлов кучи бизни эркин қилади. Аммо бу кучдан нотўғри фойдаланилса, у шахсининг нурашига олиб келади.

Барча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи холодайнларга қандай қилиб етиб бориш мумкин деган саволга, қуйидагича жавоб берса бўлади: сиз ўзингизни “ҳиссий сезгилар орқали билиш” имконингиздан фойдаланиб, тартибсиз ҳаракатингизга нигоҳингизни қадайсиз ва холадайнларингизга жисмоний шакл берасиз. Ўз холодайнларингизни ҳис қила бошлаганингизда, улар билан тўғридан-тўғри мулоқотга кириша оласиз ва уларнинг мақсадини билиб олиб, босқичма-босқич етук ҳолатига, яъни тўла потенциалига келтирасиз. Буни излаб топиш дейилади.

Қачонки сиз ривожланишнинг тўртинчи – “ижтимоий” босқичига етишганингизда, сизнинг “мен”ингиз очилиб, тўлқин потенциал ўзини намоён қилади. Бу жараёни “потенциаллаш”, дейилади. Бу табиий тараққиётнинг икки жараёни биологик билан ижтимоий, шахсий билан механик модулларда бирдай универсал ҳолда ишлайди. Ҳар қандай муаммони ҳал қилиш учун аввал уни фикрлар оқими ичидан излаб топиш керак.

Излаб топиш – оддий, аммо жуда кучли жараён, унинг ёрдамида сизга керак бўлган холадайнга етиб бориб, уни табиий ривожланиш жараёни орқали изини йўқотмай етуклик ҳолатига, яъни тўлиқ потенциалига олиб борилади.

Излаб топиш – бу сизнинг холадайнларингизнинг табиий ривожини яқунлаш учун ўз ўзанига қайтариш.

Излаб топиш ҳиссий жараён бўлиб, сизга керак бўлган холодайнингизни ҳиссий тафаккур орқали ангалаб етиб, ҳар бир босқичга нигоҳингизни қадаган ҳолда, “ҳиссий сезги орқали

билиш” қобилиятингиздан фойдаланиб, уни ўз ўзанида ушлаб туришдир.

Излаб топиш ютқазилмайдиган жарён: аммо бу жараёнда рационал тафаккурингизнинг гирдобига тушиб қолсангиз, ҳаммасини бошқатдан бошлайсиз.

Тафаккурингизнинг бир қисми муаммони ечилишини истаса, бошқа бир қисми эриниб ёки муваффақиятга ишонмай, масаланинг ҳал бўлишига қаршилик кўрсатиши мумкин. Аммо ҳал қилувчи танлов эркинлиги сизнинг қўлингизда. Гарчи сиз муаммони ҳал қилишга аҳд қилган экансиз, излаб топишнинг олти босқичи сизга йўл кўрсатиб туради.

1-босқич. Холодайнга етиб олишни мақсад қилсангиз, сатҳни фазалаштириш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш керак бўлади: сокин ҳудудни топиш; сизда яхши ҳиссиётни пайдо қилиб, сизга йўл кўрсатувчи (гид)ни топиш (у отангизми, онангизми, устозингизми ёки бошқа сиз ишонган кишими); муаммо билан боғлиқ ҳиссиётингизни қайтадан бошдан кечиришингиз; холодайнга жисмоний шакл бериш, яъни муаммо заминида ётган холодайн (фикр шакли)нинг мазасини, иси ёки товушини сезиб, унинг мавжудлигини ҳис қилиш.

Бу жараёнда танангизнинг бир жойида зўриқиш ёки санчик пайдо бўлганини сезасиз. Фараз қилайлик, сизда бир муаммо пайдо бўлиб қолди. Бунинг учун, биринчи навбатда, сиз уни фокуслаштирасиз. Фокуслаштириш деганда, муаммони тан олиш тушунилади. Ундан кейин, уни фазалаштирирасиз, яъни муаммо ичидан чиқиб, унга четдан қарайсиз.

Холодайннинг шакли ва унинг мавжудлигини сезиш орқали ҳис қилиб унга етганингизда, ички тартиб ичидаги тартибни излаб топишнинг биринчи босқичини тугатган бўласиз.

2-босқич. Холодайн билан дўстлашиш. Холодайн холодинамик ҳолатда бўлгани учун у сиз ақлан ўзингиз тўғрингизда билган маълумотлардан кўра, сиз тўғрингизда кўпроқ ахборотга эга. Шунинг учун уни алдай олмайсиз. Мақсадингизга етиш жараёнида сизда қандайдир муаммо пайдо бўлдими, коинотда энг қудратли куч ҳисобланган севги-муҳаббатдан фойдаланиб, холодайннинг ижобий мақсадларини аниқланг. Билингки, ҳар қандай муаммони пайдо қилган ўй-фикр ва амалиёт негизида, албатта, яхши мақсад ётган бўлади. Унинг мақсадини аниқлаганингиздан кейин, фикран

унга ўз потенциалингизнинг етук даражасига етишига имкон берасиз. Пайдо бўлган муаммога кайфиятингиз бузилиб, уни ёмон кўрдингизми, ундан ҳам кучли муаммога дуч келасиз.

Хом холодайндаги асосий муаммо: улар яхшиликни истасалар ҳам унга эришиш тадбир-чораларини танлашда бузук холадйнлардан фойдаланадилар. Билингки, ҳар қандай эзгу ниятга бузук йўллар билан эришиб бўлмайди. Киши бирон бир мақсадга эришиш жараёнида бир қатор тўсиқ ва муаммоларга дуч келади. У бу тўсиқларни бартараф этиш учун кўплаб тадбир ва чоралар кўллайди. Шунда у қувлик, шумлик қилмай, муаммони пайдо қилган фикр шаклини топиб олиб, уни фазалаштирса, масалани осонгина еча олади.

3-босқич. Хом холодайнни етук ҳолига келтириш учун унинг асл ниятини билиб олиб, “ҳиссий сезги билиш” имкониятингиздан фойдаланиб, бу холодайн етук ҳолатида қандай кўринишга эга бўлиши аниқланади.

Хом холодайннинг асл нияти, кишининг “мен”ини, яъни яширин “тўлиқ потенциалли”ни ифода этади. Хом холодайн етуклик ҳолатига айланишига ихтиёр билдирса, унга қаршилиқ қилманг. Бу – табиий жараён. Шунда етук қиёфали холодайн ўзини хом ҳолатни ўзига сингдириб олганини кўрасиз.

4-босқич. Ички тартибни шакллантириш. Ўзингизни тўлиқ потенциалингизга эришиш учун сиз тафаккурингизда ички бошқарув тизими(характер)ингизнинг асосий тамойилларини аниқлаб олишингиз керак. Ички бошқарув тизимини ўрнатиб олганингиздан кейин сизни ташқи дунёдаги ва одамлар орасидаги ҳаётингиз бошқача, самарали кеча бошлайди.

Ички бошқарув жараёнини бошлашингизда, холодайнлар орасида тотувлик, ишонч ва жамоа бўлиб ижод қилишдек ижтимоий тартибларни ўрганиб олиш лозим. Шунда сизнинг етук холодайнларингиз бир-бири ва “тўлиқ потенциал”ингиз билан мутаносибликка киришиб, квант кучини жалб қилади.

5-босқич. Истиқболли манзара тамойилларини аниқлаш. Гарчи сиз меҳрибонлик, адолатлилик ва ҳамдардлик тамойиллари муҳитида яшамоқчи бўлсангиз, даставал, ўзингиз барчага меҳрибон, адолатли ва ҳамдардли бўлишингиз шарт. Шунда етук холодайнларингиз ёрдамида резонанс берадиган энергия

майдонини ҳосил қилиб, бу тамойилларнинг сизга нисбатан амалга оширилишига шароит яратган бўласиз.

Бу босқич сизнинг тафаккурингиз ва муҳитингизда мутаносиблик туйғусини ҳосил қилади. Шунда сиз барча холадайнларингиз устидан ҳукмрон бўлиб, ҳаётингизга кўрсатган таъсирини кўришингиз мумкин ва сиз ўз ҳаётингиз эгаси бўлиб, ҳар қандай вазиятнинг сабабчиси ўзингиз эканини англаб етасиз.

6-босқич. Универсал. Бунда “ҳиссий билиш” қобилиятингиз, хусусиятингиздан фойдаланиб, етук холодайннингиз билан ҳар куни камида икки маротаба учрашиб олишингиз лозим. У билан ўзингизнинг “сокинлик ҳудуд”ингиздаги даврада учрашасиз. Бу даврада “етук холадай”ингиздан ташқари сиз англаб, тушуниб етган моҳиятингиз, “мен”ингиз, ҳиссий йўл бошловчиларингиз ва бошқа етук холодайнларингиз учрашиб, тенг ҳуқуқга эга бўлган ҳолда суҳбат олиб борадилар. Холодайнлар барча воқеликларнинг бош сабабчиси бўлгани учун улар билан тўғри муносабатда бўлганда, барча эзгу амалларни рўёбга чиқаради.

Пайдо бўлган ҳар қандай муаммони ҳал қилиш йўлини холодайннингиздан илтимос қилиб сўранг ва унга ёрдам учун нима қилишингиз кераклигини ҳам билиб олинг. Зарур бўлганда керакли жавоб беришини ундан илтимос қилинг. Бу ҳол реал ахборотлар билан айрбошлалликни таъминлаб, ҳаммани ўз вазифасида ушлаб туришга хизмат қилади. Шу билан бирга, рационал тафаккурингизга ҳиссий жараёнларни очиқ англашга имкон бериб, барча турдаги стрессли вазиятлар ва ҳаётий тўсиқларни англашга ёрдам беради. Сиз ўзингиз севган холодайнга бемалол етишингиз мумкин ва бошқа барча нарсаларга эришиш йўли билан сиз потенциалингизни такомиллаштириб, олий потенциалингиз томон илгариласиз. Сиз бошқалар билан бир бутунликни ташкил этажагингизни ҳис этиб, чексиз холодинамик коинот билан ҳам бир бутундикда эканлигингизни тушуниб этиб, универсаллашган бўласиз.

Шу билан сиз муаммо пайдо қилган холодайнни излаб топиш жараёнини тугатасиз. Сиз уни яширин ва хом холадайдан етуклик ҳолатига, яъни тўлиқ потенциалига олиб келган бўласиз. Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтишлик жоиз: холодайнлар сиз билган вақт ўлчамидан бошқача вақт ўлчамида фаолият кўрсатадилар. Шу туфайли сизнинг рационал тафаккурингиз ва чизиқли фикр

/

юритишингиз холодайнлардан сиз белгилаган вақтда иш бажарилиши кутиши мумкин. Аммо холодинамик майдон – ривожланувчи майдон бўлиб, у ўзининг вақти, қонуният ва тартиблари асосида ривожланади.

Етук холодайнларингиз тўлиқ потециалингиз билан тенглашганда, сиз реалликдан чуқурроқда бўлган куч билан, яъни квант кучи билан қуйилиб кетиб, чегарасиз қувватга эга бўласиз. Бу қувватни амалий фаолиятингизда қўллаб, фаровонликка олиб боровчи тинчлик, мўл-қўлчилик ва саломатликка эришасиз.

“Ҳиссий сезги орқали билиш” хусусиятингиздан фойдаланиб, ўз ҳис-туйғулрингизни бошқа бировларга ҳам йўналтиришингиз мумкин. Шунда уларда ҳам универсал фикр юритиш тафаккурини пайдо бўлишига ва уларда ҳам ўзидаги очилмаган потециалини очилишига кўмаклашган бўласиз.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ МУЛКИЙ МУНОСАБАТИ

Бозор иқтисодиётидаги рақобат ва кўп укладли мулкчилик тамойилларига асосланган хўжалик юритиш шароитида одамларда мулкка бўлган муносабатни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки яқин ўтмишимиздаги етмиш йил давлат мулкчилигига асосланган хўжалик юритилган эди. Бунда барча ишлаб чиқариш воситалари – ер сув, ўрмон ва ишлаб чиқариш қуроллари, умумий халқ мулки дейилган. Шу билан улар кишиларни мулкдан бегоналаштириб юборган. Бундай шароитда одамлар онгида, мулкка бўлган бегоналик муносабати шаклланиб қолган. Шу кунда аҳоли тафаккурини ўзгартириб, уларда мулкка бўлган тўғри муносабатни тиклаш зарурати мавжуд бўлди. Бунинг учун таълим-тарбия масаласи билан шуғулланувчилар, мулкка оид тушунчалар тўғрисидаги билимларга, аввало, ўзлари эга бўлишлари лозим. Шундан кейин бу билимларни ўсиб келаётган авлодга етказишлари шарт. “Мулкий муносабат” фазилатини бир бутунлик сифатида кўриб, уни ўзаро узқий боғлиқ унсурлардан ташкил топган мажму сифатида кўриш мумкин.

Мулк – моддий ва маънавий неъматларни алоҳида олган кишилар ёки юридик шахслар эгаллаган бўлишлиги. Юридик шахс деганда муассаса, корхона ёки бошқа турдаги, расмий ҳужжат лаштирилган, мулк кимга тегишли бўлишидан қатъий назар, ишхона ёки муасса тушунилади.

Мулк объекти – ер, сув, ер ости бойликлари, корхона, бино, иншоот, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий-техникавий ишланмалар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Мулк субъектлари. Моддий ва маънавий неъматларни амалда ўзлаштирувчилар, яъни мулк эгалари мулк субъектлари ҳисобланади. Буларга айрим кишилар, оилалар, жамоа ва ниҳоят давлат киради.

Мулкдан амалда фойдаланиб, бундан наф кўриш мулкни иқтисодий тасарруф қилиш дейилади. Кишиларни моддий неъматларни яратиш, уларни тақсимлаш ва истеъмол қилишдаги ўрни, сиёсий ҳаётда тутган мавқеи, асосан ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишга боғлиқ. Жамият тараққиёти тарихида эгалик қилиш шаклига кўра, мулкнинг бир неча тури мавжуд бўлган. Ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқариш кучлари ғоят паст ривожланишдан кишилар бирга гуруҳ-гуруҳ бўлиб меҳнат қилишган. Шубҳасиз, бундай шароитда меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жамоанинг умумий мулки бўлган. Меҳнат қуроллари ва меҳнат малакаси юксалгач, кишилар якка ҳолда меҳнат қила оладиган бўлган. Бу ўзгариш туфайли жамоа мулки парчаланиб, хусусий мулк пайдо бўлган.

Хусусий мулк – бу мулкни ўзлаштиришнинг хусусий усулига асосланган шакли. У икки хил бўлади: **индивидуал** – якка хусусий мулк, яъни айрим шахслар ёки оилаларга тегишли мулк; **корпоратив хусусий мулк** – бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жамиятидаги умумий мулкнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган мулк. Корпоратив мулк дивидент келтирувчи мулкдир.

Давлат мулкни хусусийлаштириш – давлат ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари, мол-мулк объектларини, корхоналар, ўй-жой, транспорт воситалари, табиат ресурслари ва бошқа мулкларни давлат тасарруфидан чиқариши ва фуқаролар, жамоалар, шунингдек, давлатга тегишли бўлмаган юридик

шахсларга бериш ёки сотиш; давлат мулки асосида турли акцияли, хусусий, оилавий, қўшма, аралаш, корпоратив мулк шакллари ни вужудга келтириш. Давлат мулкни хусусийлаштириш келгусида шу мулк негизида хўжалик фаолиятини юритувчи ва унинг натижалари бўйича мулкий маълумотни зиммасига олувчи иқтисодий субъектларга турли шартларда бериш ё сотиш орқали амалга оширилади ва мулк эгасини ўзгартиришни назарда тутлади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкни бепул бериш, имтиёзли шартларда сотиш, ижарага бериш, кимошди савдосида ва бошқа усулларда амалга оширилади.

Тарихан давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ўз табиатига кўра тамомила фарқ қиладиган икки тури шаклланди. Биринчиси, ишлаб чиқариш механизмидаги ўзгаришлар XX аср 70 йилларининг иккинчи ярмида давлат мулки ва давлат тадбиркорлигининг аҳамиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ юзага келди.

Ривожланган мамлакатларданги хўжаликни бошқариш, иқтисодиётида мулкни хусусийлаштириш кўринишлари ғоявий таъсир, баъзида эса ривожланган мамлакатларнинг ёрдам кўрсатиш шартлари билан боғлиқ ҳолда ёки тўғридан-тўғри иқтисодий босимлар туфайли ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилди. 80-90-йилларда 80 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда давлат мулкни хусусийлаштириш турли дастурлари ишлаб чиқилди. Бу мамлакатларда хусусийлаштириш бозор рақобати муҳити амал қилган хусусий сектор ва хўжалик тизимида амалга оширилди.

Иккинчи тури, жаҳондаги социалистик мамлакатларида 1989 йилдан бошлаб амалга оширила бошлади.

Хўжалик юритишнинг маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизимида ўтишда хусусийлаштириш алоҳида ўрин тутлади. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатдики, илк иқтисодий ўсишини ижтимоий ларзаларсиз таъминлашини тасдиқлади.

У ёки бу мамлакатларда хусусийлаштириш миқёси илгари хусусий секторни миллийлаштириш қандай қўлланганлиги даражаси билан боғлиқ. Миллийлаштириш усули қисман ўтказилган АҚШ, Германия ва Японияда бу жараён турлари кам учрайди. Миллийлаштириш жараёни узок вақт давом этган Буюк

Британия, Франция мамлакатларида давлат мулкни хусусийлаштириш кенг кўламда амалга оширилган.

Хусусийлаштиришнинг пешқадами бўлган Буюк Британия мулкни хусусийлаштиришнинг акцияларни текин тақсимлаш ва сотиш; хизмат кўрсатиш учун пудратлар; давлат уй-жойларни ижарага олувчиларга сотиш; рақобатни ривожлантириш мақсадида давлат монополияларидан воз кечиш каби усуллари қўлланилди. Жаҳон тажрибаси давлат мулкни ва унинг вазифаларини тўлиқ ёки қисман хусусий секторга ўтказишнинг 22 усули борлигини кўрсатди. Умуман олганда, хусусийлаштириш узок муддатли жараён. Японияда у 10 йил, Ғарбий Европада 10-15 йил давом этган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш Ўзбекистонда мамлакат ва халқнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга олиб амалга оширилмоқда.

Мулкчилик муносабатлари пайдо бўлиши учун мулкка айланадиган нарсалар наф келтира олишлари шарт. Мулкчилик муносабатлари мулкни кишиларнинг ўзиники ё ўзганики эканини билдиради. Бундай муносабатларнинг 3 жиҳати бор.

1. Мулкга эгалик қилиш, яъни мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгасида сақланиб туриши.

2. Мулкдан фойдаланиш ва уни амалда ишлатиш. Мулкдан фойдаланганда шахсий эҳтиёжларни қондириш ёки даромад топиш юз беради. Мулкдор ўз мулкни ишлатганда эгалик қилиш ва мулкдан фойдаланиш бир қўлда тўпланadi. Мулк келтирган нафни унинг эгаси танҳо ўзлаштиради. Мулк ўзгалар қўлида ишлатилганда бундан олинган даромадни мулкдор мулкни амалда ишлатувчи билан баҳам кўради.

Мулкни тассаруф этиш – бу мулк тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиш, меросга қолдириш, ҳадя этиш, гаровга қўйиш каби хатти-ҳаракатларни эркин амалга оширилишидир. Мулкий муносабатларда мулкни ижарага бериш муҳим ўрин тутadi. Ер, сув ҳавзалари, бино ва иншоотлар каби кўчмас мулклар оддий ижарага берилади. Қимматбаҳо машина ва ускуналар ижараси лизинг шаклида амалга оширилади. Мулк бўлган пул маблағлари ўз эгаси томонилан, ўзгаларга фойдаланиб туриш учун бериш кредит шаклига киради.

Мулкдор – мулк субъекти, яъни мулкка нисбатан эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқий томоиллари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Мулкий жиноятлар – иқтисодий жиноятлардан бири. Мулкий жиноят ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жиноятларга бўлинади. Мулкни талон-торож қилиш ва талон-торож билан боғлиқ бўлмаган, аммо жиноят туфайли мулкий зарар келиб чиқадиган жиноятлар учун жавобгарлик Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган. Буларга босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик, ўғирлик жиноятлари киради.

Мулкий зарар жисмоний ёки юридик шахсга етказилган моддий зарарни мулкий зарар дейилади. Мулкий зарар ва уни қоплаш масалалари фуқоролик ҳуқуқига тааллуқли масалалардир. Умумий қоидага биноан етказилган мулкий зарар тўла миқдорда қопланиши керак. Етказилган мулкий зарарни камроқ миқдорда қоплашга фақат қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Мулкий зарар “ҳақиқий зарар” ва “бой берилган фойда” деган туркумларга бўлинади. Ҳақиқий зарар деганда, бузилган мулкий ҳуқуқни тиклаш учун қилинган ёки қилиниши керак бўлган ҳаракатлар, мол-мулкни йўқолиши, камайиши, нобуд бўлиши, шикастланиши тушунилади. Бой берилган фойда деганда, зарар кўрган шахснинг ҳуқуқлари бузилганида олинishi мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромад тушунилади. Амалдаги фуқоролик кодексига мулкий зарар мулкий ашёвий ҳуқуқлар бузилган тақдирда қўлланиши мумкин бўлган жавобгарлик сифатида белгиланган. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари, шунингдек, ушбу органларнинг қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари мулкий зарар етказганлигига сабабчи бўлиши мумкин. Етказилган мулкий зарарни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахс тўлайди.

Мулкни хатлаш – мол мулкни рўйхатга олиш ва уни тасарруф этиш ман этилганини эълон қилиш, зарур ҳолларда эса мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, уни олиб қўйиш ва

сақлашга топшириш тушунилади. Фуқоролик-процессуал қонунчилигида мулкни хатлаш суд ҳал қилучи қарорларини ижро қилиш босқичида даъвони таъминлашнинг бир чораси сифатида қўлланилади. Жиноят-процессуал қонунчилигида эса фуқоровий даъволарни таъминлаш мақсадида терговчи ҳам мулкни хатлаши мумкин. Бундай пайтда баённома тузилиб, унинг нусхаси тилхат асосида мулк эгасига берилади. Мулк хатлангач, унинг эгаси мулкни сотиб юбориш, совға қилиш, алмаштириш, гаровга қўйиш каби ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Мулкни хатлаш далолатнома орқали расмийлаштирилади. Далолатнома у тузилган вақт ва жойи, суд ижрочисининг, далолатнома тузилишида иштирок этган шахсларнинг исми-шарифлари, мулкни хатлаш учун асослар, ундирувчи ва қарздорларнинг исми-шарифлари, мулк ҳақидаги маълумотнома, унинг тавсифи ва қиймати, мулкни сақлашга берган шахснинг номи, мулкни хатлаш жараёнида қатнашган шахсларнинг эътирозлари ва шу кабилар кўрсатилади. Далолатномага суд ижрочиси, қарздор ва далолатнома тузилишида иштирок этган шахслар имзо чекади. Мулкни хатлаш жараёнида суд ижрочиси ноқонуний хатти-харакатлар қилган бўлса, манфаатдор шахслар судга шикоят билан мурожат қилишлари мумкин.

Юқорида ҳуқуқий давлатларда қонун асосида шаклланган мулкий ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиб, мулк турлари ва улардан келиб чиқувчи мулкий муносабатлар ҳамда уларнинг ҳуқуқий томонларини, энг умумий тарзда кўриб чиқдик. Бунга қўшимча қилиб айтиш жоизки, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида ислом дини етакчилик қилган мамлакатларда, мулкни ислом шариати нуқтаи назардан тушуниш, миллий қадрият сифатида эътироф этилган.

Таъкидлаш жоизки, мулк ва мулкий муносабатларни мусулмончилик нуқтаи назардан тушуниш, одамларда мулкга бўлган муносабатни тарбиялашда жуда кўл келади. Чунончи, исломда Ер куррасидаги ер, сув, ҳаво, ер ости бойликлар ҳамда ер устидаги ўрмон бойликлари боғу роғлар ва бошқа ўсимлик ҳамда ҳайвонлар ёлғиз Аллоҳнинг мулки ҳисобланади. Қуръони каримнинг “Бақара” сураси, 107-оятида шундай дейилган: “Еру осмонлар ёлғиз Аллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ё ёрдам берадиган йўқ эканини билмадингизми?”.

/

Аллоҳнинг мулкани тасарруф қилганда, у мулк туридан қатъий назар, у тангридан вақтинчалик фойдаланишга олинганини назарда тутиш керак. Шунинг учун уни ниҳоятда асраб-авайлаш, бу мулкдан фойдаланганда уволга йўл қўймаслик лозим. Бунинг мантиқий давоми шундаки, Аллоҳнинг мулкига исрофгарчилик ва бошқа йўллар билан қилинадиган зарар, уни эгаси, яъни Тангри таолога кўрсатган ҳурматсизлик ҳисобланади.

Одамга илк тарбияни, шу жумладан, мулкка бўлган муносабат тарбиясини ҳам оила беради. Шунинг учун ҳар бир ота-она, ака ва опалар, қариндош-уруғ ва бошқа яқин кишилар боланинг тарбиясига маъсул ва жавобгардирлар. Бундай жавобгарликни ҳис қилган ота-она ва бошқа оила аъзолари болаларда, ақлий таълим билан бир қаторда, мулкка бўлган тўғри муносабатни шакллантиришлари шарт.

Аҳолида мулкка бўлган муносабатни шакллантиришда ота-она, диний муассалар қатори, таълим-тарбия билан шуғулланувчи ўқитувчи ва педаголар маъсулдирлар. Улар ўқитилаётган фанлар маъзига мулкка бўлган тўғри муносабат билимларини қўшиб ўқитишлари лозим. Яна синфдан ташқари таълимий тадбирларда, тарбивий соатларда, ўқитувчилар, бу мавзунини доим эсларида тутишлари шарт. Таълим-тарбия билан оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқарув органлари ҳам бу масала билан фаол шуғулланишлари керак.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

ТАДБИРКОРЛИК ВА УДДАБУРОНЛИК

Ўз даврида Мавлоно Жалолиддин Румий айтган экан: “...халқ билан қизиқмаган, аксинча, ундан нолиган, унинг учун жонини куйдирмаган инсон – инсон эмасдир”. Ҳақиқий инсон номини олиш учун кишида соғлом биологик моҳият билан бир қаторда, халқ фаровонлиги устида қайғурувчи фикр – фойдали билимлар мажмуи бўлган, ижтимоий моҳият ҳам тўлалигича таркиб топган бўлиши шарт. Ижтимоий моҳият негизини фойдали билимлар ташкил қилар экан, унинг пировард натижасини халққа хизмат қилиш учун

асқотадиган фазилатлар ташкил қилади. Одам фазилатлари ичида боқий, яъни барча замон ва маконларда ўзгармайдиганлари баробарида, муайян замон ва макон эҳтиёжига зарур бўлган фазилатлар ҳам бор. Шундай фазилатлардан ва шу кунимизга зарурларидан бири, кишини уддабурон ва тадбиркор бўлишидир. Буни долзарблигининг сабаблари кўп, уни ҳамма билади. 70 йил давомида аҳолини хусусий мулкдан маҳрум қилиб, “уддабурон ва тадбиркорлик” фазилатини ижитмой иллат, – деб келган тузум тугади. Энди уддабурон ва тадбиркор бўлиш мумкин ва шарт. Бу замон талабидир.

Тадбиркор деганда, ҳар бир ишнинг кўзини билиб, иш якунида эришиладиган натижани аниқ кўз олдига келтриб туриб ишлаши, ўз фаолиятида бошқаларга қараганда юқори натижаларга эриша оладиган кишига нисбатан айтилади. Тадбиркорлик фаолияти кишиларнинг таваккал қилиб, мулкий жавобгарлик негизида қонуничилик доирасида ташаббус билан фаолият кўрсатиш экан, бундай вазифани фақат уддабурон одам уддасидан чиқа олади.

Уддабурон деб, ҳар бир ишни тез ўзлаштира олиб, уни чаққонлик билан амалга ошира оладиган кишига айтилади. Бу ерда таъкидлаш жоизки, фақат уддабурон одам тадбиркор бўла олади, тадбиркор бўлиш учун эса киши уддабурон бўлиши шарт. Улар бир медалнинг икки томонини ташкил қиладилар. Шунинг учун ҳам уларнинг қўшма ҳолатини фазилат қилиб олинди.

Эркин тадбиркорлик ва хусусий мулчиликка асосланган иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик фаолиятини одамларда шакллантириш ва ривожлантириш учун, биринчи навбатда, иқтисодиётда бозор муносабатлари ҳукмрон бўлиши керак. Иккинчи навбатда, тадбиркорликни амалга оширишувчи шахс уддабурон одам бўлиши талаб қилинади. Тадбиркорликда қандай маҳсулотни, қанча ва қандай қилиб ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни қаерда, кимларга ва қайси нархда сотиш лозим деган саволларга жавоб берилади. Бунинг учун тадбиркор иқтисодиёт фанини яхши билиши ва бу фаолиятни фақат қонун доирасида олиб боришини тақазо этади. Қонунни бузиб ёки уни айланиб ўтиб, ғирромлик билан олиб борилган тадбиркорлик, албатта инқирозга юз тутади. Бу аниқ ва ҳаётда минг мартаба синалган ҳақиқат. Бу ҳақиқатни инкор қилганлар ўзларига зиён қилиб, шарманда бўладилар.

Тадбиркурлик фаолиятини ривожланишининг муҳим шартларига – кўп укладли мулкчилик шакллари ҳамда рақоботбардош муҳтини яратилиши учун, нарх-наво эркин бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларни асосини хусусийлаштириш, яъни мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ташкил қилади. Тадбиркорлик фаолиятини тараққий этиши эса ушбу жараёнларни амалга ошириш усулларининг суръатлари ва кўламига боғлиқ. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш тадбиркорлик тараққиётининг асосидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик, энг, аввало, кам маблағ талаб этувчи, қисқа муддатларда фойда келтирувчи тармоқларда кенг ривож топади. Бу эса кичик ва майда корхоналарни раванқ топишига олиб келади.

Етакчи мутахассисларнинг фикрича, Япониянинг жаҳондаги иқтисодий нуфузининг ошишида ва “япон мўжизаси”да кичик бизнес ҳал қилувчи роль ўйнаган. Япониядаги биргина қайта ишлаш саноатида 6,5 млн кичик корхона фаолият кўрсатиб, улар ушбу соҳадаги жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу корхоналарда 40 миллиондан ортиқ киши банд. Бу дегани, иш билан банд аҳолининг 81 фоизи кичик бизнес корхоналарида фаолият кўрсатади..

АҚШда кичик бизнес жами корхоналарнинг 81 фоизини ташкил этади. Бу фирмаларнинг асосий қисми кичик, митти фирмалар бўлиб, улар кўпинча оила маҳнатида асосланган. Жами кичик корхоналарнинг 80 фоизида иш билан банд бўлганларнинг сони 10 кишидан ошмайди. Кичик фирмалар маҳсулотлари АҚШда ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 40 фоизини ташкил қилади. Қайта ишлаш саноатида бу кўрсаткич 21 фоизни, қурилишда – 80, чакана савдода – 86, хизмат кўрсатиш соҳасида – 81 фоизни ташкил қилади. АҚШ иқтисодиётида илмий-техника тараққиётига оид барча янгиликларнинг ярми ушбу тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Кичик фирмаларнинг афзалликлари куйидагиларда:

кичик фирмалар бозор талаби ўзгаришига сезувчан бўлади. У янги технология ёки янги маҳсулот ишлаб чиқаришга осонлик билан ўтиши мумкин. Йирик корхоналарда эса бу жараён катта харажатлар ва кўп вақт талаб қилади. Ҳаёт тезкор бўлган замонда кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга;

кичик фирмаларни ривожлантириш маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини беради. Йирик корхоналарни бундай фаолиятлар рағбатлантирмайди;

кичик бизнес корхоналари йирик сармояни талаб қилмайди ҳамда сарф қилинган маблағнинг қопланиш муддати қисқа бўлади;

кичик бизнес янги иш ўринларини барпо этиб, ишсизлик муаммосини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди;

кичик фирмалар жамиятда ўрта мулкдорлар қатламини шаклланишига олиб келади;

тадбиркорликнинг мазкур шакли бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Мамалакатнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан эркин тадбиркорлик фаолият натижасига бевосита боғлиқ бўлганлиги туфайли барча давлатлар бу соҳани жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган мукамал чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиққанлар ва уларни амалга ошириш йўллари жорий этганлар. Шунинг учун ҳам, бу соҳанинг иқтисодиётдаги мавқеини мунтазам равишда оширишга эришмоқдалар. Бундай устуворлик соҳанинг жаҳон ялпи ички маҳсулотига 50-60 фоизни ва банд бўлганларнинг ярмидан ортигини ташкил этиш билан белгиланади.

Шунга мувофиқ, соҳадаги мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиши, унинг иқтисодий тармоқлари ва уларнинг ҳудудий таркибидаги мутаносибликлари сақланишини, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватланишини тартибга солиш ҳужжатларидаги носозликлар, маҳаллий органларининг унга нисбатан истеъмолчилик муносабатлари сўнмаганидадир. Шунингдек, соҳанинг ўзига хос яхлит марказий ва маҳаллий мутасадди бошқарув органларининг тўла шаклланмагани. Тадбиркорлик фаолияти истиқболларини аниқ белгилашда маркетинг тадқиқотлари ва илмий-техникавий башоратлар даражасини ривожлантириш, янги иқтисодий муносабатлар мамлакат қонунчилиги ва норматив ҳужжатларида ўз ифодасини топишини тартибга солишни талаб қилади.

Бундай муносабатларни тартибга солишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилашда унинг аниқ башорати ва кўрсаткичларини асослаш алоҳида аҳамият касб этишини эътиборга сазовор.

/

Иқтисодиётда кичик бизнес субъектлари салмоғини ошириш, ўзининг чегараларга эга. Бу чегараларни кенгайтириш учун кичик бизнес корхоналарининг ташкил топишнинг асосий хусусиятларини ажратиб олиш муҳим ҳисобланиб, уларни, асосан, қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

анъанавий тарзда, “табиий эҳтиёж” таъсирида ташкил топувчи кичик корхона ёки фаолият турлари. Буларга аҳоли яшаш масканлари ва уларга ижтимоий-майиший хизмат кўрсатувчи инфратузилма шахобчалари – ошхона, новвойхона, дўконлар, сарторашхона, кимёвий тозалаш, ахборот ва техника хизматларини кўрсатиш, суратхона ва ҳоказолар киреди;

мустақил ҳолда муҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар – озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа ҳаётга зарур нарсаларни ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар;

йирик корхона фаолиятига ўзаро боғлиқ ҳолда таркиб кўрсатувчи кичик корхоналар ва ҳоказо.

Жаҳон мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётда йирик корхоналарни таркибий қайта тузиш, асосан, алоҳида бўлимларни мустақил автоном корхоналар сифатида ажратиш орқали амалга оширилади. Уларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

мавжуд маҳсулот ва хизматларнинг истеъмол хоссаларини такомиллаштириш асосида маълум даражада янгиланган пировард маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар;

таркибидан ўзи ажралиб чиққан йирик компания ва бошқа истеъмолчилар учун бутловчи қисмлар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхоналар;

янги бозорлар учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар;

ўзини ўзи бандлик билан таъминлаш ва субконтракт шароитида ишловчи корхоналар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлар шароитида кичик бизнес субъектларининг нисбатан барқарорлиги намоён бўлмоқда. Агар йирик компанияларнинг фаолият кўламлари қисқариб, қарзлари аҳамиятли даражада кўпайиб, давлат ёрдамига муҳтожликлари тобора намоён бўлса, бу жараёнлар кичик бизнес субъектларига у қадар таъсир кўрсатгани йўқ.

Републикаларимиз маҳсулотларини рақоботбардошлигини таъминлашда кичик бизнес имкониятларидан кенг фойдаланиш иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва диверсификация жараёнларини амалга ошириш, етакчи тармоқларни фаоллаштиришни тақозо этади. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

кичик бизнеснинг технологик, ташкилий, функционал ва таркибий тузилмасини такомиллаштириш. Хусусан, замонавий талабга жавоб берувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, инновацион лойиҳа ва ишланмаларни амалга ошириручи микрофирмаларни ривожлантириш;

кичик фирма ва корхоналарнинг “ҳаётий цикли”да кўлам жиҳатидан ривожланиш йўналишини кучайтириш. Яъни уларнинг секин-аста йирик корхоналарга ўсиб ўтишини рағбатлантирувчи иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенгайиши ва йўлга қўйиш;

йирик корхоналарнинг кичик бизнес билан кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Ушбу чора тадбирларнинг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайишига имкониятлар яратиб, мамалакатимизнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Мазкур чора-тадбирлар ифода этган дастурларда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан кўриб чиқишга, фермер хўжаликлари ва кластерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тадбиркорлик, кичик бизнесни янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда юқорида айтилган режаларни амалга ошириш учун аҳолининг, ва айниқса, ёш авлодга уддабуронлик ва тадбиркорлик сирларини билдириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ёшларимизда уддабурон ва тадбиркорлик фазилатини шакллантириш, барча таълим-тарбиявий тадбирларга ўхшаб, оиладан бошлаш тўғри бўлади. Оилада эгалланган уддабуронлик билан тадбиркорлик фазилат учқунларини мактабларда ва касб-

хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида узлуксиз давом эттирилса, керакли натижага эришса бўлади.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиёв, педагогика фанлари доктори, профессор

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ МЕҲНАТСЕВАР ВА ШИДДАТЛИ БЎЛИШИ

Инсоннинг ўзи, оиласи, жамияти ва давлатига фойда келтирувчи мақсадли ҳаракати меҳнат дейилиши ҳаммага маълум. Меҳнат кишилик ҳаётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсоннинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади.

Меҳнат одамни бошқа жонзотлардан фарқлаб турадиган муҳим белгилардан биридир. Меҳнат жараёнида киши табиат кучларини нафақат мақсадига бўйсундиради, у ўзи ҳам ижтимоийлашиб, баркамоллашиб боради, ақлий ва жисмоний қобилиятлари ўсади.

Меҳнатсеварлик. Меҳнат ўзининг мазмун ва характери жиҳатидан ақлий, жисмоний, малакали ва малакасиз деган турларга бўлинади.

Ақлий меҳнатсеварлик – инсоннинг, асосан, тафаккур ва тасаввур фаолияти ҳамда маълум даражада жисмоний ҳаракат натижасида вужудга келади. Бунга илмий фаолият, ёзувчилик, ўқитувчилик, муҳандислик, рассомлик ва бошқа ақлий меҳнат соҳибларининг фаолияти киради.

Жисмоний меҳнатсеварлик – инсоннинг, жисмоний кучи ҳамда рационал тафаккури иштирокида бажариладиган иш тушунилади. Бунга ишчи, деҳқон, косиб ва бошқа касб-хунар кишиларининг меҳнати мисол бўлади.

Малакали меҳнат – махсус тайёргарлик талаб қиладиган иш-ҳаракат. Малакасиз меҳнат эса махсус тайёргарлик ва қобилиятни талаб этмайдиган иш-ҳаракат. Масалан, юк ташувчи, фаррош, қоровулни мисол қилтирсак бўлади.

Фан ва техника тараққиёти таъсирида меҳнат жараёни мураккаблашиб, меҳнат воситалари мукаммаллашиб, уни амалга оширувчи кишиларнинг маҳорати ҳам ошиб боради. Иш жараёнини механизациялаштириш, компьютерлаштириш ва жарёнга ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этилиши анъанавий

Мамаражаб Тожиёв 1

меҳнат жараёни ташкил этишни тубдан такомиллаштириш натижасида меҳнат ва уни севиш мазмуни мунтазам ўзгаради. Иш жараёнида ҳар бир иштирокчининг узлуксиз таълим ва тарбияси натижасида техникавий савияси билан малакаси ортиб, маънавияти юксалиб боради. Натижада меҳнат самарадорлигининг ўсиб бориши асосида аҳолининг турмуш даражаси ошади.

Ёшларда меҳнатсеварлик фазилатини таркиб топтириш учун узлуксиз, меҳнат тарбияси билан шуғулланиш талаб қилади. Меҳнат тарбияси кишида ижтимоий фойдали меҳнатга меҳр, ички эҳтиёж, интизом ботартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг биринчи ва асосий воситаси бўлгани туфайли ҳам меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа турларидан олдин пайдо бўлган.

Меҳнат тарбияси ғоят кенг фалсафий-педагогик категория бўлиб, “меҳнат таълими”. “касбга йўналтириш”, “политехник таълим” сингари тушунчаларни ўз ичига олади. Меҳнат тарбияси билан шуғулланиш ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётининг асоси, ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳамма илоҳий китоблар ва барча мутафаккирлар томонидан яратилган битиқларда меҳнат тарбиясига катта эътибор берилган.

Меҳнат тарбияси, аввало, оилада бола ўзини англай бошлаши биланоқ амалга оширилиб борилади.

Боларага меҳнат тарбиясини беришда боғча, мактаб сингари ижтимоий педагогик муассасалар катта ўрин тутаяди. Чунки бу муассаларда меҳнат тарбияси илмий асосда тегишли мутахассислар томонидан маълум режа-дастур асосида уюштирилади. Бу муассаларда меҳнат тарбиясини ташкил этишдаги асосий жиҳат шундаки, у болаларнинг ёш хусусиятлари, руҳий, ақлий ва жисмоний имкониятларига мувофиқ бўлишини таъминлайди. Арзимас енгил меҳнат, болаларни зериктиргани каби, оғир топшириқлар ҳам уларни меҳнатдан бездиради. Меҳнат тарбиясини амалга оширишда узлуксизлик ва интизом бўлишга қатъий риоя қилиниши жоиз. Акс ҳолда, ҳар қандай қобилиятли бола ҳам етарлича меҳнат тарбиясини ололмаслиги мумкин.

Меҳнат тарбияси учун мактаб даври энг қулай фурсатдир. Биринчи навбатда, ўқиш жараёнининг ўзи оғир ақлий ва эмоционал куч талаб қилади. Мактабга ўз вақтида келиб-кетиш, ўқиш-ёзишни ўрганиш, берилган билимларни эгаллаш учун ўқувчиларга меҳнатсеварлик тарбияси берилган бўлиши керак. Чунки ўқув топшириқларни бажариш, дарсни ўзлаштириш, ўтилганларни такрорлаш, ёзма ишлар бажариш, керакли матнларни ёдлаш, кўчирмалар олиш, луғатлар билан ишлай олиш учун таҳсил олувчилар муайян интизомга риоя этиши, ташкилотчилик қобилияти ва ишчанлик хусусиятига эга бўлиши, ишнинг кўзини билишдек сифатлар катта ақлий ва жисмоний куч сарфлашни талаб қилади. Бу эса меҳнат. Меҳнат тарбиясида, аввал айтилгандек, меҳнат таълими ва касбга йўналтириш жараёнларининг ўрни катта. Зеро, бу жараёнларда таҳсил олувчилар бевосита тегишли меҳнат кўникмаларини эгаллаш ва уларни мустақил равишда амалиётда қўллаш босқичини ўтайдилар. Шунингдек, улар бу аснода қайси бир меҳнат йўналиши ўзига мувофиқ эканини билиб оладилар. Шунинг учун меҳнат таълими имкон қадар хилма-хил бўлиши ҳамда болаларнинг ақлий, жисмоний имкониятлари ва жинсий хусусиятларига мувофиқ келиши зарур.

Тарихда жамият тараққий этиши билан меҳнат жараёни такомиллаша борган, бир одам бир ёки бир неча ишни бир ўзи бажара олмай қолгани натижасида меҳнат тақсимоти юзага келган, борган сари бу жараён чуқурлашиб бормоқда. Меҳнатнинг янги турлари юзага келиб, улар мустақил вазифага эга. Меҳнат фаолиятидаги ихтисослашув туфайли табиат сирлари чуқур ўрганилиб, табиий нарсалар тўлароқ ишлатиладиган, ҳатто уларнинг хоссалари ўзгартириладиган бўлиб бормоқда. Меҳнат тақсимотининг даражаси жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг қай даражада эканини ифодалайди. Меҳнат турлари юзага келиши билан меҳнат фаолияти натижаларининг айрбошлаш, ҳар хил меҳнатни бир-бирига мослаштириш эҳтиёжи туғилди. Бу эса меҳнатга жамоавий тус беради, чунки маҳсулотлар ва хизматлар кўпчилик меҳнатининг натижасига айланади. Шундай шароитда меҳнатни, яъни меҳнат жарёнини ва жамоани, бошқариш касби юзага келди. Натижада бошқарув назарияси вужудга келиб, бу билимларни бошқаларга ўргатувчи “**бошқарув**” ўқув фан тармоғи ҳам пайдо бўлди.

Ҳар қандай меҳнат, меҳнат воситалари ёрдамида амалга ошади. Меҳнат воситалари – меҳнатни ижро этувчи киши томонидан меҳнат объектига тўғридан тўғри таъсир этишда фойдаланиладиган воситалардир. Меҳнат воситаларига ишлаб чиқариш жараёни учун зарур моддий нарсалар – машина ва ускуналар, асбоб ва мосламалар, корхона биноси, шу бино, алоқа, юк ташиш воситалари ва ҳоказолар киради. Меҳнат воситаларидан энг муҳими ишлаб чиқариш қуроллари бўлиб, улар машиналар, станоклар, асбоб-ускуналардан иборат.

Меҳнат инсон ҳаёти, унинг фаровон турмуш кечириши учун ҳамиша асос бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ота-боболаримиз асрлар давомида меҳнатни улуғлаб келишган, ўзлари сидқидилдан меҳнат қилишган. Бизга улардан мерос бўлиб қолган барча моддий ва маънавий хазиналар – илмий ва бадиий китоблар, турли санъат асарлари, меъморий обидалар ва бошқа нарсалар ана шу меҳнатнинг маҳсулидир. Жаҳон илм-фани ва техникасига ҳамда маданиятнинг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Садриддин Айний, Абай Кунанбаев, Махтумқули, Муқимий, Фурқат сингари буюк бобоқолонларимиз меҳнатсеварликлари туфайли улкан ютуқларни қўлга киритишган ва болаларни ҳам меҳнатни севишга, меҳнатсевар бўлишга чақиришган. Шу боис, жаҳондаги барча халқларнинг мақолларида бўлгани каби бизнинг мақолларимизда ҳам меҳнат ва меҳнатсеварлик ғояси марказий ўринлардан бирини эгаллайди. “Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат”, “Меҳнат қилсанг яшарсан, катта-катта ошарсан”, “Олтин ўтда чиниқар, одам – меҳнатда”, “Меҳнат билан қарисанг, раҳмат билан яшарсан”, “Узоқ умр сири меҳнатда” каби мақоллар бежиз яратилмаган. Меҳнат билан чархланиб турмаган куч сусаяди. Ишламаслик ҳар доим ланжликни келтириб чиқаради, ланжликдан кейин эса хасталик ва ногиронлик келади. Демак меҳнат нафақат яшаш учун моддий ва маънавий неъматлар яратади, у одамни одам қилиб, соғлом бўлишига ҳам хизмат қилади.

Меҳнат шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг асосий омили ҳисобланади. Шунинг учун болаларимизни кичик ёшидан бошлаб меҳнатга ўргатиш зарур.

Шоир Ғафур Ғулом айтганидек:

Меҳнатсиз умр бебақо бўлур,
Чирик латта каби увада бадан.
Бир умр текинга яшаб қаримоқ,
Ҳаёт қомусида олинмагай тан.

Болалар меҳнатсевар бўлиб тарбияланиши билан бир вақтда, инсон меҳнати билан яратилган нарсаларни қадрлаш ва увол қилмасликка чақириш меҳнат тарбиясининг таркибий қисми ҳисобланади. Исрофнинг гуноҳ экани илоҳий китобларда, халқ оғзаки ижодида ҳам кенг ўрин олган.

Меҳнат фақат ҳаётий зарурият ва моддий фаровонлик манбаи бўлиб қолмай, одамларда яхши хулқ ва бошқа ижобий-ижтимоий сифатларни вужудга келтиради. Дангасалик, лоқайдлик, бепарволик, текинтомоқлик каби иллатларни бартараф этиб, кишида қувонч ва ўзидан мамнунлик ҳисларини пайдо қилади. Бу эса катта бахт.

Ёшларнинг меҳнат тарбия масаласи маърифатпарварлар ижодида ҳамisha фахрли ўрин тутган. Улар болаларни жамият манфаати учун ишлашга чақириш билан бирга, ота-оналар ва устозларнинг меҳнат тарбиясидаги вазифалари нималардан иборат эканини ҳам кўрсатганлар.

Туронзамин маърифатпарварларининг намоёндаларидан бири Абдулла Авлоний болаларни бирор касб билан машғул бўлишини биринчи галдаги муҳим иш деб ҳисоблаган. У “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида дангасалик ва ялқовликни қоралаб, ҳаракатчанликни олқишлаб шундай ёзади: “...сиҳатимиз, саодатимиз, сарваримиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлиқдир. Ҳаракатсиз, яъни меҳнатсиз кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб, хорликда қолурлар. Шунинг учун болаларни ҳунар ўргатишага чақириб, кишиларни бирор касб билан шуғулланишига ундаб, “ёшлар” бу кўмирчилик, бу темирчилик менга муносиб эмас, – деб дангасалик қилиб ишсиз юрса, “зўр айб” ҳисобланишини уқтирган.

Инсон болалик давридан бошлаб меҳнат қилишга ўрганиб, ўзига ёққан бирор касбни эгаллаб олиши ва келажақда меҳнатсевар инсон бўлиб етишиши учун ҳаракат қилиши лозим. Эл-юрт орасида

ўз касбининг моҳир устаси бўлган, ҳунарли кишиларни одамлар эъзозлайди.

Ишнинг оғир-енгили бўладию аммо яхши-ёмони бўлмайди. Баъзилар қора меҳнат деб жирканган ишга сиз сидқидиллик билан қўл урсангиз, у иш сизни ўзига шу қадар жалб қиладики, ҳаётингизни ўша ишсиз тасаввур этолмай қоласиз. Меҳр ва иштиёқ билан бажарилган ҳар қандай “қора” иш ҳам тоза, кўнгилли, жозибадор бўлиб туюлади.

Меҳнат билан суяги қотган, меҳнат туфайли иззату ҳурмат кўрган ҳар бир ота-она ўз фарзандларини ҳам меҳнат билан яшашни, меҳнат билан эл-юрт олдида шараф топишини хоҳлайди.

Ҳар бир бола муайян оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Демак, у оила хўжалигининг иштирокчиси ҳамдир. Шу билан бирга, биз болаларимизни фақат оила хўжалигини юритишга қобилиятли кишилар қилиб тарбиялабгина қолмай, бутун жамият хўжалигини ҳам тебратадиган, уни тежаб юритадиган садоқатли фуқаролар қилиб тарбия қилмоғимиз лозим.

Кўпинча ота-оналар болаларининг ҳамма нарчаси муҳайё бўлишини, яъни яхши еб-ичиши, яхши кийиниши, катта бўлганда уй-жойли бўлиши ҳақида қайғуради. Буларнинг ҳаммасини фарзандларига меҳрибонликларидан ва уларни беҳад севганликларидан қилади. Болаларни деб ўзларининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ҳам четга суриб қўяди. Лекин буни болалари эсига ҳам келтирмайди ва ҳатто секин-аста ўзларини ҳаммадан ортиқ, менинг истагим ота-онам учун қонун, деб ўйлашга одатланади. Натижада болалар худбин, боқиманда ва ношуд бўлиб етишади.

Болалар ёшлик чоғиларидан бошлабоқ теварак-атрофдаги кишиларнинг турли-туман ишларига қизиқади, катталарга дастёрлик қилишга интилади. Бу уларнинг табиатидан келиб чиққани боис, ишни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаб туриш мақсадга мувофиқ. Мактабда меҳнат тарбиясининг яхши бориши мактабгача тарбия муассаларида кичкинтойларни меҳнатга ўргата боришлигига боғлиқ.

Болалар қўлларидан келганича рўзғор юмушларида ота-оналари, ака-опаларига ёрдам бериб, дастёрлик қиладилар. Чунончи ҳовли-жойларни супуриб, саронжом-саришта қилиш, томорқага экин-текин, мол-ҳолларга қараш, меҳмон кутиш, бозор-

ўчар қилиш, ўзидан кичик укаларига қараш каби ишларда кўмаклашади.

Болаларда меҳнатга бўлган қизиқиш табиий эҳтиёж, у анча барвақт пайдо бўлади, уни сўндирмасдан ривожлантириш лозим. Мактабга келган ўғил-қизларда муайян меҳнат кўникмалари анчагина таркиб топган бўлиши лозим. Шунда улар тенгқурлари олдида уялмайдилар. Бу кўникма мактабдаги таълим-тарбия жарёни таъсирида янада мустаҳкамланиши керак. Ўқувчиларнинг меҳнатнинг кўникма ва малакалари, тайёрланадиган маҳсулот сифати учун масъуллик ҳисси, вақтдан самарали фойдаланиш, асбобларни эҳтиёткорлик билан ишлатиш ва хомашёни тежамли сарфлаш орқали ҳосил бўла бошлайди. Мана шулар мактаб ўқитувчиларидан алоҳида эътиборни, меҳнат тарбиясининг хилма-хил турларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ўқув жараёни ўқувчилар меҳнатининг асосий ва муҳим турларидан биридир. Бу меҳнат тури ўқувчидан қатъиятни, кунд ва ақлий зўр беришни талаб қилади. Ўқув жараёнида ўқитувчи таҳсил олувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстириб боради. Аввалдан ақлий машқлар қилиб юрмаган ўқувчиларга, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатга нисбатан оғирдек туюлади

Лекин ўқитувчи таҳсил олувчиларда пайдо бўлган ана шу ҳолатни дарров пайқаб олиши, ўқув жараёнини қизиқарли мазмунда, очиқ кўнгил билан, интерфаол услублардан фойдаланиб, бор билими ва маҳоратини ишга солиши зарур.

Бошланғич мактабдаги меҳнат таълимининг машғулотлари ўқувчиларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишига хизмат қилиб, болаларда ижодий қобилиятларини ўстиришга ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Болаларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришда меҳнат турлари тўғрисида ва илғор меҳнат кишилари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, ишлаб чиқариш корхоналарига, дала, дашт, боғ ва чорвачилик, паррандачилик фермаларига экскурсиялар уюштириш, меҳнат илғорлари ҳақида очерк ва ҳикояларни ўқиб бериш, меҳнатни улуғловчи эртак ва мақолардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўз ота-оналари касби, уларнинг ишлари ҳақида суҳбатлар уюштириш сингари тадбирлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Энди меҳнат жараёни бола учун азобу уқубатга айланмай, унга роҳат келтириши учун бу жараёнда амал қилиниши лозим бўлган бир неча тамойилларга тўхталиб ўтайлик.

Биринчи тамойил, болаларни меҳнатга ўргатиш амалини бошлашдан аввал уларга яхши ният қилишни ўргатинг. Яхши ният қилиш деганда, бола зинҳор қилган меҳнат эвазига маблағ олиб, уни ўз эҳтиёжларимни қондиришга ишлатаман деган ниятни қилмаслиги керак. Аксинча, одамларга ёки бир кишига шу нарса ёки шу ишим зарур экан, уни мушкулани осон қилай, деб ният қилсин. Бу яхши ният. Ишни бажарганда, сўзсиз, у корхона бўладими, бирон бир шахс бўладими, иш ҳақини беради. Бу иш ҳақи мўлжалдан гоҳо кўп, гоҳо кам бўлиши мумкин, унга эътибор бермасин, ниятни яхши қилсин.

Иккинчи тамойил, бола ҳақиққий меҳнатсевар деган фазилатга эга бўлиши учун меҳнатни чин кўнгилдан, астойдил ва шиддат билан бажаришга ўргансин. Шунда ўзи ҳам чарчамайди, иши ҳам унумли чиқади. Меҳнат куроллари бузилмай, меҳнати йўналтирилган нарсаси чиройли бўлади. Ишлаётганини четдан туриб кузатганлар ҳам, завқланиб барака топ дейдиган бўлсин.

Учинчи тамойил, бола бир ишни бошладими, уни албатта охиригача етказсин. “Битган ишга бек етмас”, – деб халқимиз бекорга айтмаган. Ишни галга солдими, иш албатта бажарилмай қолади, бажарилган тақдирда ҳам яхши натижа билан тугамайди. Бола ишни чўзмай охирига етказсин, шунда барака топади ва меҳнатсевар деган фазилатга эга бўлади.

Тўртинчи тамойил, ҳар қандай меҳнатнинг хавфсизлик қоидалари бўлади. Болалар меҳнатни амалга ошириш жараёнида уларга албатта риоя қилишлари шарт. Акс ҳолда қош кўяман, деб кўзни чиқариб қўйиши, савоб иш қиламан, деб ё ўзига ёки бошқаларга зиён етказиб қўйиши мумкин.

Башинчи тамойил, бола меҳнатни амалга ошириш жараёнида, чарчаб ва зерикиб қолмаслиги учун унга дам олишни тўғри ташкил қилишни ўргатинг. Иш жисмоний куч сарфлаш билан боғлиқ бўлса, уни ақлий меҳнат китоб ўқиш ёки шахмат-шашка ўйнаш билан алмаштириш зарур, ақлий меҳнат билан шуғулланаётган бўлса, жисмоний ишларни бажариб, жисмоний машқлар билан шуғулланиши лозим.

Олтинчи тамойил, бола ишни бажариб бўлганидан кейин, унга четдан туриб қараб, завқланишга ўргансин. Шунда, чарчоқнинг камида ярми кетиб, бажарган ишидан манун бўлиб, руҳи қувватланади ва кейинги қиладиган ишига илҳом бағишланади. Тинмай меҳнат қилишга ўргандими, демак меҳнатсевар бўлибди, деяверинг.

Еттинчи тамойил, бола меҳнатсеварлик фазилатига эга бўлдики, уни бошқаларга ҳам ўргатишни билсин. Шунда меҳнатсеварлигининг нафи ўзгаларга ҳам тегади.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИ

Ҳуқуқий саводхонликка эга бўлиш қонунни ҳурмат қилиш, қонунга бўйсунуш ва қонун бузарлар билан фаол курашишдир. Жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий ва экологик тизимларининг самарали фолият кўрсатишларининг асосий талабларидан бири ҳам шу ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият деганда, кишиларнинг ҳуқуқий билимлари, уларнинг қонунга бўлган ҳурматлари, ҳуқуқий қонун ва нормаларини ижро этиш, ҳаётга татбиқ қила олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муросасиз курашиш тушунилади. Жамиятнинг маънавий янгилашиши аҳолининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини вужудга келтиришнинг асосий шартларидан бири ҳам жамият аъзоларининг ҳуқуқий ва экологик маданиятини шакллантириш ҳисобланади.

Аҳолининг ҳуқуқий ва экологик маданиятини ўсиши уларнинг шахс сифатида ривожланишининг ўзига хос томони бўлиб, улардан ҳуқуқий саводхонликни, яъни ҳуқуқий билимларни ўзлаштириши ва бу билимларни амалда қўллаб, уларни малака, маънавият ва маданиятига айлантириб олишларини талаб қилади. Ҳуқуқий саводхонлик одамларнинг маълум ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқ тармоқлари ҳақида маълумотга эга бўлишгина эмас, балки турли

ҳуқуқий кўринишлар, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асослари ривожланиши тўғрисида хабардорлик ҳам демакдир. Умуман олганда, давлатнинг ҳуқуқий тизимини мақсад ва вазифалари нимадан иборат эканини тушуниб етишлари муҳим. Шундай қилиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда қонунларга кундалик ҳаётда оғишмай амал қилиши уларнинг ҳуқуқий маданиятини ташкил этади.

Одамларда қонунларга бўлган ҳурмат ва уни амалда намоён этиши ҳуқуқий маданиятнинг кўринишидир. Ҳуқуққа бўлган ҳурматни шакллантиришда юридик меъёрларга амал қилиш эътиборга сазовордир.

Фуқароларимизда ҳуқуқий жавобгарлик ва интизом туйғуси юқори даражада шаклланган бўлиши керак. Бу хислатларни қарор топтириш учун, аввало, уларни оилада шакллантира бошлаш жоиз. Оилада олинган билим ва кўникмалар келажакда кишилар онгида жамият ва давлат олдидаги улкан масъулият, жавобгарлик ҳис-туйғуларининг пойдеворига айланади. Ҳуқуқий маданият ахлоқий ва маънавий меъёрларга таянади. Шу сабабли ёшлик давридаёқ оилада ҳуқуққа бўлган ҳурмат, ҳар бир ишга нисбатан жавобгарлик туйғусини шакллантириш зарур. Демак аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилиш борасида янги қадрият ва йўл-йўриқларни шакллантириш, инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни ривожлантириш ва унга риоя этишга қаратилган ҳуқуқий маданиятни пайдо қилиш ниҳоятда муҳим.

Мамлакатда барча турдаги ислохотларни олиб боришда аҳолига республика Конституцияси ва қонунларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш эътиборга сазовордир. Бундай масъулиятли вазифани давлатнинг расмий таълим-тарбия тизими орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Дарвоқе, янгиланаётган конституциямизда инсон қадр, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга чиқмоқда.

Қонунга итоаткорлик – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларидан биридир. Қонунга барча мансабдор шахслар ҳам, барча фуқаролар ҳам бирдай бўйсунди. Шу қоида билан барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади. Янги Конституциямизда халқ давлатга эмас, балки давлат халққа хизмат қилиши керак, деган эзгу ва халқчил тамойил муҳим ўрин эгаллади.

Конституция ва қонунларга риоя қилиш, бошқа барча кишиларнинг ҳуқуқ-эркинликлари қадрлаш ва шаънини иззат-икром қилиш, мамлакатнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашда иштирок этиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик ва эъзоз билан муносабатта бўлиш каби бурчларни турли тарбиявий йўллар билан тинмай тушунтириб бориш лозим.

Жамият аъзоларининг аксарияти қонунларга онгли равишда, яъни тушунган ҳолда, қанчалик оғишмай риоя қилса, мазкур жамиятнинг ҳуқуқийликка яқинлиги, уларнинг эътиқоди қанчалик мустаҳкам бўлса, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойиллари шунчалик кучли кафолатланган бўлади. Қонун билан кафолатланган халқ манфаатлари, миллий манфаатимизга хизмат қилади.

Бурч ҳисси – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, ватан ва инсоният олдида мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча. Бурчда объектив муносабатлар ифодаланади, яъни у жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳамда ахлоқий негизлари билан белгиланади. Бурчнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалайди. Бурч иймон-эътиқод, онглилик, одоб, ҳалоллик, виждон каби тушунчалар билан боғлиқ. Бурч қандай вазифа, кимнинг олдидаги мажбурият эканига қараб бир неча турларга бўлинади: шахсий бурч, оила бурчи, жамоа бурчи, миллий бурч, ижтимоий бурч ва умуминсоний бурчлар. Бу бурчларнинг ҳар бири ўз навбатида мажму бўлиб, бир неча, поғона пастдаги, бурчлардан ташкил топади. Масалан, шахсий бурч, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи, касбий бурч, маҳалла кишилари олдидаги бурч, дўстлар олдидаги бурч ва бошқа бурчлардан ташкил топади. Ҳуқуқий маданиятни ошириш ва кишиларда бурч ҳиссини пайдо қилиш, албатта, оиладан бошланади. Расмий таълим-тарбия тизими ва оммавий ахборот воситаларининг барча турлари оилада шаклланган бурч ҳиссини такомиллаштириб боради, холос. Ота-онадан, ака ва опалардан уйдаги ёш болада ҳуқуқий маданият ва бурч ҳиссини тарбиялаш масъулияти олиб ташланмаган ҳолда, бу туйғуни асосан она беради, – деган фикрдамиз. Чунки ҳар қандай гўдак ва ўспирин учун, биринчи навбатда, она ва унинг ҳаёт тарзи, боланинг ҳар бир ҳаракатига йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Мамаражаб Тожиёв 1

Шунинг учун ҳам қадим замондан Марказий Осиёда бола тарбияси, асосан, оналарга юклатилган ва тўғри бўлган.

Хотин-қизлар азалдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва жамиятда бола тарбиясида алоҳида ўрин эгаллаб келган. Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, аёллар орасида шавкатли ҳуқумдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, суҳандон шоиралар ва зукко санъатшунослар етишиб чиққан. Масалан, массагаётлар ҳуқумдори Тўмарис, қадимги Палмиранинг ҳуқумдори Зиновия, испан қироличаси Изабелла, арман маликаси Тамаралар ўз даврининг етук ҳуқумдорлари бўлганлар. Гарчи бундай ҳуқумдор, олима, шоира ва донишманд аёллар Ғарбда бармоқ билан саналса, Шарқ мамалакатларида уларни кўплаб учратиш мумкин. Биргина Темур ва темурийлар сулоласига мансуб хотин-қизларнинг айримлари ҳақидаги кўпгина қўлёзма ва тошбосма асарлар бу ҳақда маълумот беради. Чунончи, Шарафуддин Яздийнинг “Зафарнома”, Арабшоҳнинг “Ажойиб ул маъфур фи ахбори Таймур”, Ҳофизи Абрўёнинг “Зубдат ул-тавориҳи Бойчунғурий”, Бобурнинг “Бобурнома”, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” Ҳакимхон тўранинг “Мунтиахаб ул-тавориҳ”, “Тахкират ут-хаотун ва “Машохир ун-нисвон” асарларда аёллар тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган.

Агар аёллар мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этишини ва улар асосан уйга кўпроқ боғлиқ эканини ҳисобга олсак, уларнинг хатти-ҳаракатида, бола тарбиясига кўп нарса боғлиқлиги намоён бўлади.

Биринчидан, аёлларнинг эркакларга нисбатан ўзига хос муомала услуби болага таъсирлироқ бўлиб, рақобат ва қарама-қаршиликлардан холидир.

Иккинчидан аёллар мулоқоти эркинроқ, ҳис-ҳаяжонли бўлиб, болага нисбатан ҳис-туйғуларни намоён этиб туради. Улар ўзларининг гумонлари, қўрқувларини ифода эта олади ва бошқаларнинг хавотирига шерик бўла олади.

Экологик маданиятни ривож топтириш. Ер юзида жадаллашиб боратган илмий-техникавий инқилоб натижасида инсоннинг табиатга кўрсатган таъсир қуввати кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу қувватни табиат кучларининг қудрати билан таққослана бошланди. “Инсоният, яхлит олиб қараганда, қудратли геологик кучга айланмоқда” – деб ёзган эди академик В. И.

Вернадский. Ер қобиғи қатламларидаги захиралардан ноқилона фойдаланишлик туфайли инсониятнинг Ерининг жуғрофик қобиғига улкан миқёсда таъсир этиши, аҳолининг ишлаб чиқариш, дам олиш ҳамда кундалик турмуш фаолияти билан боғлиқ чиқиндиларни ҳавога, сувга, тупроққа кўплаб миқдорда чиқарилаётгани Ер куррасида экологик муаммони келтириб чиқарди.

Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида экология илм-фани шаклланиб, ривожланиб бормоқда.

Атроф-муҳитга замонавий фан-техника инқилобининг таъсири оқибатида “экология” тушунчасининг мазмуни ҳам кенгайиб кетди. Бугунга келиб “курра экологияси”, “табиат экологияси”, “инсон экологияси”, “муҳандислик экология” деган тушунчаларнинг кўлланиши одат бўлиб қолган.

Табиий-экологик муаммо инсонни ўраб турган табиий муҳитга унинг ҳужумкорона таъсири остида юзага келди, Инсон хўжалик фаолиятида табиатни ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига мослаштира бориб, унга кучли таъсир этмоқда. Айни пайтда у табиат унсурларини қайда ишлайди, жамлайди, ҳудудлар бўйича қайта тақсимлайди, баъзан эса уни тайёр маҳсулот сифатида тўғридан-тўғри истъеъмол қилади.

Иқтисоднинг ишлаб чиқариш шароитини яратадиган табиий захиралардан фойдаланиш тобора кенгайиши муносабати билан боғлиқ ҳолда бугунги кунда бир қатор табиий экологик муаммолар пайдо бўлди. Мазкур соҳада йиғилиб қолган муаммоларни қуйидаги саволлар остида жамлаш мумкин: табиий захиралар чекланган шароитда ишлаб чиқаришни қандай амалга ошириш, табиий муҳит ифлосланишининг қандай олдини олиш мумкин?

Бу масалаларни ижобий ечиш учун табиий захиралардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим бўлади. Табиий захиралардан оқилона фойдаланиш деганда, шу кунгача амал қилиб келинаётган юқори самарали табиат захиралари билан бир қаторда, кам самарали захиралардан ҳам фойдаланиш тушунилади. Бундан ташқари, асосий фойдали қазилмалар таркибида учрайдиган йўлдош унсурлардан ҳам тўла фойдаланиш керак. Илгарилари улар чиқиндиларга ташланар ёки ёқиб, ҳавога чиқариб юбориларди. Дехқончиликда бунга унумсиз ҳисобланиб келган ерларни хўжалик эҳтиёжлари учун яроқли ҳолга келтириш мисол бўла олади.

Мамаражаб Тожиёв 1

Табиат захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш деганда, таёрланаётган маҳсулот учун хомашё, энергия, меҳнат ва сув захиралари сарфини иложи борича қисқартириш ҳамда чиқитсиз технологияларга ўтиш, бунинг имконияти бўлмаган жойда табиий хом ашёни сунъий хом ашёга билан алмаштириш тикланмайдиган захиралардан тикланадиган захиралар турига ўтиш тушунилади. Яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан мутлоқо воз кечиш керак. Йўқса, хомашё, энергия, ускуна, вақт ва инсон умри беҳуда кетади.

Табиат захираларини оқилона ва тежамкорлик билан ишлатиш деганда тайёр маҳсулотлардан авайлаб ва ўрнида фойдаланиш ҳам тушунилади. Чунки улар учун аввалдан табиат захиралари ва кўплаб одамларнинг вақти ва умри сарф бўлган. Меҳнат буюмлари муддатидан олдин эскириб қолишига йўл қўймаслик, улардан фойдаланиб бўлингач, иккиламчи хомашё сифатида қайта ишлашга топшириш керак. Меъёрида овқатланиш, буюмлардан оқилона фойдаланиш ҳам шу жумлага киради. Бунинг учун инсон экологик маданиятга эга бўлиши керак. Экологик маданиятга, ёшларга болалигидан экологик билимларни бериш ва уларга амал қилиб боришини назорат қилиш йўли билан эришилади.

Экологик маънавият билан маданиятни шакллантириш жамоат жойларини, табиат гўшаларини тоза сақлашдан бошланади.

Фан-техника тараққиёти жисмоний меҳнатни енгиллаштирди, шунга яраша саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат унумдорлиги жадал ўсди. Бу жараён буюмларнинг ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг мўллигига олиб келди. Шу тариқа табиатнинг бойлиги туганмаслиги ҳақидаги нотўғри тасаввур пайдо бўлди. Айти пайтда минглаб йиллар давомида шакланган тежамкорлик, сарҳисоблик каби ижтимоий сифатлар йўқола бошлади. Ўйламасдан хўжалик юритиш, фойданинг кетидан қувиш табиатга ва бир-бирига нисбатан шафқатсиз муносабат ўзининг мевасини кўрсатди. Одамлар табиатга ва бири-бирига ҳамон ёвузларча муносабатда бўлмоқда. Инсонда ҳуқуқий ва экологик маданиятни шакллантириш шу куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

/

БАРКАМОЛ АВЛЮДНИНГ МИЛЛИЙ ҒУРУРИ ВА ВАТАНПАРВАРЛИГИ

Чин инсоний фазилатлар миллий ғурур ва ватанпарварликдир. Бунга эга бўлган одамни комил инсон мақомига эришган деса бўлади.

Кишида миллий ғурурни пайдо қилиш учун, биринчи навбатда, унда инсоний ғурур мавжуд бўлиши шарт. Инсоний ғурури бўлмаган одам, Вернон Вульфнинг айтишича, у ўз тараққиёт босқичининг энг пастки поғонасида турган бўлади.

Ўзида ҳақиқий инсоний ғурурни шакллантириш ва ривожлантиришни мақсад қилиб олган одам, авваламбор, Тангри таоло инъом этган ақлни ишга солиб, мен инсонман, мен фикр юрита олиш, кўп нарса ва ҳодисаларни тасаввуримга келтира олиш ҳамда мустақил бир ишни бажара олиш қобилиятига эгаман. Шу нуқтаи назардан мени ҳеч кимдан кам жойим йўқ, деган фикрни ўзига ақида қилиб олиб, бу фикрни ҳар кунда ўнлаб маротаба қайтарса, унда қандайдир ғурур пайдо бўла бошлайди. Бу инсоний ғурур ҳисобланади. Ушбу туйғуни фақат хаёлидан ўтказиб қолмай, уни амалда ҳам қўллаб юриши шарт. Жумладан, мустақил бирор ишни бажариши ёки олдига бир муаммони қўйиб, унинг ечимини мустақил тузиб, амалга ошириши лозим.

Аслида табиатан мустақил фикр юритиш заминидан инсоний ғурур кишида ёшлигидан шакллана бошлайди, фақат уни сўндирмаслик керак. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини ҳали ёш деб, унга мустақил равишда ҳаракат қилишни маълум бир юмушни бажаришни руҳсат бермайди. Бу нотўғри. Болаларни 2-3 ёшлигидан дастёрликка ўргатиб, 4-5 ёшга етганда эса мустақил вазифаларни бажаришга ўргатиб бориш керак. Шунда бола нафақат мустақил ҳаракатлар қилишга ўрганади, унинг тафаккури ўсиб, дунёқарашини ривожлана бошлайди ва бажарган ишидан мамнун бўлиб, инсоний ғурури шакллана боради. Фарзандини ҳақиқий севган, уни келажагини, бахтини ўйлаган ота-она, бола эркини бўғмайди. Гарчи унинг вазифаларни бажаришга интилиши натижасида бўладиган ғимир-ғимири уйдагиларнинг жонига тегса ҳам. Болага эрк беринг. Фақат мустақил фикр юритувчи ва мустақил иш бажарувчи одам чин бахтли ҳисобланади. Ҳамон бу туйғу кимдадир ривожланмай қолган бўлса, биз юқорида берган тавсиялар ёрдамида, албатта,

Мамаражаб Тоҳиев 1

Ўзида инсоний ғурурни пайдо қилиши шарт. Киши ўзининг ниманидир қила олишга қодирлигини ҳис қилса, унда инсоний ғурур пайдо бўла бошлайди. Бирон ишни қойил қилган бўлса, мақтанмасин, урдасидан чиқолмаган бўлса, жаҳли чиқиб, инсоний ғурурини ғайриижтимоий сифатларга айлантириб юбормасин.

Одамда инсоний ғурур бор экан, уни сусайтирмасдан, ҳар куни, ҳар дақиқада ижобий ишларни амалга ошириб, бу ғурурни, ишидаги муваффақиятлар билан озиқлантириб туриш керак. Маълум вақт ўтганидан кейин унинг инсоний ғурури ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айланиб, унда миллий ғурурнинг турғун замани яратилган бўлади.

Ўзида ва фарзандларида миллий ғурурни пайдо қилиш учун ўсиб-улғайиб, яшаб келаётган она тили, урф-одатлари, анъаналарини ҳамда моддий ва маънавий меросини ўрганиши жоиз. Шунда кишида инсоний ғурур заминидан шу миллат вакили эканидан мамнунлик ҳисси пайдо бўлади ва ривожлана бориб миллий ғурурга айланади.

Миллий ғурури бор киши миллатини чин дилдан севиб, унинг равнақи йўлида тинмай фидокорона меҳнат қилади ва миллатини жаҳон ҳамжамияти ичида обрўйини сақлайди. Худуднинг миллий қаҳрамонлари, олиму фозилларини яхши билган ҳолда, уларга эргашиб, ўзини уларга тенглаштиришга астойдил ҳаракат қилади. Тенглашиш қуруқ оғизда эмас, унинг кундалик ҳаракатида ифодаланади. Ўтган алломаю юртда ном қозонган одамларнинг қилган ишларига ижодий ёндошган ҳолда, улар қилган ишга ўз улушини қўшишга ҳаракат қилади. Шу билан у миллат равнақига ҳисса қўшиб, ҳақиқий вакили эканини исботлайди.

Қуруқ сафсатабоз эса яшаб келаётган худудининг урф-одатлари, анъаналари ҳамда уламою олимларини билиб олиб, улар билан фақат мақтаниб юради. Ўзи эса миллат равнақига ҳеч қандай ҳисса қўшмай, фақат миллий ғурури бор кишиларнинг ижодий меҳнатидан, текинхўрларча фойдаланиб юради. Яна мен шу миллат вакилиман, – деб керилиб ҳам қўяди. Бундай сафсата сотувчиларнинг чин миллий ғурурга ҳеч қандай алоқаси бўлмай, улар миллатнинг обрўйини тушириб юрадиган кишилардир.

Одамларда миллий ғурурни шакллантириш учун уларга миллатимизнинг тарихий қаҳрамонлари, олиму фозиллари, авлиёю амбиёлари ва алломаларининг дунё маънавияти, илм-фан ва

маданиятига қўшган ҳиссалари ҳақида тинмайин маълумот бериб бориш зарур. Шунда уларнинг қалбида миллий фахр ҳисси пайдо бўлиб, миллатнинг маънавий ва моддий бойликларини оширишга бел боғлайди. Киши миллатнинг маънавий хазинасини бойитишга ва юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишга киришибтими, билинги, унда миллий ғурур пайдо бўлган. Миллий ғурури бор одам Вернон Вульфнинг тараққиёт босқичларидаги тўртинчи – “ижтимоий”, деган даражага етган бўлади. Шу ерда америкалик руҳшунос олим Вернон Вульфнинг таррақиёт босқичларини инсоний фазилатлар мисолида кўриб чиқамиз.

Инсоннинг фазилатлари ва оламдаги барча нарса ва ҳодисалар олти босқич асосида ривожланар ва токомил топар экан. Қуйида, мисол тариқасида, инсон фазилатлар ривожининг олти босқичини кўриб чиқамиз. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, бу босқичлар фақат кишининг фазилатларига тегишли.

Биринчи босқич – жисмоний. Бу босқичда инсон ўзини ўраб турган моддий оламни ҳис этиб, уни идрок қилади. Бунда киши оламнинг физик хусусиятларини англаб, ўзини тирик мавжудот сифатида кўради. Унда баъзи бир қилиқ ва одатлар пайдо бўлгани билан ҳали фазилат уёқда турсин, турғун бир одат ҳам шаклланмаган. Бу кишининг ёш болалик чоғига тўғри келади.

Иккинчи босқич – шахсий. Бу босқичда одам ўзини ўзи идрок қилиб, ижтимоий сифатларини, ўзининг шахсиятини таний бошлайди. Бунда киши шахс бўлишини ўрганади ва фазилатларга замин бўладиган одатларни эгаллайди. Бу босқич кишининг ўсмирлик даврига тўғри келади.

Учинчи босқич – шахслараро. Бунда инсон тафаккури бошқа кишиларда ўзининг сифатларини ҳис қилиб ва ўзгаларда ўзини кўриб, улар билан дўстона муносабатларга кириша бошлайди. Киши бошқалар олдида ўз маъсулиятини англаб, ўша одамлар ҳаётининг бир қисми бўлишига уринади. Бунинг учун у ўзида яхши фазилатларни таркиб топтиришга ҳаракат қилади. Булар балоғатга ета бошлаган ва балоғат ёшидаги болалар ҳисобланади.

Тўртинчи босқич – ижтимоий. Бу босқичда киши тафаккури, мавжуд “ижтимоий мажму тафаккури”га жалб этилиб, одамларнинг турли жабҳаларида бирга юриб, бирга меҳнат қилишаётганини англаб етади. Бу босқичда киши бошқа ижтимоий гуруҳлар билан

ҳамкорлик қилишни ўрганади. Бу кишининг етук ёшига етганлигидан далолатдир.

Бешинчи босқич – тамойиллар босқичи. Бу босқичда инсон тафаккури табиий ва ижтимоий жараёнларнинг мавжудлигини ҳамда уларнинг кечиш қонуниятларини англаб етиб, уларга суяниб фаолият кўрсатишга ўрганади. Унда, одамлардаги энг яхши ижтимоий сифатларни эгаллаш, уларни фазилат даражасига кўтариш, бошқаларга ҳам бу фазилатларни сингдиришга ҳаракат бошланади. Бу гуруҳга катта ёшдагилар киради.

Олтинчи босқич. Бу босқичда инсон тафаккури ҳаётий тамойилларни англаб етади ва уларни қўллашга ўрганади. Жамият кашф қилган барча фазилатларга эга бўлиб, баркамол шахсга айланади. Бунда инсон коинот билан ҳамоҳанг, бир бутун бўлиб яшайди.

Киши ўзида миллий ғурурни шакллантирмоқчи экан, аввало, руҳи ва танасини пок олиб юриши керак. Чунки ҳар қандай билим, малака, маънавият ва фазилатлар, фақат пок руҳ, тоза тана ва тиник ақлда қўним топади.

Ватанпарварлик – кишининг ўз юрти, ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. У миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқаллашиб келган туйғу, маънавий қадриятларнинг биридир. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақлиги йўлидаги кураш жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туғу жамламасидир.

Ватанпарварлик маънавий меросни ўзлаштириш, юксак миллий ғурурга эга бўлиш, миллий маданиятга ҳурмат билан қараш ҳиссини тарбиялаш орқали вужудга келади. Ўқитувчи ва педагоглар буни яхши билишлари ва шундай буюк вазифани адо этишга тайёр бўлишлари лозим.

Кундалик ҳаёт ва педагогик жараён орқали ватанпарварни шакллантириш учун, энг аввало, аҳолига моддий, маънавий ва маданий мерос ва қадриятларни сингдириш, уларнинг теран мазмун-моҳиятини англаштириш талаб этилади.

Одамларни ўз Ватанининг меҳнат ва жанговор ўтмишига муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўқувчи ва талабалар дарсларда ватанимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини

ўрганадилар, илм-фан, маданиятнинг энг яхши тамонлари билан, меҳнат қаҳрамонлари билан танишадилар. Билим ватанпарварлик ҳис-тйғуларини уйғонишнинг энг муҳим заминидир.

Шу билимлар асосида Ватанга муҳаббат туйғулари таркиб топади ва мустаҳкамланади. Бошланғич синф ўқувчилари баъзан ўз ватанлари тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлолмайди. Уларнинг кўплари ватан деганда ўзлари яшаб турган жой маъносида тушунади. Бундай тасаввур давлат сифатидаги ватан тўғрисидаги чуқурроқ тасаввурни таркиб топтириш учун бошланғич тушунчадир. Ўқитувчилар ўқув материалининг характериға қараб бу ишни турли йўллар билан бажаради.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

ТОЛЕРАНТЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК

Бу фазилат кишининг ижобий ижтимоий сифатларидан бўлиб, ер юзида фаровонлик ва халқаро тотувликни ўрнатиш, умумжаҳон иқтисодиётини тараққий эттириш ва пировардида, дунёда тинчлик ўрнатишнинг асосий омили ва гаровидир. Шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро ва мамлакатлараро бағрикенглик ва инсонпарварлик йўқ жойда, оилаларда можаролар, ижтимоий гуруҳлар орасида тортишув, бошқарув органлари ва фуқаролар орасидаги зиддиятлар ҳамда мамлакатлар орасидаги урушлар тугамайди. Курраи заминдаги барча одамлар толерант ва инсонпарвар фазилатиға эга бўлсалардагина бу муаммолар ўз ечимини топади. Бошқа ҳолларда минтақавий ва оилавий жанжаллар тугамайди, инчунин, ер юзида тинчлик бўлмайди.

Толерантлик ер юзидаги турли миллат ва ирқларға ҳамда динларға мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги, уларнинг бир-бирини тушунишлари ва ўзаро ишончининг замирида ҳосил бўлади. Жаҳондаги барча миллат ва элатларнинг ҳаёт тарзи, қадриятлари, маънавият ва маданиятлари, билим ва технологияларнинг ўзаро сингиб боришининг асосидир.

Чунки ҳар қандай миллий маънавият ва маданият ўзаро таъсир ва алоқаларсиз ривожланмайди. Тарихда объектив ва субъектив

сабаларга кўра, халқаро таъсирдан маҳрум бўлган маданиятларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ ҳаммасининг тараққиёти давомида юзага келган муаммоларни ўзаро таъсири ва маданий алоқаларсиз ҳал этолмаганликлари ҳам маълум. Ўзаро алоқалар аҳамиятини инкор қилишда давом этган маданиятлар умумий тараққиётдан орқада қолиб инқирозга юз тутади.

Маънавият ва маданиятларнинг ўзаро таъсири мураккаб жараён бўлиб, бу жарёнга тортилган томонлар қуйидагиларни ҳисобга олишлари лозим:

маънавият ва маданиятлар ўзаро таъсирининг асосий шарти, уларнинг тенг ҳуқуқлигидир. Ўзаро алоқаларга киришувчи томонлар ўртасида тенглик бўлмас экан, тўлақонли мулоқот ўрнатиб бўлмайди. Иттифоққа кирувчи томонлардаги маънавий ва маданий ривожланиш, тенг ҳуқуқли бўлмаса, бошқа маънавият ва маданият томон оғиб кетиши аниқ;

маънавият ва маданиятларнинг ўзаро таъсир кўлами жиҳатидан этник, миллий ва цивилизациявий даражаларга бўлинади. Этник ўзаро таъсир этносларнинг истиқомат қилаётган минтақаси, моддий, маънавий ва маданиятининг умумийлиги, этноконфессиявий ва тиллар ўртасидаги алоқалар асосида вужудга келади. Миллий даражада, умумий хўжалик фаолияти ва давлат-сиёсий тартиботнинг натижасидир. Цивилизациявий даража, шахслараро ва ижтимоий гуруҳларнинг амалий алоқалардан вужудга келган макон ва замондаги кенг кўламли бирлигидир;

маънавият ва маданиятлар ўзаро таъсирининг самараси дарров намоён бўлмайди, балки бу жараён узоқ вақт талаб этади ва ҳар доим ҳам ижобий натижа билан тугамаслиги мумкин. Зеро, бундан томонлар бир хилда манфаатдор бўлмаса, муносабатлар расмий тус олиб, алоқалар фолклор даражасидан нарига ўтмайди;

маънавий ва маданий алоқалар қанчалик муракаб кечмасин, охир-оқибатда, унинг иштирокчилари учун фойдали. Маънавият ва маданиятлар мулоқот жараёнида ўзининг янги қирраларини очади, ички имкониятларини кенгайтиради. Улар ўртасида маълумотлар алмашинув жараёни юзага келади ва башарий жараёнларга кўшилади;

маънавият ва маданиятларининг ўзаро таъсири ҳар қандай жараёнда бўлгани каби бир қанча босқичлардан ўтади. Ўзаро таъсир дастлабки босқичда одамларда жўшқин таассуротлар,

/

уларнинг истиқболига ишонч туйғуси юзага келади. Лекин тез орада бу жўшқинлик сўниб, ўзга муҳит, ўзга турмуш тарзи ва кадриятлардаги тафовутлар таъсирида тушкунлик билан алмашади.

Толерантликнинг акси миллатчилик, маҳаллийчилик, ирқчилик, корпоративликдир. Булар ва шунга ўхшаш бошқа ижтимоий иллатлар ғайриижтимоий сифатлар бўлиб, дунёда миллатлараро, халқлараро, ирқлараро можароларни ва барча турдаги урушларни келтириб чиқаради. Ер юзиде бўлиб ўтган минглаб урушлар, миллиардлаб қурбон бўлган ҳаётларнинг сабабчиси миллатлараро, ирқлараро можаролар ва уларнинг натижасида келиб чиқувчи урушлардир.

Миллий ғурур фазилат бўлса, миллатчилик, ёмон иллат. Миллатчилик, ирқчилик натижасида дунёда хотиржамлик йўқолади. Бунга шу кунда мисоллар жуда кўп. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган уруш ва низолар бунга гувоҳлик бериб турибди

Айтишимиз лозимки, байналминалчилик ва толерантлик, бу халқларнинг ўзини ўзи англаши асосида, миллий онгинг тараққий этиши ва миллий мустиқиллик ғояси негизида сиёсий мустиқликка эришиш, шу билан бирга, ўзига ўхшаган бошқа миллий давлатлар, динлар, халқлар, ирқлар мустиқлигини хурмат қилиб, улар билан дўстона алоқаларни ўрнатиб, илм-фан ва маданият ҳамда техника соҳасида эришилган ютуқлар борасида ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омиллари хусусида гапирганда, шуни тан олиш керакки, бугун ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки бошқа минтақа ва ҳудудлар билан боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб бормаслигини ҳамма тушуниши лозим. Шу маънода глобаллашув бу аввало, ҳаёт суръатларини беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Ёш авлодда толерантликни шакллантиришда таълим-тарбия омилларининг барчалари: оила, мактаб, олий ўқув юртлири, оммавий ахборот восситалари ва нодавлат жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Чунки худди мана шундай тартибда таълим-тарбия ташкил қилинганда болалар доимо билим олиш, олинган билимларни ўзаро таққослаш, уларни

тажрибадан ўтказиш, бу билимларни ўзгаларга тарғиб қилиш учун зарур педагогик полигон яратилган бўлади. Мазкур тузилма педагогик жараённинг узвийлиги, бир-бирига алоқадорлиги ва бир-бирининг билимларини тўлдириш учун катта имкон яратади. **Инсонпарварлик** – одамларга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, уларни ҳурмат қилиш, кишиларда юксак маънавий фазилатларни таркиб топтириш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий ва маънавий фаровонлигини юксалтиришга ғамхўрлик қилиш демакдир. Бу тушунча инсоннинг қадр, бахти, тенг ҳуқуқлиги тўғрисида, инсонийликни барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида қайғуриш ва ғамхўрлик қилишни ифодалайди. Инсонпарварликка кўра, дунёда энг қимматли нарса инсондир, бутун мавжудот, жамийки борлик инсонга, унинг бахтига ва саодатига хизмат қилиши лозим. Инсон тақдири, унинг манфаатлари, унга ғамхўрлик қилиш. Инсонпарварликнинг асосий ғоясидир.

Инсонпарварлик кишиларда турли миллат халқларига меҳр-муҳаббат ҳиссини таркиб топтиради. Адолатсизлик, тенгсизлик, текинхўрлик, виждонсизлик каби ахлоқ-одобга зид хатти-ҳаракатларга муросасизликни шаклантиради.

Инсонпарвар киши бор кучини бошқалар учун сарф қилади. У доим самимий бўлиб, одамларни завқ-шавқ билан олқишлайди. Кишиларнинг ҳаётига, турли урф-одатлари, эътиқодлари ва интилишларига қизиқиш билан қарайди.

Инсонпарварлик ришталари ҳамиша мустаҳкамланиб бораверсин. Шундагина ҳаётимиз чароғон ва файзли бўлади.

Таълим-тарбия жараёни ҳақиқий инсонпарварликнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурларни уқиб олиш учун болаларга бой материал беради. Дарслик ва бошқа адабиётларни танлашда, уларнинг матнлари кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характери тўғрисида болаларга тўғри тасаввур берадиган қилиб танлаб олиниши шарт. Бундай матнларда тошюраклик, шафқатсизлик қораланиши лозим.

Ўқув жараёни болаларга фан билимлари билангина таъсир ўтказиб қолмайди. Ўқув муҳити болалар ўртасида, шунингдек, таҳсил олувчилар билан ўқитувчи-мураббийлар ўртасидаги муносабатларнинг характери, бола тарбияси учун катта аҳамиятга

эга. Ўқув жараёнида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар болаларнинг феъл-атворига доир билим ва тажрибаларни шакллантиради. Инсонпарварлик руҳида тарбиялаш вақтида бу ҳолатни эътиборга олиш жуда муҳим. Ўқитувчилар болаларнинг руҳиятига аҳамият бериб, уларнинг ҳис-туйғуларига ғамхўрлик қиладиган бўлса, болаларга нисбатан ноўрин талабчан бўлмаслиги, уларнинг жеркимаслиги лозим. Аксинча, ҳар қандай ўқитувчи ва педагог болаларнинг ташаббуси ва фаоллигини сезса, уларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаши ва ривожлантириши шарт.

Катта ёшдаги ўқувчи ва талабаларнинг кичик ёшдаги болаларни ўз оталиғига олиши катта аҳамиятга эга. Мактаб инсонпарварлик руҳида тарбиялаш масаласини ота-оналар билан суҳбатда, улар олдига кескин қилиб қўйиш лозим. Чунки инсонпарварлик ёки худбинликларнинг таг-томири оилага бориб тақалади.

Инсонпарварлик одамларни севиш, уларга меҳрибон бўлиш, саховат кўрсатиш, уларнинг барча муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш бўлса, унинг акси одамовилик инсонларни севмаслик, уларга ёрдам қўлини чўзмаслик, зикналик, молу дунёга муккасидан берилишлик ва бошқа, салбий-ижтимоий сифатлардандир.

Инсонпарварликнинг кўриниши одамгарчиликдир. Туронзамин халқи азалдан жамоавийликка мойил. Биз, тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечоралар, етим-есирларнинг бошини силаган халқмиз.

Одамгарчилик, инсонпарварликнинг ёрқин ифодасидир. Туронзамин халқларининг бу қадрияти кўп асрлар давомида сақланиб келмоқда ва ерли аҳолининг миллий менталитетини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Унинг асосида жамоага суяниш ва жамотчилик фикрини ҳурмат қилиш, ўз маҳалласида тенглар ичида тенг бўлиб миллий урф-одат ва қадриятларига ҳурмат ва эҳтиромда бўлиш, турмуш тарзида ахлоқий меъёрларимиз ва эзгу фазилатларимизга риоя этиш тамойиллари ётади. Бу ижтимоий сифат одамгарчиликнинг, инсонпарварликнинг кўринишидир.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

Мамаражаб Тожиев 2

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ МАРДЛИК ВА ЖАСУРЛИК СИФАТЛАРИ

Инсониятнинг энг гўзал ва жозибадор ижобий ижтимоий сифатлардан бири бу мардлик ва жасурликдир. Бу икки ижтимоий сифат ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Мард киши жасур бўлиб, жасур одам мард бўлиши аниқ. Кўпчилик бу сўзларни синоним сифатида ҳам ишлатадилар. Бундан ташқари, мард деганда, сахий одам ҳам тушунилади. Аслида мард одам жасур бўлади. Бунинг устига, ақлли ва билимли бўлса, нур устига аъло нур. Ақлли, билимли, жасур ва мард кишининг имон-эътиқоди ҳам мустаҳкам бўлади. Баъзида мард ва жасур киши ақлли бўлгани туфайли одамлар бу киши ўзини бошқалардан афзал қилиб кўрсатмоқчи шекилли, деган фикрга бормасинлар мазмунида мардлик тизгинини тортиброқ ҳаракат қилади.

Мард одамнинг дили пок, нияти фақат эзгулик бўлади. Шунинг учун унинг қўли очиқ ва сахий. Билими кўп, ўзи ақлли, сўзи чин одам, ҳеч нарсадан кўркмайди. Чунки унинг тилини қисик жойи бўлмайди. Одамдаги кўрқоқлик ҳис-туйғуси, унинг билими камлигидан ёки гуноҳлари эвазига бўлади.

Шунинг учун киши ўзида мардлик, журъатлилик ва довюраклик ижтимоий сифатларни шакллантирмоқчи бўлса, авваламбор, ўз билимларини ошириши керак. Ўз гуноҳларини бартараф этишнинг бирдан-бир йўли тинимсиз савоб ишларни қилишдир.

Яна мард деб лафзида турувчи, яъни айтган сўзи ва берган ваъдасининг устидан чиқувчи инсон тушунилади. Бу ҳам тўғри, чунки барча яхши фазилатли кишининг виждони пок бўлади. Тоza виждонли инсон ҳеч қачон ва ҳеч вақтда ўзига нопок нарсаларни қабул қилмайди. Ваъдасининг устидан чиқмаслик ва айтган сўзларидан қайтиш ўта гуноҳ.

Марднинг зидди – номардлик. Номард одам айтган сўзида турмайди, берган ваъдасининг устидан чиқмайди, нияти бузуқ, ўзи зикна ва иғвогар бўлади. Қуръони каримда номард кишилар, кўп ҳолларда “мунофиқлар” деган ибора орқали ифодаланган.

Мардликнинг акси кўрқоқлик деб, айтдик. Кўрқоқлик кишининг барча фазилатларни йўққа чиқариши билан бирга, инсон зотига номуносиб бўлган жуда ёмон ижтимоий нуқсондир.

Мард, кўркмас, жасур ва сахий одамни тарбиялаш, болаларнинг ота-онаси, ўқитувчи ва мураббийлари салбий-ижтимоий сифат ҳисобланган: ёлғончилик, кўрқоқлик, зикналик, очкўзлик, қизғончоқлик, сўзида турмаслик каби ғайриижтимоий хислатлардан ўзлари холи бўлишлари лозим.

Инсонга номуносиб одатларни йўқотиш, улардан ўзини асраш баробарида, ўзида мардлик, жасурлик ва шиддалилик каби фазилатларни шакллантириб бориши лозим.

Мардлик ва жасурлик инсон шахсини улуғлайди ва инсонга барча фазилатларни таркиб топтириб юксалтиришга кўмаклашади. Мардлик ғоялари халқ оғзаки ижоди, фалсафа, тарих, адабиёт, ахлоқшунослик, санъатнинг барча соҳалари билан диний манбалар ва тасаввуф таълимотида ўз аксини топган.

Хусусан, “Алпомиш”, “Рустами достон”, “Гўрўғли”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Манас”, “Ғариб ва Шоҳсанам” ҳамда шунга ўхшаш бошқа адабий меросимизда мардлик ва жасурлик фазилатига катта ўрин берилган. Шунинг учун бугун аждодларимиз мардлик намуналарини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни болалар онгига, қалбига сингдириш долзарб вазифалардан биридир.

Б.Зиёмухаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ САБР-ҚАНОАТЛИ ВА САХОВАТЛИ БЎЛИШИ

Бу ижтимоий сифатлар барча кишиларда мавжуд бўлса ҳам, тўлалигича кам учрайди. Баъзилар бу сифатларни ривожлантириб фазилат даражасига етказсалар, бошқалар мақсадга тез эришаман, – деб уни нуфта уруғида қуритиб юборадилар.

Сабр-қаноатли. Инсоннинг умри ҳеч қачон текис кечмайди, кишининг ҳаётида яхши кунлари билан бир қаторда, нохуш воқеалар ҳам бўлиб туради. Тараққиётнинг қатий қонуни бўйича куннинг ярми ёруғ бўлса, ярми қоронғи бўлиши табиий. Шунинг учун ҳаётингизнинг ёруғ палласида эканлигингиздан ҳовлиқиб, доим шундай бўлаверар экан, – деб хомтама бўлманг. Эртанги қоронғи

Мамаражаб Тожиев 2

кунларга тайёр тулинг. Ҳозир омад сизга кулиб боққанда ўзингизни тутиб сабр билан келажакда омадсиз кунлар бўлишини билган ҳолда иш тутиш керак. Ёки айтилганнинг акси бўлиб, умрингизнинг қоронғи палласи кириб келганда, тушкунликка тушиб, шундоқ ҳам қоронғи кунингизни зимистонга айланторманг. Аксинча, сабр-тоқат билан бу кунлар ўтар-кетар, яхши кунлар ҳам албатта келади, – деган фикр билан иш тутинг. Аммо тўқликни енгил осонми ё очликними? Буни билиш қийин. Бир бой-бадавлат оғайним қуйидаги гапни кўп айтар эди: “пулсизликка чидаш осон, чунки бошқа иложингиз йўқ, аммо бойликка чидаш қийин, ёмон йўлга кириб, гуноҳ ишлар қилиб қўйиш хавфи бор. Мен бойликка чидаб юрган одамман”, – дер эди. Ҳақиқатан ҳам, қайси бирига чидаш осону қайси бирига чидаш қийин? Бу катта масала. Бизнингча, ўзини қийнамай ҳаммасига ҳам чидаса бўлади. Муаммо – сабр-қаноат қила олишда ёки қила олмасликда.

Кишининг имони мустаҳкам, ақли расо ва билими кўп бўлса, “дунё ўзи шундай, бир кам, кўп еб-ичиб, шоҳона қийиниб юрсанг ҳам, кам еб-ичиб, оддий қийиниб юрсанг ҳам умринг ўтаверади”, – дейди нодонлар. Агар дунёси унинг ихтиёридан ташқари кўпаяверса, бу бойликларни ночор кишиларга улашиб саховат кўрсатиши ўзига ҳам яхши, бошқаларга ҳам ёрдам бўлади. Шу билан бирга, у дунё ажрига эга бўлади.

Мақсад еб-ичишу яхши қийиниб юриш ҳамда бошқа истемол амалларини кўпроқ бажаришда бўлмаслиги керак. Мақсад имонни мустаҳкамлаб, бу дунёда бахтли бўлиш ва боқий ҳаёт учун кўпроқ савоб орттириш бўлмоғи лозим. Шунда инсон руҳи хотиржам бўлиб, унда ўз-ўзидан сабр-қаноат деган фазилат пайдо бўлади.

“Кам енг, кам ичинг, кам ухланг ва кам гапиринг”, – деган ҳадисни унутманг. Бадавлат бўлиб, яхши еб-ичиб, башанг қийиниб, ҳамда бошқа истемол амалларига эрк бериб, одамларнинг рашқини кўзғатиб юрган одам фақат нафсини етовига юриб, уни кондиришни ўйлайди, холос. Аммо нафсни ҳеч қачон кондириб бўлмаслигини ҳам эсда сақлаш керак. Нафс доимо яна, яна ва яна деяверади.

Агар киши бойлигини турли қинғир йўллар билан орттирган бўлсаку боши ғам-ташвишдан чиқмайди, руҳи ҳаловат топмайди. Давлатингиз кам, ўзингиз камтарин, еб-ичишингиз ва қийинишингиз эл қатори бўлса, дўстларингиз кўп, маҳалла-қуйда обрўйингиз юқори, ҳамма сизни севадиган бўлади. Жамиятда бир-бирини севиш инсон хилқатининг негизиде бўлиб, кимда-ким юртдан ошиб кетмай,

одамларга меҳрли бўлиб юрса, уни икки дунёси обод бўлади. Шунда у ўзини бахтли ҳис қилади

Одамларнинг бир-биридан айирувчи нарса бу ортиқча бойликдир. Ортиқча бойликка эга бўлиб қолмаслик учун, аввало, уни ният қилмаслик керак, иккинчидан, камига қаноат қилиб, сабр-тоқат билан умр кечириш энг яхши яшаш тарзи ҳисобланади. Бу барча илоҳий китобларда ҳам қайд қилинган. Баъзи бир бойваччаларнинг айтишича, бу гаплар қамбағал одамнинг иложсизликдан топган гапи эмас. Булар Аллоҳнинг сўзи ва ҳаётда минглаб маротаба синалган айни ҳақиқат.

Қуръони каримда мўминларни сабр ва қаноатга ундовчи оятлар кўп. “Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (мендан) мадад сўрангалар! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир”.

“Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мевачеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: “Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгучимиз”, – дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Муҳаммад).

“Айтинг: “Сизнинг ҳавойи нафсларингизга эргашмайман, зеро у ҳолда йўлдан озурман ва ҳидоят топгучилардан бўлмай қолурман”.

“Эй мўминлар, ўша донишмандлар, роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақ йўл билан ейдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни босиб уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб “хушхабарини” етказинг! У кунда (қиёматда) ўша (олтин-кўмиш) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилиб: “Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мазасини тотиб кўринглар”, – дейилур.

“Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунча Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас”.

“Парвардигорнинг юзини кўзлаб, (машаққатларга) сабр-тоқат қилиб намозларини тўкис адо этиб ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошқора инфоқ-эҳсон қилган ҳамда ёмонларни яхшилик билан қайтарадиган зотлар – ана ўшалар учун охират диёри борки (у диёрда абадий турадиган жаннатлар бўлиб, улар у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зуриётларидан иборат бўлган солиҳ бандалар билан бирга кирурлар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб (дерлар) “(Аллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу

жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлғай. Бу охират диёри нақадар яхши”.

Сабр-қаноатли бўлиш сирларини бизлар миллий кадриятларимиздан излашимиз керак. Ҳар бир халқнинг ўзи учун эозли, қадрли, қимматли саналган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келган ва ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган. Шундай дурдона кадриятлардан бири халқимизнинг сабр ва қаноатлилиги. Бу кадрият халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, бола-чақаларини тарбиялашда, уларнинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди. Миллий кадриятлар, шу жумладан, қаноатлилик одамларда ижобий сифатларни такомиллаштириш, миллат ривожига тўғоноқ бўладиган иллатларни бартараф этишга хизмат қилади.

Саховатли деган ижтимоий сифат, юқорида тавсифи келтирилган ўн икки фазилатлар хусусиятларини ўзида мужассамлаштирувчи олий даражадаги ижтимоий сифатдир. Бундай сифатни тўла эгаллаган одам такомил босқичининг энг юқори даражасига эришади. Аммо бундай ижтимоий сифатнинг баъзи кўринишлари барча одамларда ҳам мавжуд. Саховатли деганда, қуйида кўриб чиқадиган саховат унсурларини ҳаммасини ўзида йиға олган инсон тушунилади. Бундай киши тўлиқ бахт эгасидир. Саховатли деганда, киши барча бажарадиган ҳаракатларини фақат ва фақат халқ фаровонлиги йўлида амалга оширадиган инсон тушунилади. Шу нуқтаи назардан, саховатнинг тури кўп деса бўлади.

Биринчи тури ва энг юқори даражадагиси ўзидаги бор билимларни бошқаларга ҳеч нарса талаб қилмай улашади. Билим катта бойлик эканини ва уни бошқаларга узатиб беришда жуда катта қувват сарфланишини ҳисобга оладиган бўлсак, саховатнинг бу тури энг олийжаноби ҳисобланади.

Иккинчи тури. Саховатли одам меҳнатини одамлардан аямайди. У ўз хўжалигида иш тўлиб турганда ҳам бир киши ёки жамоа вакили ундан бирон ишни бажариб беришни сўраганида, ўзининг барча зарур ишларини қолдириб, шу кишининг ёки жамоанинг ишини бажаришга, ҳеч иккиланмай киришади. Бажарганда ҳам хўжа кўрсинга эмас, бутун вужуди билан, бор кучини сарфлаб, фидоиларча, мамнуният ила бажаради.

Учинчи тури. Ҳар қандай одам ёки жамоа сахий кишидан қандайдир моддий ёрдам сўраб келса, у бор бисотини сарфласа ҳам,

унинг ҳожатини чиқаради. Саховатли киши аксар ҳолларда, муҳтожликда кун кечиради. Чунки унинг асосий ҳаёт қомуси ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш бўлмай, фақат одамларга фойда бўладиган ишларни амалга оширишдир. У шу ишлардан мамнун ҳолатда яшайди. Ҳақиқатан ҳам, сиздан бировга ё тилингиздан ё кўлингиздан ёки меҳнатингиздан наф текканини билиш, уни ҳис қилиш энг юқори руҳий лазатдир. Бу борада саховат муҳаббат деган энг олий ҳис-туйғу билан тенглашади.

Минг афсуски, кўпчилик, асосан ўз манфаатини кўзлаб яшайди, шунинг учун саховатли кишиларни ўзгача, қандайдир ғалати одам, – деб билади. Чунки у кўпчиликка ўхшамайдида. Бунга мисол тариқасида имом Бухорийнинг отасидан қолган катта бойлигини одамларга бериб тугатганини, ўзи эса ночорликда яшаганини ёки Фёдор Достоевскийнинг “Телба” романи қаҳрамонини мисол келтирсак бўлади.

Баъзида ижтимоий ривожланмай, қотиб қолган кишилар, саховатли одамнинг хатти-ҳаракатига хавотирланиб, ўзининг “қаричи” билан ўлчаб, унга гумонсираб қарашади. Бу одам бекорга саховат кўрсатаётгани йўқ, унинг бир илинжи бор, – деб саховат кўрсатувчининг кўнглига қаттиқ тегадилар. Саховат эгаси нафақати сахий, ақлли, билимли бўлгани учун одамлар хаёлидан ўтаётганини осонгина пайқайди, аммо саховат кўрсатишдан тўхтамайди. Чунки бу хислат унинг ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айланиб кетган. Шунинг учун ҳам ундай одам кўп ҳолларда, тагин одамлар бошқача ўйлаб қолмасин, деган мулоҳазага бориб, яхшиликларни яширинча, пинҳона қилади.

Саховатнинг зидди зикналикдир. Зикна одам ўзида бор бўлган ва ортиб-тортиб ётган нарсасини ҳам бошқаларга раво кўрмайди. Бу хислат инсон камолида хавfli ҳисобланиб, зикна одамнинг бахтиқаро бўлади. Чунки зикнани ҳеч ким ёқтирмайди, ҳурматламайди, инчунин, у билан ҳеч ким ҳисоблашмайди. Бундан ҳам бахтсизлик борми ёруғ дунёда

Ҳаётда “саховат” тушунчаси билан баробар “сахий” тушунчаси ҳам ишлатилади. Бу тушунчалар бир-биридан фарқланмайди. Сахий саховатнинг ҳаддан зиёт юқори шакли, холос. Гоҳо сахийлик хўжа кўрсинга қилинган саховат ҳам бўлиши мумкин. Чин саховат турғун бўлади ва ўз эътиқодини ўзгартирмайди. Сахий одам бир сахийлик

қилиб, бир қилмай ҳам юраверади. Саховатли одам доимо одамларга ёрдам қилади, бу унинг ҳаёт тарзи.

Саховатли фазилатини бошқа фазилатлар қатори ёшлигидан тарбиялаб бориш лозим. Бунинг учун болаларга “сахийлар дунёга подшоҳдур”, – деган маколни доимо эслатиб туриш талаб қилинади.

Умуман олганда, инсондаги олий фазилатларни бир-биридан айри ҳолда тарбиялаб бўлмайди. Болаларга ақлий тарбия бераётганингизда, уларда билим ҳажми кўпайиб боради. Бу инсонда ўзига ишонч ҳисси, яъни имони мустаҳкамланиб боради.

Болаларда сахийлик сифатини тарбилаётганда маънавий меросимиз бўлган дostonлардан, ҳозирги замон бадий адабиёт намуналаридан албатта мисоллар келтиринг. Бугун оммавий ахборот воситаларида саховат ва меҳр-муҳаббат тўғрисида, таълим-тарбия асослари ва бошқа миллий маънавиятимизнинг бойитувчи йўналишлар хусусида фикр юрита бошланди. Демак ҳомийлик қилиш, саховат кўрсатиш, муҳтожларга кўмак беришга одамларни ўргатиш шу куннинг долзарб вазифалардан бири.

Б.Зиёмуҳаммедов, фалсафа фанлари доктори, профессор,
М.Тожиёв, педагогика фанлари доктори, профессор

ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД ОНГИДА БАРКАМОЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Китобимизда “бутунлик” деган тушунча кўп ишлатилган. Биз юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, атроф-оламга синергетика нуқтаи назардан ёндошишимиздандир. **Баркамоллик фазилатларидан бири ўзини маълумотли ва замон кишиси деб ҳисоблайдиган одам, синергетикани яхши билиб олиши лозим. Синергетиканинг қисқача мазмуни қуйидагича:**

Синергетика – оламдаги барча нарса ва ҳодисаларни, ўзаро функционал боғлиқ бўлган унсурлардан ташкил топган бутунликларни шаклланишининг умумий қонуниятларини тадқиқ қилувчи ва барча хусусий фанларга методологик асос вазифасини ўйнайдиган илм-фан соҳаси.

Функционал боғлиқликларни аниқлаш учун уларнинг ўзига яраша усул, услуб ва йўриқномалари мавжуд. Илмий фаолият билан шуғуланувчилар, уларни билиб олишлари шарт. Бир бутунлик деганда фотон, нейрон, атом, молекула, маъдан, маълум бир жонивор, одам ёки табиатнинг бир унсури – кўл, дарё, тоғ ёхуд Ер шари ёки бутун коинотни ҳам тушунса бўлади, улар чексиздирлар. Бутунлик сифатида, техник қурулмалар – иморат, автомашина, станок, компьютер ва ҳоказо ёки уларнинг қисмлари – мотор, ғилдирак, карбюратор ва техниканинг бошқа қисмлари бўлиши мумкин. Шунингдек, жамиятдаги ҳодисаларни ҳам бутунлик сифатида англашилади. Масалан, киши кайфияти, муҳаббат, байрам, таълим-тарбия жараёни, илмий тадқиқот, тўй, савдо-сотик муносабатлари, сиёсат ва ҳоказо. Булар ҳам бутунлик бўлиб, ўзаро функционал боғлиқ унсурлардан ташкил топадилар. Ўқув жараёнини мисол сифатида оладиган бўлсак, бу жараён – “таҳсил олувчилар”, “ўқитувчи”, “техник воситалар”, “ўқув-методик комплекс” ва “ўқитиш усуллари” деган ўзаро функционал боғлиқ унсурлардан ташкил топганини кўрамиз. Булар бир-бири билан функционал алоқага киришганларидагина ўқув жараёни ҳосил бўлади.

Юқорида айтганимиздек, ҳар қандай билимни, тадқиқот йўли билан, бизга илм аниқлаб беради. Илм топган билимлар фанга мулк бўлиб қўшилаверади. Ҳар қандай билимни аниқлашдан мақсад, ундан амалий фаолиятда фойдаланишдир.

Илм. Мажмулар назариясидан келиб чиқадиган бўлсак – **объектив борликдаги бир бутун бўлиб турган нарса ва ҳодисаларни ташкил қилувчи унсурлар орасидаги функционал алоқадорликларни, тадқиқотлар олиб бориш йўли билан, аниқлайдиган инсон фаолият соҳасига илм дейилади.** Илм билан шуғулланувчиларни олим, – деб аталади.

Кўпчилик, туппа-тузук зиёли кишилар ҳам тарихий манбаларга суяниб “илм” билан “билим” тушунчаларини синоним сифатида ишлатадилар. Ваҳоланки, илм янги билимларни топиш учун, тадқиқотлар олиб борувчи фаолият соҳасидир. Мозийга мурожат қилсак, мутаффакирларимиз табиат ва жамиятдаги қонунларни ифодалашда, “билим” сўзини ишлатмай, “илм” атамасини ишлатганларини кўрамиз. Чунки у замонда “илм” ва унинг маҳсули “билим” алоҳида фалсафий категория сифатида ажраб чиқмаган. Жамият тараққиёти, бугун “илм” билан “билим” тушунчаларини адекват талқин қилишни тақозо этади.

Абу Али ибн Сино: “...илм нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишдир”, – деган. Ўрганишни – тадқиқот олиб бориш маъносида тушунилади. Унинг маҳсули билим бўлади.

Соҳасидан қатъий назар, ҳар қандай илм ўз тадқиқотини, муайян бир бутунликка, яъни мажмуга қаратган бўлади. У нарса бўладими ёки ҳодиса қатъий назар, шу мажму унинг **тадқиқот объекти** ҳисобланади. Аммо ҳар қандай мажмунинг бир неча жабҳалари мавжуд Жабҳа деганда, мажмуни ташкил қилувчи унсурлари орасидаги функционал, яъни зарурий алоқадорликларнинг сўз орқали ифодасидир. Ҳар бир жабҳани алоҳида илм тармоғи ўрганади. Шунда бу жабҳа шу илм соҳасининг **тадқиқот предмети** ҳисобланади.

Билим. Бизни ўраб турган бутунликлар, яъни мажмулар, бир нечта унсурлардан ташкил топгани боиз шу нарса ва ҳодисаларни бутунликда ушлаб турган унсурлар орасидаги функционал, яъни зарурий алоқадорликлардир, – дедик. Саноксиз алоқадорликлар ичидан айнан зарурларини бизга илмий-тадқиқотлар орқали мутахассис олимлар аниқлаб беради.

Бутунликни ташкил қилувчи ҳар қандай объект унсурлари орасидаги илм аниқлаган функционал алоқадорликларни киши томонидан англаб етишлик жараёнини “билиш” дейилса, унинг турланмаган кўриниши “билим” дейилади. Бизга у қонун, қоида, атама, тушунча ва таъриф шаклида намоён бўлади.

Фан. *Амалиёт соҳасида етишмаётган билимларни муаммо сифатида белгилаб, шу соҳа илм соҳибларига буюртма берувчи, сўнгра, улар аниқлаган билимларни жамлаб, саралаб, гуруҳлаштириб, амалий фаолиятга тайёрлаб берувчи инсон фаолият соҳасига фан дейилади.* Илмий фаолият билан фан ўзаро узвий боғлиқ бўлгани туфайли муомалада “илм-фан” атамаси ишлатилади.

Илм-фанлар ўрганиш объектига қараб гуруҳларга ажралади: табиий фанлар; ижтимоий фанлар; аниқ фанлар; иқтисодий; сиёсий; техник ва гуманитар фанлар.

Яна муомалада “**ўқув фани**” деган тушунча мавжуд.

Ўқув фани деганда, муайян илм-фанининг ичидан, шу фан соҳибларини, педагог-олимлар ҳамкорлигида таълим олувчилар ўзлаштира оладиган билимларини ажратиб, гуруҳлаштириб, ўқитувчи ва педагогларга, дидактиканинг барча принциплари асосида яратилган билимлар мажмуи бўлган – ўқув дастур ва унинг асосида яратилган дарслик тушунилади.

Амалиёт – бу аниқ шахс, жамоа ёки бутун жамиятнинг муайян эҳтиёжидан келиб чиқиб, табиий ва сунъий унсур ҳамда ҳодисаларнинг қонуниятларини билган ҳолда, уларни мақсадга бўйсундириш йўлида қиладиган тартибли ҳаракат.

Агар амалиётчи бу ҳаракат тартиби (билими)ни ҳамда табиий ёки сунъий унсур ва ҳодисанинг хусусият (билим) ларини билиб эгаллаб олган бўлса, у ўз фаолиятини билиб туриб амалга оширган бўлади. Бошқа ҳолларда ҳаракати зое кетади.

Маърифат, маънавият, қадрият, маданият, санъат. **Маърифат.** Ўрта аср фалсафий фикр тараққиёти Абу Наср Форобий (870 – 950) номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Аристотель (эр. ав. 384 – 3221) дан кейин Шарқда ўз билими, фикр доираси кенглиги билан ном чиқарган йирик мутафаккир Форобийни “муаллим ус-соной” (иккинчи муаллим) дейдилар. Аллома ўз асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, бу

жараёнда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбиянинг махсус тушунчалари, ўқитиш усуллари ҳақида фикр юритади.

Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат, – деб билган. У таълим-тарбияга биринчи бўлиб таъриф берган аллома.

Таълим-тарбия жараёнини, яъни таълим ва тарбия берувчилар (устоз-муаллимлар) ҳамда билим олувчилар (тахсил олувчилар) орасидаги билим бериш – билим олиш майлида кечадиган муносабатларни аллома **маърифат жараёни**, деб таърифлаган. “Маърифат, – қисқа қилиб дейди Абу Наср Форобий, – тарбияланувчининг хоҳиш ва иродасини жамиятга керакли йўналишда бошқариш санъатидир”.

Шу билан бирга, маърифатни “билим”, – деб тушунувчилар ҳам бор. Баҳовуддин Нақшбанд: “...рухий камолотнинг асосий мақсади маърифатли (билимли, *бизнинг изох*) бўлишдир”, – дейди.

Шу кунда *маърифат деганда, аҳолига билим тарқатиш жараёни тушунилади*. Билим тарқатувчи манбалар анчагина. Билимларни эгаллаш қуйидаги йўллар билан амалга ошади: ота-онанинг насиҳати ва уларнинг юриш-туриши орқали, атроф-олам, ўзини намоён қилиши орқали, расмий таълим-тарбия, китоб, журнал ва бошқа босма ахборот манбалари, аудиовизуал мосламалар – радио, теливизор, интернет орқали эгалланилади.

Аслида келтирилган ахборот манбалари – ота-она, таълим-тарбия тизими, нашриётлар, оммавий ахборот воситалари ва ҳоказолар, битта методологик асосдан келиб чиқиб ўз фаолиятларини амалга оширишлари керакли натижага олиб боради. Аммо ҳаётда ота-она ўзининг мақсади ва тассавуридан келиб чиқиб, болага бир хил гапирса, оммавий ахборот воситалари бошқа фикрларни илгари сурадилар; атроф-олам, ҳар бир бола учун ўзгача кўриниш билан ўзини намоён этади; ўқитувчилар ёшларга ўқув дастуридаги билимларни берса, театр, кино, радио, телевизор орқали режиссёр ва лойиҳа раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари узатилади; интернет ва кўча-кўйда ғализ ва сараланмаган фикрлар тарқатилади. Бундай инфармацион бўтқа ичидан ҳақиқий билимни ажратиб олишнинг боларар учун иложи йўқ. Оқибатда тахсил олувчилар қувваи-ҳофизасида фикрлар симфонияси (ҳамоҳанглик) содир бўлмай какофония (уйғунланмаган) фикрлар пайдо бўлади.

/

Бу эса, ёш авлодни руҳан чарчатиб, билим эгаллашларидан бездиради.

Аслида юқорида келтирилган ахборот манбалари ёшларга берилиши лозим бўлган билимларни ўзаро келишган ҳолда, бир методологик асосдан келиб чиқиб ва бир-бирига яқин усуллар ёрдамида бола тафаккурида фикрлар симфониясини ҳосил қилиш йўли билан уларнинг онг-шурига ижобий таъсир кўрсатишлари керакли натижага олиб боради. Бу қийин масала. Аммо буни амалга оширса бўлади.

Таълим-тарбияни амалга оширишда унинг тамойил, қонун ва қоидаларини аниқлаб берувчи илм-фан “дидактика” дейилади. Дидактиканинг барча тамойиллари ва қонун-қоидаларидан келиб чиқиб, ўқув машғулотини амалга ошириш йўлларини, яъни усулларининг қўлланиш тартибини ўқитувчиларга тайёрлаб берувчи илим-фан соҳаси “методика” дейилади. Таълим-тарбиянинг амалиёти бўлган методика ва унинг тарихи билан дидактиканинг биргаликдаги ҳолати “педагогика” фани дейилади.

Шунинг учун ёш авлодга бериладиган таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишга қаратилган кўрсатмаларда ҳамда олимлар қарашлари ва китобларида таълим-тарбия билан жамиятнинг ҳамма қатламлари шуғулланиши шарт деган фикр илгари сурилмоқда. Буни амалга ошириш учун аҳолининг барча қатламлари педагогика, яъни таълим-тарбиянинг сирларни билиб олишлари талаб қилинади.

Маънавият. Инсонни бошқа махлуқотлардан ажратиб турувчи асос, унинг ирсий бирликларидаги ахборотлар билан умри давомида ўзлаштирган билимларидир. Билимларни эгалашидан мақсад уларни амалиётда фойдаланиш экани ҳам маълум. Аммо ҳар қандай одам эгаллаган билимларини бир уринишда ҳаётда қўллай олмайди. Чунки унинг вужудида ҳали бу билимларни амалда қўлаш кўникмаси ҳосил бўлмаган. Эгаллаган билимларни амалиётга қўллаш кўникмасига эришиш учун киши уларни, тарбиячи кўмагида амалда бир неча бор қўллаб кўриши зарур. Киши эгаллаган билимларини амалиётда ўнлаб мартаба қўллаб кўриши натижасида унда **кўникма** ҳосил бўлади.

Кейин киши уларни кундалик ҳаётида бир неча юзлаб мартаба қўллавериши натижасида унда **малака** ҳосил бўлади. Малакани ҳам паст, ўрта ва юқори даражалари мавжуд.

Кишининг аждодларидан унга мерос бўлиб ўтган ва умри давомида эгалаган билимларини ҳаётида кўп йиллар давомида қўллайвериши натижасида улар унинг кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, руҳига сингиб, ҳаёт тарзига айланади. Ана шуни биз “маънавият”, – деб атадик. Шулардан келиб чиқиб, маънавиятга қуйидаги таъриф берса бўлади.

Маънавият – кишининг ирсий бирликлари орқали унга мерос бўлиб ўтган ҳамда ҳаёти давомида эгаллаган фойдали билимлари амалиётда қўлланавериш, кўникма, малака босқичларидан ўтган ва руҳига сингиб, сўз ва ҳаракатларида ифодасини топган ҳаёт тарзи тушунилади.

Маънавиятга берилган ушбу таъриф объектив мавжуд мураккаб бир ижтимоий ҳодисани мушоҳада қилиш, унинг энг муҳим хусусиятини ҳис қилиш ҳамда маънавият мавзуида чоп этилган қатор адабиётларни танқидий таҳлил этиш натижаси ўлароқ вужудга келган.

Китобхон адабиётларда маънавиятга берилган ғализ тушунчаларга берилмай ва бу объектив борлиқ тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлиши учун қатор таърифлар ичидан китоб ва журналлар саҳифасида учраб турадиганларидан бир нечтасини кўриб чиқиб, ўзимизнинг хулосамизни берамиз.

1. Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг таркибий қисми, онги, ақл заковатининг маҳсули.

2. Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, киши унинг воситасида ўзини англайди, жамият, табиат, ўз турмуш тарзи, амалий фаолияти муаммоларини ҳал этади.

3. Маънавият – жамият, миллат ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча.

4. Маънавият – ҳар бир инсоннинг ички руҳияти, ақл-заковати, уни ўзини-ўзи англаш, яхшиликларга, эзгу ниятларга тўла қалби олдинга қараб янги марралар сари онгли равишда фаоллик кўрсата билиш ва интилиш салоҳияти.

5. Маънавият – кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурч, масъулият), илмий*ижодий, амалий малакалар (меҳнат, ижодкорлик, истеъдод, қобилият), диний, мафкуравий қарашларнинг яхлит бирлиги.

6. Маънавият – миллатнинг асрлар давомида шаклланган маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички (ақлий) интеллектуал ва собит ҳиссий дунёси.

7. Маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нур.

Бу аниқламаларнинг еттинчисидан ташқарисини ўқиб, беихтиёр булар ҳаммаси тўғрику-я аммо маънавиятнинг ўзи нима дегинг келади. Айтилганларнинг ҳаммаси баҳолаш категорияси ҳисобланади. Аслида ҳар қандай тушунча таърифи, таърифлар назариясининг қонун ва қоидаларидан келиб чиқиб яратилиши шарт.

Юқорида келтирилган барча фикрларни бир четга суриб, етинчи рақамли таърифга эътиборимизни қаратамиз. Дарҳақиқат, маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нури. Бу мутлоқ тўғри. Аммо нурнинг ўзи нима? Бизнингча, нур – бу билим. Билим инсон қалбига турли манбалардан келганидан кейин амалиётда синалавериб, кўникма ва малака босқичларидан ўтганидан сўнг киши руҳига сингиб, ҳаёт тарзига айланади ва кўнгил кўзгусида нур тарата бошлайди. Ана шу нурни биз маънавият, деб атадик.

Табиат қуёш нури ила тирик бўлгани айтилиши ҳақиқат. Инсон ҳам табиатнинг ажралмас бир унсури бўлганлиги туфайли қуёш нуридан баҳра олади, аммо бу билан у чегараланмайди. Инсон руҳи зиёли одамларнинг сўзидан, сиймосидан, ижодидан таралган билим нурига эҳтиёж сезади. Зеро, ҳам табиий нур, ҳам маънавий нур билан йўғрилган кишигина ҳақиқий инсон ҳисобланади.

Қадрият. *Кишини қуршаб турган нарса ва ҳодисалар муайян шахс ёки ижтимоий гуруҳ ё бир миллат, ёхуд бутун инсоният учун алоҳида аҳамиятга, яъни қадрга эга бўлганини қадрият дейилади.* Қадриятлар моддий ва маънавий деган турларга ажралади.

Моддий қадриятлар деб, кишилар моддий эҳтиёжларини қондириб, ўзига хос хусусиятларига кўра, одамларда тасанно ва завқ-шавқ туйғусини уйғотувчи моддий нарсаларга айтилади. Уларга буюк иншоотлардан тортиб, боғ ва хиёбонлар, антиқа уй-рўзғор буюмларни, зеби-зийнат, турли тақинчоқлар, кийим-кечак, қурол-яроғ ва шунга ўхшаш моддий нарсалар киради.

Маънавий қадриятлар деганда, кишилар маънавий фаолият маҳсули бўлган, билишнинг мураккаб жараёни натижасида юзага келган қарашлар самараси тушунилади.

Туридан қатъий назар барча қадриятларни таърифлашда кишининг руҳий эҳтиёжлари, манфаатлари ва фаолият турлари эътиборга олинади. Маънавийлик бунда моддийликка қарши қўйилмайди, аксинча, улар ўзаро узвий боғлиқдирлар.

Маънавий қадрият инсон ҳаётининг таркибий қисми, унинг меҳнати ва ижтимоий шароитлар туфайли яратилган маънавий нарса ва ҳодисалар орқали намоён бўлади. Бунга мисол қилиб турли-туман байрамлар, миллий урф-одат ва ананалар, чиройли ахлоқ ва одоб намуналари, мусиқа, мўйқалам устаси ижодининг маҳсули, адабиёт ва бошқаларни келтирса бўлади.

Ҳақиқий маънавийлик фақат инсон тафаккуридадир. Нарса ва ҳаракатлар эса унинг фаолият натижаси бўлиб, меҳнат маҳсулотларига, предметли шаклга кўчганидир.

Маънавий қадриятларнинг хусусиятларидан бири тафаккур ва ҳиссиётнинг энг умумий шаклда намоён бўлиши. Маънавий қадриятларни яратишда кўзланган мақсад моддийликни идеалликка “бўйсундириш”дир.

Яна қадриятлар – умуминсоний, миллий, жамоавий, оилавий ва шахсий деган турларга ажралади. Улар орасида ўзаро узвийлик бўлса ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Умуминсоний қадриятлар – бу ер юзидаги барча халқлар учун бирдай қадрият бўлган яшаш ҳуқуқи, билим олиш, меҳнат қилиш, севиш-севилиш, зақланиш, хоҳлаган фаолият тури билан шуғулланиш, ўз фикрини эркин ифода этиш, ўз ҳуқуқларига эга бўлиш ва ҳоказо.

Миллий қадриятлар деб, муайян халқнинг расм-русими, анъанаси, ахлоқ ва одоби, яшаш тарзи, шу халқ томонидан эъзланишига лойиқ байрамлар, иншоотлар, миллий кийимлар, уй-рўзғор буюмлари, рўзғор тутишлари ва бошқаларга айтилади. Мисол учун, туронзаминда яшовчи халқларининг ғайратли ва меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, хушхулқлиги, итоатгўйлиги, мулойимлиги, турли тоифадаги одамлар билан иноқлашуви, кечиримлиги, мулоҳазалилиги, художуйлиги шу худуднинг маънавий қадриятларидир. Бундай ижтимоий сифатлари бор одам миллий фазилатга эга дейилади.

Турон халқларининг миллий қадриятлари сарчашмалари бошқа халқларнинг қадриятларини ўзлаштириш билан боғлиқ. Агар миллий қадриятларимизга назар солсак, туб аҳоли миллий санъати, шеърляти, илм-фани ўтмишда форс, араб, турк, рус, юнон қадриятларидан баҳра олганини кўрамиз.

Жамоа қадрияти. Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, меҳнат жамоасида маълум бир ижтимоий ҳодиса урф бўлган бўлса, уни асраб-авалайдилар. Улар учун булар маънавий қадрият ҳисобланади. Жамоа моддий қадриятларига маҳалласидаги, қишлоғидаги, шаҳаридаги алоҳида бир иншоот, масжид, хиёбон, сайлгоҳ, ҳайкал, азим дарахт ёки боғ бўлиши мумкин.

Шахсий қадрият. Ҳар бир инсоннинг шахсий қадрияти ҳам бўлади. Масалан, ота-онасиндан қолган буюмлар, расмлар, ота ёки онасининг ўтирган жойи, муайян инсонга отасини ёки онасини эслатади. У уша буюм ва жойни кўрса, уларни кўргандай бўлади. Улар шу инсонга қадрли.

Ўзининг миллати, туғулиб ўсган жойининг табиати, уруғ-аймоғи, мактаби, коллежи ва олий ўқув юрти қадриятларини қадрига етмай, фақат умумминсоний қадриятларни тан олган киши космополит дейилади. Космополитизм шу кунда миллатлараро, давлатлараро, ва қитъалараро чегараларни бартараф этишда катта аҳамият касб этмокда.

Маданият. Луғатларда “маданият – жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуи, бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси”, дейилган. Бу рус тилидаги “культура”, яъни етиштириш, тарбиялаш маъносидан олинган бўлиб, конкрет бир жамиятнинг муайян бир даврда эришилган ишлаб чиқариш кучлари ва одамларининг ҳаёт тарзини ифодалайди. Биз бу ижтимоий ҳодисани маънавият сифатида таърифладик. Атамашунослар, ҳудудимиздаги тушунчаларни изоҳлашда рус тилидаги луғатлардан келиб чиққанлар. Ваҳоланки, рус тилидаги тушунчаларни миллий тилдан, миллий ҳаётни ифодаловчи тушунчани рус луғатидан топиб бўлмайди.

Фикримизча, туркий тилдаги “маданият” тушунчаси русчадаги “культура” атамасининг мазмунини бермайди. Рус тилида ишлатиладиган “культура” атамаси асосан тарих ва этнографияда

қўлланиладиган бўлиб, маълум даврда халқнинг ривожланганлик даражасини ифодалайди.

Биз маданиятга қуйидаги таърифни бердик: *инсоннинг ҳаётида эгаллаган билимлари ва тажрибаларига асосланган малакали ҳаракатлари ёинки маҳнат фаолиятининг маҳсули бўлган нарса ва ҳодисалар бошқаларда завқ уйғота олса, уни маданият дейилади.*

Кишининг ҳар бир ҳаракати ёки фаолиятининг маҳсули маданият даражасига кўтарилиши мумкин. Мисол учун, одамнинг юриш-туриши, сўзлаши, рўзғор юритиши ёки меҳнатининг маҳсули, бошқаларда завқ уйғотса, унинг бу ҳаракатлари маданият даражасида эканини билдиради.

Маданиятлилик нисбийдир. Бир замонлар автомашинани ҳайдаш юқори маданият ҳисобланган. Шу кунда у ҳеч кимни завқлантирмайди.

Санъат. Ўтиб кетган нарса ва ҳодисаларни шу кунда тиклаб, атайин одамларда завқ уйғотиш билан шуғулланувчи фаолият турлари мавжуд. Уларга бадий адабиёт ва санъат киради. Бадий адабиётнинг бир қанча жанрлари бўлгани каби санъатнинг ҳам бир қатор турлари мавжуд. Улар киши қалбига таъсир этиб, уни руҳлантиради. Бу билан руҳий озуқа бериб, кўнгилли дам олишга хизмат қилади. Шулардан келиб чиқиб санъатга қуйидаги таърифни берамиз: *одамларни қачонлардир завқлантирган нарса ва ҳодисаларни шу кунда сунъий равишда тиклаб, бугун яшаётган кишиларни завқлантирувчи инсон ижоди ва меҳнатининг маҳсули санъат дейилади.*

Санъат ва маданият узвий боғлиқ бўлиб, бири-бирини тақозо этади. Санъаткор бўлиш учун алоҳида қобилият керак бўлса, маданиятли бўлиш учун кишининг хоҳиши ва саъй-ҳаракати кифоя.

Иқтисодиёт, социология, сиёсат, таълим ва тарбия.
Иқтисодиёт. Бахт кишининг ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган мақсадларига эришганидаги мамнунлик ҳолати экан, инсон бахтли бўлиши учун, табиий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида табиат унсурларини қайта ишлайди. Бу ҳолат инсонни бошқа махлуқотлардан, иккиламчи бўлса ҳам, ажратиб турувчи хусусиятларидан биридир. Шундай экан, у табиатдаги тупроқ, дарахт, ўсимлик, пахта, ҳайвон, сув, ҳаво, тупроқ, маъдан ва бошқа табиий ҳамда сунъий унсурларни ўз

/

эҳтиёжига мослаб қайта ишлайди ва истеъмол қийматига эга маҳсулотларга айлантиради. Бу ишлаб чиқариш дейилади.

Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш учун албатта сармоя; табиий ёки сунъий хомашё; унга таъсир этувчи меҳнат қуроли; энергия манбаи; мутахассислар; технологиялар; менежерлар ҳамда бошқа бир қанча касб эгалари ва йўлдош нарсалар зарур бўлади.

Ишлаб чиқаришда иштирок этувчи бундай унсурлар ўзаро функционал муносабатга киришиб, ишлаб чиқариш жараёнини ҳосил қиладилар. Уларнинг биргаликдаги ҳаракати натижасида истеъмол қийматига эга маҳсулотлар яратилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун инвестиция билан таъминловчи банклар; кўплаб ишлаб чиқарилган маҳсулотларни асраб-авайлаб сақловчи омборлар; маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш учун транспорт воситалари; сотиб берувчи савдо тармоқлари; пулни йиғиб ишлаб чиқаришга қайтарувчи банклар ва бошқа бир қатор муассаса ва корхоналар талаб қилинади. Буни бизга **иқтисодиёт илми** маълум қилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағ фойда билан қайиб келишигача бўлган жараёнда бир неча – ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва ҳоказо босқичлар мавжуд эканини кўрдик. Бу жараённинг ҳар бир босқичи ўзига яраша хўжалик ҳисобланади. Уни жамоа хўжалиги дейилади.

Ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш, пулини ишлаб чиқаришга қайтариш жараёнларнинг бир бутунликдаги ҳолати тармоқ хўжалиги дейилади.

Инсоннинг ҳаёти тўлақонли ўтиши учун жуда кўп турдаги маҳсулот ва хизматлар яратилиши талаб қилинади. Муайян бир ҳудудда бир қатор тармоқ хўжаликлари мужассам бўлиб, уларни баб-баробар ривожлантириб борувчи иқтисодий ҳодисани ҳудуд хўжалиги дейилади. У туман, шаҳар, вилоят ёки давлат хўжалиги бўлиши мумкин.

Битта хўжалик иқтисодини самарали йўл билан олиб бориш фаолиятини амалга оширувчи иқтисоднинг ўз қонун ва қоидалари мавжуд. У **микроиқтисодиёт** дейилади.

Тармоқ хўжалигини тўғри йўлдан олиб боришни тармоқ иқтисодиёти – **мезоиқтисодиёт** амалга оширади

Ҳудудий хўжаликлар мажмуини тўғри ташкил қилувчи фаолиятни **макроиқтисодиёт** дейилади.

Давлатлараро бўладиган иқтисодий муносабатларни **жаҳон иқтисодиёти** ўрганади ва уни амалга оширади.

Социология. Жамият ижтимоий бир бутунлик бўлиб, ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий гуруҳлардан ташкил топган. Улар шартли равишда бир вақтнинг ўзида горизонтал ҳамда вертикал бўйлаб жойлашган гуруҳларга ажралади.

Горизонтал – ёйиғи бўйлаб жойлашганларини, миллатига қараб: туркманлар, тожиклар, ўзбеклар, қозоқлар, руслар ва ҳоказо; жинсига қараб: аёллар, эркаклар; ёшига қараб: ёшлар, катта ёшдагилар, ёши улуғлар ва қариялар; касбига қараб: олимлар, ўқитувчилар, деҳқонлар, касиблар, қассоблар, муҳандислар, темирчилар, кўмирчилар, ва ҳоказо гуруҳларни ажратса бўлади. Улар жуда кўп, қанча касб-ҳунар бўлса шунча ижтимоий гуруҳ мавжуд. Бундай ётиғи бўйлаб жойлашган, яна талай гуруҳларни ажратса бўлади – диний эътиқодига қараб, дам олишига, спорт билан шуғулланишига, терисининг рангига, нарса ва воқеаларга бўлган қизиқишига қараб ва ҳоказо.

Шахслараро ва ижтимоий гуруҳлар орасида бўладиган муносабатларнинг кечиш қонуниятларини ўрганувчи илм-фан ва амалиёт социология дейилади.

Сиёсат. Жамиятда яна вертикал жойлашган ижтимоий гуруҳлар мавжуд, – деб айтилди. Улар иккита йирик гуруҳга, яъни синфга ажралади – бошқарувчи ва бошқарилувчиларга. Улар қонун олдида тенг бўлсалар ҳам фаолиятида тенг эмас. Бири бошқарса, иккинчиси уларга бўйсунди. Бошқарувчи гуруҳ яна ҳоким гуруҳлар дейилади. Бошқарувчиларга, юқорида келтирилган горизонтал жойлашган барча гуруҳлар киради.

Бошқарувчи ёки ҳоким гуруҳлар, – деб, жамиятни бошқаришга қурби келадиган, шунга яраша қобилияти бор, бошқарув назариясини чуқур билиб, уни ҳаёт тажрибасида бир неча бор синаб, ўз маънавиятига айлантириб улгурган кишиларга айтилади. Шу билан бирга, бошқарувчи шахсдан, бошқариладиган жамиятни сиртидан эмас, ичидан яхши билишлигини ҳамда ўзининг манфаатини бошқараётган гуруҳлар манфаатларидан пастроқ қўйиш талаб қилинади. Яна улар бир қатор қўшимча фазилатларга эга бўлишлиги лозим. Буларга – ниятининг поклиги, ташқи қиёфаси, муомала маданияти, тўғри сўзлиги, адолатлилиги,

ҳалоллиги, нутқи равон, дилбар, кечиримлилиги ва бошқа бир қатор ижобий инсоний фазилатлар киради.

Жамият бошқарувининг тамойил ва қоидалари мавжуд. Бошқариш билимларини ўрганувчи ва бошқаришни ўзига касб қилиб танлаганларга ўргатувчи илм-фан соҳаси **сиёсатшунослик** дейилади. Давлат ва жамият сиёсат орқали бошқарилади.

Сиёсат – *бошқарув органларининг фуқаро ва ижтимоий гуруҳлар билан уларни тинчлик ва фаровонлик томон бошлаш мақсадида олиб бориладиган, адолатли муносабатлар*. Адолатсиз ва бир томонлама муносабатлар зулм ҳисобланади.

Умуман, сиёсат деганда, муносабат тушунилади ва юртни фақат тинчлик ва фаровонлик томон бошлаш мақсадида қилинадиган муносабатлар кўзда тутилади. Луғатларда бу тушунчага ниҳоятда ғализ таърифлар берилган. 1981 йили Москвада чоп этилган Энциклопедик луғатда: “Сиёсат деганда, ҳокимиятни қўлга киритиш ва уни сақлаб қолиш мақсадида қилинадиган синфлараро ва бошқа ижтимоий гуруҳлараро муносабат тушунилади”, – дейилган. Бундай муносабатларни социология ўрганади, – деб юқорида айтдик. Бу ерда бошқарув тўғрисида сўз ҳам юритилмаган. Ваҳоланки, сиёсат бу бошқарув билан боғлиқ.

Таълим ва тарбия. *Муайян илм-фан ичидан сараланиб олинган билимлар жамулжам бўлган ўқув фани ёрдамида дидактиканинг барча принциплари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор педагогик усул ва услублар ёрдамида таҳсил олувчиларга, уларнинг фаол иштирокида турли билимлар етказиб бериш жараёнини таълим дейилади.*

Таълим турлари кўп: ахлоқ ва одоб талими; табиий билимларни бериш; диний таълим; техник таълим; касб-ҳунар таълими; сиёсий таълим; ҳуқуқий таълим ва ҳоказо.

Тарбия – кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг уч хил талқини мавжуд: 1. Болани боқиб, вояга етказиш, 2. Парвариш-қаров. 3. *Таълим орқали олинган билимларни амалиётда қўллашга ўргатиш*. Педагогикага унинг учинчи талқини тўғри келади. Кўпчилик тарбия деганда, фақат ахлоқий тарбияни тушуниб қолган. Бу унча тўғри эмас. Таълимнинг тури кўп бўлгани каби тарбиянинг ҳам тури кўп. Таълимда таҳсил олувчиларга назарий билим берилса, тарбия орқали уларни амалда қўллашга ўргатилади.

Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Аввал билим берилади, сўнг бу билимларни амалда қўллашга ўргатилади. Таълим (билим) бериш, шу жумладан, ахлоқий билимларни беришдан мақсад бу билимни амалда қўллашга ўргатиш. Абу Наср Форобий “*таълим – ўқитиш тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия – назарий билимларни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур хулқ ва амалий малакаларни ўргатишдир*”, сўнг “*таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади, тарбия эса амалий иш тажриба билан*”, – деган.

М.Тожиев, педагогика фанлари доктори, профессор.

Б.Зиёмухаммедов фалсафа фанлари доктори, профессор

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ КРЕДИТ МОДУЛЬ ТИЗИМИГА ЎТКАЗИШ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимидаги ислохотлардан бири таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтказиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида “олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш” бўйича топшириқ берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида эса “олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади”, – деб қатъий масалани кун тартибига қўйдики бу эса олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш ва Болония декларациясига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши учун шарт-шароит яратиш учун аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Бунда асосий эътибор олий ўқув юртларида муайян фанлар бўйича талабалар олаётган билимларини умумлаштириш, ўқув жарёнларини ва ўқув фан дастурларини таққослаш ва тенглаша оладиган этиб тайёрлаш лозим. Бу ўринда Европа мамлакатлари

томонидан қабул қилинган Болония декларацияси аҳамиятга моликдир. Болония декларацияси дунёда ягона таълим тизимини яратиш ва таълим сифатини баҳолашнинг ягона мезонлари, синов бирликларини яхлит тизимга бирлашишини назарда тутди. Болония декларациясининг асосий мақсади – ягона умумлаштирилган кадрлар тайёрлаш, баҳолаш, ягона таълим ҳақидаги ҳужжатларни олиш имкониятини яратиш (ягона умумевропа диплом иловаси) ва ўқитишнинг кўп поғонали тизимини яратишдир.

Таълимнинг кредит ситемаси (credit-hours system) – мустақил таълим олишга қаратилган ва индивидуаллик асосда билимни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда лойиҳалиштириб, таълим йўлини танлаш ва кредитлар асосида билим ҳажмини белгилайди. Кредит (Credit, Credit-hour) – барча академик даврда меҳнат юкламасига мос талабанинг ўқув ишлари ҳажмини ўлчаб берувчи ўзига хос бирликдир. Умумий қабул қилинган таълимнинг кредит-модуль технологиясининг ўзига хос томонларидан бири халқаро умумтаълим стандартларига мос келиши ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш муаммолари, жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган универсал таълим дастури, академик эркинлик ва ўқув дастурларини вариативлигидир. Талабаларда хорижий давлатлар университет таълим даражасига эркин кириш имкониятлари вужудга келади, бакалавр ва магистратура битирувчиларини барча давлатда ишга жойлашиш ҳуқуқлари пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш олий таълим тизимида объектив аҳамият касб этади. Республика олий таълим муассасаларида ўқитишнинг кредит-модуль технологиясини жорий этиш миллий таълим тизимини ислоҳ қилишдаги жаҳон тенденцияларига асосланишига олиб келади. Таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бирламчи вазифаларидан бири янги ўқитиш ва рақамли технологияларини жорий қилиш таълимни ахборотлашгани бўлиб, замон талабига мувофиқ таълим бериш жараёнининг қуйидаги икки таркибини кескин ўзгартириш лозим бўлади: биринчидан, дарс бериш технологиясини; иккинчидан эса, ўқув маълумотларини рақамли технология имкониятларидан фойдаланган ҳолда тақдим этиш шакллари.

Ўзбекистон олий таълим тизимининг кредит-модуль таълим ситемасига ўтишнинг устувор томонлари қуйидагилардан иборат:

олий таълим соҳасида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан муносабатлари кенгайтирилади;

жаҳон таълим соҳасидаги изоляция хавфи бартараф этилади;

Европа мамлакатларидаги талабалар, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларни фикр алмашиш истикболлари кенгайтирилади;

хорижлик талабаларга таълим хизматларини кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилади (Ўзбекистон олий таълимининг экспорти);

янги ўқув технологиялари, ўқув жараёни лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнини ташкил қилишнинг оқилона шакллари қўллаш ва таълим ва ўқитишнинг сифатини кескин оширилишига олиб келади;

меҳнат бозорининг талаблари ҳисобга олинади.

Натижада, улардан:

олий таълим тизимининг кўп босқичли тизими шаклланади;

профессор-ўқитувчи ва талабаларни академик мулоқоти таъминланилади;

дипломга ягона европа иловаси бериш йўлга қўйилади;

олий таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш жаҳон тажрибалари асосида шаклланади.

Ўқитишнинг кредит-модуль технологиясини қўллаш орқали ўқув жараёнини ташкил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўзига хос билимлар ҳажмини бирлаштириш;

таълимни максимал индивидуллаштириш учун ва тренинглар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш;

барча фанларнинг ўқув машғулотлари лойиҳаларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

талабаларнинг мустақил ишларини ўрни ва самарадорлигини кучайтириш;

талабаларнинг самарадорлик жараёнини рақамли технология имкониятларидан фойдаланиб, назорат қилиш асосида таълимдаги аниқ ютуқлар вужудга келиши.

Кредит-модуль таълим технологиясининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

талабалар ва ўқитувчилар иш сифатини баҳолаш учун кредитлар тизимини жорий қилиш;

ишчи ўқув режага киритилган фанларни эркин танлаш ҳуқуқи, бу бевосита талабаларнинг индивидуал ўқув дастурларини шакллантиришда иштирок этиши;

таълимнинг аниқ йўналишини танлашда таълим жараёнига маслаҳатчиларни жалб қилиниши, талабаларнинг таълим йўналишини танлашда кўмаклашиш;

талабаларнинг таълим ютуқларини назорат қилишда самарали методлар, ҳар бир илмий ютуқларни баҳолаш учун балл-рейтинг тизимидан фойдаланиш;

ўқув жараёнини барча зарур ўқув ва услубий материаллар билан таъминлаш;

ўқитувчининг талабалар томонидан танлаш эркинлиги, агар университетда ёки маълум бир жойда ўқитувчи мавжуд бўлса;

талабанинг мажбурий дастурни ўзлаштиришда мустақил таълимни фаоллаштириш ва интерактив усулни кенг қўлланилиши;

барча ўқув материалларини рақамли технологияга киритиш;

ўқув жараёнини барча муҳим ўқув ва методик материалларини электрон ва қоғоз вариантлари билан таъминланиши;

Кўп босқичли олий ва олий таълимдан кейинги тизимда (бакалавриат – магистратура – докторантура) умумийдан шахсий, аввало, инсон маълум бир йўналиш бўйича кенг билимни эгаллайди, сўнгра ихтисосликка йўналтирилган алоҳида ўқув дастурлари орқали тор мутахассисликка ўтади.

Бундай тизим таълим ғояси ва методикаси нуқтаи назаридан талабада бутун ҳаёти давомида шахслараро муносабатларда кўникма ва малакаларини шакллантириш имкониятини яратади. У билим олишнинг аниқ қўлланилишини таъминлайди.

Университет таълимига мос кўп босқичли тизим, асосий мақсад кенг саводли, янги ғоя ва ечимларни давом эттирадиган, касбий юқори талаблар мавжуд шароитларда ишлайдиган инсонларни тайёрлашдир.

Таълим мазмунини яхшилаш учун барча даражаларга кўра таълим соҳаси давлат таълим стандарти ва таълим йўналишлари малака талабларини такомиллаштириш ва уйғунлаштириш, инновацион таълим технологияларни жорий қилишни ҳисобга олган ҳолда ўқув режаси ва фан дастурини янги авлодини ишлаб

чиқиш лозим. Олий таълим тизимида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича ўқитишда қуйидаги имкониятларни беради:

ўқув фан дастурлари халқаро талабларга мос келтирилади ва таълимнинг турли босқичларида ўзаро боғлиқлиги яратилади;

ўқув фан дастурларини меҳнат бозорига мослаштирилади;

Таълим соҳаси давлат таълим стандарти ва таълим йўналишлари малака талабларини компетентлик модели қўлланилади;

ягоналаштирилган ўқув режа ва фан дастурлари туфайли талабаларнинг мулоқотчанлигини кучайтирилади;

талабаларни фан дастурларни танлашда академик эркинликни тақдим этилади.

Дунё ривожланган давлатларининг олий ўқув юр்தларини тажрибасида олий таълим муассасаси битирувчиларни таъминлайдиган тизим вижудга келган. Айнан шу тамойилларга академик даражаларнинг бутун системаси жавоб беради: яъни бакалавр – магистр – фалсафа доктори (PhD).

Болония жараёнининг концепциясига кўра танлов бўйича мажбурий курслар мувофиқлиги ўзгаради. Бугунга келиб Болониядан кейинги таълим майдонида қуйидаги мувофиқлик 30%-70%ни ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, таълим соҳаси давлат таълим стандартига кўра, агар 1-босқичда танлаш компоненти 30-40%ни ташкил қилса, 3-4-босқичларда танлаш компонентининг ҳажми 60-70% га ошади. Бу эса, олий таълим муассасаларига ўқув фан дастурларини такомиллаштиришга, турли долзарб фанлар ва меҳнат бозорининг ҳудудий талабларини ҳисобга олиш имконини беради. Кейинги тараққиёт таълим хизмати сифатини назорат қилиш системасини ўз ичига олади. Давлат аттестацияси лицензиялаш жараёни такомиллаштирилади. Таълим сифатини назорат қилишдан таълим сифатини таъминлаш системасига, яъни унинг асосий воситаси бўлиб, таълимни ташкил қилиш аккредитациясидир.

Таълим кредит технологиясини жорий қилишни ўрганишдаги таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, турли дунё мамлакатларида ўзига хос бўлган хусусиятлари мавжуд. Таълим кредит технологиясининг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги кўпгина дунё мамлакатларининг таълим тизимида кенг тарқалганида

/

кўринмоқда, чунки таълим дастурлари йўналишларининг тараққий этиши талабаларни билимни мустақил ўзлаштириш ва мустақил иши ижодий фаолият даражасини оширишга имконият яратади, демак таълим сифати тўлиқ ошади.

Шу тариқа таълим кредити технологиясини жорий қилиниши шартли кадрлар таркиби, ўқув-методик, моддий-техник таъминланганлик базаси, ва энг асосийси, талабанинг ўзи ва унинг ўқишга бўлган муносабатига нисбатан юқори талабларни кўяди. Таълим кредит-модуль технологиясида талабаларнинг мустақил таълимига бўлган талабини кучайтиради.

Таълим-кредит технологияси жорий қилинган олий таълим муассасаларида академик эркинлик асосий афзалликларидан бири деган хулосага келинди: талабалар профессор-ўқитувчиларни танлаш имконияти билан ўз таълим доирасини шакллантиради. Таянч ва ишчи ўқув режаси билан бирга уларнинг ўқув жараёнини ташкиллаштирийдиган ва таълим мазмунини аниқлаб берадиган талабаларнинг шахсий ўқув режалари (ИУП – Curriculum) жорий қилинади.

Таълим кредити технологиясига ўтишда тайёргарликнинг асосий тамойилларидан бири бу аттестация талабларидир.

Бироқ таълим кредити технологиясини жорий қилиниши кутубхона, АРМ фонди, (нафақат қоғоз китоблари, балки электрон китоблар); матбуот базасини кенгайтириш орқали ҳар бир талаба ўқув фанлар мажмуалари билан ўз вақтида таъминланади, компьютер базаси ва технологияси талабага on-line режимида рўйхатдан ўтиш ва ўқув материалларни олиш имкони пайдо бўлади. Таълим кредити технологиясини жорий қилиш профессор-ўқитувчилар жамоасининг даражасига боғлиқ. Мазкур технология халқаро таълим тажрибасида кенг қўлланиладиган ўқитишнинг фаол методлари жорий қилинади. Ўқув жараёни фақатгина билим бериш эмас, балки талабаларнинг амалиётда малака ва кўникмаларни эгаллашга қаратилган бўлиши керак. Шунга боғлиқ ҳолда кўпгина ўқитувчилар вақт тақозоси билан эски методлардан воз кечишларига тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хорижий мамлакатлар олий таълим тизими ривожланишидаги кредит таълим системасини Ўзбекистон олий таълим тизимида жорий этилиши қуйидаги афзалликларга эга:

мутахассисларни жаҳон стандартлари даражасида тайёрлаш имконияти;

ўқув жараёнини тезкор ва эгилувчан тарзда режалаштириш;
аудиторли ва мустақил ишлаш орасида оптимал муносабат ўрнатиш;

ўқувчида мустақил таълим олишга ва мустақил ривожланишга кўникма ҳосил қилиш;

талабаларнинг билим олишда уларга мустақил ижодкорона ёндошиш малакасини ва истагини сингдириш;

кредит ва дипломларни икки томонлама тан олиш, талабаларга дарс беришни ҳамкорликда ташкил этиш.

Ўқитишнинг кредит технологияси истиқболлилиги:

миллий таълим тизимини халқаро миқёсда “шаффоф” даражасига эришиш (мақсад – одамларга ўзига қулай бўлган шароитда таълим олишга имконият яратиш);

исталган миллий таълим тизимлари билан киришимли бўлиш;

олий таълимнинг ҳамма турларида қўлланилишига эришиш (кундузги, сиртки, масофали таълим);

индивидуал ўқув режасини шакллантиришда ҳар бир талабанинг шахсий иштироки;

ўқув режасида келтирилган фанларни эркин танлаш;

ўзлаштиришни баҳолашда балли тизимдан фойдаланиш.

Галдаги вазифа, кредит таълим системасини меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-услугий нормативларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ишончимиз комилки, агар олий таълим муассасалари босқичма-босқич ўқитишнинг бу тизимига ўтилиши республика олий таълим тизими ривожланишида ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлади.

М. Тожиев, педагогика фанлари доктори,
профессор, Халқаро педагогика фанлар
академияси мухбир аъзоси

КАСБ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ – ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН БИРИ

XXI аср бошларида рўй берган кўп фалокатларнинг сабаби техниканинг ўзидагина эмас, балки касбий омилкорликнинг етишмаслигида ҳамдир. Бундай муаммоларни ҳал этишда таълим ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жамият ҳаётида рўй бераётган ҳозирги ўзгаришлар таълим тизими олдида янги муаммоларни кўймоқдаки буларга нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш муаммоси долзарб қилиб қўйилмоқда.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги «Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида кўзланган вазифалар ҳамда Республика Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Давлатимиз мустақллигининг 31 йиллигига бағишланган байрам табиригида бешта асосий йўналишни кўрсатиб берди. Биринчиси, “Таълим соҳасида энг қулай шароитлар яратиш. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади, мактаблар қуриш, устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилади”, – деб таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган педагог ва профессор-ўқитувчилар қаторида, бизнинг Меҳнат бозори тадқиқотлари институти илмий-тадқиқотчилар жамоасига ҳам дастуриламал қилиб устувор вазифаларни белгилаб берди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги меҳнат бозори ва меҳнат муносабатлари, касбий малака ва билимларни ривожлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меъёрлаш, инсон капитали, ҳаёт давомида таълим олиш ва профессионал таълим мазмунини модернизациялаш асосида меҳнат соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, бунинг учун таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи таълим технологияси ва унинг тамойиллари асосида ўқув материаллари лойиҳаларини тузиб чиқиш ҳамда уни амалиётда қўллаш масалалари куннинг асосий вазифаси сифатида кўрилмоқда.

Таълим-тарбияни самарали ташкил қилиш учун янгиланаётган таълим жараёни, унинг кредит-модул системасига сифат жиҳатдан тез мослашиш учун объектив асос юзага келди, чунки иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги инновацион жараёнлар ўз-ўзидан таълимда ҳам туб ўзгартиришларни тақозо этмоқда. Ҳеч бир ўқитувчи эртамикечми бу жараёндан четда қолиши мумкин эмас. Ўқитувчининг анъанавий иш усуллари фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ёки ўқитишни компьютерлаштириш сифатларини ўзлаштириш зарурий эҳтиёжининг туғилишида объектив омил бўлиб қолмоқда.

Биламизки, узлуксиз таълим тизимининг бирламчи асоси ва педагогларнинг фаолият олиб бориш жойи ўқув машғулоти, яъни дарс – энг зарури масала ҳисобланади. Айни пайтда барча таълим муассасаларда яхши деганда, ота-боболаримиздан қолган усулда, ҳақиқатда эса педагогнинг касбий тайёргарлик ва шахсий тарбияланганлик даражасидан келиб чиқиб, ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Таҳсил олувчиларга билимларни замонавий педагогик технологиядан фойдаланиб етказиб бермоқдамиз, – деган гапларнинг тагида етарли асос йўқ. Бугун педагогик технологиядан профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш жараёнида фойдаланаётгани даражаси баҳслидир. Буни тадқиқотларимиз кўрсатмоқда.

Ўқув машғулотини охиригача талабалар эътиборини сақлаб, фан дастури(силлобус)да кўрсатилган билимларни ва ёш авлод руҳига сингдирилиши шарт бўлган миллий фазилатларни ҳар бир педагог ўзининг ҳаёт тарзига айлантириши лозим. Шу билан бирга, ушбу билим ҳамда фазилатларни ёшларга етказишда дидактиканинг 6 принципи ва 30 дан ортиқ қоидаларига риоя қилиб, бир қатор анъанавий, ноанъанавий ва 200 дан ортиқ интерактив усуллардан, мавжуд информацион-коммуникация технология ва дидактик материаллардан фойдаланиб, ўқув машғулотини ташкил қилиш керак. Бу вазифани ўта иқтидорли педагог ҳам амалга ошира олмайди. Бажариб бўлмайдиган ишни қандай қилиб бажариш мумкин?, – деган саволга, мумкин, – деб жавоб берамиз. Ушбу жараённинг энг асосийлардан бири, таълимни ташкил этишнинг жаҳон стандартларига мослаштирилиши, яъни таълимнинг “кредит-модуль” системасига ўтилиши ҳамда унинг асоси бўлган “касб ва лавозим

стандарт”ларининг ишлаб чиқилиши ва унга давлат таълим стандарти, малака талаблари ҳамда ўқув дастур(силлобус)ларни мослаштириш, уларни амалда жорий этишнинг асосий йўли сифатида дунё педагоглари, бу муаммо устида тадқиқотлар олиб бориб, уни йўлини топганлар ва “таълим технологияси, унинг тамойиллари асосида ўқув материалларини лойиҳалаш” деб номлаганлар.

Шунинг учун улар қўллаётган таълим технологиялардан фойдаланиш лозим. Аммо қарийб 20 йил мобайнида четдан ўрганилган қатор таълим технологияларни педагогларининг биронтаси ҳам фаолиятига мукамал қўллай олмаяпти. Сабабини аниқласак, хориждан келтирилган педагогик технологиялар ҳудудимизга мослаштирилмаган. Бироқ профессор Бўри Зиёмухаммедов раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар ва ёш тадқиқотчилар хорижий таълим технологияларини ўрганиб, уларнинг асл мақсади, асосий тамойиллари ва амалга ошириш алгоритмини аниқлаб, педагогларимизнинг менталитетидан келиб чиққан ҳолда, республикамизга мослаштиришди.

Мамлакатимизнинг бир қатор олий ўқув юртларида, муваффақият билан амалиётда синаб кўрилди. 2011 йили “...йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмалар муаллифи” деган биринчи даражали диплом қўлга киритилди. Аммо миллий педагогик технологиямиз кенг ёйилмади. Сабабига эътибор қаратадиган бўлсак, **таълим технологияси** деганда, **ўқув материалларини аввалдан лойиҳалашдан иборат,** ўқитувчиларимизда эса лойиҳа тузиш кўникмасининг етарли шаклланмагани маълум. Шундан кейин таълим технологияси тамойиллари асосида ўқув машғулотини лойиҳасини тузишнинг ҳамма тушунадиган қилиб, **методикасини, яъни йўриқномаси** ишлаб чиқилди.

Бироқ ўқув муассаса раҳбарлари ва педагоглар юқоридан кўрсатма бўлмагунча бу педагогик технология ва методикадан фойдаланишга шошилаётгани йўқ. Уни амалга ошириш учун мутасадди шахслар, жумладан, собиқ иттифоқ педагогикаси билан суяги қотган олимлар ҳам бу масала устида бош қотиришни истамаяпти. Бу ўта зарур ишга лоқайдлик билан қараб, баъзида қаршилик ҳам қилишмоқда.

Инновация ва олий таълим вазирлиги, унинг тассарруфидаги муассасаларда хизмат қилаётганлар, миллий педагогик технология ва уни амалга ошириш методикасини амалиётга қўллашга ёрдам беришса, ўқув жараёнининг самарадорлиги бир неча баробар ошар эди. Айниқса, унда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг ўрни бекиёс.

Ривожланган хорижий мамлакатларда педагогик технологиядан фойдаланиб, талабаларнинг ўзлаштириш даражаси 95 фоизга етказилган. Шундай натижага эришишимиз учун миллий педагогик технология ва уни амалиётда қўллаш методикасини ҳаётга татбиқ қилишимиз зарур. Бунинг учун таълим-тарбия тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётганларнинг хоҳиши керак.

Узлуксиз таълим-тарбия тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш учун миллий педагогик технология тамойиллари ва уни амалга ошириш алгоритми асосида ўқув машғулоти лойиҳасини яратиш лозим. Бу уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич. Тармоқ малака қолиплари, унинг асосида ишлаб чиқиладиган касб стандарлари ҳамда уларга мослаштириладиган таълим соҳалари давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари малака талабларида белгиланган билимларни, қайтадан таҳлил қилиб, муайян фандаги янгиликларни киритиб, **умумсистемалар назариясига** биноан, иерархия поғоналардан иборат муайян фанни катта, ўрта ва кичик модулларга бўлиб, бу модулларни мақсадларини аниқлаб, ўқув дастурни шу асосда қайта ишлаш.

Иккинчи босқич. Ҳар бир машғулоти лойиҳасини, янги ўқув дастури асосида 3 та жадвал тузиш. Жадвалларда ҳар бир ўқув машғулоти таркибидаги кичик модуллардан кутилган мақсад, уларга ажратилган вақт, педагог ва таҳсил олувчиларнинг бажарилиши лозим бўлган иш ҳаракатлари, таянч тушунчалар, улардан келиб чиқувчи назорат саволлари, ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технология билан дидактик материаллардан фойдаланади.

Учинчи босқич. Ўқув машғулотини тузилган 3 та жадвал асосида ўқув материали **сценарийсини** яратиш.

Мазкур таълим технологияси асосида ўқув машғулоти олиб борилганда, малакаси унча юқори бўлмаган педагог ҳам талабга

жавоб берадиган тарзда амалга оширади. Мана шу мулоҳазалар асосида таълим жараёни йўлга қўйилса, олий таълим тизимидаги ўқитиш жараёни, яқин келажакда дунёдаги энг пешқадам тизимга айланиши шубҳасиз. Бунинг учун бизда тарихан шаклланган маънавий захира, илмий потенциал ва ҳудудимизга мослаштирилган таълим технологияси ва миллий фазилатлар тизими мавжуд. Уни ишга туширсак бас.

**М. Тожиев, педагогика фанлари доктори,
профессор, Халқаро педагогика фанлар
академияси мухбир аъзоси
Г.Изетаева, п.ф.б.ф.д (PhD), докторант.**

ФОРСАЙТ – ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ КЕНГАЙТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Илм-фан, технология ва инновациялардаги ўзгариш суръати бугун жуда юқори, тезкор ва малакали мониторингни ўтказмасдан хўжалик фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш деярли мумкин эмас. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун нафақат чегара билими, технология, балки жуда узоқ келажакда ҳам қандай билимга эга бўлишни талаб қилади. Узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўллари аниқлаш, инновацион фаолиятни кенгайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш энг самарали восита ҳисобланади. Унинг ривожланиши нафақат мавжуд тенденцияларига асосланган ҳолда, балки истиқболда юзага келиши мумкин бўлган технологик ютуқларни ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли прогнозлаш усуллари “форсайт”ни қўллаш зарурати билан боғлиқ.

Форсайт – мазкур атама инглиз тилида (foresight – “келажакка назар” маъносини англатади. У инновацияни илгари суриш, стратегик баҳолашни фаоллаштириш ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича узоқ келажакка мўлжалланган фаолиятни назарда тутати.

Форсайт – таниқли олимлар соҳа мутахассислари гуруҳи раҳбарлик қиладиган, илмий-тадқиқотларнинг муайян соҳасида эришилган ютуқлари билан ажралиб турадиган, илмий-тадқиқот

муаммолари бўйича ютуқларга эришган, узоқ келажакка мўлжалланган ҳамкорликдаги ҳаракат координацияси (FOREN Guede).

Форсайт – ҳар бир соҳанинг келажagini тизимли тасаввур қилиш ва илмий башоратлаш ва инновацион ривожлантириш (Australian Center for Innovation).

